

УСМОНХОН АЛИМОВ

# СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

I-II

*Тўлдирилган қайта нашир*



Тошкент 2019

УЎК: 28-14

КБК: 86.38

А 50

“Сўраган эдингиз” рукни остида “Ислом нури” газетаси ва “Хидоят” журнали саҳифаларида сизни қизиқтирган саволларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов берган жавобларни халқимиз бир неча йиллардан бўён ўқиб-ўрганиб келмоқда.

Уибу китобда ақида, таҳорат, ғул, намоз ва бошқа ибодатларга доир масалалар юзасидан муҳим саволларга Имоми Абзам (раҳимаҳуллоҳ) асос соглан ҳанафий мазҳабининг мўътабар манбалари асосида тушунарли, қисқа ва аниқ жавоблар берилган.

**Алимов, Усмонхон**

Сўраган эдингиз I-II / У. Алимов; масъул муҳаррир Шайх Абдул-азиз Мансур; Ўзбекистон мусулмонлари идораси – Тошкент: “MOVAROUNNAHR”, 2019. – 384 б.

*Масъул муҳаррир:*  
**Шайх Абдулазиз МАНСУР**

*Таҳрир ҳайъати:*

Усмонхон Алимов, Шайх Абдулазиз Мансур, Мухаммад Шариф Жуман, Анвар Қори Турсун, Абдулҳамид Турсун, Абдул Жалил Хўжам, Исомиддин Алимов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишилари бўйича қўмитанинг 2019 йил 11 апрелдаги 1933-рақамли холосаси асосида нашрга тайёрланди.

ISBN 978-9943-12-416-5

© Усмонхон Алимов  
© «Movarounnahr», 2019.

بِسْمِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ تَفَرَّقُوا وَأَخْتَلَفُوا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ ﴿١٠﴾

«Хужжатлар келгандан кейин ҳам бўлиниб, ўзаро ихтилофга берилган кимсаларга ўхшамангиз!» (Оли Имрон, 105).

### СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Дунё синов ва имтиҳонлардан иборат. Буни билган ҳар бир мўмин банда ҳаётнинг мاشаққатлари олдида эсанкирамайди, ўзини йўқотмайди, дунёнинг арзимаган матоҳлари деб бошқалар билан талашиб-тортишмайди, ношаръий ишларга қўл урмайди. Чунки дунё матоҳлари, бойлик, ҳирсу ҳавас барча-барчаси ўткинчиdir.

Нафси ҳаво кўп заарли иллатлар эшигини очиб беради. Унга берилган кишилар тажовузкор бўлишади, уларнинг ҳаёти аянчли якун топади. Бугунги халқлар-аро низолар, террорчилик, ақидапараст бузгунчи оқимларнинг пайдо бўлиши ва “оммавий маданият” таъсирида ёшларнинг турли таҳдидлар остида қолиши ҳамда айрим қора кучлар томонидан дунёни ўзаро бўлишиб олишга бўлган уринишларга ҳам нафс балоси сабабдир. Каъб ибн Молик (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Инсоннинг бойлик ва шон-шуҳратга бўлган ҳирси (яъни, ўчлиги) унинг динини бузишда қўйлар ичига қўйиб юборилган иккита оч бўридан ҳам ёмонроқдир” (*Имом Термизий ва Имом Аҳмад ривояти*).

Бугун интернет тармоқлари ичра кезаётган ётғоялар омманинг фикрига таъсир этмасдан қолмаяпти. Кўринмас қўлларнинг маккорона ҳийласидан халқимизни, айниқса, ёшларни огоҳ этиш ҳар бир юртдошимиз зиммасидаги муҳим вазифадир. Бу борада

мутасадди соҳа ходимлари томонидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Муҳтарам Юртбошимиз кўрсатмалари асосида жойларда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимида ҳам муҳим қадамлар ташланди. Ўз вақтида адашган кимсаларнинг иддаоларига қарши раддиялар берилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво ҳайъати, Уламолар кенгаши тавсияси билан халқимизнинг эътиқодини тӯғрилашига ёрдам берадиган қатор асарлар чоп этилди. Абу Шакур Муҳаммад Кешийнинг “Ат-тамҳид фи баёнит тавхид”, муфтий Усмонхон Алимовнинг “Оилада фарзанд тарбияси, “Ислом маърифати – эзгулик йўли”, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, исломшунос олим Айдарбек Тулеповнинг “Ислом ва ақидапараст оқимлар”, “ИШИД фитнаси”, “Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя”, шунингдек, “Хизбут таҳрир” фитнасидан огоҳлантириш” каби қатор китоблар шулар жумласидандир.

Муфтий ҳазратларининг саволларга қисқа, лўнда ва ҳанафий мазҳабидаги муҳим манбалар асосида берган жавоблари жамланган ушбу тўплам ҳам халқимиз орасида турли диний-ижтимоий муаммоларнинг олди олинишида муҳим қўлланма бўлишига ишончимиз комил. Юртбошимиз таъкидлаганлариdek, ўқиган, ўрганган миллатнинг келажаги юксакдир. Чунки илм ўз соҳибини ташлаб қўймайди, уни ҳақ йўлга бошлайди. Дунёга ҳирс қўйиш эса бандани Аллоҳдан, У зотнинг раҳматидан узоқлаштиради. Юқорида келтирилган ҳадиси шарифда таъкидланганидек, имоннинг энг ашаддий душмани айнан ҳирс, очқўзлик ва шаҳватпарастлик саналади. Нафс қутқуси банданинг имонига, худди оч бўрилар ювош қўйларни аёвсиз бўғизлаганлариdek, талафот етказади.

Ўз ҳирси ва ҳой-ҳаваси билан овора бўлган бандада ибодатларини хушуъ-хузуъ билан эмас, аксинча па-

ла-партиш бажариб, яна нафси истаган бирор нарса билан машғул бўлгиси келаверади.

Ушбу тўпламда сизни қизиқтирган ақида, намоз, таҳорат, рўза, ҳаж ва бошқа кўплаб масалаларнинг баёни, саволларга далиллар асосидаги жавоблар мавзулар бўйича тартибланиб, жамланди.

Бандани икки дунёда ҳам нажот топишининг ягона чораси китоб ўқишига иштиёқ, илмга бўлган муҳаббатдир. Алҳамдулилах, юртимизда илм олиш учун шартшароитлар етарли. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Олим бўл, ё илм толиби бўл, ё илм эшитувчи бўл, ё илмлиларни яхши қўрувчи бўл, аммо бешинчиси бўлмагин, унда ҳалок бўласан”, деганлар. Ҳақиқатан, олим ва илм толибларини ёмон қўрган киши икки дунёда ҳам рўшнолик кўрмайди. Уламоларни ҳурматлаш, сўзларига кулоқ тутиб, унга амал қилган киши дунё ва охират саодатига эришади.





**СҮРАГАН  
ЭДИНГИЗ**

|



**АҚИДА  
МАСАЛАЛАРИ**





**1. Савол:** Араб тилини яхши билган киши Куръондан ўзича ҳукм чиқарса бўладими?

**Жавоб:** Йўқ. Куръон ва ҳадисга маъно бериш ва ундан ҳукм чиқариш учун киши бир қанча илмларни билиши шарт. Жумладан, биринчи навбатда араб грамматикасини (нахв, сарф), Куръон ва ҳадис илмини, оятларнинг нозил бўлиш сабабларини билмоғи, носих-мансух, мутлақ ва муқайяд, ом ва хос оятларни билиши лозим. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Куръонни ўзича тафсир қилса, дўзахдан ўзига жой тайёрласин”, деганлар.



**2. Савол:** Мажусийлар ҳам аҳли китобданми, илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Шариатда Аллоҳ таоло ва Унинг китобларидан баъзиларига ишониб, амал қилганлар “аҳли китоблар” дейилади. Яъни, яҳудий ва насронийлар аҳли китобдир. Яҳудийлар Тавротга, насроролар эса Инжилга амал қилишади.

Мажусийлар аҳли китоб ҳисобланмайди. Улар оташпараст, бутпараст, санампараст кимсалардир. Яъни, улар олов, Қуёш, Ой каби нарсаларга сифинишади ва баъзи бир ҳайвонларни илоҳ дейишади. Жаъфар ибн Мұхаммад (розияллоҳу анҳу) айтади: «Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) саҳобаларнинг олдиларидан ўтаётгандарида, улар орасидаги Абдураҳмон ибн Авф (розияллоҳу анҳу) бундай деди: “Мана бу қавмлар билан (яъни мажусийлар билан) нима қилишни билмай турибман, булар араблардан ҳам, аҳли китоблардан ҳам эмасдир”».



**3. Савол:** Ассалому алайкум Муфтий ҳазратлари, “Барзах” ҳаёти нима? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** “Барзах” сўзи луғатда икки нарсанинг ораси деганидир. Шариат истилоҳида эса инсон вафот этганидан сўнг то қиёматгача бўлган вақтини “барзах” ҳаёти дейилади.

Инсон қабрга қўйилганидан сўнг икки фаришта – Мункар ва Накир Аллоҳ ва Унинг расули, дини ҳақида сўраши, шундан кейин қабрда роҳат ёки азобнинг бўлиши ҳақдир (“Фиқҳул Акбар”).



**4. Савол:** “Байна манзилатайн” нима дегани? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** “Байна манзилатайн” – “Икки манзилнинг ораси” деганидир. Бу калима Исломдаги илк ёт оқимлардан бири бўлган мўътазилийларнинг тушунчасидир. Уларга кўра, мўмин одам гуноҳ иш қилса, имонидан ажрайди, кофир ҳам бўлмай, имон ва куфр орасида қолади. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодида эса мўмин киши гуноҳ қилса, имондан айрилмайди. Балки гуноҳни ҳалол санаса, имонидан айрилади.



**5. Савол:** Жинлар таъсиридан қандай сақланиш мумкин?

**Жавоб:** Жинларни инсонлар кўра олмайди. Чунки улар жуда латиф ва тезда ўзгара олиш қобилиятига эгадир. Киши билмаган ҳолида қайноқ сув сепиб юбориб, бавл қилиб ва ҳоказо ишлар билан уларга озор етказганида жинлар унга зарар бериш билан интиқом олади.

Жинлардан сақланишининг йўли эҳтиёткорликдир. Улар кўпинча шомдан кейин, яъни қоронги тушаётган

маҳалда чиқишиади, нажосат, ахлатхоналарда озиқланади. Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласи: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: «Хуфтонда идишларнинг устини ёпиб, мешлар оғзини боғлаб, эшикларни тамбалаб ва болала-рингизни (уйда маҳкам) ушлаб ўтирингиз, чунки (шу вактда) жинлар атрофга тарқалишади...» (Ином Бухорий ривояти).



#### **6. Савол: Аввалги пайтда уламоларимиз томонидан қибла қандай аниқланган, шу ҳақида маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Бизнинг диёrimизда Шайх Абу Мансур Мотуридийнинг қибла тўғрисида берган фатвоси асос қилиб олинган. У зот шундай деган эканлар: “Ёзнинг энг узун кунида қуёш ботган жойни белгилаб қўй! Сўнгра қишининг энг қисқа куни қуёш ботган жойни ҳам аниқлаб, белгилаб қўй! Шу икки аломат ўртасидаги оралиқни учга бўлиб, ўнг томонингга икки ҳиссасини, чап томонингга бир ҳиссасини тақсимлаб, чап томондан энг биринчи ва иккинчи бўлаклар туташган чизиқقا юзлансанг, шу қибладир”.



#### **7. Савол: Ассалому алайкум муҳтарам Муфтий ҳазратлари! Бир ғайридин ҳам-касбим Исломни қабул қилмоқчи. У мусулмон бўлиши учун нима қилиши керак?**

**Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.**

**Жавоб:** Ғайридин мусулмон бўлиши учун шаҳодат калимасини айтиши, «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдӯху ва расулуҳу» дейиши керак. Бунга тил билан иқор бўлиб, уни қалби билан тасдиқлаши лозим. Имоннинг шартлари еттита: улар Аллоҳ таолога, фаришталарга, нозил қилинган Китобларга, Пайғамбарларга, қиёмат кунига, яхшилик

ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳдан эканига, қиёмат кунида қайта тирилишига қатъий ишонишидир.

Файридин кимса Исломни қабул қилгач, унинг ўтган барча гуноҳлари кечирилади. Аллоҳ таоло марҳамат қиласи:

﴿ إِلَّا مَنْ تَابَ وَأَمْرَكَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَدِيقًا فَأُولَئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ سِيَّئَاتِهِمْ حَسَنَتِهِمْ وَكَانَ اللَّهُ عَفُورًا حَمِيمًا ﴾  
٧٠

«Илло, кимки (шу дунёда) тавба қилса ва имон келтириб, яхши амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилик (савоб)-ларга айлантириб қўяр. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмали Зотдир» (Фурқон, 70).

Факиҳлар янги имон келтирган одамнинг ғусл қилиб олишини мустаҳаб дейишган.

Файридин Исломга кириб, мусулмон бўлганидан сўнг у намозни жамоат билан ўқиши, моли нисобга етса закот бериши, Рамазон рўзасини тутиши, агар йўлга қодир бўлса, ҳаж қилиши лозим бўлади.



### 8. Савол: Илтимос, Меъроҷ ҳақида тушунча берсангиз.

**Жавоб:** Қуръони каримда:

﴿ سُبْحَنَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيَلَّا مِنَ الْمَسَاجِدِ الْأَقْصَا الَّذِي بَرَّكَنَا حَوْلَهُ لِنُرِيَهُ مِنْ أَيْثِنَا إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ ﴾  
١

«(Ўз) бандаси (Мухаммадни), унга мўъжизала-римиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжиди Ҳаромдан (Куддусдаги) Биз атрофини баракотли қилган Масжиди Ақсога тунда сайр қилдирган зотга тасбех айтилур. Дарҳақиқат, У Самеъ (эшитувчи) ва Басир (кўрувчи) Зотдир» дейилган (Исро, 1).

“Исрө” сўзи кечаси юргизиш маъносини англатса, “меърож” сўзи юқорига кўтарилиш деганидир. Исрө ва Меърож воқеаси тарихда “Қайғу йили” деб номланган санада, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг амакилари Абу Толиб ва аёллари, мўминларнинг онаси Хадича (розияллоҳу анҳо) вафот этган йилда бўлган.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хуфтон намозидан сўнг Умму Ҳоний бинти Абу Толибнинг уйларида бўлганларида Исрө ҳодисаси содир бўлади.

Молик ибн Саъсаъа (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади:

«Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Мен Байтнинг олдида уйқу билан уйгоқлик орасида, икки кишининг ўртасида эдим. Менга бир жом келтирилди. У ҳикмат ва имонга тўла эди. Сўнгра томоқнинг пастидан қориннинг пастигача ёрилди. Кейин қорин Замзам суви ила ювилди ва ҳикмату имонга тўлдирилди. Менга хачирдан кичикроқ, эшакдан каттароқ оқ улов – Буроқ келтирилди. Жаброил ила жўнаб кетдик. Дунё осмонига етиб бордик. Биринчи осмонда Одам (алайҳиссалом) кутиб олди. Иккинчи осмонда Исо ва Яҳё (алайҳимуссалом) кутиб олишди. Учинчи осмонда Юсуф (алайҳиссалом) кутиб олдилар. Тўртинчи осмонда Идрис (алайҳиссалом) кутиб олдилар. Бешинчи осмонда Ҳорун (алайҳиссалом) кутиб олдилар. Олтинчи осмонда Мусо (алайҳиссалом) кутиб олдилар. Еттинчи осмонда Иброҳим (алайҳиссалом) кутиб олдилар.

Менга Байтул Маъмур кўрсатилди. У ҳақда Жаброил (алайҳиссалом)дан сўрадим. У: “Бу Байтул Маъмурдир. Ҳар куни унда етмиш минг фаришта намоз ўқийди. Уларнинг охири кўринмас”, деди. Менга Сидратул Мунтаҳо кўрсатилди. Унинг остида тўрт дарё бор. Икки дарё ички, икки дарё эса ташқи. Жаброилдан сўрадим.

У: “Икки ботини жаннатдир. Икки зоҳири Нил билан Фуротдир”, деди.

Сўнгра мени юқорига қаламларнинг шитирлашини эшитсам бўладиган жойга олиб чиқилди. Кейин менга эллик вақт намоз фарз қилинди. Юриб Мусога етишдим. У: “Нима қилдинг?” деди. “Менга кунига эллик намоз фарз қилинди”, дедим.

У: «Мен сендан кўра одамларни яхшироқ биламан. Бани Исроилни жуда кўп муолажа қилганман. Умматинг тоқат қилолмайди. Раббингдан енгилликни сўра», деди.

Мен сўрадим. Қирқта қилди. Кейин яна шунга ўхашаш бўлди. Сўнгра ўттизта бўлди. Кейин яна шунга ўхашаш бўлди. Сўнгра йигирмата бўлди. Кейин яна шунга ўхашаш бўлди. Сўнгра ўнта бўлди. Кейин Мусога келдим. У яна аввалгига ўхашаш гап айтди. У зот бешта қилди. Кейин Мусога келдим. У: “Нима қилдинг?” деди.

«Уни бешта қилди», дедим. У яна аввалгига ўхашаш гап айтди. Мен: «Хайрли нарсага таслим бўлдим», дедим. Шунда: «Мен фарзимни жорий қилдим. Бандаларимга енгил қилдим. Бир яхшиликнинг мукофотини ўн қилиб берурман», деб нидо қилинди.

Муҳаммад (соллалоҳу алайҳи ва саллам)нинг уммати нақадар баҳтли инсонлар эканини, уларнинг беш вақт намоз ўқиши билан эллик вақт намознинг савобини қўлга киритишини мана шу ривоят қилинган ҳадисдан ҳам билиб олсак бўлади. Шундай экан, улкан имкониятдан бебаҳра қолмайлик, азизлар!



**9. Савол:** Баъзи гарб журналларида фалон вақтда қиёмат қоим бўлар экан, деган хабарлар тарқалмоқда. Қиёмат ва унинг аломатлари ҳақида маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Қуръони каримда бундай дейилади:

﴿ يَسْأَلُونَكَ عَنِ السَّاعَةِ أَيَّانَ مُرْسَنَهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ رَبِّي لَا يُجَلِّيهَا لِوْقَنَهَا إِلَّا هُوَ ﴾

«Сиздан (эй Мухаммад!) қиёмат ҳақида, унинг қачон қоим бўлишини сўрашади. Айтинг: «Унинг илми Рabbим ҳузуридадир. Унинг вақти (келгани)-да уни Ўзи билдиради...» (Аҳроф, 187).

﴿ يَسْأَلُكَ النَّاسُ عَنِ السَّاعَةِ قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ اللَّهِ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّ السَّاعَةَ تَكُونُ قَرِيبًا ﴾



«Одамлар Сиздан қиёмат (қачон бўлиши) ҳақида сўрайдилар. «У ҳақдаги маълумот фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир», – деб айтинг! Қаердан билурсиз, эҳтимол, қиёмат яқинда бўлар» (Аҳзоб, 63).

Қиёмат қачон бўлишини инсон зоти билмайди. Уни биламан, қиёмат мана шу вақтда содир бўлади, дейиш куфрдир. Қиёмат яқинлашганини билдирувчи аломатлар ҳадисларда баён этилган. Дажжолнинг чиқиши, Исо (алайхиссалом)нинг тушиши, Ер ҳайвони – Даббатул Арз, Яъжуҷ ва Маъжуҷ чиқиши қиёматнинг катта аломатларидир. Яна илмнинг кўтарилиши, жаҳолатнинг ортиб кетиши, зинонинг ошкора тарқалмоғи, ароқ ичишнинг кўпайиши, аёлларнинг эркаклар сонидан ортиб кетиши, масжидлар сони кўп, намозхони оз бўлиши, масжидларнинг ҳаддан ташқари зийнатланиши, фарзандлар ота-оналарига иш буюра бошлашлари кабилар қиёмат аломатларидандир.



**10. Савол:** Мунажжимлар туғилган ой, кун башоратига, фолбинлар сўзига ишонган киши гуноҳкор бўлмайдими? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Мунажжимлар ғайбни билишни даъво қилишади. Ғайб илми фақат Аллоҳ таолога хосдир:

﴿عَلِمُ الْغَيْبِ فَلَا يُظْهِرُ عَلَىٰ غَيْرِهِ أَحَدًا﴾

«(У) ғайбни билувчиидир. Бас, Ўз ғайбидан бирор кимсани хабардор қилмас» (Жин, 26).

Ҳадиси шарифда: «Кимки башоратчи ёки фолбиннинг олдига борса ва у айтган нарсани тасдиқласа, шубҳасиз, у Мұхаммад (алайхиссалом)га тушган нарсага куфр келтирибди», дейилган (Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривоятлари).



**11. Савол:** Фол қўрувчилар жинлар билан ишлайдими?

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Фолбинларнинг баъзида ҳақ гапни айтиб қолишларининг сабаби шуки, жин гапларни ўғринча олиб, фолбиннинг қулоғига қуяди. Фол қўрувчи унга юзта ёлғон аралаштириб гапиради», деганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Фолбинларнинг гапларига ишониш куфрдир (Аллоҳ асрасин).



**12. Савол:** Турли диндаги эркак ва аёлдан туғилган фарзандлар қайси динда бўлади?

**Жавоб:** Мусулмон аёл бошқа диндаги киши билан турмуш қуриши мумкин эмас. Мусулмон киши насроний ёки яхудий динида бўлган, иффатли, иболи аёлга уйланиши мумкин. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай дейилган:

﴿ وَالْمُحْصَنَتُ مِنَ الْمُؤْمَنَتِ وَالْمُحْصَنَتُ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ مِنْ قَبْلِكُمْ إِذَا آتَيْتُمُوهُنَّ أُجُورَهُنَّ مُحْصِنَاتٍ غَيْرَ مُسْفِحَاتٍ وَلَا مُتَّخِذَاتٍ أَخْدَانٍ ﴾

«Зинокорлик ва махфий ўйнаш қилиб олмаган ҳолда маҳрларини бериб, мўмина аёлларнинг иффатлиларига ва сизлардан олдин Китоб берилганларнинг иффатли аёлларига (уйлансангиз ҳалолдир)...» (Moida, 5). Улар кўрган фарзанд Ислом динида бўлади.



### **13. Савол: Баъзилар қабр атрофида айланниб, марҳумдан мадад сўрайди. Қабрни зиёрат қилиш одоби қандай?**

**Жавоб:** Қабрларни зиёрат қилиш жоиздир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қабрларни зиёрат қилишдан сизларни қайтарган эдим. Энди қабрларни зиёрат қиласеринглар! Чунки у охиратни эслатади», деганлар. Бу саҳих ҳадисдир. Қабр зиёрати ўйин-кулги учун, одамларга кўшилиб бориб, кўриб келиш, томоша қилиш учун бўлмаслиги керак. Инсон қабрларда ётганлардан ибрат олиши, ўзининг ҳам у ерга келишини ўйлаши, охиратининг обод бўлишини, қабрдаги сўроқ-саволларни, унга берилиши керак бўлган жавобларни ўйлаши, ўзидан кейинда қолганлар уни нима деб, қандай одам деб эслашларини тасаввур қилиши даркор. Қабристонга келганда дунёда парҳезгар бўлишини, ҳалолдан ризқланишини, қилган гуноҳларига, ёмонликларига пушаймон бўлиб, тавба ва истиғфорлар қилиши лозим.

Қабрларнинг зиёратига борганда таҳоратли бўлиш мустаҳабдир. Аслида мўмин-мусулмон ҳамма вақт таҳоратли юриши афзал.

Қабристонга кириб келганда, умумий қилиб қабристонда ётган мусулмонларга салом берилади. Зиёрат қилмоқчи бўлган қабри олдига келганда, унинг қиблла тарафига ўтиб, орқани қиблага, юзни эса қабр томонга

қаратиб, қабр аҳлига салом берилади. Бу Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам)дан қолган мұйтабар одатдир. Жумладан, у зоти шариф борғанларида: «Ассалому алайкум, мұмин ва мұслимлар диёри аҳли! Биз Аллоҳ ҳоҳласа, сизларга құшыламиз. Аллоҳдан ўзимизга ва сизларга оғият сұраймиз», деганлар. Кейин Қуръондан билған сура ёки оятларини ўқиб, қабристон аҳлига, ўзи зиёрат қилаёттан қабрдаги кимса рухониятига савобини бағищлайди.

Имом Байқаий ва Дайламийлар Ибн Аббос (розияллоху анхұ)дан ривоят қилишларича, Жаноби Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Қабрда ёттан майит бамисоли сувда ғарқ бўлиб кетаётган ва ёрдам сўраётган кишига ўхшайди, у ўз отаси, онаси, фарзанди, дўстидан ёрдам сўрайди. Агар улардан дуо етса, унга бутун дунё бойлигидан улуғроқ ҳадя етган бўлади. Тириклар дуоси сабабли қабр аҳлларига тоғлардек катта савоблар етади. Тирикларнинг майитларга қиласидиган ҳадяси улар ҳаққига истиғфор айтишдир», деганлар.

Қабр аҳли тириклиларида қандай эҳтиромга сазовор бўлган бўлсалар, ўлганларидан сўнг ҳам эҳтиром этилишга лойиқдирлар. Авлиёлар қабрлари олдида эҳтиром билан юриш, одоб билан гаплашиш лозим. Ойша онамиз (розияллоху анхұ) айтадилар: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) билан Абу Бакр Сиддиқ (розияллоху анхұ) хужрамга дағн қилингандаридан сўнг бирори хўжайиним, бирлари отам деб, уйда пайтимда тез-тез кириб зиёрат қилиб чиқаверар эдим. Аммо ҳазрат Умар (розияллоху анхұ) уларнинг ёнларига дағн қилинганидан сўнг кам кирадиган, кирсам-да, ҳижобим ва пардам билан кирадиган бўлдим».

Ўликлар ёрдам беришга қодир эмас. Улардан мадад ва ҳожатларини раво этишни сўраш ширкдир.

Зиёрат вақтида қабрларни ўпиш, уларни қучоқлаш, юзга суртиш каби амаллар макрухи таҳримий, яъни ҳаромга яқин макруҳ амал ҳисобланади. Қабр атрофини

айланиш эса мутлақо ҳаром. Қабрлар олдида чироқ ёки шамлар ёқиши, уларнинг ёнида қўйлар сўйиш, ҳар хил латталар боғлаш ҳам шаръян ҳаром ишлардир. Буни ҳалол санаш инсонни қуфрга олиб боради.



**14. Савол:** «Садақа қилинг, садақа – радди бало» деган иборани эшитган баъзи кишилар ҳар хил бало-офатлардан омонда бўлиш учун садақа қилади. Бу нарса ширк бўлиб қолмайдими, ёки юқоридаги ибора нотўғрими?

**Жавоб:** Йўқ. «Садақа – радди бало», дегани “Садақа балонинг қайтарилишига сабаб бўлади”, деганидир.

«Садақа – радди бало», деганда садақанинг ўзи балоларни қайтаради, деб тушунмаслик керак. Зоро, Аллоҳ таоло садақа сабабли ҳар хил балоларни даф қилади.

Кишини ёки нарсани ҳақиқатан балоларни қайтаради, дейиш ширкдир.



**15. Савол:** Айрим кекса ёки узоқ хаста ётган кишилар ўзларига ўлим сўраб зорланади. Бу эътиқодимизга зид эмасми?

**Жавоб:** Динимизда қарилик ёки баъзи бир оғир касалликлардан қочиб, ўзига-ўзи ўлим тилашдан қайтарилган.

Ҳадиси шарифда: «Сизларнинг ҳеч қайсиларингиз ўзига-ўзи ўлим тиламасин! Зоро, агар у аҳли солиҳ бўлса, умри узун бўлган сари солиҳ амаллари ҳам зиёда бўлаверади. Агар фосиқу фожир бўлса, ёши кексайган сари балки тавба-тазарру қилиб, истиғфор сўрар», дейилган.

Умрининг охирги кунларида ёки оғир бетобликда ётганида тавба-тазарруни кўпроқ қилиш ва шу билан бирга Аллоҳнинг раҳмат ва мағфиратидан ноумид бўлмаслик лозим бўлади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни оғир бетоб ётган бир кишининг зиёратига бориб ундан: «Ўзингни қандай ҳис қиляпсан?», деб сўрадилар. У одам: «Парвардигоримнинг раҳмат ва мағфиратидан умид қилиб, гуноҳларимни ўйлаб, хавфу ташвиш қилмоқдаман», деди. Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Қайси бир мусулмон мана шундай ҳолатда, хавфу ражода бўлса, Аллоҳ таоло унга умид қилган нарсасини ато қилиб, паноҳ тилаган нарсасидан омонда қиласди», дедилар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадисларида: «Бешта нарсадан олдин бешта нарсанিғанимат бил: Ўлимингдан олдин тириклигингни, бетоблигингдан олдин саломатлигингни, бандлигингдан олдин бўш вақтингни, кексалигингдан олдин ёшлигингни, камбағаллигингдан олдин бойлигингни», деб марҳамат қилганлар.

# **ТАҲОРАТ ВА НАМОЗ МАСАЛАЛАРИ**





### **16. Савол: Намоздан сўнг нима деб дуо қилиш керак?**

**Жавоб:** Баро ибн Озиб (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади. Пайғамбаримиз (алайҳис-салом): «Эй Парвардигорим, мени, бандаларингни жамлайдиган, тирилтирадиган кунда азобингдан сақла!», деб дуо қилар эканлар (*Имом Муслим ривояти*). Муғира ибн Шуъба (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар намоздан сўнг: «Эй Аллоҳ! Сен ато қилган нарсани ман қилувчи йўқ. Сен ман қилган нарсани берувчи йўқ. Ҳаракат, гайрат ҳам, буюклиқ ҳам Сендандир!», деб дуо қилганлар (*Имом Бухорий, Аҳмад ва Муслим*).

Жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Муъоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу)га ҳар бир намоздан сўнг: «Аллоҳумма Рабби, аъинний ъала зикрика ва шукрика ва ҳусни ъибадатик», деб дуо қилишни ўргатганлар (*Имом Аҳмад, Абу Довуд ва Насоий ривоятлари*).



### **17. Савол: Намозга ният қилишда ракатлар ададини ҳам айтиш керакми?**

**Жавоб:** Намоз ниятида ракатлари сонини айтиш шарт эмас. Намознинг ўзини, қайси намозни ўқишини дилдан ўтказиш кифоядир. Зоро, ният дилда бўлади.



### **18. Савол: Бугунги кунда масжидларимизда намозхонлар ҳар хил шаклда намоз ўқишишмоқда. Ҳар ким ўз ихтиёри билан хоҳлаган мазҳабига эргашиши мумкинми?**

**Жавоб:** Мутааххир (кейинги) уламолар мусулмонларни муайян бир мазҳабга эргашишлари вожиб, деганлар. Чунки ҳар бир мусулмон ўзи тўғридан-тўғри Куръон ва

ҳадисдан ҳукмларни олиш имкониятига эга эмас. Ва яна ҳар ким ўзи билганича амал қиласидиган бўлса, омма ўртасида турли ихтилоф ва низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Мана шундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш, жамият барқарорлигини сақлаб қолиш мақсадида уламолар мусулмонларни муайян бир мазҳабга эргашибларини вожиб деганлар.



**19. Савол:** Ой-куни тўлмай тушиб қолган болага жаноза намози ўқиладими?

**Жавоб:** Агар бола тирик туғилса ёки унга далолат қилувчи аломат (масалан, қимирласа, йиғласа) бўлса, унга исм қўйилади, ювилиб кафанланади ва жаноза ўқиб кўмилади. Аммо ўлик туғилса, унга жаноза ўқилмайди, исм қўйилиб, ювиб, матога ўраб дафн қилинади.



**20. Савол:** Боши билан имо-ишора қилиб ҳам намоз ўқий олмаган киши соғайгач, ўқимаган намозларининг қазосини ўтайдими?

**Жавоб:** Боши билан имо-ишора қилиб ҳам намоз ўқишга қодир бўлмаган киши кўзлари ёки қошлари билан имо-ишора қилиб намоз ўқимайди. Соғайгач ёки касали енгиллагач, қаралади, агар бир кечаю кундуздан ортиқ намоз ўқий олмаган бўлса, қазосини ўқимайди. Агар ундан кам бўлса, қазосини ўтайди.



**21. Савол:** Мен ғусл қилаётганда исроф қилмаслик мақсадида жуда кам сув ишлатаман, шу тўғрими?

**Жавоб:** Ғуслда сувни ортиқча исроф қилмаслик, шунингдек, жуда камайтириб юбормаслик, қиблага юзланмаслик суннат амаллардандир.



## **22. Савол: Саждаи сахв ҳақида маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Саждаи сахв намознинг бирор вожиб амали адашиб тарк этилганида қилинадиган икки саждадир. Саждаи сахв қилиш учун охирги қаъдада ташаҳхуддан сўнг (жамоат намозида) ўнг тарафга (ёлғиз ўқувчи икки тарафига) салом берилади ва икки сажда қилинади. Сўнг яна ташаҳхуд, салавот ва дуолар ўқилиб салом берилади.



## **23. Савол: Имомга иқтидо қилганда Фотиха ҳамда зам сурани ўқиш мумкин эмаслигини яхши биламиз. Лекин шу ҳақда келган далилларни билмаймиз. Илтимос, шу ҳақда ворид бўлган оят ва ҳадисларни зикр этсангиз.**

**Жавоб:** Куръони карим Аъроф сурасининг 204-оятида бундай буюрилган:

﴿ وَإِذَا قُرِئَ الْقُرْآنُ فَاسْتَمِعُوا لَهُ، وَأَنْصِتُو لَعَلَّكُمْ تُرَحَّمُونَ ﴾

**«Куръон ўқилганда уни тинглангиз ва сукут сақлангиз! Шояд (шунда) раҳм қилингайсиз!»**

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимнинг (намозда) имоми бўлса, имомнинг қироати унинг учун қироатдир”, деб марҳамат қилганлар.

Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, имом унга иқтидо қилиниши учун қўйилгандир. Агар (имом) такбир айтса, такбир айтинглар ва агар қироат қиласа, жим туринглар”, деганлар.



**24. Савол:** Ҳозирги пайтда кўпчилик масжидларда намоз ўқиётганларнинг олдидан бемалол ўтиб кетиш ёки орқасидаги кишининг намозни тутатишини кутмасдан туриб кетиш ҳоллари учрайди. Шариатимизда бу ҳақда нима дейилган?

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Агар одамлар намоз ўқиётганинг олдидан ўтиш қандай катта гуноҳ эканлигини билганларида эди, 40 (кун ёки 40 ой ёки 40 йил) бўлса ҳам кутар эдилар”, деб марҳамат қилган эканлар (*Муттрафақун алайҳ*). Пайғамбаримиз мазкур ҳадисларида 40 сонини тилга олганлар, холос. Уламолар эса 40 сонини 40 кун, 40 ой ёки 40 йил деб таъвил қилишган.

Пайғамбаримизнинг 40 лафзини ишлатишлари ушбу гуноҳнинг оғир эканлигига далолатdir ҳамда уни қиласидан одамлар учун етарли қайтариқдир.



**25. Савол:** Фусл қилаётганда эр хотинига, хотини эса эрига сув қуийб турса бўладими?

**Жавоб:** Маймуна (розияллоҳу анҳо)дан бундай ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни фусл қилаётганларида бегона кўздан пана қилиб сув қуийб турдим. Бир-икки марта қўлларини ювдилар. Кейин Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўнг қўлларига қуийлган сувни чапига олиб, истинжо қилдилар. Сўнгра қўлларини ерга ёки деворга ишқаб, ювиб ташладилар. Шундан кейин оғиз ва бурун чайқадилар, юз-қўлларини, бошларини ювдилар, кейин бутун баданларига сув қуийдилар. Охири четга чиқиб, оёқларини ювдилар. Артингани сочиқ узатсам, қўллари билан “керакмас”, деб ишора қилдилар, артинишни хоҳламадилар» (*Имом Бухорий ривояти*).

Ушбу ҳадисдан хотин эрига ғусл пайтида сув қуйиб туриши мумкинлиги келиб чиқади.



**26. Савол:** Оёқ остига тўшаладиган гилам ва намат устида намоз ўқиши, саждаи тиловат қилиш мумкинми?

**Жавоб:** Агар тоза, нажосат тегмаган бўлса, мумкин. Чунки жойнамоз нажосатдан пок бўлиши шарт.



**27. Савол:** Баъзи жаноза намозларида иштирок этиб, қабристонда қабрларни босиб юрган кишиларни кўрамиз. Шу Ислом динида жоизми?

**Жавоб:** Йўқ, Ислом шариатида жоиз эмас. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласи: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деб марҳамат қилганлар: «Сизларнинг бирортангиз қабр устига ўтирганингиздан кўра бир чўғнинг устига ўтириб, кийимингизни кўйдирганингиз ва ўша кийим куйиб терингизга ёпишиб қолгани яхшироқдир» (*Имом Муслим ривояти*).

Шундай экан, қабрларнинг устига ўтириш гуноҳ ҳисобланади. Иложи борича бундай ишлардан эҳтиёт бўлмоқ лозим.



**28. Савол:** Фотиха сурасини ўқиб бўлгандан кейин «омин» дейилишининг сабаби нима?

**Жавоб:** Намозда Фотиха сурасидан кейин «Омин» дейиш суннатдир.

Пайғамбаримиз (соллаллаҳу алайҳи ва саллам)дан бу ҳақда бир қанча ҳадислар ривоят қилинган. Шулардан бирида: «Имом «...ғойрил мағзуби алайҳим валаззоооолийн» деса, сизлар «омин» деб айтинглар. Чунки сизлардан кимнинг омини фаришталарнинг

оминига тўғри келиб қолса, ўша одамнинг ўтмишдаги барча гуноҳлари кечирилади», дейилган.

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайх) “омин”ни хуфя айтишга Аъроф сурасининг 55-оятини, «Раббингизга зорланиб ва хуфёна (овозсиз) дуо қилингиз! Зеро, У (дуода ва бошқада) ҳаддан ошувларни ёқтиргай» оятини далил қилганлар. «Омин» калимаси дуоларимизни қабул қил, деганидир. Аллоҳ таоло ҳар қандай ҳолимизда ҳам эшитгувчи ва билгувчи Зотдир. Демакки, товушимизни баланд кўтаришимизга ҳожат йўқ.



**29. Савол:** Телевизорга қараб Байтул Ҳаромда ўқилаётган намозларга, жумладан, таровеҳ намозига иқтидо қилса бўладими?

**Жавоб:** Йўқ. Чунки у ҳолда жамоат шартлари мавжуд эмас.



**30. Савол:** Намозда ўқиладиган сура ва оятлар маъносини билишимиз шартми? Муфтий ҳазратлари, илтимос, шу масалани тушунтириб беринг.

**Жавоб:** Намоз ўқиётган одамнинг ўқиётган сура ва оятларнинг маъносини билиши шарт ёки фарз эмас.



**31. Савол:** Ассалому алайкум, ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Сизнинг Ислом дини йўлида олиб бораётган хайрли ишларингизга Аллоҳ таолодан куч-қувват ато этишини сўрайман. Сизга бир савол билан мурожаат қилмоқчиман. Намоз ҳали фарз бўлмаган бола Қуръони каримни таҳоратсиз ушласа бўладими?

**Жавобингиз** учун олдиндан раҳмат.

**Жавоб:** Баъзи уламолар, ёш болалар Қуръони каримни таҳоратсиз ушласа бўлади, дейишган. Шундай бўлса-

да улар Куръони каримни хурматлаш, эъзозлаш руҳида вояга етишлари учун уларга Қуръон одобларини, уни таҳоратсиз ушлаб бўлмаслигини, шунинг учун таҳорат билан ушлашлари лозимлигини ўргатиш зарур.



**32. Савол: Муаззин аzon айтадиган вақтда иш қилаётган одам ишларини тўхтатиб аzonни эшитиши керакми? Умуман, аzon айтилаётган вақтда киши нима қилиши керак?**

**Жавоб:** Аzon овозини эшиитган одам ишларини тўхтатиб, унга жавоб бериши керак. Унинг жавоби муаззиннинг айтган калималарини тақрорлаш билан бўлади. Агар масжидга бораётган бўлса, юришда давом этади. Аzon айтилаётганда бирон иш билан машғул бўлиш одобдан эмас. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деб буюрганлар: «Қачон муаззиннинг аzonи эшитилса, у нима деса, шуни айтинглар!» (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*). Аzonдан сўнг дуо қилинади. Зотан, аzon билан иқоматнинг ўртасида дуо ижобат бўлади.



**33. Савол: Таяммум қилиш қандай ҳолларда жоиз бўлади?**

**Жавоб:** Сувни ишлатиш баданга, аниқроғи, соғлиққа заарарли бўлганида;

- сувни таҳоратга ишлатилганида ичишга сув қолмайдиган бўлса;
- сувни одатдаги нархидан баланд баҳода сотиб олинадиган бўлса;
- сув тарафда душман ёки йиртқич ҳайвон бўлса;
- қудуқдаги сувни тортиб оладиган идиш бўлмаса, таяммум қилинади («Мухтасари Виқоя»).

Аллоҳ таоло марҳамат қиласи:

﴿وَإِن كُنْتُم مَرْضَى أَوْ عَلَى سَفَرٍ أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِنْكُم مِنَ الْعَابِطِ أَوْ لَمْسَتْهُ النِّسَاءَ فَلَم يَجِدُوا مَاءً فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيْبًا فَأَمْسَحُوا بُوْجُوهِهِمْ وَأَيْدِيهِمْ مِنْهُ﴾

«Агар бемор ёки сафарда бўлсангиз ёки сизлардан бирор киши ҳожатхонадан (чиқиб) келса, ёхуд хотинларингиз билан суркалишган (қовушган) бўлсангиз-у, (лекин) сув топмасангиз, пок тупроққа таяммум қилиб, ундан юзларингиз ва қўлларингизга суртинг!» (*Моуда*, 6).



**34. Савол:** Ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Мен ҳозир шаҳарда яшайман. Туғилиб, ўсган қишлоғимдаги уйимга борсам, мұқим ҳисобланаманми?

**Жавоб:** Киши ўз шаҳридан (қишлоғидан) кўчиб, бошқа бир шаҳарга (қишлоққа) бориб жойлашса, сўнг сафарга чиқиб, ўзининг олдинги яшаган жойига борса ва у ерда ўн беш кун ёки ундан кўп туришни ният қилмаса, мусофир ҳисобланади. Намозни қаср ўқи́ди (“Ҳидоя”).



**35. Савол:** Кўп йиллик намозларим қазосини ўқишим учун тартибга риоя қилишим керакми?

**Жавоб:** Йўқ. Қазо намозлар бир кунлик, яъни беш вақт намоз бўлса, ўшанда тартибга риоя қилинади. Агар, қазо намозлар олти вақтдан кўпайиб кетса, тартибга риоя қилинмайди (“Ҳидоя”).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва сахобалар Хандақ куни муҳораба сабабли уч вақт намоз – пешин, аср ва шом намозларини вақтида адо этишолмайди. Кечқурун Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Билол (розияллоҳу анху)га азон

айттириб, тартиб билан аввал пешин, кейин аср ва охирида шом намозларининг қазоларини ўқишган ва: «Мен намоз ўқиганим каби намоз ўқинглар», деганлар.

Қазо қилинган беш вақт намозларнинг орасида тартиб фарзdir (*Жомеъур Румуз*).

Агар ўтказиб юборган намозлар олти вақтдан ўтиб кетса, хоҳлаганидан бошлаб қазосини ўқиса бўлаверади (“Мухтасарул Виқоя”).



### **36. Савол: Пешин намозини ўқиб бўлган киши унинг фарзини имомга иқтидо қилиб, қайта ўқиса бўладими?**

**Жавоб:** Ҳа. Шунингдек, жамоат билан намоз ўқиладиган масжидда фарз намозни ёлғиз ўзи ўқиётган киши, у ўқиётган фарз намози жамоат билан ўқила бошлаганида, агар биринчи ракатга саждага бормаган бўлса, намозини бузиб, имомга иқтидо қиласди (“Мухтасарул Виқоя”).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Жамоат намозининг савоби ёлғиз ўқилган намоздан йигирма етти даража ортиқдир» (*Ином Бухорий ривояти*).

Тўрт ракатли фарз намозларда бир ракатини ўқиган бўлса, иккинчи ракатини ҳам ўқиб ташаҳҳуддан кейин салом бериб, имомга иқтидо қиласди. Агар уч ракатини ўқиб бўлган бўлса, намозини тугатиб, кейин имомга иқтидо қиласди. Бу тўрт ракатли намоз нафл ҳисобланади.

Агар бомдод намозининг фарзини бошлаб, биринчи ракатининг саждасини қилган бўлса, бомдод намозидан кейин нафл намоз ўқиши макруҳлиги сабабли бир салом билан намозини бузиб, имомга иқтидо қиласди.

Шунга ўҳшаш, шом намозида ҳам бир ракатини ўқиб бўлган бўлса ҳам, иккинчи ракатини ўқимасдан, салом бериб, имомга иқтидо қиласди.

Үқилаётган намоз аср бўлса, имомга нафл нияти билан иқтидо қилолмайди. Чунки аср намозини ўқигандан кейин нафл ўқиш макруҳдир.

Фарз намозини ўқиётган киши икки ракатини ўқиб бўлиб, учинчи ракатининг саждасига ҳануз бормаган бўлса, жамоат намози учун такбир айтилса, тик туриб ёки ўтириб салом бериб, имомга иқтидо қиласди. Ўқилган икки ракат нафл ўрнига ўтади.

Лекин бошлаган намози суннат (нафл) бўлса, уни тутатиб, сўнг имомга иқтидо қиласди.



### **37. Савол: Маҳсига масҳ тортиш ҳақида маълумот берсангиз?**

**Жавоб:** Маҳси таҳорат олингандан сўнг кийилган бўлса, кейинги таҳоратда унга масҳ қилиш мумкин.

Муғийра ибн Шўъба айтади: «Мен бир кеча Расуллурроҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан сафарда эдим. Таҳоратларига идишдан сув қуиб бердим. Расуллурроҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзларини, икки билакларини ювдилар, бошларининг тўртдан бирига масҳ тортдилар, кейин мен маҳсиларини ечишда ёрдам бераман, деб уринган эдим, у киши: “Қўявер, мен маҳсимни таҳорат олиб кийганман”, дедилар ва маҳсиларига масҳ тортдилар» (*Имом Аҳмад, Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

Масҳ маҳсининг устига тортилади. Муғийра (розияллоҳу анҳу) айтади: «Мен Расуллурроҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсиларининг устига масҳ тортганларини кўрганман» (*Имом Аҳмад ва Термизий ривояти*).

Али (розияллоҳу анҳу) айтади: «Агар дин раъй билан бўлганида эди, оёқ кийимининг устига эмас, остига масҳ қилиш авлороқ бўларди. Мен Расуллурроҳ (соллаллоҳу

алайҳи ва саллам)нинг маҳсиларининг устига масҳ, тортганларини кўрган эдим» (*Абу Довуд ривояти*).

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): «Маҳсига масҳ, тортиш муддати мусофири учун уч кеча-кундуз, муқимга эса бир кеча-кундуздир», деганлар (*Имом Аҳмад ва Имом Муслим ривоятлари*).

Маҳсига қилинган масҳни тўрт нарса бекор қиласди:

1) муддатнинг тугаши;

2) жунуб бўлиш;

3) маҳсининг ечилиб кетиши, яъни товоннинг чиқиб кетиши;

4) оёқнинг кичик уч бармоғи кўринадиган тешик.

Бундай ҳолатларда маҳсини ечиб, оёқни ювиш лозим бўлади.



### **38. Савол: Витр намозидан кейин қазо намозларни ўқиса бўладими?**

**Жавоб:** Ҳа. Витр намозини ўқиганидан сўнг қазо ёки нафл намозлар ўқилаверади.



### **39. Савол: Витр вожиб намозидан кейин таҳажжуд ва бошқа намозларни ўқиса бўладими?**

**Жавоб:** Таҳажжуд намози кечада, бир ухлаб турилгандан сўнг ўқиладиган намоздир.

Имом Дорақутний Умму Салама онамиз (рози-яллоҳу анҳо)дан сахиҳ иснод билан қилган ривоятида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг витрдан сўнг икки ракат нафл намозни енгил ўқиб олиш одатлари бўлганлиги айтилади.

Ўтган солих ота-боболаримиз витрни ухлашларидан олдин ўқиб олишиб, кейин бир ухлаб туриб, таҳажжудни ўқиганлар.



#### **40. Савол: Аёллар руку ва саждани қандай қилишади?**

**Жавоб:** Аёллар саждада қоринларини сонларига, болдирлари ва билакларини ерга теккизиб, билакларини қўлтиқларига ёпишириб сажда қиласди. Аёллар саждада қадамларини тикка қилмай, уларни жуфтлаб, ўнг тарафларидан чиқариб, оёқ бармоқларини иложи борича қиблага қаратишиади (“Хидоя”).

Аёллар руку учун салгина энгашади. Рукуда қўл бармоқларини жуфтлаштириб, тиззаларига қўйишиади. Аёллар қаъдада ерга думбалари билан ўтирадилар. Оёқлари эса ўнг тарафдан чиқиб, бармоқлари қиблага қаратишиади («Раддул Мұхтор», «Баҳрур роиқ»).



#### **41. Савол: Имомга иқтидо қилган одам имом адашиб кетганида унга луқма берса, имом унинг луқмасини олмаса, намоз бузиладими?**

**Жавоб:** Имомга иқтидо қилган одам ўз имомига луқма берса-ю, имом луқмани олмаса, имомнинг ҳам, луқма берганинг ҳам намози бузилмайди. «Мұхтасарул Виқоя»да ўз имомидан бошқага луқма бериш намозни бузиши, ўз имомига луқма бериш намозни бузмаслиги айтилади. Намозхон намоз ўқимаётган одамнинг луқмасини олса, унинг намози бузилади.

Иbn Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз (сөллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни намозда адашиб кетдилар. Ҳеч ким луқма бермади. Намоз тугаганидан сўнг у зот Убай ибн Каъб (розияллоҳу анҳу)га: “Биз билан намозда биргамидинг?” дедилар. Ундан тасдиқ жавобини олгач: “Унда сени (луқма беришдан) нима ман қилди?!?” дедилар» (Имом Абу Довуд).

Ҳазрат Анас (розияллоҳу анҳу): «Бизлар Расулуллоҳ (сөллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг даврларида ўз

имомларимизга луқма берар эдик», деди (*Имом Ҳоким ва Заҳабий ривояти*).

Бироқ намозхон жуда эҳтиёт бўлиши лозим. Имоми адашар-адашмас дарҳол луқма беравермаслик керак. Имом ҳам намознинг вожиби миқдорида қироат қилган бўлса ва сўнг адашиб қолса, оятлар давоми эсига келмай қолса, дарҳол рукуга кетиши зарур.



#### **42. Савол: Кўзи ожиз одам имомга ўтса бўладими?**

**Жавоб:** Кўзи ожиз одам, агар олим бўлса, унинг жаноза намози ҳам, бошқа намозларни ўқиб бериши ҳам жоиздир.

Фиқҳ китобларида кўзи ожиз одамнинг мукаммал таҳорат қилиши қийин кечгани сабабли унинг имом бўлмаслиги авто, дейилади. Бироқ ундан кўра бошқа имомликка лойиқ киши топилмаса, унинг имом бўлиши яхшидир. Чунки илмли одам кўзи ожиз бўлса ҳам, парҳезкор бўлади, одамларда шубҳа уйғотадиган ишлар қилмайди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинадан сафарга чиққанларида кўзи ожиз бўлса ҳам, Абдуллоҳ ибн Умми Мактум (розияллоҳу анҳу)ни ўз ўринларига қўйиб кетар эдилар. У саҳобаларга намоз ўқиб берарди (*Имом Абу Довуднинг Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривояти*).

Демак, кўзи ожиз одамнинг намози, агар у имомликка лойиқ ва муносиб бўлса, дурустдир.



#### **43. Савол: Яқинда шом намозидан кейин касал кўргани борган эдим. Яқинлари шомдан сўнг касал кўрилмайди, деб мени bemornining oldiga қўйишмади. Шутӯрими?**

**Жавоб:** Йўқ. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деди-

лар: “Ким кун ботганидан кейин касал кўргани борса, у билан бирга етмиш минг фаришта бирга боради ва тонг отгунча у учун истиғфор айтади. У жаннатда хурмо мевалари билан мукофотланади. Эрталаб касал кўргани борган киши билан ҳам етмиш минг фаришта бирга боради ва тонг отгунча унга истиғфор айтади ҳамда у жаннатда хурмо мевалари билан мукофотланади” (*Имом Абу Довуд ривояти*).



**44. Савол:** Махалламиздаги ўзига тўқ кишилар хайр-эҳсон қилишади, етимларга ва кам таъминланган оиласларга ёрдам қилишади. Кўплаб хайрли ишларда ҳомийлик қиласиллар. Аммо ўzlари намоз ўқишмайди, рўза тутишмайди. Уларнинг охирати қандай бўлади?

**Жавоб:** Мусулмон киши қандай солиҳ амал қилмасин, Аллоҳнинг ризосини топиш, савобга эришишни ният этса, Аллоҳ таоло унинг ниятига қараб савоб бераверади. Масалан, бир киши намоз ўқимаса-да, аммо хайру эҳсон, садақа қилиш билан Аллоҳдан савоб умид этса, намоз ўқимагани учун гуноҳкор бўлади, лекин хайру садақаси учун савоб олади. Бироқ шуни яхши билиш керакки, хайру эҳсонлар туфайли эришилган савоблар тарк қилинган намоз эвазига орттирилган гуноҳга каффорат бўлмайди. Балки ўқилмаган намозлар учун Аллоҳдан истиғфор сўраб, тавба қилиши ва бундан кейин бирор вақт ҳам намозни тарк қилмасдан ўқиши шарт. Дунё ҳаёти инсонга берилган имтиҳон муддати бўлиб, ҳеч ким умри қандай ҳолатда ниҳоясига етишини олдиндан билмайди. Шундай экан, инсон доимо тавба ва истиғфорда бардавом бўлиб, аввало, ўзи учун, қолаверса, бошқалар учун ҳам Аллоҳдан солиҳ амалларга муваффақ қилишини, ҳаёти дунёда фарз амалларни адо этишга муюссар айлашини дуо қилиб сўрамоғи лозим.



**45. Савол:** Китобларда ёзилишича, масжидларнинг ичларини безаклар билан безаш макруҳ дейилган. Лекин ҳозирги кунда масжидларни безаш урф бўлмоқда.

Буни қандай тушуниш мумкин?

**Жавоб:** Масжидларнинг безаги масжидга тушган маблағлардан сарфланса, макруҳ бўлиши ва унга мутавалли зомин бўлишини «Ҳидоя»да зикр қилинган. Чунки масжидга тушган маблағлар масжиднинг асосий ишларига, асосий биноларига ишлатилиши лозим. Аммо уни нақшлари учун бир ё бир неча одам ўз маблағларидан сарфлаши жоиз ва макруҳ бўлмайди.



**46. Савол:** Қачон ва қандай таяммум қилиш керак?

**Жавоб:** Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

﴿ وَإِن كُنْتُ مَرْضِيًّا أَوْ عَلَى سَفَرٍ أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِّنْكُمْ مِّنَ الْغَابِطِ أَوْ لَمْسَتْ الْنِّسَاءَ فَلَمْ يَجِدُوا مَاءً فَيَمْسُمُوا صَعِيدًا طِبِيبًا فَأَمْسَحُوا بِوُجُوهِهِنَّمُ وَأَيْدِيهِنَّمُ مِّنْهُ ﴾

«Агар bemор ёки сафарда бўлсангиз ёки сизлардан бирор киши ҳожатхонадан (чиқиб) келса, ёхуд хотинларингиз билан суркалишган (қовушган) бўлсангиз-у, (лекин) сув топмасангиз, пок тупроққа таяммум қилинг, ундан юзларингиз ва қўлларингизга суртинг!» (*Моида, 6*).

Таяммум – қасд қилишdir. Ният таяммумнинг фарзларидан биридир. Енгларни шимариб, кейин икки қўлни пок ерга (ёки унинг жинсидан бўлган нарсага) уриб, унга ёпишиб қолган чангларини қоқиш учун

қўллар бир-икки марта силталади. Сўнгра юзнинг таҳоратда ювилиши зарур бўлган қисмига суртилади. Сўнг қўлларни мазкур тарзда яна бир бор пок ерга уриб, ҳар икки қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқларидан бошқаларини алоҳида-алоҳида бирлаштиради.

Ўнг қўлнинг бирлаштирилган уч бармоғи орқасини чап қўлнинг шу ҳолдаги уч бармоғи ичига қўяди (бунда ўнг қўл бармоқ учлари сиртда қолмаслиги керак). Ва чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқларини теккизмай, чап қўл кафт ва бошқа бармоқлари или ўнг қўл тирсак ортигача масҳ (сийпаш) қилинади. Сўнг чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқ билан ўнг қўл билагининг масҳ қилинмаган қисмини теккизиб ўнг қўл бармоқлари учигача масҳ қиласди. Сўнгра худди шу тарзда чап қўлнинг уч бармоғи орқаси ўнг қўлнинг уч бармоғи ичига қўйилади ва ўнг қўл ҳам тирсаги билан мазкур тартибда масҳ қилинади.

Сув турган жойдан бир мил узоқликда бўлганда сув бўлса-да, ишлатиш соғлиққа заарли бўлганида, ё таҳоратга ишлатилганида ичишга сув қолмайдиган бўлса, сув бор жойда душман ёки йиртқич ҳайвон бўлса, сувни қудуқдан тортиб оладиган идиш бўлмаса, таяммум қилинади («Мухтасари Виқоя»).



#### **47. Савол: Маҳалладошимизнинг жанозасида бир киши: «Азадорларнинг хонадонида уч кун таом еб бўлмайди», деди. Шу тўғрими?**

**Жавоб:** Азадорларнинг уч кун давомида таом қилиб зиёфат шаклида одамларга беришлари макруҳдир. Бу қабих бидъатдир (*Ибнул Ҳумом. «Шарҳул Ҳидоя»*).

Ином Қуртубий (раҳматуллоҳи алайҳ) айтади: “Азадорларнинг биринчи ва еттинчи (каби маҳсус) кунларда таом тайёрлаб, одамларни даъват қилишлари жоҳилият

одатларидандир. Бу ҳол Исломда йўқдир. Бу даъватга биноан бориш макруҳдир. Зеро, бу иш мункарга ёрдам бериш ҳисобланади. Аллоҳ таоло бизларни мункарга ёрдам беришдан қайтарган» (*Баркавий*).

Майит чиқарилган кун ва сўнгги иккинчи, учинчи, еттинчи кунларида таом ҳозирлаш макруҳдир (*“Баззозия”*).

Марҳум хонадонида уч кун ичида таом бериш мумкин эмас (*“Хулоса”*). Лекин узоқдан келган қариндошлар ва азадор билан узоқ муддат бирга турувчилар учун қўшнилар таом тайёрлаб беришлари мумкин. Майит учун уч кун аза тутишнинг зарари йўқ. Аммо бунда маҳсус жойлар ва таомлар қилиш каби ман этилган нарсалар бўлмаслиги шарт (*Зайлазий*).

Мусибат кунлари зиёфат шаклида таом бериш макруҳдир. Зеро, бу иш ғам-ғусса кунларига муносиб эмас. Аммо меросхўрлар ичида сағир бўлмаса, таом тайёрлаб камбағалларнинг уйларига тарқатиш яхшидир (*“Фатовоий Қозихон”*).

Демак, аза кунлари ва маҳсус (3, 7, 40-) кунларда майит руҳига савоби етиши учун таом тайёрлаб, зиёфат бериш ношаръийдир.

Дунёдан ўтган киши сувга чўкаётган киши каби тез ёрдамга муҳтождир. У яқинлари ва дўстларидан мадад кутади. Ортда қолганларнинг марҳумга кўрсатадиган биринчи мададлари Аллоҳ таолога илтижо қилиб, уни қабр ва оташ азобидан асрарни сўраб дуо қилишларидир.

Садақа қилиш, таҳлил ва тасбех айтиш, Қуръони карим оятларини холисона ўқиш ва уларнинг савобини марҳум руҳониятига бағишлиш мумкин. Буларнинг савоби марҳум руҳониятига етади ва унга фойда беради (*“Раддул Муҳтор”*).



**ЗАКОТ, РЎЗА, ҲАЖ  
ВА УМРА МАСАЛАЛАРИ**





**48. Савол:** Киши ўзи ишлаб турган муассаса ёки бирор бир ташкилотдан келажакда ойлик маошидан секин-аста тўлаш шарти билан қарз олиб ҳажга бориши мумкинми?

**Жавоб:** Ҳаж ибодати қодир бўлган кишига фарз. Етарли маблағи бўлмаган кишига ҳаж фарз эмас.



**49. Савол:** Маълумки, ҳаж мавсумида тирбандлик сабабли эҳром бўлакларининг йиртилиш ҳоллари кўп бўлади. Ўша ҳолатда йиртилганларини ямаш жоизми ёки янгисига алмаштириш керакми?

**Жавоб:** Хоҳласа, тикиб олади, хоҳламаса, бошқасига алмаштиради, ҳар иккиси ҳам жоиз. Алҳамдуиллаҳ, шариатда бу масалада енгиллик бор. Шариатда ман қилинган нарса кўйлак ва шалвар кийишдир. Аммо эҳром бирор нарсага илиниб йиртилса ёки тешилса, уни ип билан чатиб ёки ямоқ солиб тикишнинг зарари йўқ.



**50. Савол:** Рамазон рўзасини тутишни бошлишда ва уни тугатишда тақвимга эътибор бериш кифоями ёки, албатта, ойни кўриш шартми?

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ойни кўриб рўза тутишни бошланглар, ойни кўриб рўза тутишни тугатинглар!” деганлар.

Демак, шариат кўрсатмасига биноан Рамазон рўзаси Рамазон ойи кўриниши билан бошланиб, шаввол ойи кўриниши билан тугайди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа бир ҳадисларида: «Бир ой гоҳида ўттиз кунлик, гоҳида йигирма тўққиз кунлик бўлади», деганлар.

Ҳадиснинг мазмунига қараганда, ой ҳар доим ҳам ўттиз кунлик бўлавермас экан. Шунинг учун

ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайхи ва саллам) Рамазоннинг бошланишида ва тугашида, албатта, ойни кўришни шарт қилганлар. Аммо бу дегани ҳар бир киши ўзи ойни кўрмагунча рўзани бошламасин ёки тугатмасин, дегани эмас.

Мълумки, ҳавода газ ва чанг-ғуборлар бўлгани сабабли кўпинча янги ойни биринчи кунида кўриш имкони бўлмайди. Агарда ҳар бир киши ўзича ойни кўриб, кейин рўза тутсин, дейилса, у ҳолда биринчи кун ойни кўра олмаган кишилар рўзани бир кун кейин тутади ва натижада бир кунлик рўзаси қазо бўлади. Бу эса мусулмонлар ўртасида ихтилоф чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ойни кўриш бўйича маҳсус идораларда шу соҳанинг мутахассислари иш олиб борадилар. Улар йил давомида ойнинг ҳаракатини кузатиб, шу асосда йиллик тақвимларни ишлаб чиқадилар. Рамазон рўзаси тақвими ҳам уларнинг холосасига кўра тайёрланади. Аммо шу билан кифояланиб қолмай, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимларидан бир гуруҳи мусулмонларнинг ибодатларини мукаммал бўлиши учун Тошкентдаги астрономия институтига бориб, ойнинг ҳолатини аниқ ўрганадилар ва Рамазон ойининг кириши олдидан радио ва телевидение орқали эълон қилишади.



**51. Савол:** Ўтмишда қолдирган рўзаларим учун фидя берсам бўладими?

**Жавоб:** Йўқ. Қари кишилар, яъни кундан-кун мадори кетаётган чол ёки кампир Рамазон рўзасининг ҳар бир куни учун фидя (бир мискинга икки кило буғдой ё унинг баҳосини) беради (“Хидоя”, “Фатовойи Хиндия”).

Сиз ўтмишда қолдирган рўзаларингизнинг ҳар бир куни учун қазосини тутиб берасиз.



**52. Савол:** Бу йил Рамазон ойи ёзниңг энг иссиқ кунларига түғри келмоқда. Мен иш тақозоси юзасидан баъзан кун бўйи кўчада юришимга түғри келади. Рўзани йилнинг салқин кунларида тутиб берсам бўладими?

**Жавоб:** Кудсий ҳадисда бундай дейилади: “Одам боласининг барча амали кўпайтирилади. Бир яхшилик ўн баробардан етти юз баробаргача кўпайтирилади”. Аллоҳ таоло айтади: “Фақат рўза ундей эмас, у Мен учун, унинг мукофотини Ўзим бераман...” (*Имом Бухорий ривояти*).

Шундай бўлгач, энг узун ёзниңг жазирама кунларида ҳам сабр билан нафсини тийиб рўза тутган бандалар Аллоҳ таолонинг раҳматига эришади.



**53. Савол:** Шаъбон ойининг охирида рўза тутиб кўшиб кетса бўладими?

**Жавоб:** Шаъбоннинг охирида рўза тутиб Рамазонга улаб кетишдан Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қайтарғанлар. Бу хусусда бир қанча ҳадислар келган.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласи: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Қачонки Шаъбоннинг ярми қолса, рўза тутманглар”» (*Термизий ривояти*).

Яна Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласи: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳеч ким эҳтиёт юзасидан Рамазондан бир ёки икки кун илгари рўза тутмасин, рўзани Рамазон ойи чиққанини кўриб, сўнг тутсин, аммо ҳафтанинг маълум кунлари доимо нафл рўза тутиб юрган одам рўзаси шак кунига түғри келиб қолса, у ҳолда тутаверсин”, деб айтганлар» (*Муттафақун алайҳ*).

Уламоларимиз юқоридаги ҳадисларни далил қилиб, Шаъбоннинг ярмидан кейин рўза тутишни макрух дейишади. Лекин бир киши душанба ва пайшанба кунларида рўза тутишни одат қилган бўлса ёки назр рўза ният қилган бўлиб, у Шаъбоннинг охирги кунларига тўғри келиб тутса, макрух эмас.



#### **54. Савол: Рамазонда қон олдириш мумкинми?**

**Жавоб:** Ҳа. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласи: «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рўздор ҳолларида қон олдирдилар» (*Имом Бухорий*).

Маъқал ибн Ясор (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ойнинг ўн еттисида, чоршанба куни қон олдириш бир йиллик касалликларга шифодир», дедилар (*Имом Ибн Можа*).



#### **55. Савол: Рўздор кишининг тоби қочса, унга укол қилиш мумкинми? Илтимос, шу тўғрида маълумот берсангиз. Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.**

**Жавоб:** Аллоҳ таоло бандалари зиммасига тоқатидан ортиқ нарсаларни юкламайди.

Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳазратлари танага бир нарса кириши билан рўза бузилади, деганлар. Шунинг учун рўздор укол олса рўзаси бузилади.

Агар ўта зарурат бўлмаса, уколни ифторлиқдан кейин ёки саҳарлиқдан олдин қилдириб олгани маъқул. Лекин рўза тутганида соғлиги ёмонлашгани туфайли укол олмаса, ҳаёти хавф остида бўлса, укол олиб, рўзасининг қазосини Рамазон тугаганидан кейин тутиб беради.

 **56. Савол:** Камбағал киши қурбонлик қилиш учун сотиб олган қўйи йўқолиб қолса, унинг ўрнига бошқа бир қурбонлик сотиб олиб сўйганидан сўнг йўқолган ҳайвон топилиб қолса, нима қиласди?

**Жавоб:** Камбағал кишининг қурбонлик учун сотиб олган қўйи йўқолиб қолгач, яна бошқа қўйни қурбонлик учун сотиб олса, сўнг олдинги қўйи топилиб қолса, икки қўйни ҳам қурбонликка сўйиши лозим бўлади (“Фатовойи Ҳиндия”).



**57. Савол:** Қайси кунлари нафл рўза тутиш макруҳ бўлади?

**Жавоб:** Ашуро кунида (Муҳаррам ойининг ўнинчи куни) тўққизинчи ё ўн биринчи кунини қўшмай, иккала ҳайит куни ва ташриқ кунлари (қурбон ҳайитидан кейинги уч кун), фақат жума куни, фақат шанба куни рўза тутиш макруҳ бўлади. Лекин кунора рўза тутишни одат қилиб олган кишилар учун у икки кунда нафл рўза тутиш макруҳ бўлмайди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ таолога энг севикли рўза Довуд (алайҳиссалом)нинг рўзасидир. Довуд (алайҳиссалом) бир кун рўза тутар, бир кун тутмас эдилар», деганлар (*Имом Термизий ривояти*).

Шунингдек, шак куни рўза тутиш ҳам макруҳдир.



**58. Савол:** Биз кўп қаватли уйда истиқомат қиласдик. Қурбон ҳайити кунларида ғайридин қўшниларимизга қурбонлик гўштидан берсак бўладими?

**Жавоб:** Ғайридин кишиларга қурбонлик гўшти ва нафл садақалардан бериш жоиз. Аллоҳ таоло бундай марҳамат килган:

﴿ لَا يَنْهَاكُمُ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ لَمْ يُقْتَلُوكُمْ فِي الدِّينِ وَلَا يُخْرِجُوكُمْ مِّن دِيْرِكُمْ أَن بَرُّوهُمْ وَقُصْسِطُوا إِلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ ﴾ ٨

«Дин тұғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларғаadolatli бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳadolatli кишиларни севар» (Мумтаҳана, 8).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ғуломига: «Қўчқорни сўйиб, яхудий қўшнига насиба бергин», деди. Бир соат вақт ўтгач, яна деди: «Эй ғулом, агар қўчқорни сўйсанг, яхудий қўшнимизга насиба бер». Ғулом деди: «Бу яхудий қўшни бизларга азият беради-ку!» Абдуллоҳ ибн Амр: «Сенга дард тегсин, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларга ҳамиша қўшни ҳақида васият қилаверганларидан бизлар қўшнини меросхўр бўлса керак, деган ўйга бориб қолганмиз», деди.



**59. Савол:** Ҳозирги кунда бозорларда, чорраҳаларда, масжидлар олдида ва зиёратгоҳларда турли ёшдаги эркак ва аёллар, ҳатто ёш болалар ўтган-кетганга қўлини чўзиб, тиланчилик қилаётганини кўп учратамиз. Уларга садақа ва закотларни бериш мумкинми?

**Жавоб:** Тиланчиларга садақа ва закотларни беришнинг жоиз ёки ножоизлиги улар эга бўлган мулкка кўра аниқланади. Баъзилар бой-бадавлат бўлганлари ҳолда, тиланчиликни ўзларига касб қилиб олган. Улар гарчи билакларида кучи бўлса-да, тиланчилик қилишни ташлай олмайди, чунки меҳнат қилиб, пешона тери билан тирикчилик қилишга кўникишмаган. Ундай кишиларга садақа бериш мумкин эмас. Шунингдек, тиланчиликни ўзига одат қилиб олган аёллар ва ёш болаларга ҳам садақа бериш жоиз эмас.

**ТУРЛИ ИЖТИМОЙ  
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР**





**60. Савол: “Макруҳ” нима дегани?**

**Жавоб:** Макруҳ “ёмон кўрилган” маъносидадир. Фиқҳий истилоҳда унга турлича таъриф берилган. Улардан бири бундай: Макруҳ – шундай амалки, уни қилмаган мақталади, қилган койилмайди. Ибодатларда макруҳ саналган амал қилинса, бузилмайди, лекин нуқсонли ва савоби кам бўлади.



**61. Савол: Ҳурматли Муфтий ҳазратлари, ҳижрий сана қачон ва ким томонидан жорий қилинган?**

**Жавоб:** Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) ҳижратдан 17 йил ўтгач, яъни 638 милодий йилда барча саҳобалар билан келишган ҳолда янги тақвимни жорий қиласидилар. Унинг биринчи йилини ҳижратдан белгилайдилар ва йил боши учун қамарий ҳисоб бўйича муҳаррам ойини тайин қиласидилар. Ҳижрат милодий йил ҳисоби билан 622 йил 20 сентябрда бўлган. Шундан бошлаб бу тақвим ҳижрий тақвим ёки ҳижрий сана деб юритилади.



**62. Савол: Ота-она, устоз, катта ёшли ва аҳли фазл кишиларнинг қўлини ўпишнинг хукми қандай?**

**Жавоб:** Албатта, ота-она, устоз, катта ёшли ва аҳли фазл кишиларнинг қўлларини ўпиш уларга нисбатан эҳтиром юзасидан амалга оширилади. Шундай экан, бу иш жоиз саналади.



**63. Савол: Илтимос, қарз олиш ва бериш ҳақида кенгроқ тушунча берсангиз.**

**Жавоб:** Қарз олиш ва бериш шариатимизда мубоҳ амаллардан ҳисобланади. Албатта,

инсон ҳаёти доимо бир текис давом этмайди. Баъзида ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлиб қолади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: “Ким бирорта мусулмонни дунё ташвишларининг биридан қутқазса, Аллоҳ таоло у банданинг қиёмат кунидаги битта ташвишидан қутқазади. Ким бирор кишининг оғирини енгил қиласа, Аллоҳ таоло унинг дунё ва охиратдаги ишини енгил қиласи”. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бир мусулмон киши бошқа бир мусулмонга қарз берса, садақа қилганлик савобини топади”, деганлар (*Имом Ибн Можа ривояти*). Бошқа бир ҳадисда эса: “Садақа қилган одамга ўнта савоб, қарз берган одамга ўн саккизта савоб бўлади”, дейилган (*Имом Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

Куръони каримда:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِيمَنُوا إِذَا تَدَاءَنْتُم بِدِينِكُمْ إِلَى أَجَلٍ مُسَمَّى فَأَكْتُبُوهُ﴾

«Эй имон келтирганлар! Бир-бирингиздан бирор муддатга қарз олиб, қарз берсангиз, уни ёзиб қўйингиз!..» дейилган (*Бақара, 282*).

Яна Аллоҳ таоло:

﴿وَأَسْتَشْهِدُوْا شَهِيدَيْنِ مِنْ رِجَالِكُمْ فَإِنْ لَمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأٌ تَكَانِ مِنْ تَرْضَوْنَ مِنَ الشُّهَدَاءِ أَنْ تَضِلَّ إِحْدَاهُمَا فَتُذَكَّرَ إِحْدَاهُمَا أَلْخَرُ﴾

«...Сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини гувоҳ қилинглар. Агар икки эркак топилмаса, бир эркак билан икки аёлдир – бири (унутиб) адашганда, иккинчиси эслатади», деб марҳамат қилган (*Бақара, 282*).

Қарз олинган вақтда уни ёзиб қўйиш ёки унга гувоҳлар чақириш кейинчалик қарз олди-берди қи-

лувчилар орасида тушунмовчиликлар, турли низолар чиқмаслигини таъминлайди.

Қарздор киши қарзини имкон қадар тезроқ узишга ҳаракат қилиши лозим. Қарзини узишга етадиган моли бўлатуриб, уни эгасига бермай вақтни ўtkазиб юриш зулмдир.

Қарз берганда, аввало, бирорнинг оғирини енгил қилиш билан Аллоҳнинг розилигини топишни мақсад қилиш лозим. Қарз бериб, унинг эвазига қарздордан фойда олиш судхўрликдир. Бундан ташқари, қарз берган киши қарзини қистайвермаслиги, иложи борича унга имконият бериши, вақтини узайтириб туриши лозим. Агар қарзини уза олишига умуман кўзи етмаса, қарзидан кечиб юборса, савоб бўлади. Аллоҳ таоло:

﴿ وَإِنْ كَانَ ذُو عُسْرَةٍ فَنَظِرْهُ إِلَىٰ مَيْسِرٍ وَأَنْ تَصَدَّقُوا خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴾

٦٨٠

«Агар (қарздор) қийналса, бойигунга қадар кутиш лозим. Агар билсангиз, (берган қарзингизни қарздорга) садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир», деб марҳамат қиласи (Бақара, 280).

Бу ҳақда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам: “Кимки қарзини узишга қийналган одамга муҳлат берса ёки қарзини бутунлай кечиб юборса, қиёмат кунида Аллоҳ таоло уни Ўзининг Арши соясига олади”, деганлар.



**64. Савол:** Инсон танасидаги ортиқча аъзосини (масалан, олтинчи бармоғини) жарроҳлик йўли билан олдириб ташласа бўладими?

**Жавоб:** Инсон кўринишини, аъзоларини чиройли ёки ёш кўриниш мақсадида ўзгартириши мумкин эмас. Ўзгартириш деганда, бирор соғлом аъзони олиб ташлаш ёки аксинча янги аъзо ўрнатиш тушунилади.

Аммо касаллангани туфайли мутахассислар томонидан инсон саломатлиги учун заарарли деб топилган аъзони олиб ташлашнинг зиёни йўқ. Юқоридаги масалага оид шаръий ҳукмлар ҳақида маълумотга эга бўлмаган ҳолда бирор аъзосини ўзгартирган кишилар билганларидан сўнг Аллоҳга тавба қилишлари ва ҳаётларининг кейинги даврида бундай ишга қўл урмасликка азм этишлари лозим. Албатта, Аллоҳ мағфиратли Зотdir.



**65. Савол: Ота-онамиз вафот этишган. Биз қандай амаллар қилсак, уларга савоби тегиб туради?**

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): «Инсон вафот этиши билан унинг амали тўхтайди, фақат уч томондан унга савоб бориб туради: садақаи жория, фойдали илм ва дуо қилиб турувчи солих фарзанд», деганлар. Демак, сизнинг дуонгиз ва солих амалларингизнинг савоби ота-онангизга тегади.



**66. Савол: Қабр устига қўйилган тош ёки мармар қабрда ётган маййитга азоб берармиш, шу ростми?**

**Жавоб:** Қабр устига тош ёки мармарга ўхшаш бошқа нарсалар қўйишни агар марҳум васият қилган бўлса, унга шу ношаръий васияти туфайли маълум даражада азоб берилиши китобларда ёзилган.



**67. Савол: Диний китобларни ётиб ёки ёнбошлаб ўқиса бўладими?**

**Жавоб:** Диний китобларни узрсиз ётиб ўқиш макруҳ. Лекин кексалик ёки чарчоқ туфайли ёнбошлаб ёки ётган ҳолда ўқиш жоиз, дейилган.



**68. Савол:** Икки елкадаги фаришталар оғиздан чиққанини ёзади, буни биламиз. Аммо дилимиздаги ёки хаёлан ўйлаган гапимизни ёзадими?

**Жавоб:** Елкамиздаги икки фаришта дилимиздаги, хаёлимиздаги ёки фикрлаб турган гапларни ёзишмайды. Қачонки ўша гапларни тилга чиқарып гапирсак ёки амалда қўлласак, шундагина ёзишади.



**69. Савол:** Соч ва соқолни хинага бўяш жоизми?

**Жавоб:** Соч ва соқолни хинага бўяш мумкин. Чунки Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хинага бўяшни мубоҳ санаганлар. Фақат қора рангга бўяш мумкин эмас. Бу ҳақда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Соч ва соқолни қора рангга бўяшдан сақланинглар”, деганлар (*Имом Муслим ривояти*).



**70. Савол:** “Шаръий ҳийла” нима? Бу ҳақда мазҳабимиз уламоларининг ҳукмлари қандай?

**Жавоб:** Ҳийла луғатда ишларни амалга оширишда моҳирлик қилиш маъноси дадир. Фуқаҳолар истилоҳида ҳийлага мақсадга заковат ва фаросат билан етишиш йўли, деб таъриф берилган.

Ҳийлалар икки турга: мумкин бўлган ҳийлалар ва ҳаром бўлган ҳийлаларга бўлинади. Шаръий асосларни поймол қиласиган ва шариат мақсадларига зид бўлган ҳийлалар ҳаром бўлган ҳийлалар ҳисобланади.



**71. Савол:** Нафси аммора (ёмонликка амр қилувчи нафс) күткүси ва шайтони лаъин васвасаларидан омонда бўлиш учун кўпроқ нима амалларни бажариш керак?

**Жавоб:** Аллоҳ таолони кўп зикр этиш, Қуръон тиловат қилиш, тасбех айтиш, намоз ўқиш ва бошқа яхши амалларни бажариш лозим. Жумладан, “Лаа ҳавла валаа қувватга илла биллаҳ” ва “Мувazzатайн” (Нос ва Фалақ суралари)ни ўқиб, Раббил оламиндан паноҳ сўраб, мунтазам дуою илтижолар қилиш лозимдир.



**72. Савол:** Ҳазрат, айримлар бирор авлиё номига атаб жонлиқ (хўқиз, эчки ёки товук) сўйишади ёки таомлар (ширгуруч, шавла сингари) пиширишади. Шу тўғрими?

**Жавоб:** Мутлақо нотўғридир. Бирор жонлиқни Аллоҳ таолодан ўзгага атаб сўйиш, мутлақ мумкин эмас. Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради:

﴿إِنَّمَا حَرَمَ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةَ وَالدَّمَ وَلَحْمَ الْخِنْزِيرِ وَمَا أَهْلَلَ بِهِ لِغَيْرِ  
اللَّهِ﴾

«У сизларга ўлимтик, қон, чўчқа гўшти ва Аллоҳдан ўзгага атаб сўйилган нарсаларни (қатъий) ҳаром қилди...» (Бақара, 173).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мозорларга, азиз-авлиёларга атаб жонлиқ сўйиш Исломда йўқ”, деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).



**73. Савол:** Кейинги пайтларда қарзга пул берувчилар орасида пул бериб устама ҳақ (фоиз) олиш кенг тарқалган. Натижада қарз олган кишилар қарзига қўшиб устамасини ҳам тўлайман, деб ночор аҳволларга тушиб қоляптилар. Бунинг шариатдаги ҳукми қандай бўлади?

**Жавоб:** Сўнгги пайтларда судхўрлик кўп учраб турибди. Улар ҳозирги майшатни кўзлаб, охират азобини унутиб қўймоқдалар. Натижада кўпчилик қарздорлар қийин аҳволга тушиб қолишмоқда.

Баъзилар буни худди тижорат каби касб, дейдилар. Аммо Аллоҳ таоло тижоратни ҳалол қилиб, рибони ҳаром қилган.

Судхўрлик энг катта гунохлардан. Қуръони каримда судхўрлик билан шуғулланувчиларга дунё ва охиратда аламли азоблар борлиги ҳақида огоҳлантирилган.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласиди:

﴿ يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا أَرْبَآءَ أَصْعَدَفًا مُضْعَفَةً وَأَنْقُوا اللَّهَ عَلَىٰكُمْ نَفْلِحُونَ ﴾ ۱۳۰

«Эй имон келтирганлар! (Берган қарзларингизни) икки баравар ва ундан ҳам кўпайтириб, устама шаклида еб юбормангиз! Аллоҳдан қўрқингиз! Зора (шунда) толе топсангиз» (Оли Имрон, 130).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) судхўрликнинг ҳалокатга олиб борувчи еттита гуноҳи кабиралардан бири эканлигини айтганлар. Ибн Масъуд (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рибо еювчини ҳам, унга вакил бўлганни ҳам лаънатладилар» (Ином Муслим).

Самура ибн Жундуб (розияллоҳу анху) ривоят қиласиди: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай

дедилар: «Бир куни тунда менинг олдимга икки киши келиб, мени муқаддас ерга (Байтул Мақдисга) олиб бордилар. Тепага кўтарилиб, тўлиб қон оқаётган дарё бўйига келдик. Дарё бўйида қўлига тош ушлаган бир киши турибди. Дарёнинг ичида эса бир киши сузуб юрибди. Қирғоққа яқинлашиб, дарёдан чиқаман деса, қирғоқдаги киши унинг оғзига тош билан уради. У киши яна дарёнинг ўртасига бориб тушади. Яна чиқаман деб сузуб келади, яна тош отилади, яна орқага қайтади. Мен ёнимдагилардан дарёдаги киши кимлигини сўрадим, улар: бу судхўрлик қилган киши, деб жавоб бердилар».

Ибн Масъуд (Аллоҳ ундан рози бўлсан) айтади: «Агар бир кишига қарз берган бўлсанг, у сенга бирор нарсани ҳадя сифатида берса олмагин, у ҳам рибога киради».

Бир куни бир неча саҳобалар бир уйнинг соясида туришса, улардан бири сояга ўтмай офтобда турибди. Шериклари унга: «Нима қилиб офтобда турибсан, кел сояга» десалар, у: «Йўқ, мен бу уйнинг эгасига қарз берганман, агар уйининг соясидан фойдалансам рибо бўлади», деган экан. Шундай экан, имкони бор одам муҳтоjlарга беғараз қарз берса, савоб иш қилган бўлади.



#### **74. Савол: Ҳазрат, одамлар орасида ғийбат қилиш ҳоллари кўп учрамоқда. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Ғийбат гуноҳи кабиралардан биридир. Фақих Абу Лайс Самарқандий айтади: “Бир кишидаги айб-нуқсонни бошқаларга айтиб юриш ғийбатdir. У қилмаган ишни ёки унда йўқ нарсани айтиш тухматdir”.

Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ مَا آمَنُوا أَجْتَبْرُو كَثِيرًا مِنَ الظُّنُنِ إِنَّكَ بَعْضَ الظُّنُنِ إِنَّمَا وَلَا يَجْسِسُوا وَلَا يَغْتَبَ بَعْضُكُمْ بَعْضًا أَيْحُبُّ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا﴾

«Эй мўминлар! Кўп гумон(лар)дан четланнингиз! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир! (Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилмангиз ва бирингиз бирингизни ғийбат килмасин! Сизлардан бирор киши ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?!» (*Хужурот*, 12).

Абу Саъид Худрий (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласи: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: «Исро кечаси (Меъроҳ туни) бир қавм танасидаги бир қисм гўштни кесиб, уни луқма қилиб турганларида, уларнинг олдидан ўтиб қолдим. Шунда уларга Жаброил (алайҳиссалом): “Биродарларингизнинг гўштини еганингиздек, еяверинглар”, деб айтдилар. Мен ҳайратланиб, “Ё Жаброил, улар кимлар эди?” деб сўрадим. Ҳазрат Жаброил: “Улар умматларингиз орасидаги ғийбатчилардир”, деб жавоб бердилар» (*Ином Аҳмад ва Абу Довуд ривояти*).



**75. Савол:** Бугунда жуда кўплаб газета ва журналларда Қуръони карим оятлари, ҳадиси шариф ёки Аллоҳнинг гўзал исмлари, шунингдек, ҳар хил ривоят ва ибратли ҳикоялар ёзилган. Албатта, бу ишлар ёшлиаримизнинг диний билимлари ошишига хизмат қиласи. Лекин айрим кимсалар бу саҳифаларни нопок жойларга ташлашяпти. Ўша қоғозларни ўқиб бўлгандан сўнг, нима қилиш керак?

**Жавоб:** Жуда ўринли савол. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кунда кўплаб газета ва журналларда Қуръони карим оятлари, ҳадиси шариф ва умуман динимизга доир мақолалар чоп этилиши олдингига нисбатан сезиларли даражада кўпайди. Бундай газета, журнал ва қоғозлар ўқиб бўлингач, уларни сақлаб қўйиш ёки одамлар босмайдиган ерга кўмиш лозим бўлади. Аммо зинҳор кўчага улоқтириш ёки у билан бирор нарсани ўраш ё

ундан дастурхон ўрнида фойдаланиш мумкин эмас. Акс ҳолда, илохий калималарга нисбатан хурматсизлик қилинган бўлади.



### **76. Савол: Овқатдан кейин нима учун дуо қилиниб Қуръон ўқилади?**

**Жавоб:** Таомдан сўнг дуо қилиш суннатdir. Қуръон ўқиш эса машруъ эмас.

Ривоятларда келтирилишича, Расулуллоҳ (алайхиссалом) таомдан сўнг бундай дуо қилардилар: “Алҳамдулилаҳилази атъамана ва сақана ва жаъалана минал муслимин” (*Бизларни таомлантирган ва сув билан қондирган, бизларни мусулмонлар жумласидан қилган Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин!*)

Ҳазрат Анас (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: Жаноби Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Банда бир луқма таом еб ҳам Аллоҳга ҳамд айтса, ё бир қултум сув ичиб ҳам Аллоҳга ҳамд айтса, Аллоҳ таоло уни яхши кўради”, деб марҳамат қилганлар.



### **77. Савол: “Давра” маросими қайси вақтдан ва қандай зарурат туфайли вужудга келган?**

**Жавоб:** Таассуф билан шуни айтмоқ лозим, “дavra” шариатимизда жорий бўлган фидя ҳақидаги масалага зиддир. Турли сабабларга кўра мусулмонлар орасида ҳар хил бидъат ва хурофотлар жорий бўлиб қолган. Шундай хурофотлардан бири «дavra»дир.

Киши bemорлиги ёки бошқа шаръий узр билан адо қилолмаган намоз ва тутолмаган рўзалар учун васият қилсагина у қондирган меросининг учдан биридан фидя берилади. Фидя миқдори ҳар бир фарз намоз ва витр учун ҳамда бир кунлик рўза учун ярим соъ буғдойдир. Демак, бир кунлик намоз учун 12 кг буғдой фидя сифатида берилади. Мазкур сонни намоз адо этилмай қолган

кунлар ададига кўпайтирилса, умумий фидя миқдори чиқади. Бир ой рўзанинг фидяси 60 кг буғдойдир.

Давра тарғиботчилари эса марҳум ҳали дафн қилинмасдан туриб, унинг умрини ҳисоблаб, марҳум васият қилмаган бўлса-да, бунча намози ва бунча рўзаси қолибди, шунинг учун фалон миқдорда мол беришингиз керак, деб марҳумнинг қариндошларидан мол-пул талаб қилишади. Аллоҳ таоло мусулмонларни бирорларнинг мол-мулкини ботил йўл билан ўзлаширишдан қайтаради. Бу ҳақда Нисо сурасининг 29-оятида бундай дейилади:

﴿ يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمْنَوْا لَا تَأْكُلُوا أَمْوَالَكُمْ بَيْنَكُمْ إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِحْكَرَةً عَنْ تَرَاضٍ مِّنْكُمْ وَلَا نَفْتَلُوا أَنفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَّحِيمًا ﴾ ۱۹

«Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз! Ўзаро розилик асосидаги тижорат бундан мустасно. Шунингдек, ўзларингизни (бир-бирингизни ноҳақ) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир».



### 78. Савол: Кийиниш одоби ҳақида маълумот берсангиз...

**Жавоб:** Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Исроф қилмай ва кибр-ҳавога берилмай енглар, ичинглар, кийининглар ва садақа қилинглар!», деганлар.

Абу Сайд Худрий ривоят қиласи: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) янги кўйлак ёки изор кийган вақтларида бундай дуо қиласидилар: «Аллоҳумма инни асъалука мин хайриҳи ва хайри ма ҳавлаҳу ва аъузубика мин шарриҳи ва шарри ма ҳавлаҳу».

Инсон қўнглини айнан бирор кийимга боғламагай, насиб қилганини кийиш суннат ҳисобланади.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўзига ёқсан кийим кийиб олган бир одам соchlарини ёйиб, елкасига ташлаб кетаётган эди. Аллоҳ таоло уни ер қаърига ташлади, у қиёматга қадар ер остида тўлғониб ва дод солиб азоб чекади”, дедилар» (Калободий: «Бу – Фиръавн вазири, золим, такаббур Қорундир», дейди).

Кўйлак ёки жома енгини бармоқлардан узун қилиш макруҳ ва суннатга хилоф амаллардандир.

Оқ либос кийиш суннатдир, тўқ қизил ва тўқ сариқ либосни эркак кишиларга киймаслик тавсия қилинди. Эркаклар ипак матодан бўлган кийимларни кийишлари жоиз эмас.

Баро ибн Озиб (розияллоҳу анҳу) бундай ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизга беморнинг ҳолидан хабар олиб турмоқни, жанозага бормоқни, акса урган шахсга соғлик тиламоқни буюрдилар ҳамда бизни ҳарир (ипак), дебож, қассий, истабрақ (ипак матоларнинг навлари) ва қизил мийсараплар киймоқдан қайтардилар».

Ибн Умар (розияллаҳу анҳу): «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эхром боғлаган одамнинг варс ёки заъфарон (сариқ) билан бўялган кийим киймоғини ман қилдилар», дедилар.

Либосни покиза тутиш лозим. Зеро, ҳадиси шарифда келтирилганидек, «Поклик имоннинг ярмидир» (*Бухорий ривояти*).

Неъмат ато килингандар (давлатмандлар) неъматларни изҳор қилиш мақсадида, кибру ҳаво қилмаслик шарти билан, яхши либос кийсалар жоиздир.

Киши янги либос кийгандан кейин, эски либосини садақа қилса, у киши Аллоҳ таоло паноҳида бўлиб, барча офат ва балолардан омонда бўлиши айтилган.



### **79. Савол: Ит боқса бўладими?**

**Жавоб:** Абу Талҳа (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Фаришталар ит ва сурат бор уйга кирмайдилар”, дедилар» (*Имом Бухорий*).

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: «Кимки ит боқса, ҳар куни савоб ишларига бериладиган ажрлардан бир қийрот (ёки икки қийрот) камаяди. Қўриқчи, подачи ва овчи итлар бундан мустаснодир» (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти*).

Шу ўринда “қийрот” сўзига изоҳ сифатида қўйидаги ҳадисни келтиурсак:

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Ким жанозага қатнашса ва намоз ўқигунча турса, унга бир қийрот, агар маййит дафн этилгунга қадар бўлса, икки қийрот савоб ёзилади”. “Икки қийрот нима?” – деб сўралди. Айтдиларки: “Икки улуғ тоғ мисличадир”». Имом Муслим ривоятида “Унинг кичиги Уҳуд тоғидек”, дейилган.

Ривоятларда келтирилишича, қиёмат аломатларидан бири кишиларнинг ит боласини боқишини одат қилишларидир. Ҳатто бу ишни улар ўз фарзандини парваришлагандан ҳам юқори даражага қўйишиади (*Табароний, Ҳокум ривояти*).

Ҳадисдан маълум бўладики, уй қўриқлайдиган, подага қарайдиган ва овчи итлардан бошқасини боқиши мумкин эмас. Демак, қизиқиш учун уйда ит сақлаш ва боқиши шариатда қайтарилган.



**80. Савол:** Кишилар орасида ўз мансаби ва бойлигига ишониб бошқаларни менсимаслик, такаббурлик қилиш ҳоллари учраб туради. Булар ҳақда шариатда нима дейилган?

**Жавоб:** Исро сурасининг 37-оятида бундай марҳамат қилинади:

﴿ وَلَا تَمِشُ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّكَ لَنْ تَخْرِقَ الْأَرْضَ وَلَكَ تَبْلُغُ الْجَهَالَ ﴾  
طَوْلًا

«Ер юзида кибрланиб юрма! Чунки сен (оёқларинг билан) зинхор ерни теша олмайсан ва узунликда тоғларга ета олмайсан».

Ҳақиқатан ҳам кишилар орасида бойлиги ва мансабига орқа қилиб, бошқаларни менсимаслик ҳоллари учраб туради. Ислом шариати кибр қилишдан, манманлик ва менсимасликдан қайтаради. Бу каби сифатлар шайтони лаъиннинг сифатларидандир. Зеро, шайтон ҳам такаббурлиги, манманлиги сабаб Аллоҳ даргоҳидан қувилган.

Яҳё ибн Жаъдадан ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: «Кимнинг қалбида мисқол заррасидек кибр бўлса, жаннатга кирмайди» (*Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривояти*).

Қуръони каримда Наҳл сурасининг 23-оятида бундай марҳамат қилинади:

﴿ لَا جَرَمَ أَبَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا يُسْرُونَ وَمَا يُعْلَمُونَ إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْتَكْبِرِينَ ﴾  
۲۳

«Шубҳа йўқки, Аллоҳ уларнинг яширган нарсаларини ҳам, ошкор қилган нарсаларини ҳам билур. Албатта, У мутакаббирларни севмагай».

Иёз ибн Ҳимордан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: «Аллоҳ таоло менга умматларингиз тавозели бўлсинлар, бир-бирларига такаббурлик қилиб ҳаддан ошмасинлар ва ўз ҳақларида фахрланиб гапирмасинлар, деб ваҳий қилди» (*Имом Муслим ривояти*).

Кўриниб турибдики, мутакаббирлик, манманлик ва менсимаслик оғир гуноҳ, оқибати ёмондир.



**81. Мусулмон киши бошига тушган кулфат сабабли ўзига ўлим тилаши тўғрими?**

**Жавоб:** Йўқ. Абу Хурайра (розияллоҳу анху) ривоят қиласиди: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳеч бирингиз ўзингизга ўлим тиламанг, яхшилик қилувчилардан бўлсангиз, балки яхшилигингиз янада зиёда бўлар, агар ёмонлик қилувчилардан бўлсангиз, балки тавба қилиб қоларсиз”, деганлар.



**82. Савол: Бизнинг водий томонларда бир одат бор, одамлар қабристон зиёратига борганда, қабр усти ва атрофларига дон сепадилар, бошқа бирорвлар эса, олиб борган донига дуо ҳам ўқишишади. Бу нарса шариатимизда борми?**

**Жавоб:** Йўқ. У каби ишлар жоҳилият одатларидан-дир. Қадимда жоҳилият замонларида одамлар қабрлар ёнига дон-дун қўйиб кетишлари тарихдан маълум.

Қабр усти ва атрофига дон сочиш донни исроф қилишдир. Исроф нафақат бизнинг динимиизда, балки барча динларда ман қилинган.



**83. Савол:** Вафот этган кишининг қарзини ким тўлайди? Қарз берган одам вафот этиб қолса, ундан олинган қарз кимга берилади?

**Жавоб:** Вафот этган одамнинг қарзларини қолдирган мол-мулкдан тўланади. Киши ўлганидан кейин ундан қолган мол-мулк аввал уни дафн этишга сарфланади. Сўнг ундан қарзлари тўланади. Агар васият қилган бўлса, қолган молининг учдан биридан васияти адо этилади. Шулардан қолгани меросхўрлар ўртасида тақсимланади. Бу шариат қўрсатмасидир. Фароиз илмида бу нарсалар батафсил ёзилган.

Агар қарз берган одам ўлиб кетган бўлса, унинг болаларига, энг яқин қариндошларига тўланади. Ҳеч кими йўқ бўлса, шу қарз миқдоридаги маблағ қарз берган одамнинг номидан камбағалларга садақа қилиб юборилади.



**84. Савол:** Қуръон оятларидан ўқиб дам солиш мумкинми?

**Жавоб:** Ҳа. Аллоҳ таолонинг қаломи жисмоний ва маънавий иллатларга шифо бўлишилигига шубҳа йўқ. Бунга ахли сунна вал жамоа иттифоқдир. Аллоҳ таоло марҳамат қиласиди:

﴿ وَنَزَّلَ مِنَ الْقُرْءَانِ مَا هُوَ شَفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِلْمُؤْمِنِينَ وَلَا يَزِيدُ الظَّالِمِينَ إِلَّا خَسَارًا ﴾

(Исро, 82)

«(Биз) Қуръондан мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган (оят)ларни нозил қилурмиз. (Лекин бу оятлар) золим (кофир)ларга фақат зиённи орттирур» (Исро, 82).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: «Аллоҳ китобининг фотиҳасида (Фотиҳа сурасида) хар бир дардга шифо бор!» (Имом Доримий ва Байҳақий ривоятлари).

Саҳобаи киромлар чаён чаққанга Куръон ўқиб дам солғанлари сахих ҳадисларда ворид бўлган. Дам солиш учун Куръонни тўлиқ ўқиб чиқиш шарт эмас. Билган оятларини ўқиб, ихлос билан дам солса бўлади, худо хоҳласа, шифо беради.



### **85. Савол: Ҳасад нима?**

**Жавоб:** Ҳасад гуноҳи кабира жумласидан бўлиб, қалб касалликларининг бири ҳисобланади. Ҳасад бирорвга етган неъматни кўролмаслик, ўша неъматни соҳибидан кетиб, ўзига етишини қаттиқ хоҳлашдир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ҳасадчи мендан эмас!»; «Одамлар модомики ҳасад қилишмаса, яхшилиқда бардавом бўлурлар», дея марҳамат қилганлар (*Табароний ривояти*).



### **86. Савол: Эҳтикор нима?**

**Жавоб:** Эҳтикор, луғатда, нарсанинг баҳосини ошишини кутиб, сақлаб туришдир. Шариатда одамлар ва ҳайвонлар озуқини сотиб олиб, нархини ошишигача сақлаб туриш эҳтикор ҳисобланади. Мазкур нарсаларни сотиб олиб сақлаб туриши агар кишиларга зиён қилса, макруҳ бўлади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Ким бирор таомни қирқ кунгача эҳтикор қилса, у Аллоҳ таолодан безган, Аллоҳ таоло ҳам ундан безор бўлган бўлур» (*Имом Аҳмад, Абу Яъло ва Ҳоким ривоятлари*).

Киши ўз даласида етиштирган ҳосилини сақлаб туриши эҳтикор бўлмайди (“Ҳидоя”, “Мухтасарул Виқоя”).



### 87. Савол: Шариатимизда сигарет чекишининг ҳукми қандай?

**Жавоб:** Уламолар сигарет чекиши ҳаромлиги-га иттифоқ қилишган.

Сигаретнинг ҳаромлигига келтирилган далиллар:

1. Сигарет соғликка заарли, ҳатто инсон ўлимига олиб борадиган касалликларга сабаб бўлади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿ وَلَا تُلْقُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى النَّهَلَكَةِ ﴾

«...ва ўз қўлларингиз (бахиллигингиз) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз!» (Бақара, 195).

2. Сигарет сотиб олиш билан манфаатсиз нарсага пул сарфланади. Ҳар қандай исроф эса ҳаромдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَلَا يُنْذِرَ تَبْذِيرًا ﴾ ٢٦  
إِنَّ الْمُبَدِّرِينَ كَانُوا إِخْوَانَ الشَّيَاطِينِ وَكَانَ الشَّيَطَنُ  
لِرَبِّهِ كُفُورًا ﴾ ٢٧

«...ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки исрофгарлар шайтонларнинг биродарлариидир. Шайтон эса, Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди» (Исро, 26–27).

Сигаретнинг тутуни, оғизда қолган ноxуш ҳидидан атрофдагилар ҳамда фаришталар озорланади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳатто пиёз ва саримсоқпиёз еб одамлар орасига чиқишидан қайтаргандар: “Кимки хом пиёз ва саримсоқпиёз еган бўлса, бизнинг масжидларимизга яқин йўламасин!” дедилар (*Имом Абу Довуд ривояти*).

“Фатовоий Жунг” китобида сигарет ва нос чекиши билан таҳорат кетиши айтилган!



**88. Савол: Баъзи жонзотларни ўлдириш керак деб эшийтдим. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз?**

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Бешта бузғунчини Ҳарам ҳудудида ҳам, бошқа жойда ҳам ўлдирилади: улар қарға, калхат, чаён, сичқон ва қутурган итдир” (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари*). Бошқа бир ривоятида “илон, ола қарға, сичқон, қопонғич ит ва калхат” дейилган.

Инсонга зарар етказадиган йиртқич ҳайвон ва ҳашаротларни ўлдириш мумкин. Уларни оловга ташлаш, куйдириш мумкин эмас. Чумолини зарар қилмаса, ўлдирмаслик керак (“Нафғул муфтий”).



**89. Савол. Қабрларни очиш мумкинми?**

**Жавоб:** Динимизда қабрларни очиш, марҳумнинг сүяклариға шикаст етказиш ман этилган (“Фатовои Ҳиндия”). Шунинг учун зарурат бўлмаса, қабр очилмайди.



**90. Савол: Хаёлга келадиган ёмон фикрлар эътиқодимизга заар қилмайдими?**

**Жавоб:** Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг саҳобалари у зоти шарифнинг ҳузурларига келиб: «Бизнинг хаёлимизга гапириш жуда оғир нарсалар келади», дейишиди. Шунда Расулуллоҳ (алайҳиссалом): «Мана шундай (васвасалар) келадими?» дедилар. Улар «Ҳа», дейишиди. Он ҳазрат (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Мана шу ҳақиқий имондир», дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: «Сизларнинг бирларингизга шайтон келади-

да, «Буни ким яратди? Мана бунисини-чи?» деб, ҳатто «Раббингни ким яратди?» дейди. Шундай ҳолат бўлса, Аллоҳдан паноҳ тиланг (яъни «Аъзу биллаҳи минашшайтонир ражийм» денг) ва у хаёлни унутинг» (*Имом Бухорий ва Имом Муслим*).

Қалbdаги васвасаларни айтмаса, гуноҳ бўлмайди. Ёмон хаёллардан қутулишлари учун Аллоҳ таолодан паноҳ сўраб, зикр айтиш зарур.



### **91. Савол: Мухтарам Муфтий ҳазратлари! Бир кишининг “бу ҳадис мавзуъ ҳадисдир” дейиши билан у ҳадис мавзуъ ҳисобланадими?**

**Жавоб:** Йўқ. «Кимки қирқ кун таомни эҳтикор қилса, бас, у Аллоҳдан безор бўлибди» мазмунидаги ҳадисни Аллома Ибн Жавзий мавзуъ деган. Ҳолбуки, у сахих бўлиб, Имом Ҳоким ривоят қилган. Шунингдек, Ибн Жавзий “Тасбех намози” ҳақидаги барча ҳадислар мавзуъ-тўқима деган. Аслида уни Имом Термизий ва бошқа муҳаддислар сахих деб ривоят қилишган. «Ўз қавмидаги Шайх ўз уммати ичидаги Пайғамбар кабидир» мазмунидаги ҳадисни Ибн Таймия мавзуъ дейишга жазм қилган. Лекин «Тафсири Жалолайн» соҳиби Жалолиддин Суютий ва бошқалар уни Абу Рофиъ (розияллоҳу анҳу)дан сахих ҳадис сифатида ривоят қилганлар. «Мисвок билан ўқилган бир намоз мисвоксиз ўқилган етмишта намоздан яхшироқдир» ҳадисини муҳаддислардан Ибн Абдулбарр «Ат-Тамҳид» асарида ботил ва асли йўқ деган. Ҳолбуки, Имом Суютийнинг айтишига қараганда, уни Имом Ҳоким Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо)дан, Имом Дайламий эса Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилган. Ибн Қайюм Жавзийнинг айтишига қараганда эса уни сахих ҳадис сифатида Имом Аҳмад, Ибн Хузайма ва Ҳоким, шунингдек, муҳаддис Баззор ўз муснадида ривоят қилган. «Намоз

диннинг устунидир» мазмунли ҳадисни Имом Нававий ботил ва инкор қилинган деб сифатлаган бўлса, Имом Дайламий ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)дан, Имом Байҳақий эса ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу)дан марфӯъ ўлароқ заиф ҳадис сифатида ривоят қилган.

Демак, эшитган ҳадисини саҳиҳми ёки мавзузъми, деб сўрайвериш, мавзузъ бўлса керак, деб ишончсизлик билдириш ёки битта олимнинг гапига кириб мавзузъ деб эълон қилиб юбориш одоб доирасига кирмайди.



## 92. Савол: Фийбат ҳақида шариатимизда нима дейилган?

**Жавоб:** Инсондаги бор айбларни унинг йўқлигига айтиш ғийбатдир. Агар унда йўқ айблар гапирилса, бўхтон бўлади.

Ғийбат қилиш гуноҳи кабирадир. Кишини ғийбат қилиш унинг жуссаси гўштини ейиш билан баробардир. Аллоҳ таоло бундай огохлантиради:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءاْمَنُوا أَجْتَبَوْا كَثِيرًا مِّنَ الظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ الظَّنِّ إِنَّمَا وَلَا يَحْسَسُوا وَلَا يَغْتَبُ بَعْضُكُمْ بَعْضًا أَيْحَبُّ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهُتُمُوهُ وَأَنْقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ رَّحِيمٌ﴾



«Эй мўминлар! Кўп гумон(лар)дан четланингиз! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир. (Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилмангиз ва бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир! Аллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳмли Зотдир» (*Хужурот*, 12).



**93. Савол:** Фитна нима, илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз?

**Жавоб:** «Фитна» луғатда «ажаблантирмоқ», «адаштирмоқ», «синамоқ» каби маъноларга эга. Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради:

﴿وَالْفِتْنَةُ أَشَدُ مِنَ الْقَتْلِ﴾

«Фитна қотилликдан ҳам ашаддийроқдир» (*Бақара, 191*).

Имом Табарий мазкур ояти каримадаги “фитна” сўзини ширк ва куфр деб таъвил қилган.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дейдилар: «Одам боласи икки нарсани ёмон кўради. Биринчиси, ўлим. Ҳолбуки, ўлим фитна қилишдан яхшироқдир. Иккинчиси, молу дунёнинг озлиги. Ҳолбуки, у (охиратда) ҳисоб-китобнинг озлигидир» (*Имом Аҳмад ривояти*). Яна ҳадиси шарифда: «Фитна вақтида қиличларингизни синдиринг, уйларингизнинг ичидан чиқманг, битта одамнинг болалари каби бўлинг!», дейилган (*Имом Термизий ривояти*).

Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) айтади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитдим: «Фитна бу инсон ўз ахли, моли ва нафсини намози, рўза, садақаси ва амри маъруф нахий мункардан устун қўйишидир» (*Имом Бухорий ва Имом Муслим*).



**94. Савол:** Ҳозирги кунда омма томонидан қўлланилаётган «насия»га сотиш ёки сотиб олиш мумкинми?

**Жавоб:** Насияга мол сотиш ва сотиб олиш мумкин. Насияга сотишка (олишда) пулни тўлаш муддати аниқ белгиланиши (масалан, фалон ойнинг

фалон кунида пулини берасан (бераман) лозим. Акс ҳолда савдо фосид (бузук) бўлади.



**95. Савол:** Яқинда «Дин насиҳатдир» – деган ҳадисни ўқиб қолдим. Шу ҳақда баён этсангиз?

**Жавоб:** Аллоҳ таоло марҳамат қиласи:

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أَخْرَجْتَ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَلَمْ يُؤْمِنُنَّ بِاللَّهِ﴾

«Одамларга чиқарилган (маълум бўлган) умматнинг энг яхиси бўлдингиз, (эй мусулмонлар!) зеро, сиз амри маъруф, наҳий мункар қиласиз ва Аллоҳга имон келтирасиз...» (Оли Имрон, 110).

Ояти каримада яхши уммат бўлиш, бир-бирлари билан ўзаро насиҳатлашиб туриш нақадар улуғ иш экани маълум бўлди.

﴿وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلَيَاءُ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَاوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُقْيِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيَنْتَوْنَ الْزَكُوَّةَ وَيَطْبِعُونَ اللَّهُرَسُولَهُ أُولَئِكَ سَيِّدُهُمْ مَالَلَّهُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ﴾



«Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар: (одамларни) яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар, намоз(лар)ни баркамол адо этадилар, закотни берадилар ҳамда Аллоҳ ва (Унинг) Расулига итоат этадилар. Айнан ўшаларга Аллоҳ марҳамат кўрсатур. Албатта, Аллоҳ қудратли ва ҳикматлидир» (Тавба, 71).

Яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш шахслар, жамиятлар ва халқларнинг ҳаётидаги муҳим амалдир. Мусулмонлар бу фарз амални тўла бажарса,

жамият соғлом бўлади, яхшилик ва баракот кўпайиб, ёмонлик йўқолади. Аммо бундай масъулиятли иш тарк этилса, жамиятда турли хил низо ва келишмовчиликлар юзага чиқади.

Тамим Дорий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Дин насиҳатдир», деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Дарҳақиқат, эътибор бериб қарайдиган бўлсак, мусулмон киши ёши катта ёки кичикми ким насиҳат қилса, унинг насиҳатига қулоқ тутади. Чунки Ислом дини – насиҳат динидир. Ёшларимиз улуғларимизнинг насиҳатларига қулоқ тутсалар кам бўлишмайди, иншоаллоҳ!



### **96. Савол: «Сур» нима дегани?**

**Жавоб:** Бирор инсон ёки ҳайвон еган-ичганидан ортиб қолган сув ёки таом сур дейилади. Одамлардан ва гўшти ейиладиган ҳайвонлардан қолган сув ва таом тозадир.

Ойша (розияллоҳу анҳо) айтадилар:

«Мен одат ҳолатимда ҳам бирон идишдан сув ичиб, уни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га узатсан, у киши идишнинг мен ичган жойига муборак оғизларини қўйиб, сув ичардилар» (*Имом Муслим ривояти*).

Ит ва йиртқич ҳайвонлардан қолган нарса нажасдир.



### **97. Савол: Саломга алик олмаслик гуноҳ деб эшитдим. Шу тўғрими?**

**Жавоб:** Ха. Салом бериш суннатдир. Саломга алик олиш вожибдир. Икки мўмин бир-бирига дуч келганида, хоҳ таниш, хоҳ нотаниш бўлсин, салом беришлари керак.

Саломни «Ассалому алайкум!» ё «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!» деб тўлиқ айтиш лозим. Жавобда «Ва алайкум ассалом!» ё «Ва алайкумуссало-

му ва раҳматуллоҳи ва баракотух!» дейилади. Аллоҳ таоло марҳамат қиласиди:

﴿وَإِذَا حُيِّمُ بِنَجْيَةٍ فَحَيُوا بِأَحْسَنِ مِنْهَا أَوْ رُدُّوهَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ حَسِيبًا﴾

۸۷

**«Қачон сизларга бирор саломлашиш (ибораси) билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олингиз ёки ўша (ибора)ни қайтарингиз. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани ҳисобга олевчи Зотдир» (Нисо, 86).**

Абу Умома Суҳайл ибн Ҳанифдан, у отасидан ривоят қиласиди: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Ким “Ассалому алайкүм” деса, унга ўнта яхшилик бор, ким “Ассалому алайкүм ва раҳматуллоҳ” деса, унга йигирмата яхшилик бор, ким “Ассалому алайкүм ва раҳматуллоҳи ва баракотух” деса, унга ўттиз яхшилик бор”, дедилар».

Аъмаш Амр ибн Муррадан, у Абдуллоҳ ибн Ҳоррисдан ривоят қиласиди: «Агар бир киши бир қавмга салом берса, унга бир даража фазл бўлади. Агар қавм унга алик олмаса, малоикалар унга алик олишади ва у қавмни лаънатлашади».

Агар бир киши бошқа кишига бирордан салом айтиб юборса, ўргадаги одам саломни етказса, дарҳол жавоб бериш вожиб. Агар мактубда салом битилса, у ҳолда ҳам жавоб лозим бўлади. Баланд овозда салом берилади ва жавоб ҳам салом берувчига эшиттирилади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Саломни ораларингизда ўйинглар», деганлар. Зоро, салом бериш билан бир-бишимизга соғлиқ ва тинчлик неъматларини тилаймиз. Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг тўғри йўлидан адаштирасин. Омин!



**98. Савол:** Холамни кўргани шифохонага борсам, кўп қон йўқотган бир беморга қон қуиши учун шифокорлар одамлардан қон гуруҳини сўрашаётган экан. Шариатда бирорвга қон бериш ҳақида нима дейилган?

**Жавоб:** Қон гуруҳи беморнинг қон гуруҳига тўғри келадиган киши касалнинг ҳаёти хавф остида бўлса ва у ерда ўзидан бошқа ҳеч ким топилмаса, унга беминнат ёрдам кўрсатиши жоиз бўлади.

Конни пулга сотиш мумкин эмас. Қон бериш садақаларнинг энг хайрлиси ҳисобланади. Қон бериш билан бир кишининг ҳаётини сақлаб қолиш жуда катта савобдир. Куръони каримда бундай дейилган:

﴿مَنْ قَتَلَ نَفْسًا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍ فِي الْأَرْضِ فَكَانَمَا قُتِلَ  
النَّاسَ جَمِيعًا وَمَنْ أَحْيَاهَا فَكَانَهَا أَحْيَا النَّاسَ جَمِيعًا﴾

«Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт баҳш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир» (Моида, 32).



**99. Савол:** «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» жумласидаги «самиъа» калимаси «эшитмоқ» маъносини англатадими?

**Жавоб:** Йўқ, бу ерда «самиъа» сўзи «қабул қиласди» маъносидадир. Яъни «Аллоҳ ҳамд айтганинг ҳамдини қабул қиласди», деганидир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилинади: «Аллоҳумма инний аъзуу бика мин илмин ла янфаъ ва мин қалбин ла яхшаш ва мин нафсин

ла ташбаш ва мин дуъаин ла юсмаъ», – дейилган. Яъни «Ё Аллоҳ! Мен сендан фойда бермайдиган илмдан, сендан қўрқмайдиган қалдан, тўймайдиган нафс ва қабул бўлмайдиган дуолардан паноҳ сўрайман», дегани бўлиб, ҳадисдаги «ла юсмаъ» сўзи эшитилмайдиган эмас, балки қабул бўлмайдиган, деган маънени ифода этади.



### **100. Савол: Қуръон тиловатининг фазилатлари ҳақида маълумот берсангиз?**

**Жавоб:** Зикрларнинг энг афзали Қуръони карим тиловатидир.

Қуръонни ҳазрат Жаброил (алайҳиссалом) Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ўргатганларидек, тажвид билан ўқиши фарзdir. Қуръони карим тажвидсиз ўқилса, унинг ҳар бир ҳарфи маҳраждан талаффуз этилмаса, сўзнинг маъноси бутунлай бузилиб кетиши мумкин.

Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) ва Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: «Сизларнинг яхшиларингиз Қуръони каримни ўрганиб, сўнgra бошқаларга ҳам ўргатадиганларингиздир (*Имом Бухорий ва Термизий*).

Ойша онамиз (розияллоҳу анҳо) ривоят қиласи: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Қуръонни маҳорат билан ўқувчи қорилар улуғ фаришталар билан биргадирлар. Уни тили қийналиб ўқийдиган қориларга икки ҳисса ажр берилиур» (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари*).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласи: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Ким Аллоҳнинг каломидан бир ҳарф ўқиса, унга бир савоб. Ўша бир савоб яна ўн баробар кўпайтириб ёзилади.

«Алиф Лам Мим»ни бир ҳарф демайман, балки, “Алиф” бир ҳарф, “Лам” бир ҳарф ва “Мим” бир ҳарф-дир» (Имом Термизий).



### **101. Савол: Куръон ўқиши одобларини ўрганмоқчи эдим. Илтимос, ёрдам беринг?**

**Жавоб:** Куръон ўқувчи қори буларга риоя этиши лозим:

Корининг одоб-аҳлоқи, феълу атвори ва сийрату шамоили юксак даражада, бошқаларга ўрнак бўлиши керак.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу) айтар эдилар: «Қорилар қандайдир хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб туришлари керак. Масалан, тунда одамлар ухлаганида, у Қуръон тиловати билан бедор, кундузи одамлар овқатланганида, у рӯздор, одамлар ўйин-кулги билан машғул бўлганида, у ғамгин, одамлар бехуда гаплар гапиришганида, у сукутда бўлиши керак».

Қори ўқиганига амал қилиб, ҳаром ва макруҳлардан тақво қилиши керак.

Қорилар Қуръон тиловатини тирикчилик манбаига айлантириб олмасликлари лозим.

Қуръон оятлари мазмунларини бузмасдан, одамларга тўғри тушунтириши керак. Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ الْكِتَابِ وَيَشَرُّونَ بِهِ مُنَّا  
قَلِيلًا أُولَئِكَ مَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ إِلَّا أَنَّا رَ  
﴾

«Аллоҳ нозил қилган Китоб (Таврот)даги нарсани (Муҳаммад тўғрисидаги оятларни) сир тутадиган ва уни озгина баҳога сотадиганлар, албатта, ўз қоринларига олов еган бўлурлар», (Бақара, 174).

Қорилар такаббур, жоҳил одамлар олдида ўзини пастга урмаслиги, яхши, илмли ва солиҳ кишилар олдида ўта камтар бўлиши керак.

Куръоннинг ҳаммасини ёки баъзисини ёдлаб, кейин унутиб юборган кишиларга охиратда қаттиқ азоб борлиги Куръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда айтилган:

﴿ وَمَنْ أَعْرَضَ عَنْ ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنَكاً وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَعْمَى ﴾ ١٤٣  
 قَالَ رَبِّ لِمَ حَشَرْتَنِي أَعْمَى وَقَدْ كُنْتُ بَصِيرًا ﴾ ١٤٤  
 قَالَ كَذَلِكَ أَنْتَكَ إِيَّنَا فَنَسِينَاهَا وَكَذَلِكَ الْيَوْمَ نُنسَى ﴾ ١٤٥

«Ким менинг эслатмамдан юз ўгирса, (кофир бўлса) бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш (қабр азоби) бўлиши муқаррар ва Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтиурмиз». У: «Раббим! Нега мени кўр ҳолда тирилтиирдинг, ахир (дунёда яшаган вақтимда) кўрувчи эдим-ку?!» дейди. (Аллоҳ) айтур: «Шундай. (Лекин) сенга Бизнинг оятларимиз келганида, уларни унутдинг. Бугун сен ҳам ана шундай «унутилурсан» (Тоҳо, 124–126).

Шунинг учун бу неъматга эришган қори Куръонга бепарво бўлмаслиги лозим.

Саъд ибн Убода (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласи: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Ким Қуръонни ўқиб ёдласа ва кейин уни ёддан чиқарса, қиёматда Аллоҳнинг ҳузурига чўлоқ ҳолда келади» (Абу Довуд ривояти).

Қорилар Куръонни мунтазам такрор қилиб туришлари керак. Куръонни узоги билан бир ойда, энг ками уч кунда хатм қилиб туриш тавсия этилади.



**102. Савол:** Айтишларича, Пайғамбари-миз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг кумушдан узуклари бўлган экан. Узук тақишининг ҳукми қандай? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз?

**Жавоб:** Эркак киши олтин узук тақиши мумкин эмас.

Нўймон ибн Башир (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Мен олтиндан ясалган узук тақиб, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига кирдим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Сенга нима бўлди, дўзах аҳлиниң либосини тақибсан», дедилар. Уни ечиб, мисдан ясалганини тақиб кирган эдим, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Нима бўлди, сенда бут-санамларнинг ҳидини сезяпман», дедилар. Шунда мен: «Эй Расулуллоҳ, нима қиласай?», дедим. Шунда у зот: «Узук тақсанг кумушдан таққин. Лекин у ҳам бир мисқолдан ошмасин ва уни ўнг қўлингга таққин», дедилар».

Жобир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) узукни аввал ўнг, сўнг чап қўлларига тақардилар, ечишда олдин чап, сўнг ўнг қўлларидагисини ечардилар”.

Амр ибн Шуайб ривоят қилади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кишининг қўлида олтин узук кўрдилар ва унга уни ечиб ташлашни буюрдилар. У киши уни ташлаб, қўлига темир ҳалқа тақди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу олдингисидан ҳам ёмон, бу дўзах аҳлиниң либосидир, уни ташлагин”, дедилар. Уни ҳам ташлаб кумуш узук таққан эди, шунда Расулуллоҳ бундан қайтармадилар».



**103. Савол:** Рашқ қилиш ёмон эмасми? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Йўқ. Мўмин киши рашқ қилади.

Зайд ибн Аслам: «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг “Рашқ имондандир, оила-

сидаги фаҳш ишларга рози бўлиш эса, мунофиқлик аломатидир”, деганларини эшитдим», дейди.

Рашксиз киши даюс дейилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ таоло даюс ва даюсани лаънатласин», деганлар. Хотинининг фаҳш ишларига рози бўлувчи эркак даюс, эрининг фаҳш ишларига рози бўлувчи хотин даюсадир.



**104. Савол:** Дуо қилишда қўлларни кўтариб, юзга суртиш ҳадисларда ворид бўлганми?

**Жавоб:** Ҳа, бу ҳақда кўплаб ҳадислар ривоят қилинган:

Анас (розияллоҳу анҳу) айтади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуога қўл кўтаргандаридан қўлтиқларининг оқлиги кўриниб турад эди” (*И мом Байҳақий*). Саҳл ибн Саъд (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласиди: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуо қилсалар, қўл бармоқларининг учлари елкалари баробарида бўларди” (*И мом Байҳақий*).

Соиб ибн Язид (розияллоҳу анҳу) айтади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуо қилсалар, қўл кўтарар, кейин юзларига суртар эдилар” (*И мом Байҳақий*).

Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласиди: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуога қўл қўтарсалар, уни юзларига суртмасдан туширмас эдилар” (*И мом Термизий ривояти*).



**105. Савол:** Илтимос, мунофиқнинг сифатлари ҳақида маълумот беринг?

**Жавоб:** Абдуллоҳ ибн Амр (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласиди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар:

«Тўрт нарса бор. Улар кимда бўлса, у ҳақиқий мунофиқдир. Кимда улардан биттаси бўлса, мунофиқлик-

дан бир қисм унда бўлади. Мунофиқ омонатга хиёнат қиласди. Гапирса ёлғон сўзлайди, аҳду паймон қиласа, сотқинлик қиласди, тортишиб қолса, бузуқ сўзлар айтиб, ифлос ишлар қиласди».



### 106. Қарз бериш одоблари ҳақида маълумот берсангиз?

**Жавоб:** Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласди:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَدَائِنُتُم بِدِينِ إِلَهٍ أَجْلِ مُسَكِّنَ فَاقْتُبُوهُ وَلَيَكُتُبَ بَيْنَكُمْ كَاتِبٌ بِالْعَدْلِ وَلَا يَأْبَ كَاتِبٌ أَنْ يَكُثُبَ كَمَا عَلَمَهُ اللَّهُ فَلَيَكُتُبَ وَلَيُمْلِلَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ وَلَيُسْقِطَ اللَّهَ رَبَّهُ وَلَا يَبْخَسْ مِنْهُ شَيْئًا فَإِنْ كَانَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحَقُّ سَفِيهًآ أَوْ ضَعِيفًآ أَوْ لَا يَسْتَطِعُ أَنْ يُمْلِلَ هُوَ فَلَيُمْلِلَ وَلِيُهُ بِالْعَدْلِ وَأَسْتَهْدُو شَهِيدَيْنِ مِنْ رِجَالِكُمْ فَإِنْ لَمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَأَمْرَاتُكَانِ مِمَّنْ تَرْضَوْنَ مِنَ الشَّهِيدَاءِ أَنْ تَضِلَّ إِحْدَاهُمَا فَتَدْكِرَ إِحْدَاهُمَا أُخْرَى وَلَا يَأْبَ الشَّهِيدَاءِ إِذَا مَا دُعُوا وَلَا سَمُونَا أَنْ تَكْثُبُوهُ صَغِيرًآ أَوْ كَبِيرًآ إِلَهٍ أَجْلِهُ ذَلِكُمْ أَقْسُطُ عِنْدَ اللَّهِ وَأَقْوَمُ لِلشَّهِيدَةِ وَأَدْنَى أَلَا تَرْتَبَوْا﴾

«Эй имон келтирганлар! Бир-бирингиздан бирор муддатга қарз олиб, қарз берсангиз, уни ёзиб қўйингиз! Ўрталарингизда бир котиб адолат билан ёзсин! Ҳеч бир котиб Аллоҳ билдиргандек ёзишдан бош тортмасин, албатта, ёзсин! Зиммасида қарзи бўлган киши айтиб турсин, Рабби бўлмиш Аллоҳдан қўрқсин ва ундан бирор нарсани камайтириб ёзмасин! Агар гарданида қарзи бўлган киши ақлсиз ё ожиз (ёш ёки ўта кекса) бўлса, ёки (кар, соқовлиги ё тил

билмаслиги туфайли айтиб) ёздиришга қодир бўлмаса, унинг ҳомий-вакили адолат билан айтиб турсин! Сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини гувоҳ қилинглар. Агар икки эркак топилмаса, бир эркак билан икки аёлдир – бири (унутиб) адашганда, иккинчиси эслатади. Гувоҳлар чақирилганда, (келиб гувоҳлик беришдан) бош тортмасинлар! Хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, муддатигача ёзиб қўйишдан эринмангиз. Мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ, гувоҳлик учун тўғрироқ ва шак-шубҳа қилмасликка яқинроқ (иш)дир...» (Бақара, 282).

Куръони каримдаги мазкур энг узун оятнинг ҳукми қатъий эмас, балки мандубдир.



### **107. Савол: Баъзи исмларни қўйиш динимизда қайтарилиганми?**

**Жавоб:** Баъзи исмларни қўйиш тавсия қилинмаган. Масалан, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Болага Ясор (Осонли), Рабоҳ (Фойдали), Нажиҳ (Омадли), Афлаҳ (Нажотли) деб ном қўйманглар”, деганлар (*Имом Муслим*).



### **108. Савол: Куръони каримни хатм қилишда нималарга эътибор бериш лозим?**

**Жавоб:** Куръони каримни хатм қилишда энг муҳими, тажвид билан тўғри ўқилишига эътибор бериш керак. Бирорга хатм қилдирганида ҳам унинг Куръонни тўғри ўқишини билиш керак.

Куръон тиловати мутлақо холис бўлиши керак. Пул таъмасида ёки бошқа дунёвий истаклар билан тиловат қилинса, тиловатга савоб берилмайди (*Ибн Хумом, Ибн Обидин, Имом Баркавий*).

Куръонни хатм қилиш уч кун ёки ундан зиёда кунларда амалга оширилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алай-

ҳи ва саллам): «Кимки Куръонни уч кундан кам мудатда ўқиса, ҳеч нарса тушунмайди», деганлар.

Хатми Куръон вақтида аҳлини чақириб, ҳаммалари биргаликда дуо қилса, иншоаллоҳ, ижобат бўлади («Фатовойи Қозихон»).

# **НИКОҲ ВА ОИЛА МАСАЛАЛАРИ**





**109. Савол:** Ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Аёлимга менинг ака-укам, амаким ва тоғам маҳрам бўладими, уларнинг аёлим билан ёлғиз қолишлари мумкинми?

**Жавоб:** Эрининг амакиси, тоғаси, ака-укаси ва уларнинг ўғиллари аёлга маҳрам бўлмайди. Шу туфайли уларнинг аёл билан ёлғиз қолишлари, эри йўқ вақтда унинг уйига киришлари жоиз эмас.



**110. Савол:** Муҳтарам Муфтий ҳазратлари! Яқинда турмушга чиқаётган дугонам маҳр учун эридан ҳаж зиёратига олиб боришни сўрамоқчи эканини айтиб қолди. Бизнинг мазҳабимизда шу тўғрими?

**Жавоб:** Маҳр учун ҳажга олиб боришни сўраса, бизнинг ҳанафий мазҳабимизда маҳри мисл вожиб бўлади. Маҳри мисл дегандা опаларига берилган маҳр миқдори тушунилади.



**111. Савол:** Тиббий кўрик натижалари эрнинг бепуштлиги, хотиннинг фарзанд туғиши мумкинлигини кўрсатди. Замонавий илм-фан эса, бундай ҳолатда бегона эркакнинг пуштини хотиннинг бачадонига сунъий йўл билан юбориш орқали ҳомила пайдо қилиш имкониятига эга. Ҳар бир эр-хотиннинг фарзанд кўришга бўлган истагини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг умидини шу йўл билан рўёбга чиқариш шаръян жоизми?

**Жавоб:** Сунъий уруғлантиришнинг икки тури мавжуд. Биринчиси жоиз. Бу никоҳда бўлган эр-хотиннинг ўртасидаги мазкур амалиётни ўтказишидир. Иккинчиси шаръян ножоиз. Яъни, никоҳи бўлмаган эркакнинг уруғини солиш. Ҳозирги илм-фан сунъий йўл билан

уруғлантириш борасида, шаръий никоҳ орқали эрхотин бўлганлардан ташқари, бегона эркак ва аёлнинг ҳам уруғ ва тухум хужайраси бир-бирига сунъий йўл орқали чатиштирилиб, фарзанд туғдириш ҳолатлари кузатилмоқда. Маълумки, эркак ва аёлнинг шаръий никоҳсиз жинсий яқинлик қилишлари зино ҳисобланади. Бегона эркак билан аёлнинг бевосита қўшилишлари ҳаром саналганидек, билвосита, яъни сунъий йўл билан уруғларини бир-бирига чатиштириш ҳам ҳаромдир. Шундай экан, беникоҳ эркак билан аёлдан сунъий йўл орқали туғилган фарзанд ҳам зинодан туғилган деб ҳисобланади.



**112. Савол:** Қуръони каримда, муборак ҳадисларда ота-она олдида “уфф” дейишдан қайтарилиган. Аммо бошқа жойларда киши “уфф” деб юбориши мумкин, бундай пайтда тавба қилиш керакми?

**Жавоб:** “Уфф” дейиш ўрнига қараб, турлича маъноларни ифодалайди. Баъзида у норози бўлиш, сиқилиш маъноларини билдириса, баъзида чарчоқни билдиради. Шунинг учун фиқҳ китобларида, жумладан, юртдошимиз Низомиддин Шошийнинг “Хамсийн” ёки “Усули Шоший” деб номланган асарида агар “уфф!..” ранжиш, безор бўлиш маъносини англатмаса, ота-она олдида “уфф” дейишнинг зарари йўқдир, дейилади.

Оғир ишдан сўнг чарчоқни ифодалаш, ички дамни, “олов”ни чиқариш маъносида бўлса, “уфф!..”ни ишлатиш мумкин.



**113. Савол:** Агар чақалоқ ўз отасининг онаси, яъни, бувисини эмса, катта бўлганида шу чақалоқ амаки ва аммаларининг қизларига уйланиши мумкин бўладими?

**Жавоб:** Чақалоқ бувисини эмиши билан унинг фарзанди каби ҳисобланади. Улғайганда аммаларининг қизларига уйланиши ҳаром бўлади.



**114. Савол:** Ҳозирги вақтда айрим аёлларимиз боласини сунъий йўл билан олдириб ташлашмоқда. Бу гуноҳ эмасми?

**Жавоб:** Афсуски, бундай ҳодисалар бугунги кунда авж олиб бораётганлиги ачинарли ҳол. Болага жон пуркалганидан сўнг агар она саломатлигига таҳдид бўлмаса, уни олдириб ташлаш ҳаром эканлигига уламолар иттифоқ қилганлар. Улар бу ишни қотиллик деб айтишган.



**115. Савол:** Ота-онасига оқ бўлган кишининг охиратда гуноҳи кечириладими?

**Жавоб:** Ота-онага оқ бўлиш гуноҳи кабираларданdir. Бу ҳақда Абу Бакра Нуфайъ ибн Хорис ушбу ҳадисни ривоят қилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гуноҳи кабираларни сизга айтайнми?» – дедилар. Биз «Ҳа, эй Расулуллоҳ!» дедик. У зот айтдилар: «Аллоҳга ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш».

Аҳли сунна вал жамоа мазҳабларида гуноҳи кабира соҳиби дўзахда абадий қолмайди, ота-онасининг кечириши билан ёки Аллоҳнинг афв қилиши, пайғамбар шафоати натижасида дўзах азобидан қутулиши мумкин дейилади.



**116. Савол:** Халқимиз фарзанд туғилгандан кейин кўп касал бўлса ёки вафот этса кейинги фарзандига Турсун, Турғун, Тўхтахон каби исмлар қўйишади. Бу ширк бўлмайдими?

**Жавоб:** “Шу исмни қўйганимиз учун, шу исмнинг таъсирида бола ўлмади”, дейиш ширкдир.

Касал бўлиш ҳам, вафот этиш ҳам Аллоҳ таолонинг изни биландир. Мазкур исмларда эса дуо маъноси бор. Агар дуо фаришталарнинг оминига тўғри келиб қолса, Парвардигори олам уни ижобат қиласа, ажаб эмас. Зеро, ота-онанинг дуоси рад қилинмайди.

Фарзандга чиройли исм қўйиш ота-онанинг ва-зифасидир.



**117. Савол:** Баъзан қабристонда қабрларни босиб юрган кишиларни қўрамиз. Щундай қилиш жоизми?

**Жавоб:** Йўқ. Майитни дафн этиш чоғида ёки бошқа пайтларда қабрлар устини босиш мумкин эмас. Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласди: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: «Сизларнинг бирортангиз қабр устига ўтирганингиздан кўра бир чўғнинг устига ўтириб, кийимингизни куйдирганингиз ва ўша кийим куйиб терингизга ёпишиб қолгани яхшироқдир» (*Имом Муслим ривояти*).



**118. Савол.** Никоҳ вақтида қиз розилигини айтмай йиғласа, никоҳ боғланган бўладими?

**Жавоб:** Йўқ, турмуш қураётган йигит ва қиз икки эркак ёки бир эркак ва икки аёл ҳузурида никоҳ,

қуриб бир-бирларига танмаҳрам бўлаётганларини ўтган замон лафзида, очиқ-ойдин, яъни “танмаҳрамликка ўзимни бағишладим”, “танмаҳрамликни қабул қилдим” каби сўзларни айтишлари шарт. Уларнинг розилик сўзларини, ана шу ўринда гувоҳлар ҳам эшитишлари лозим (“Хидоя”).



**119. Савол:** Қиз никоҳ вақти розилик сўралганида “рози эмасман” деса, нима қилиш керак бўлади?

**Жавоб:** Қизни зўрлаб эрга бериш мумкин эмас. Агар қиз никоҳ маросимида очиқдан-очиқ рад жавобини берса, никоҳ боғланмайди.



**120. Савол:** Хотинига ҳайз ҳолатида яқинлик қилган киши гуноҳкор бўладими?

**Жавоб:** Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради:

﴿ وَسْأَلُونَكُمْ عَنِ الْمَحِيطِ قُلْ هُوَ أَذَى فَاعْتَزِلُوا النِّسَاءَ فِي الْمَحِيطِ ﴾  
﴿ وَلَا تَرْبُوْهُنَّ حَتَّى يَطْهُرْنَ ﴾

«Сиздан ҳайз тўғрисида сўрайдилар. Айтинг: «У (эр-хотин учун) азиятдир. Бас, ҳайз пайтида хотинларингиздан четланингиз ва то покланмагунарича уларга яқинлашмангизлар» (Бақара, 222).

Хотин билан, унинг ҳайз ҳолатида қўшилиш ҳаромдир. Буни ҳалол деб билувчи киши диндан чиқади (“Раддул Муҳтор”).

Аёли билан унинг ҳайз ҳолатида қўшилиш ҳаромлигини билиб, қўшилган эр тавба қилиши ва истиғфор айтиши вожиб бўлади. У бир динор (4,25 гр тилло) ёки ярим динор (2,125 гр тилло) садақа қилиши мустаҳаб бўлади (“Фатовойи Хиндия”).

Агар яқинлик ҳайз кунлари аввалида содир бўлган бўлса, бир динор, охирги кунларида бўлса, ярим динор садақа қилинади (“Раддул Муҳтор”).



### **121. Савол: Ҳозирги пайтда одамлар орасида бўлар-бўлмасга қасам ичиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Шу тўғрими?**

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳ сизларни оталарингиз номи билан қасам ичишдан қайтаради. Кимки қасам ичмоқчи бўлса, Аллоҳ номи билан қасам ичин ёки жим бўлсин», деганлар (*Имом Бухорий ва Муслим ривояти*).

Кўпчилик ўзаро сұхбат қилиб туришганида гапига бошқаларни ишонтириш мақсадида «нон урсин», «тил тортмай ўлай», «кўзим чиқсан» сингари ибораларни келтиришади. Аллоҳ таоло номидан бошқа нарсалар билан қасам ичиш гуноҳи кабирадир. Инсон, банда сифатида фақат Аллоҳ номи билан қасам ичиши мумкин. Ҳатто Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), фаришталар, Каъба, жон, бош қаби нарсалар билан қасам ичиш ҳам мутлақо хатодир.

Ибн Умар (розияллоҳу анху) бир кишининг «Каъбага қасамки», деганини эшитиб қолиб, Аллоҳдан бошқанинг номи билан қасам ичма. Мен Расулуллоҳнинг «Ким Аллоҳдан бошқанинг номи билан қасам ичса, куфр ёки ширк келтирибди» деганларини эшитганман», деди.

Демак, Аллоҳга имон келтирган, ўзини мўмин-мусулмон ҳисоблаган кишининг турли нарсалар номи билан қасам ичиши жуда катта гуноҳдир. Қасамхўрликдан йироқ бўлиш ҳақиқий мусулмоннинг фазилатидир.



## 122. Савол: Қўшнилар билан муносабат қандай бўлиши керак?

**Жавоб:** Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

﴿ وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَلَادِينِ إِحْسَنًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسَاكِينِ وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجُنُبِ وَابْنِ السَّيِّلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَنْ كَانَ مُجْتَمِعًا لَا فَخُورًا ﴾ ۳۶

«Аллоҳга ибодат қилингиз ва Үнга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшни-ю бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусоғир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинг)! Албатта, Аллоҳ кибрли ва мақтанчоқ кишиларни севмайди» (*Niso, 36*).

Оятда қўшнини мўмин ёки кофир деб ажратмаган. Шунинг учун муфассирлар кофир қўшнига ҳам яхшилик қилиш керак, дейдилар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонса, яхши гап гапирсин ёки жим турсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонса, қўшнисига азият бермасин».

Ҳадисда қўшнига азият бермаслик Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтириш билан ёнма-ён келяпти. Демак, киши қиёмат кунига ва Аллоҳнинг борлигига ишонса, қўшнисига ҳам зарар бермаслиги керак экан.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Жаброил (алайҳиссалом) менга қўшни ҳақида шунчалик кўп васият қилдики, қўшни қўшнидан мерос

оладими деб ўйлаб қолдим», деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз: “Аллоҳга қасамки, мўмин бўлолмайди” деб (уч марта) айтдилар. “Ким у, эй Аллоҳнинг расули?” деб сўралганда: «Қўшнисига ёмонлик қилган киши”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

«Қўшни уч хил бўлади. Учта ҳақи бўлган қўшни, иккита ҳақи бўлган қўшни ва битта ҳақи бўлган қўшни. Учта ҳақи бўлган қўшни – қариндош бўлган мусулмон қўшни бўлиб, унинг қариндошлиги туфайли бир ҳақи, мусулмонлиги туфайли иккинчи ҳақи ва қўшничилиги сабаб учинчи ҳақи бор. Иккита ҳақи бўлган қўшни – қариндош бўлмаган мусулмон қўшни бўлиб, унинг мусулмонлиги туфайли бир ҳақи, қўшнилиги сабаб иккинчи ҳақи бор. Мусулмон бўлмаган қўшнида фақат битта – қўшничилик ҳақи бор». (*Куртубий 5-жилд, 184-бет*).

«Эшиги энг яқин бўлган қўшни яхшилик қилиш учун энг лойик қўшнидир» (*Имом Бухорий ривояти*).

Ойша онамиз ҳар томондан 40 уйнинг қўшни эканини айтган.

Куртубий (раҳматуллоҳи алайҳ): «Энг яқин қирқта уй, ҳар томондан қирқта уй, бақирганда эшитиладиган масофадаги уйлар, бомдод намозини бир масжидда ўқийдиган кишилар, масжиддаги такбир овозини эшитган кишилар қўшнилардир», деган.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Зарр (розияллоҳу анҳу)га: «Эй Абу Зарр, шўрва қилсанг, сувини кўп қил ва қўшнингга ҳам ундан узат...» деганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ойша онамизга: «Қурбонлик гўштини тарқатишда аввал яҳудий қўшнимиздан бошла...» деганлар.

Мусулмон кишининг энг асосий ахлоқий вазифаларидан бири Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва

саллам) айтганларидек: «Мусулмон киши бошқа мусулмонларнинг тилидан ва қўлидан омонда бўлган кишидир» (*Имом Бухорий ривояти*).

Яхши-ёмон кунларимизга қўшниларимиз ярайди.

Мўмин киши ўзи эришган неъматларга қўшниларини ҳам эришиши, ўзи ёмон кўрган нарсаларни қўшниларига ҳам раво кўрмаслиги лозим.

Қўшни ҳақлари тўғрисида сўраган саҳобага Пайтамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Касал бўлса, бориб кўр, вафот этса, жанозасида қатнаш, қарз сўраса бер, қийин аҳволда бўлса ёрдам қил. Бошига мусибат тушса, тасалли бер, уйингни томини баланд кўтариб, унга етиб турадиган шамол ва шабададан тўсма, пиширган нарсангдан унга ҳам чиқар!» деганлар.

Демак, қўшнига моддий ёки маънавий азият бериш мумкин эмас экан. Моддий азият уйига, бοғига, молмулкига тажовуз қилиш бўлса, ор-номуси, шаъни ва обрўсига тажовуз қилиш маънавий азиятдир.

Баъзан қулоғимизга «фалончи киши қўшниси билан келишмас экан» деган гаплар чалиниб қолади. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш керак. Бундай иллатлар Ислом дини одобларига умуман тўғри келмайди.



**123. Савол: Муҳтарам Муфтий ҳазратлари!**  
Бизнинг халқимиз азалдан қўни-қўшнилар билан олди-берди қилиб туришади. Агар уйида у-бу нарсаси тугаб қолса, қўшнисидан олиб, кейинчалик имкони бўлса, яна олган нарсасини қайтариб беришади. Ушбу ўзаро олди-бердилар рибо бўлиб қолмайдими?

**Жавоб:** Қўшнилар бир-бирлари билан ўзаро яхши муносабатда бўлиши динимиз буюрган асосий кўрсатмалардан биридир. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿فَوَيْلٌ لِّلْمُصَلِّيْرِ﴾ ۵ ﴿الَّذِينَ هُمْ عَنْ صَلَاتِهِمْ سَاهُوْنَ﴾ ﴿الَّذِينَ هُمْ يُرَاءُوْنَ﴾ ۶ وَيَمْنَعُوْنَ الْمَاعُوْنَ﴾ ۷

«Бас, шундай намозхонлар ҳолига войки, улар намозларини «унутиб» қўядилар, риёкорлик қила-дилар ва рўзгор буюмларини (кишилар омонатга сўрашганда) ман этадилар» (Моғун, 4–7).

Барча фиқҳий матн китобларимизнинг «Рибо» бо-бида нонни бирор-бировга фақатгина ўлчаб, тарозида тортиб қарз бериш мумкинлиги айтилган. Бу Имом Абу Юсуфнинг қавлидир. Аммо Имом Мұхаммад Шайбоний одамларнинг бунга жуда кўп эҳтиёжлари тушишини, ўлчаб юриш ниҳоятда ҳараж (қийинчилик) бўлишини инобатга олиб, саноқ билан нон қарз олиш мумкин-лигига фатво берганлар.

Гуруч ё туз албатта ўлчаб берилиши ва олиниши лозимдир. Эҳтиёт юзасидан қўшнилар нон, туз каби нарсаларни олди-берди қилишганини ҳадя деб берганлари яхши бўлади.



#### 124. Савол: Почча қайинсинглисига маҳрам бўладими?

**Жавоб:** Аллоҳ таоло марҳамат қиласи:

﴿وَأَن تَجْمَعُوا بَيْنَ الْأَخْتَيْرِ﴾

«...Икки опа-сингилни қўшиб (никоҳлаб) оли-шинギз (ҳам ҳаром қилинди)» (Нисо, 23).

Агар киши никоҳдаги опа ё сингил талоқ қилинса ёки вафот этса, почча унинг синглисига ё опасига уйланиши мумкин. Ҳазрат Усмон (розияллоҳу анху) Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бир қизларига уйланганлар. У вафот этганидан кейин иккинчи қизларига уйланадилар. Шунинг учун у зотни

«Зуннурайн», яъни «Икки нур соҳиби» дейилади. Почча қайинсингилга номаҳрам ҳисобланади. Шунинг учун қайинсингил ўз поччаси билан ёлғиз қолиши мумкин бўлмайди.



**125. Савол:** Кўча-кўйда очиқ-оидин гуноҳ иш қилаётган бир кишининг айбини ўрнак бўлиши учун бошқаларга айтиш ғийбат бўладими?

**Жавоб:** Одамларни менсимасдан, мусулмонларнинг ҳурматига риоя қилмасдан, кўчада очиқ-ошкора гуноҳ қилаётганларнинг айбини ўзига ва бошқа одамларга огоҳлантириш маъносида айтиш ғийбатга кирмайди.



**126. Савол:** Динимизда аёлларнинг мавқеи ҳақида маълумот берсангиз?

**Жавоб:** Исломдан олдинги даврни ўрганилса, динимизда аёлларнинг мавқеи нечоғли юксак эканлиги ойдин бўлади.

Исломгача Араб яrimоролида, Форс ва Рум империясида, Юнон давлатида, Хитойда аёлларнинг ҳуқуқлари нафақат поймол қилинган, балки улар инсонлик даражасидан ҳам маҳрум қилинган эди.

Баъзи халқларда аёлнинг эри вафот этса, аёл ҳам эрига қўшиб ёқиб юборилган. Ҳатто она фарзандининг ҳукмронлиги остида бўлган ва ҳеч қандай ҳурматга сазовор бўлмаган.

Куръони каримда бундай дейилади:

﴿ وَإِذَا بُشِّرَ أَحَدُهُمْ بِالْأَنْيَنِ ظَلَّ وَجْهُهُ مُسُودٌ وَهُوَ كَظِيمٌ ﴾ ٥٨  
الْقَوْمِ مِنْ سُوءِ مَا بُشِّرَ بِهِ أَيْمَسِكُهُ عَلَى هُونٍ أَمْ يَدُسُهُ فِي الْرَّأْبِ أَلَا سَاءَ  
مَا يَحْكُمُونَ ﴾ ٥٩﴾

«Қайси бирларига қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, ғазаби келиб, юзлари қорайиб кетади. У (қиз)ни камситган ҳолда олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хушхабар берилган нарсанинг «ёмон»лигидан (орият қилиб) одамлардан яшириниб олади. Огоҳ бўлингизки, уларнинг бу ҳукмлари жуда ёмондир» (Наҳл, 58–59).



«... (ҳар бир) тириклай кўмилган қиздан сўралганида «не гуноҳи учун ўлдирилган?» – деб» (Таквир, 8–9).

Бир куни Умар (розияллоҳу анҳу) йиғлади, бир оздан кейин кулди. Шунда атрофида ўтирган кишилар бунинг боисини сўраганларида, Умар: «Жоҳилият давридаги бир ҳолат мени йиғлатди: биз қиз фарзандларимизни тириклиайн кўмар эдик. Бир куни мен ҳам жажжи қизимни кўмиш учун чуқур қазидим. Қизим чуқур қазиётганимда атрофимда эркаланиб ўйнарди. Ҳатто соқолимга ёпишган тупроқларни ўзининг жажжи қўлчалари билан силаб тозаларди. Чуқур тайёр бўлди. Қизимнинг бу нарсага ақли етиб, мендан қоча бошлади. Мен эса уни ушлаб чуқурга тиқдим. Оёғим билан босиб устига тупроқ тортдим. У ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Мен оёғимни қаттиқ босдим, у жим бўлиб қолди, шу ҳолатни эслаб йиғладим». Мени кулдирган нарса: биз жоҳилият вақтида хурмо меваларидан ўзимизга худо ясад олардик. Агар қорнимиз очса, уни еб қўядик», дедилар.

Асрлар мобайнида аёлга бўлган бундай қабиҳ муносабатни Ислом дини йўқ қилди. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Кимнинг учта қизи ёки синглиси бўлсаю, уларга таълим бериб, одоб ўргатса,

уларнинг ҳақида Аллоҳга тақво қилса, унга албатта жаннат бўлур», дедилар. Саҳобалардан баъзилари: «Эй Аллоҳнинг расули, иккита қизи ёки синглиси бўлсанчи?» деб сўрадилар.

«Иккита қизи ёки синглиси бўлса ҳам», деб жавоб бердилар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам).

Қизларнинг тарбияси ва таълими отанинг зиммасига вожибdir. Ота бу бурчдан қиз турмушга чиққандан кейин озод бўлади.

Ислом аёл кишига таълим олиш ва маданий савиясини ошириш ҳуқуқини берди ва эркакларни бу ишда масъул қилди. Илм талаби эр ва аёлга баробар фарзdir.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) баъзи ҳолларда аёлларнинг фикри билан иш тутганлар. Масалан, 6-хижрий асрда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошлиқ 1400 саҳоба Байтуллоҳни зиёрат қилиш учун йўлга чиққанларида мушриклар Худайбия номли жойда уларнинг йўлларини тўсишади. Ўша ерда сулҳ тузилиб, мусулмонлар жамоаси Каъбани зиёрат қилмай қайтиб кетадиган бўлади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга бу гапни эълон қилиб, шу ерда қурбонликларингизни сўйиб, соchlарингизни олдириинглар, дедилар. Саҳобалар қимиirlашмади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амрни уч марта қайта-қайта такрорласалар ҳам бирор киши қимиир этмади. У зот ғоят маҳзун бўлиб, чодирга, аёллари Умму Салама (розияллоҳу анҳо)-нинг ёнларига кирдилар. Бўлган воқеани онамизга ўтган умматлар шундай ишлар туфайли ҳалок бўлгани, шунинг учун ғоят ташвишда эканларини айтдилар. Шунда Умму Салама (розияллоҳу анҳо) Расулуллоҳ (алайҳиссалом)га жуда қимматли фикр айтади: «Эй Аллоҳнинг расули, ташқарига чиқинг. Улардан ҳеч бирига ҳеч нарса демасдан қурбонлик қилинг, сўнг

сочингизни олдиринг», деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ташқарига чиқиб, худди Умму Салама (розияллоҳу анҳо) айтганларидек қиласидилар. Уни кўрган саҳобалар ҳам шошиб қурбонликларини сўйиб, соchlарини олдира бошлашади.



**127. Савол:** Гоҳида айрим кишиларнинг ўзаро жанжаллашиб гаплашмай юрганига, агар тўй-маъракаларда учрашиб қолса ҳам, тескари бурилиб кетганига гувоҳ бўламиз.

**Шундай қилишлари тўғрими?**

**Жавоб:** Йўқ. Беайб – Парвардигордир. Бир-бири мизни кечиришга шошилайлик. Камчилик, нуқсонларни аввало, ўзимиздан излайлик. Ўзаро келишолмай қолганларни яраштириб қўяйлик.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласиди:

﴿الَّذِينَ يُفْقَهُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَّاءِ وَالْكَظِيمِ الْغَيْظَ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ ﴾



«Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглиқ кунларида ҳам хайр-садақа қиласидиган, ғазабларни ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар» (Оли Имрон, 134).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга: «Мен сизларга Аллоҳ яхши кўрадиган ва қилиш осон бўлган садақани айтайми?» дедилар. Саҳобалар: «Ҳа, эй Аллоҳнинг расули, айтинг», дейишиди. Шунда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): «У бирорларнинг ораси узилган бўлса, ислоҳ қилиб қўйишидир», дедилар.

Абу Умома (розияллоҳу анҳу) айтадилар: «Бир мил масофа босиб касал кўргани, бемор зиёратига бор, икки мил босиб, дўстинг, биродарингнинг кўнглини

ол, уч мил йўл юриб, икки кишини орасини ислоҳ қилиб қўй», дедилар.

Одамлар орасини ислоҳ қилиш айни савобдир. Аксинча, яқин кишилар, одамлар орасини бузиш гуноҳдир.

Аллоҳ таоло барчамизга кечиримли ва ўзаро меҳроқибатли бўлишни насиб этсин.



### **128. Савол: «Ливота» нима дегани? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз?**

**Жавоб:** «Ливота» баччавозлик маъносини билдиради.

Аллоҳ таоло бундай огохлантиради:

﴿أَتَأَتُونَ الْذِكْرَانَ مِنَ الْعَلَمِينَ ﴾٢٥﴿ وَتَذَرُونَ مَا خَلَقَ لَكُمْ رَبُّكُمْ مِّنْ أَزْوَاجِكُمْ ﴾  
﴿ بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ عَادُونَ ﴾٢٦﴾

«Сизлар одамлардан фарқли равишда (шахват билан) эркакларга «келасиз»ми?! Ҳамда Раббингиз сизлар учун яратган жуфти ҳалолларингизни тарқ қиласизми?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсиз» (*Шуаро, 165–166*).

Аллоҳ таоло Лут (алайҳиссалом) қавмини бу жирканч қилиqlари сабабли ҳалок қилди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Лут қавми амалини қилган кимсани Аллоҳ лаънатласин» деб уч марта такрорлади (*Ибн Можа ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳу): «Агар баччавоз тавба қилмай ўлса, қабрда у тўнғизга айланади», деганлар.

Аёлларнинг орқасига яқинлик қилиш ҳам ливота ҳисобланади. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Хотинининг орқасига яқинлик қилган кимса лаънатлангандир» деди (*Имом Абу Довуд*).



**129. Савол: Спиртли ичимликлар ичиладиган тўйларга борса бўладими?**

**Жавоб:** Тўйларда Аллоҳ таоло ҳаром қилган ичимликлар ичилиши кўпайиб кетгани, бу нарсалар ошкора бўлаётгани катта мусибатларимиздандир. Уларни мусулмонлар, бизнинг яқинларимиз, дўстларимиз, танишларимиз тарқатётгани, ичаётгани жуда ачинарли. «Ҳидояи шариф»нинг «Карохият китоби»да гуноҳ бўлаётган тўйлар ва йиғинларга бормасликка фатво берилади. Чунки ҳадисда “Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фосиқларниң чақириғига жавоб бериб, боришдан қайтарганлар”, дейилади (*Имом Байҳақий Имрон ибн Ҳусайн (розияллоҳу анҳу)дан қилган ривоят*).



**130. Савол: Аёл ва эркак бир-бирларини яхши таниса, ФҲДЁдан ўтса-ю, лекин никоҳ ўқитмасдан яшаса бўладими?**

**Жавоб:** Мусулмонлар уйланиб, турмуш қураётганларида шаръий никоҳ ўқитиб уйланишлари фарзи айнdir. Никоҳнинг шарти, бирга ҳаёт кечирмоқчи бўлган йигит ва қиз икки нафар мусулмон эркак ёки бир мусулмон эркак билан икки муслима аёл олдида “мен ўзимнинг танамни фалончига бағишладим”, “мен фалончини хотинликка қабул қилдим” каби сўзлар билан оила қураётганлигини эълон қилишдир.

Эркак билан аёлнинг никоҳ қилдирмасдан бирга яшашлари улкан гуноҳдир. Имом Заҳабий айтади: “Кимки ўзига ҳалол бўлмаган аёлни шаҳват билан ушласа, қиёмат кунида қўли бўйнига боғланган ҳолда келади. Агар ўпса, лаблари оловда қирқилади. Борди-ю, зино қилса, қиёмат кунида сонлари тилга киради-да, унинг зарарига гувоҳлик беради” (*Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари*).

Ҳадиси шарифда: «Икки кўзнинг зиноси назардир. Икки қулоқнинг зиноси эшитишdir. Тилнинг зиноси гапириш, қўлнинг зиноси ушлаш, оёқнинг зиноси қадам ташлашdir. Қалб эса истайди ва орзу қилади. Мана шуни фарж тасдиқлайди ёки ёлғонга чиқаради», дейилган. Бундай ноxуш ҳолатлар содир бўлмаслиги учун никоҳ билан турмуш қуриш лозим.



### **131. Савол: Фаҳшнинг кўпайишига ким айбор?**

**Жавоб:** Енгилтак ёки фоҳишалар ҳақида гап кетганида, одатда, ёш қизлар номига гап тегаверади. Фаҳш ишлар билан шуғулланишдан аёллар ҳам, эркаклар ҳам бирдек қаттиқ қайтаришган. Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради:

﴿ وَلَا تَقْرِبُوا الْرِّجَنَ إِنَّهُ كَانَ فَحِشَةً وَسَاءَ سِيَلًا ﴾  
22

**«Зинога яқинлашмангиз! Чунки у фаҳш ва ёмон йўлдир» (Исрo, 32).**

Фаҳш ишларнинг кўпайиши, юз беришига айбор бўлишаётганлар фақат аёллар эмас, балки ҳар қандай зинога яқинлашишга сабабчи бўладиган кишилар ҳамdir. Пуллари билан қизларни йўлдан уришга уринаётган бойваччалар, тунги клубларда фаҳш ишларга қандайдир ёрдамчи бўлаётган клуб соҳиблари, ўзларининг фаҳш кинофильмларини яширин йўллар билан тарқатаётган сотувчилар, интернетда фаҳшли тарғиб қилувчи сайtlар очиб қўйганлар, қизларни алдаб-сулдаб чет элларга олиб кетиб, у ерларда бундай ишонувчан бечораларни сотиб юборишаётган кимсалар – буларнинг барча-барчаси гуноҳкордирлар.



**132. Савол:** Бир танишим ўғлига “Мұхаммад” исмини қўйса, қариндошлари бу исм болага оғирлик қиласди, дебди. Шу тўғрими?

**Жавоб:** Фарзандга чиройли исм қўйиш ота-онанинг фарзанд олдидағи бурчларидан биридир. Фарзанд келажакда ўз исмидан уялмайдиган бўлиши керак ва яхши одам экани билиниб туриши лозим. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай буюрганлар: «Қиёмат кунида ўз исмларингиз ва оталарингиз исмлари билан чақириласизлар. Шунинг учун чиройли исм қўйингизлар!» (*Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривояти*).

Исм болага оғирлик қиласди, деган гап хатодир. Бутун оламларга раҳмат қилиб юборилган зотнинг исми ҳам оғир бўладими?! Ҳолбуки бу каби исмлар муборак исмлардир. Аксинча, бу исм бор оиласда баракот бўлади.

Ҳадиси шарифда бундай дейилади: «Пайғамбарларнинг исмлари билан исм қўйингиз! Аллоҳ таолога энг ёқимли исм Абдуллоҳ ва Абдурраҳмондир (*Имом Бухорий ва Абу Довуд ривояти*).



**133. Савол:** Никоҳни кимлар ўқишига ҳақли? Унинг ҳам қонун-қоидалари борми?

**Жавоб:** Никоҳларни масжид имомлари, диний гувоҳномага эга бўлган домлалар ўқиши мақсадга мувофиқ. Мусулмон келин-куёв, аниқроғи, никоҳ ўқитмоқчи бўлганлар иккита мусулмон эркак гувоҳлигида ёки бир эркак ва икки аёл гувоҳлигида ўтган замон феъли билан бирлари хотин бўлишга, иккинчиси эр бўлишга рози эканини билдиришлари керак. Яъни келин: «Никоҳингизга кирдим», «Хотинингиз бўлишга рози бўлдим», «Ўзимни бағишиладим» каби сўзлардан бирини айтиши, куёв: «Қабул қилдим», «Мен сенга эр бўлишга рози бўлдим», «Сени хотин қилдим» каби сўзлардан

бирини гувоҳлар олдида айтиши шарт. Гувоҳлар бир вақтнинг ўзида уни эшитишлари керак. Имом домла ушбуларни бўлажак эру хотинлардан сўрайди. Чунки одатимизда, минг йиллик миллий қадриятимизда мулла ёки домлалар келин-куёвдан сўраб, розилигини олади ҳамда никоҳ хутбасини ўқииди. Шу билан бирга бўлажак эру хотинга маҳр масалаларини, эру хотиннинг бир-бирлари олдидаги хуқуқ ва мажбуриятларини, фарзанд тарбияси каби шаръий масалаларни тушунтиради.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: «Никоҳни эълон қилинглар ва уни масжидларда ўқитинглар ва унга даф уринглар!» (*Имом Термизий ривояти*).



**134. Савол: Эр киши бегона юртларга ойлаб, ҳатто йиллаб ишлашга кетса, унинг хотинига талоқ тушадими?**

**Жавоб:** Йўқ. Никоҳдан сўнг эру хотин ораси абадул абадга боғланади. Уларни ҳеч ким, ҳеч нарса ажратади олмайди.

Баъзи уламоларимиз эру хотин орасида ҳар хил гаплар ўтиб туриши, қайсиdir бирори билмасдан алфози куфр бўлган сўзлардан гапириб қўйган бўлиши мумкинлиги учун эҳтиётан баъзи-баъзида никоҳни қайта ўқиган афзал, дейишган.



# **ИСЛОМ ТАРИХИГА ДОИР МАСАЛАЛАР**





**135. Савол: Ассалому алайкум Муфтий ҳазратлари! Қайси саҳобаларга ҳаётлик чоғларида жаннат башорати берилган?**

**Жавоб:** Улар «Ашараи мубашшара», яъни жаннатий экани башорат қилинган ўн саҳоба сифатида қайд этилган. Бу саҳобалар ҳали тирик пайтларидаёқ Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга жаннат хушхабарини берганлар. Уларнинг исмлари:

Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу);  
 Ҳазрат Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу);  
 Ҳазрат Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу);  
 Ҳазрат Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу);  
 Ҳазрат Талҳа ибн Убайдуллоҳ (розияллоҳу анҳу);  
 Ҳазрат Зубайр ибн Аввом (розияллоҳу анҳу);  
 Ҳазрат Абдурраҳмон ибн Авф (розияллоҳу анҳу);  
 Ҳазрат Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анҳу);  
 Ҳазрат Абу Убайда ибн Жарроҳ (розияллоҳу анҳу);  
 Ҳазрат Саъид ибн Зайд (розияллоҳу анҳу).

Бу муборак зотлар Исломга садоқатлари, Аллоҳга ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га чексиз муҳаббатлари боис шундай олий мақомларга эришишди. Аллоҳ таоло вахий билан Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га бу зотлар ҳали ҳаёт пайтларидаёқ уларни жаннатий эканининг хабарини берди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг содик сафдошлари бўлган муборак зотларнинг ҳар биримизга ўрнак бўладиган шарафли ҳаётларини қисқача баён этамиз.

## ҲАЗРАТ АБУ БАКР СИДДИҚ (розияллоҳу анҳу)

Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан икки ёш кичик, «Фил» воқеасидан икки йил кейин дунёга келган. У зот улкан заковатли, ҳар бир нарсага чукӯр ёндашадиган, озғин вужудли эди. Расулуллоҳни жуда яхши кўрар эди. Жону дилдан у зоти бобаракотга ишонар ва итоат қиласарди. Расулуллоҳ илк бор ҳалқни ягона маъбуд – Аллоҳ таолога даъват этишга амр қилингандарини айтганларида ҳазрат Абу Бакр: «Ҳаммадан аввал мени даъват этинг. Мен имон келтиридим», деганлар.

Меъроҳ ҳодисаси билан боғлиқ ғайритабиий тафсилотларни Расулуллоҳдан эшиштан мушриклар ҳазрат Абу Бакрнинг олдига келиб:

– Соҳибинг нималар деяпти? Сен ҳали бунга ҳам ишонарсан?! – деб сўрашганида ҳазрат Абу Бакр ҳеч бир тараддуд ва иккиланмасдан:

“Агар Мухаммад (алайҳиссалом) айтиётган бўлсалар, албатта, ишонаман”, деб жавоб қайтарган.

Шу боис Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни Сиддиқ деб номладилар. Яна у зотни Атиқ ҳам дердилар. Бу ном ҳазрат Абу Бакрнинг дўзах азобидан халос этилганига ишорадир. Расулуллоҳ ҳазрат Абу Бакрнинг имони ҳақида сўз борар экан, шундай марҳамат қилганлар: «Кимни Исломга даъват қилган бўлсам, тисарилди, иккиланди, ўйга толди, фақат Абу Бакр ҳеч иккиланмай қабул қилди».

Ҳазрат Абу Бакр Исломга бўлган чексиз садоқати ва собит имони шарофатидан мол-мулкини бу йўлда вакф этди. Бутун умрини ҳақ диннинг келажаги ва тараққиётига бағишлади. Унинг ахлоқида чексиз бир улуғлик бўй кўрсатиб турар, шафқат ва марҳамати,

мехрибонлиги тилларда достон бўлган эди. Пок қалбидаги яшаган бирдан-бир нарса, ҳеч шубҳасиз, Аллоҳ ва Унинг расулига чексиз ва жўшқин муҳаббат эди. Ҳаёти давомида Қуръони карим йўлидан борди ва шу билан яшади. Чунки у мўътабар зот фақат шу йўл билангина абадий саодатга эришиш мумкинлигига тўлиқ ишонарди. Бу событ ишончи туфайли у Расулуллоҳ (алайҳиссалом)дан бир дақиқа ҳам ажралмадилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) учун жон фидо қилишга ҳам тайёр эди. Бу зот, ҳеч муболағасиз, инсоният тарихидаги энг ёрқин сиймолардан биридир. Сиддиқ номи билан дунёга донг таратган Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) олтмиш уч ёшида Ҳақ таолонинг ҳузурига раҳмат қилдилар.

### ҲАЗРАТ УМАР (розияллоҳу анҳу)

Ислом тарихида юксак адолати билан ном чиқарган ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу)ни Расулуллоҳ (алайҳиссалом) бир дуоларида: «Ё Раб!.. Умар билан динингни қувватла», деган эдилар. Қурайш қабиласида катта нуфуз ва таъсирга эга бўлган икки Умар бор эди: асл исми Амр бўлган Абу Жаҳл ва ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу). Абу Жаҳл Расулуллоҳ (алайҳиссалом)-нинг мўъжизаларини кўриб ва ҳақиқатни билиб туриб ҳам куфр йўлини тутди ва «жаҳолатнинг отаси» деган тавқи лаънатга учради. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) эса имонга мушарраф бўлиб, бутун ҳаётини Ислом йўлига бахшида этди. Ҳазрат Умар зулм ва ноҳақликка асло чидай олмас, дарҳол унга қарши курашга чоғланарди. У зот шундай ҳассос қалб эгаси эдики, энг нозик масалаларда ҳам ҳақни ботилдан, оқни қорадан ва тўғрини эгридан ажрата оларди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у кишини «Форуқ» дердилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадиси шарифларида: «Мендан кейин Пайғамбар келмайди, агар келганида Умар бўларди», деган эдилар. Ҳазрат Умар имонга келганидан сўнг ҳаёти бутун инсониятга намуна бўладиган даражада юксак мақомларга кўтарилиган нодир шахсиятлардан биридир. У зот қозилардан бирига: «Агар Умар билан авом халқдан бир киши ҳузурингда бир хил муомала кўрмас экан, ҳукминг асло адолатли бўлмайди», деган эдилар.

Аллоҳ йўлида ва Ислом умматининг рушду камоли учун ямоқ кийим кийган, бенуқсон адолат билан ҳукм юритган беназир сиймодир. Расулуллоҳ (алайҳиссалом)-дан жаннатий деган хабар эшитган буюк имон кучи, тенгсиз адолати билан исломиятга хизмат қилган ҳазрат Умар Форуқ олтмиш уч ёшида Ҳақ йўлида шаҳид бўлди.

### ҲАЗРАТ УСМОН (розияллоҳу анҳу)

Ҳазрат Усмон Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яхши кўрган, ҳадисларда мақталган, ўрта бўйли, очиқ чехрали, гўзал хулқли бир зот эди. Ҳар қандай фидокорликка тайёр турган, барча бойлигини дин йўлига вақф этган бу зот Расули акрамнинг Руқайя исмли қизларига уйланди. Руқайя вафот этганидан сўнг Пайғамбарамиз (алайҳиссалом)нинг яна бир қизлари – Умму Кулсумни никоҳига олди. Шу боис икки нур соҳиби – Зуннурайн деб номланди. Табиатан ғоятда ҳалим, сокин, ҳақиқатпарат, умрида ҳеч кимга озор бермаган ҳазрат Усмон Ҳақ таолонинг ва Пайғамбарамиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг чин ошиғи эди. Пайғамбарамиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га нисбатан чексиз муҳаббати ва Ислом йўли-

даги жидду жаҳди боис ҳаётлик вақтидаёқ жаннатий деб башорат қилинди. Исломиятнинг дунё бўйлаб ёйилиши ва тараққий этиши унинг халифалик даврига тўғри келди. Ҳазрат Умар шаҳид этилганидан кейин халифаликка сайланган ҳазрат Усмон Зуннурайн доимо машварат асосида ҳукм юритди.

Куръони каримни кўп мутолаа қилар эди. Бақара сурасининг «Фасайакфийка ҳумуллоҳу ва ҳувас-самиъул-ъалим» ояти каримасини ўқиб турган пайт фитначилар томонидан саксон уч ёшида ўлдирилди. Усмон (розияллоҳу анҳу)нинг қони тўкилган Мусҳаф ҳозирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланади.

### ҲАЗРАТ АЛИ (розияллоҳу анҳу)

Ҳазрат Али болалигидан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг кўзлари ўнгига вояга етиб, у зоти муборакнинг тарбиясида камол топди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни жону дилидан яхши кўрар, дин йўлида жонини беришга ҳам тайёр эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам ҳазрат Алини ҳаммадан кўп яхши кўрар, у ҳақда «Алини севган киши мени севган, Алига душманлик қилган кимса менга душманлик қилган бўлади», деб марҳамат қилганлар. Бошқа бир ҳадиси шарифда ҳазрат Алига: «Сени мўминлар севади, мунофиқлар душманлик қилади», деганлар. «Али дунёда ва охиратда менинг биродаримдир», «Мен Алидан, Али эса мендандир» каби муборак ҳадислари ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг ҳазрат Алини қанчалик севиб, иззат қилганларига далолат қилади.

Ҳазрат Али Куръони каримни яхши билар эди. Хусусан, ояти карималар қаерда, қачон, нима учун ва

ким ҳақида нозил бўлганидан яхши хабардор эканлиги боис Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Мен илмнинг шаҳриман, Али эшигидир. Ҳар ким илмни мурод этса, Али (эшиги) орқали келсин», дея марҳамат қилганлар.

Қуръони карим илмини ўрганишни истаганлар албатта унинг эшигига борар ва унинг фатвоси билан мушкуллари ҳал бўларди. Ҳазрат Умар ҳам доимо ҳазрат Алини мақтаб: «Али бизнинг энг улуғ қозимииздир», дерди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан беш юз ўттизта ҳадиси шариф ривоят қилган ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) илмда ҳам, қаҳрамонликда ҳам юксак мақомга эришган зотдир. Ҳатиб, олим, одил, жасур, қўрқмас паҳлавон, шижаатли қаҳрамон, қиличи каби сўзи ҳам кескир, гўзал ахлоқли, ҳаёли, яхшиликни севувчи, етимларга ҳомийлик қилувчи бу меҳрибон зотни Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳали ҳаётлигига ёқ жаннат билан суюнтирган эдилар. Ҳазрат Алини севиш, шубҳасиз, исломиятга ва инсониятга хизмат қилишга васила бўлади. Унга душманлик қилиш ва тил теккизиш барча саҳобаларга душманлик ва хиёнат қилиш билан тенгдир. Зоро, ҳазрат Али бутун умматни севган, уни ҳимоя қилган шафқатли бир ота каби эди. Исломият фақатгина ана шундай шафқатли ва илмили оталарнинг ҳимоялари сабаб ҳаёт топгани ва гуллаб-яшнагани барчамизга тарихдан маълум.

Дарҳақиқат, сўнгги нафасларида ҳам Исломнинг асоси бирлиқда, жипслиқда, ҳамжиҳатликда эканини таъкидлаган ҳазрат Али ҳаётда ҳар доим ана шу йўлдан борди. Ҳазрат Алини севиш ва унинг изидан бориш, ҳар бири бир йўлчи юлдуз бўлган асҳоби киромни севиш, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатига садоқатли бўлиш демакдир.

## ҲАЗРАТ ТАЛҲА ИБН УБАЙДУЛЛОХ (розияллоҳу анҳу)

Талҳа ибн Убайдуллоҳ ҳазрат Абу Бакр Сиддиқнинг иршоди билан Исломни кабул қилган бешинчи кишиидир. Насаб жиҳатидан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қариндош бўлган бу зот илм ва фазилат эгаси бўлиш билан бирга хайрли ва савоб ишларни қўп бажаргани учун ҳам «Талҳатул-Хайр», «Талҳатул-Жавҳар» номлари билан машҳур эди. Қизғиши оқ юзли, ўрта бўйли, кенг кўкракли, қаҳрамонлиги билан донг таратган ҳазрат Талҳа ибн Убайдуллоҳ олим ва обидлиги билан ҳам танилганди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни жону дилдан яхши кўрган ихлосли бир мусулмон эди. Уҳуд жангига мушриклар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ҳужум қилишганида қўли билан қилични тутиб қолиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ўзини қалқон қилиб тутган ва ярадор бўлган бу шижаотли зотга ҳаётдалигига ёқ жаннат хушхабари берилганди.

Жамал воқеасида у ҳазрат Ойша томонида бўлди. Ҳазрат Али унга Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бир сўзларини эслатганида, дарҳол ҳарб майдонини тарк этган эди. Лекин Марвон ибн Ҳакам отган ўқ унинг тиззасига тегиб, қаттиқ жароҳатланди ва шаҳид бўлди.

Ҳазрат Али жангдан кейин Талҳанинг жасадини кўриб, йиғлади ва ҳаққига дуо қилди. Ҳазрат Али эллик саккиз ёшида жангда шаҳид кетган ҳазрат Талҳанинг жанозасини ўқиб кўзёш тўқди ва Аллоҳ таолога у зот учун дуо қилди. Вафотидан йигирма йил ўтгач, қизи Ойшанинг таклифи билан у зотнинг жасади Басрага келтирилиб, қайта дафн этилган.

## ҲАЗРАТ ЗУБАЙР ИБН АВВОМ (розияллоҳу анҳу)

Куняси Абу Тоҳир, Абу Абдуллоҳ бўлган бу зот насаб жиҳатидан Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қариндошdir. Ўн беш ёшида имон келтириб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га жону дилдан муҳабbat қўйган эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чиққан барча ғазотларда қатнашди, кўп қаҳрамонликлар кўрсатди. Ҳазрат Абу Бакр (розияллоҳу анҳу)нинг қизи Ойша онамизнинг опаси Асмога уйланган.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-га сидқидилдан хизмат қилгани ва ҳар нарсада ёрдам беришга тайёр бўлгани учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у ҳақда: «Ҳар набийнинг бир ҳаворийси бор. Менинг ҳаворийим Зубайр ибн Аввомдир», дея марҳамат қилган эдилар.

Жамал воқеасида ҳазрат Ойша томонида турганида, ҳазрат Али ундан сўради: «Эй Зубайр!.. Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларида ўтирганимизда у зот сендан: «Алини яхши кўрасанми?» деб сўраганларида: «Ҳа», деган эдинг. Ўшанда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бир кун келади, сен ноҳақ ўринда Али билан мужодала қиласан», деган эдилар. Шуни эслайсанми?»

Ҳазрат Зубайр: “Ҳа, эсимда”, деди ва жанг майдонини тарк этди ва ҳазрат Талҳанинг ёнига бориб, масалани тинч йўл билан ҳал қилиш кераклигини айтди. Аммо афсуски, Аҳмад ибн Қайс уни ноҳақларча ўлдириди.

Ҳазрат Али унинг қонли вужуди ва бошини кўриши билан ўзини тутолмай, хўнграб йифлади ва Аҳмад ибн Қайсга дашном берди: «Ҳарбдан чекинган бу одамни нега ўлдиридинг, жойинг жаҳаннам бўлсин, эй қотил!»

Хижрий ўттиз олтинчи йили шаҳид этилган бу зот олтмиш бир ёшда эди. Унинг шаҳодати ҳазрат Алига кўп таъсир қилди ва жанозасини ўзи ўқиди. У Басрада дафн этилди.

Буғдойранг, ўрта бўйли, тўладан келган, очик чехрали, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) севиб, иззат кўрсатган бу зотнинг ўлими мусулмонларни ҳам қаттиқ қайғуга солди.

## ҲАЗРАТ АБДУРРАҲМОН ИБН АВФ (розияллоҳу анҳу)

Асл исми Абдул Каъба бўлган бу зот Ислом дини билан шарафланганидан сўнг Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга Абдурраҳмон исмини бердилар. Буғдойранг, узун бўйли, баҳайбат жуссали, ҳалим бу зот насаб жиҳатидан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қариндош эди. У ўн етти ёшида Исломни қабул қилди.

Пайғамбаримиз Абдурраҳмон ибн Авфнинг дуолари ижобат бўлишини сўраб Аллоҳ таолога илтижо қилган эдилар. Шу боис у кимнинг ҳаққига дуо қилса, мутлақо мустажоб бўларди. Уҳуд ғазотида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг атрофларида парвона бўлиб, у зоти муборакни ҳимоя қилган ва оёғидан қаттиқ яраланган эди. Шу сабабли бир оз оқсоқланиб юрарди. Инсонларга меҳр-шафқатли, қўли очик, хокисор ва юмшоқ табиатли инсон эди. Тижорат билан шуғулланар, ҳазрат Умар халифалиги вақтида кўмондон бўлган эди.

Исломиятнинг ёйилиши ва ривожи йўлида хизмати улуғ бўлган бу зот ҳазрат Умарнинг шаҳодати туфайли йигилган кенгашнинг олти нафар аъзосидан бири бўлди. Саксон икки ёшида Мадинаи мунаvvarda вафот этди.

## ҲАЗРАТ САҶД ИБН АБУ ВАҚҚОС (розияллоҳу анҳу)

СаҶд ибн Абу Ваққос ҳам жаннат башоратини олган зотлардан биридир. Уҳуд жангига Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга ўқ узата туриб: «Ирми йа СаҶд! Фидака аби ва умми!» яъни «Отам, онам сенга фидо бўлсин, от, эй СаҶд!» дея марҳамат қилганлар. Ўн етти ёшида мусулмон бўлган ва ўша кундан бошлаб асло Расулуллоҳ (алайҳиссалом)нинг ёnlаридан узоқ кетмаган.

Ҳазрат Умар халифалиги даврида Ироқقا юборилган қўшинга қўймондонлик қилди. Ўша пайтда пойтахт бўлган Мадоин шаҳри ва Ироқнинг барча ерини фатҳ этди. У зот кимнинг ҳаққига дуо қилса, албатта, ижобат бўларди. Ҳижратнинг эллик иккинчи йилида Мадинаи мунавварарада вафот этди ва шу ерда дафн қилинди. Аллоҳ таолонинг ва Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг чин ошиғи бўлган, исломиятнинг ривожи йўлида жидду жаҳд кўрсатган бу мўътабар зотдан Аллоҳ рози бўлсин!

## ҲАЗРАТ АБУ УБАЙДА ИБН ЖАРРОҲ (розияллоҳу анҳу)

Ҳазрат Абу Убайдада ибн Жарроҳ ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ иршоди билан Исломга кирди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қариндоши эди. Расулуллоҳга жону дилдан муҳаббат қўйиб, қаттиқ боғланган ва у Зоти бобракотнинг ёnlаридан жилмас эди. У зот Аллоҳ йўлида Ҳабашистонга ҳижрат қилганлардан биридир.

Унинг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га муҳаббати саҳобалар орасида тилларда достон бўлди. Уҳуд жангига Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак юзларига зирҳ ҳалқаси ботиб

жароҳатланганларида, Абу Убайда ҳалқани тиши билан суғурган ва олдинги икки тиши синган эди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у фидойи зотни мадҳ қилиб «Умматнинг амини», деган эдилар.

Узун бўйли, озғин, обид, олим, одил ва марҳаматли инсон эди. Мол ва мансабга асло рағбат қилмаган зот эди. Кўлига тушган молларни дарҳол факиркамбағалларга тарқатар, эҳсон қиласи эди. Эллик саккиз ёшда хасталаниб вафот этди. Ундан бир силоҳ ва битта қўй тери пўстиндан бошқа ҳеч нарса қолмади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у зотни жуда яхши кўрар ва ҳали ҳаёт пайтидаёқ унга жаннат хушхабарини берган эдилар.

### ҲАЗРАТ САҶИД ИБН ЗАЙД (розияллоҳу анҳу)

Саъид ибн Зайд ҳазрат Абу Бакрнинг таклифи билан Исломга кирди. Аллоҳ йўлида аввал Ҳабашистонга, кейин Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-га қувват бўлиш учун Мадинага хижрат қилди. Саъид ҳам Расулуллоҳни жону дилидан яхши кўрар ва асло у Зотнинг ёnlаридан олис кетмас эди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни мадҳ этиб гўзал шеърлар ёздилар.

У кечаларни ибодат ва риёзат билан ўтказар эди. Узун бўйли, йирик жуссали ва бақувват ҳамда марҳаматли эди.

Ҳазрат Саъид Қуръони карим ошиғи эди, кеча-кундуз Қуръон ўқирди.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бу саҳобийни жуда яхши кўрар, тириклигигидаёқ унга жаннат хушхабарини берган эдилар.

Ҳазрат Саъид ибн Зайд хижратнинг бешинчи йилида етмиш ёшида Мадинаи мунавварада вафот этди ва шу ерда дағн қилинди.



**138. Савол:** Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари:

*«Шариатсиз тариқатга кирғанларни  
Шайтон лаъин имонини олар эрмиши»,*

деганларида, нимани назарда туттганлар?

**Жавоб:** Хожа Аҳмад Яссавий бу байтларида шариат ҳукмларини билмай сўфийлик қилиш хатарли эканини баён этганлар. Сўфи Аллоҳёр ҳазратлари бу хусусда айтади:

*Шариатсиз киши учса ҳавога,  
Кўнгил берма анингдек худнамога.*

(«Саботул ожизин»)

Тариқатдаман деб юрганларнинг аксарияти шариат аҳкомларини билмасликлари оқибатида катта хатоликларга йўл қўйишиади. Ҳар бир мўмин таҳорат, нағоз, рўза, закот, ҳаж, никоҳ ва талоқ мавзуларига доир масалаларни яхши ўрганиб олишлари шарт. Айниқса, ақоид масалаларини яхши билмай сўфийликни даъво қилиш мутлақо жоиз эмас.



**137. Савол:** Ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Қуръони карим оятларининг сони китобларда ҳар хил айтилган. Баъзиларида 6666 та дейилса, бошқаларида ундан кам адад кўрсатилган. Оятларнинг сони қанча? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

**Жавоб:** Қуръон оятлари сони ҳақида кўп ривоятлар келган. Кўфаликлар Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анху) ривоятига суюнилиб 6236 оят, дейишган. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анху) Қуръон 6218 оят деса, Ибн Аббос (розияллоҳу анху) 6216 оят дейди. Исмоил ибн Жаъфар Маданийга кўра 6214 оят, яна 6212, 6204 ва 6226 оятдан иборат деганлар ҳам бор.

Бу дегани Қуръон оятлари кўп ёки кам дегани эмас, балки баъзи уламолар Қуръоннинг оятларини бирбирига қўшиб, икки оятни битта деб (маъносидан келиб чиқиб) ҳисоблаганлари учун уларнинг сони турлича ҳисоб қилинган.



### **138. Савол: Хурматли Муфтий ҳазратлари! Имом Бухорийнинг маънавий мероси ҳакида маълумот берсангиз?**

**Жавоб:** Юртбошимиз Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишлиланган маросимда бундай деган эдилар:

«Имом Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун Ислом оламининг фахр-ифтихоридир. У табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас иродада ва сўнмас эътиқод тимсолидир. Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи – энг ишончли ҳадислар тўплами – «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» муқаддас динимизда Қуръони каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир.

Мана ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини имон нури билан мунаvvар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда».

Имом Бухорий ғайри сахих ҳадислардан сахих ҳадисларни ажратиб олиб, китоб тасниф этишни биринчи бўлиб бошлаб берган буюк аллома эдилар. Бу зоти шариф «Амирул муъминин фил-ҳадис» («Ҳадис илми бобида мўминлар амири»), «Ал-Имомул миқдом» («Жасур Имом»), «Имомул мухаддисин» («Мухаддислар имоми»), «Саййидул фуқаҳо» («Фақиҳлар саййиди») каби юксак унвонлар соҳиби эди.

Аллоҳ таоло Имом Бухорийга ақл бовар қилмас даражада кучли қувваи ҳофиза ва хотира ато этган. «Доират ал-маъориф ал-исломия» («Ислом энциклопедияси»)

педияси») муаллифлари: «Имом (Бухорий) қувваи ҳофизасига кўра Аллоҳнинг ердаги мўъжизаларидан биридир!» деб ёзишган. Айтишларича, Имом Бухорий болалик чоғларидаёқ етмиш минг ҳадисни ёдан билганлар, ҳар қандай ҳажмдаги китобни бир марта ўқибоқ ёдлаб олган.

Имом Бухорийнинг котиблари Муҳаммад ибн Абу Ҳотим айтади: «Мен Ҳошим ибн Исмоил Бухорий билан яна бир кишининг бундай деганини эшиздим: «Имом Бухорий болаликларида биз билан биргалиқда ҳадис тўгарагига қатнар эдилар-у, аммо ҳадисларни ёзиб олмасдилар. Шу зайлда бир қанча кунлар ўтиб, биз ҳар куни у кишидан: «Сиз биз билан биргалиқда тўгаракка қатнайсиз-у, лекин нега ҳадис ёзиб олмайсиз?» деб сўрайвердик. Ниҳоят, Имом Бухорий ўн олти кундан кейин бизга: «Ҳадеб сўрайвериб, ўз ҳолимга қўймадингизлар, қани, ёзиб олган ҳадисларингизни менга кўрсатинглар-чи!» – дедилар. Биз ўзимиздаги ўн беш мингдан зиёд ҳадисни у кишига узатдик. Имом Бухорий мазкур ҳадисларни бирма-бир ёдан айтиб берди, ҳатто, биз у киши айтаётганларида ўз битикларимиздаги хатоларни тузатдик. Сўнг, «Нима, сизлар мени тўгаракка беҳуда келиб-кетяпти, кунини бекор ўтказяпти, деб ўйладингизларми?!» дедилар. Шунда биз бирорта ҳам олимнинг у кишининг олдиларига туша олмаслигини англалидик.

Захабий «Тарихул Ислом» асарида бундай ёзади: «Имом Бухорийнинг тўпламлари Ислом китоблари ичida Аллоҳ таолонинг Китобидан кейинги энг буюк ва энг афзал китоб бўлиб, у ҳозирги вақтда инсонлар учун энг катта таянч бўлиб турибди».

Жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умматлари ва унинг уламоларининг Имом Бухорий тўпламларини барча китоблар ичida энг сахиҳ ва энг афзал деб қарор қилганлари ва шунчаки ўзаро кели-

шиб олганлик ва на тасодиф ва на фитна бўлмай, балки Аллоҳ таолонинг илҳоми ҳамда бу китоб муаллифи-нинг ҳадиси набавияни сақлаш ва унинг ровийларини аниқлаш йўлида қилган саъй-ҳаракатлари эвазига ато этган мукофотидир. Чунки Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз динини (қиёматга қадар) ва ўз рисоласини (аҳкомларини) бандаларига етказмоқлари учун танлаган бу умматни ғофиллигу нодонлик домига илиниб, ўзаро келишган ҳолда залолатга юз бурмоқдан асрагандир.

Имом Бухорий бутун Ислом оламида кўплаб буюк мутафаккир ва йирик муҳаддислар етишиб чиққан бир муборак асрда яшади. Жамики замондош уламолар у кишининг илм, қувваи ҳофиза ва ақлу идрок бобида ўзларидан устун эканликларини ҳурмат билан тилга олишиди.

Абу Закариё ибн Аъён Бухорий Пойкандий айтади: «Агарки, ўз умримдан олиб Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг умрига қўшиш имкони бўлганида эди, мен заррача ўйлаб ўтирмай шундай қиласар эдим. Чунки мен вафот этсан, бир киши ҳаётдан кўз юмади. Лекин Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий вафот этса, жамики илму ирфон барҳам топади».

Юртимиз мустақилликка эришганидан кейин у зотнинг мақбаралари қайтадан бунёд этилди ва минглаб сайёҳлар учун ажойиб ва муқаддас зиёратгоҳга айланди. Бундай савобли ишларнинг узвий давоми сифатида у зотнинг мангу оромгоҳи ёнида Президентимиз ташаббуси билан «Имом Бухорий халқаро маркази» ташкил этилди. Ислом оламида Куръони каримдан кейинги муazzзам манба «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»нинг иккинчи тўлиқ нашри «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилиб, китобхонлар оммасига тақдим этилди.



### **139. Савол: Қаффол Шоший ҳазратлари ҳақида маълумот берсангиз?**

**Жавоб:** Ислом оламида буюк алломалар қаторида Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Замондошлари томонидан “Ҳазрати Имом” деб улуғланган бу зот баъзи араб манбаларида ҳурмат билан нисбасига «катта, улуғ» маъноларини ифодаловчи “кабир” сўзи қўшиб ёзилган. Аллома моҳир хунарманд ҳам бўлиб, ҳалоллиги, тўғрисўзлиги билан ҳалқ орасида танилгани боис “Қаффол”, яъни қулфсоз номи билан ҳурмат қозонган ва бу у зотнинг тахаллусига айланган. Аллома (хижрий 291) 904 йилда қадимги Шош (хозирги Республикализ пойтахти Тошкент)да туғилган.

Мұҳаддис, факих, адид, шоир ва тилшунос аллома бир қатор китоблар, жумладан, “Китоб фи усул ал-фиқҳ” (Фиқҳ усуллари китоби), “Шарҳ ар-рисола” (Рисола шарҳи), “Ал-Жадал ал-ҳасан” (Диалектика гўзаллиги), “Жавомиъ ал-қалим” (Хикматли иборалар тўплами), “Адаб ал-қози” (Қозининг одоби), “Маҳосин аш-шариға” (Шариат гўзалликлари), “Далоил ан-нубувват” (Пайғамбарлик далиллари), “Ат-Талхис фил-фуруъ” (Фуруъдаги қисқартма) каби асарлар муаллифи. Аллома ўзининг “Жавомиъ ал-қалим” асарида 1200 та сахиҳ ҳадисларнинг ровий ва иснодларини тўлиқ келтирган бўлса, “Маҳосин аш-шариға” китобида Расулуллоҳ (алайҳиссалом)нинг мўъжизаларини бадиий услубда жамлаган ҳамда 1000 дан ортиқ ҳадисларни келтирган.

Аллома 976 (хижрий 366) йили вафот этган. Ўша йили аллома қабри устига X аср меъморчилик услубига хос ихчам мақбара қурилади. Уни XV асрда Амир Темур ҳазратлари қайта бунёд этади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йил 20 февралдаги “Ҳазрати

Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўл-лаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарори асосида мазкур мажмуа тўлиғича қайта таъмирланди.



**140. Савол:** Маълумки, 2007 йилда АЙСЕСКО ташкилоти томонидан Тошкент шаҳри умумжаҳон Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Ушбу ташкилот нима мақсадда тузилгани ва унинг иш фаолияти ҳақида маълумот берсангиз?

**Жавоб:** АЙСЕСКО Ислом конференцияси ташкилотига (ИКТ) аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари-нинг 1979 йил Марокашда бўлиб ўтган 10-йигилиши доирасида қабул қилинган қарорига мувофиқ таъсис этилган бўлиб, ўз фаолиятини 1982 йилнинг май ойида бошлаган. Ташкилот бош қароргоҳи Марокаш пойтахти Работда жойлашган. Марказий Осиё мамлакатлари-дан Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ушбу муассасага аъзо бўлиб кирган.

АЙСЕСКО фаолиятининг асосий йўналишлари қуидагилардир:

- ИКТга аъзо мамлакатлар ўртасида таълим, фан ва маданият соҳаларида алоқаларни ривожлантириш;
- Ислом қадриятларини сақлаш, ғояларини илгари суриш мақсадида амалий фанларни такомиллаштириш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш;
- таълим, фан ва маданият соҳаларини янада тараққий эттириш воситасида мусулмон мамлакатлари ўртасида ўзаро тушуниш ва хавфсизликни таъминлаш;
- аъзо давлатлар ўртасида таълим, фан ва маданият соҳаларида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш;
- исломий бўлмаган мамлакатлардаги мусулмонлар билан алоқаларни кенгайтириш;
- турли динлар ва маданиятлар ўртасида мулоқот ўрнатиш ҳамда тинчликни сақлаш, халқлар ўртасида

ўзаро тушуниш мұхитини яратиш мақсадида уларнинг мавқеларини яқынлаштириш. Ташкилий құмита таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро Ислом ташкилоти – АЙСЕСКО уставига мувофиқ, ҳар йили араб дунёсидан икки шаҳар ҳамда Осиё ва Африка қитъаларидан биттадан шаҳар Ислом маданиятининг пойтахти деб эълон қилинади.



**СҮРАГАН  
ЭДИНГИЗ**

II



**АҚИДА  
МАСАЛАЛАРИ**





**141. Савол:** Барчамиз жаннатда Аллоҳни кўришимизга имон келтирамиз. Илтимос, шу ҳақида маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Жарир ибн Абдуллоҳ (розияллоҳу ан-ху)дан: «Биз кечаси Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга ўтирган эдик. У зот ўн тўрт кечалик ойга қараб бундай дедилар: “Албатта, сизлар охиратда Раббингизни худди мана шу ойни кўргандек кўрупсиз. Уни кўришда бир-бирингизга халал бермайсиз. Қуёш чиқишидан ва ботишидан олдинги намозларни агар шайтонга бой бермасликка қодир бўлсангиз, ўқинг!” Сўнг у зот: «**Ва қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Раббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг – намоз ўқинг!**» (*Қоф*, 39) оятини тиловат қилдилар» (*Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти*).

Фақих Абу Лайс (раҳимаҳуллоҳ) айтадилар: «Одамлар Аллоҳни кўриш ҳақида турлича гапиришди. Баъзилар: «Борий субҳонаҳу ва таоло дунё ва охиратда кўринмайди», деди. Баъзилар: «Жаннат аҳли Аллоҳни охиратда кайфиятсиз ва ташбехсиз кўрадилар, худди улар дунёда ўхшатишсиз таниғанларидек», дейишиди. Биз шу гапни оламиз.

Аллоҳ таоло бундай мурожаат қиласиди:

﴿ وُجُوهٌ يَوْمَئِذٍ نَاضِرَةٌ ﴾ ۲۲ ﴿ إِلَى رَبِّهَا نَاطِرَةٌ ﴾

«У кунда баъзи юзлар яшнаб турувчи, Парвардигорларига боқувчиидир» (*Киёмат*, 22–23);

﴿ لِلَّذِينَ أَحْسَنُوا الْحُسْنَى وَزِيَادَةٌ وَلَا يَرَهُقُ وُجُوهُهُمْ قَتْرٌ وَلَا ذَلَّةٌ أُولَئِكَ ﴾ ۲۳  
﴿ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ هُمْ فِيهَا خَلِيلُونَ ﴾ ۲۶

«Эзгу иш қилганларга чиройли нарса (жаннат) ва зиёдалик (Аллоҳнинг дийдорини кўриш) бордир.

**Уларнинг юзларини қоралик ҳам, хорлик ҳам қопламас. Айнан ўшалар жаннат аҳлидирлар. Улар у ерда мангудирлар» (Юнус, 26). Ибн Аббос (розияллоху анху) «зиёда неъмат»ни Аллоҳни тасаввурсиз кўриш, деб айтганлар.**

Аҳли сунна олимлари Аллоҳ таолони бу дунёда бирорта маҳлук кўрмайди, жаннат аҳли Уни охиратда кўради, деб ижмо қилганлар.



**142. Савол:** Улуғ зотлардан табаррук қилиб бирон нарса қабул қилиб олса бўладими? Сиздан илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Улуғ инсонлар Аллоҳнинг дўстлари дидирлар. Валийюллоҳ зотлардан табаррук деб нарса қабул қилиб олса бўлади. Пайғамбаримиз Мұҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Меъроҷга кийиб чиққан муборак тўнларини Увайс Қаранийга топширишни Ҳазрат Умар билан Ҳазрат Али (розияллоҳу анхумо)га васият қилиб кетганлар. Тарихдан Увайс Қараний ҳикоясини барчамиз яхши биламиз. Онасига ҳурмати ва итоати туфайли муборак тўнга мушарраф бўлади.

Бундан ташқари, боболаримиз ёки ёши улуғ инсонлар бизга берадиган нарсаларни табаррук қилиб олиш мумкин. Улар фақат яхши ниятда бизларга шу нарсларини берадилар.



**143. Савол:** Кўпинча ёши катта одамлар дастурхон атрофида дуо қиласуриб: “Еганичганларимизнинг савобини шу ердан ўтганларга бахшида этдик”, деб айтишади. Шунингдек, бир кишининг бошига оғир иш тушганида: “Худо унинг раҳмини есин” (Худонинг унга раҳми келсин, деган маънода бўлса керак), дейишади. Мана шунаقا гапларни айтишда гуноҳ йўқми? “Ота-боболаримизнинг руҳи қўлласин” де-

**ган ибора ҳам кўп ишлатилади. Шу ҳақда динимизда нима дейилган?**

**Жавоб:** Мусулмон кишининг ҳар бир ишида савоб бор. Емоқ, ичмоқ ҳам шулар жумласидандир. Чунки ўша ейилган таомни ҳалол йўлдан топиш учун қилинган ҳаракат, ундан яшаш ва ибодат қилиш учун куч олиш савоб. Модомики, инсон савоб иш қилган экан, унинг ажри ўз номай аъмолига ёзилишини сўраши ёки ўша савобни кимгадир бафишлаши мумкин.

«Худо раҳмини есин» дегани Аллоҳ раҳм қилсин, маъносиладидир. Расулуллоҳ (алайхиссалом)нинг: «Сен ердагиларга раҳм қилсанг, Аллоҳ сенга раҳм қилади», мазмунидаги ҳадисларига мувоғиқ юқоридаги сўзларни айтиш гуноҳ эмас.

«Ўтганлар руҳи қўлласин» дейиш ёки марҳумлардан мадад сўраш жоиз эмас. Биринчидан, Аллоҳдан бошқадан ёрдам сўраш ширк ҳисобланади. Иккинчидан, марҳумлар бирорга фойда етказиш ёки ёрдам беришга қодир эмаслар, балки қўплари тирикларнинг дуосига муҳтождирлар. Уламолар айтадилар: «Агар ўлганинг қўлидан бирорга манфаат етказиш келганида, энг олдин ўзига ёрдам берган бўларди».



#### **144. Савол: Имоми Аъзамнинг ақоид тўғрисисидаги китоблари нима учун «Ал-Фиқҳ ал-акбар» деб номланган?**

**Жавоб:** «Ал-Фиқҳ ал-акбар»нинг лугавий маъноси «Энг улуғ билим» демакдир. Маълумки, Имом Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) фиқҳ илмида ном таратган олимдир. Бироқ ақоид илмини билиш, ўзлаштиришни фиқҳдан кўра муҳим деб билганлар. Чунки ақида тўғри бўлмаса, киши турли фитналарга тушиб қолади. Шунинг учун китобни мазкур ном билан атаганлар. Сўфи Аллоҳёр бундай деганлар:

Ақида билмаган шайтона элдур,  
Агар минг йил тоат деб қилса елдур.



**145. Савол:** Келинни олов атрофида айлантириш, оёғи тагига жонлиқ сўйишнинг ҳукми қандай?

**Жавоб:** Келинларни олов атрофида айлантириш зардустийликдан қолган одат. Бундай қилиш мусулмонларга тўғри бўлмайди. Бирорнинг оёғи тагига жонлиқ сўйиш ҳам мумкин эмас. Чунки Моида сурасининг учинчи оятида бундай марҳамат қилинади:

﴿ حَرَّمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ وَالدَّمُ وَلَحْمُ الْخِنْزِيرِ وَمَا أُهِلَّ لِغَيْرِ اللَّهِ بِهِ وَالْمُنْخَنِقَةُ وَالْمَوْقُوذَةُ وَالْمَرْدِيَّةُ وَالنَّطِيحَةُ وَمَا أَكَلَ السَّبُعُ إِلَّا مَا دَيْكَتُمُ ﴾

«Ўлимтик, қон, чўчқа гўшти, Аллоҳдан ўзганинг номи айтиб сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузишдан ўлган ва йиртқич ҳайвон (қисман) еган (ҳайвонлар) сизларга ҳаром қилинди, илло (шаръан) сўйганингиз (ҳалолдир)» (Моида, 3).

Мусулмонлар истеъмол қилиши ҳаром бўлган нарсалар қаторида Аллоҳдан бошқанинг номини зикр этиб сўйилган жонлиқ ҳам зикр қилинган.



**146. Савол:** Сеҳр-жоду қилишнинг, дуохонликнинг шариатга зидлигини била-ман. Аммо баъзида кишининг соғлиги ёмонлашиб, ланж бўлиб, қўли ишга бормай қолади. Агар Куръондан ўқиб дам солинса, киши енгил тортади. Шундай қилиш Исломда мумкинми?

**Жавоб:** Аллоҳ таоло бундай огоҳлантирган:

﴿ وَاتَّبَعُوا مَا تَنَلُّوا أَشَيَّطِينٌ عَلَى مُلْكِ سُلَيْمَانٍ وَمَا كَفَرَ سُلَيْمَانُ وَلَكِنَّ أَشَيَّطِينَ كَفَرُوا يُعَلَّمُونَ النَّاسَ السَّحْرُ وَمَا أُنْزِلَ عَلَى الْمَلَكِينَ بِإِبْرَاهِيمَ هَرُوتَ وَمَرْوَتَ وَمَا يُعَلِّمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّىٰ يَقُولَا

إِنَّمَا تَحْنُّ فِتْنَةً فَلَا تَكْفُرُ فَيَتَعَلَّمُونَ مِنْهُمَا مَا يُفَرِّقُونَ بِهِ بَيْنَ الْمُرْءَ وَزَوْجِهِ وَمَا هُمْ بِضَارِّينَ بِهِ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا يَأْذِنُ اللَّهُ وَيَعْلَمُونَ مَا يَصْرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَلَقَدْ عَلِمُوا لَمَنِ اسْتَرَّهُ مَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ خَلْقٍ وَلَيْسَ مَا شَرَّوْا بِهِ أَنْفُسَهُمْ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ



«Яна (улар) Сулаймон подшоҳлигидаги шайтонлар (жинлар) ўқиган нарсаларга эргашиб кетдилар. Сулаймон кофир эмас эди, лекин одамларга сеҳр (жоду)ни ҳамда Бобилдаги Ҳорут ва Морут номли фаришталарга туширилган нарсаларни ўргатадиган шайтонлар кофир эди. (Икки фаришта): “биз фақатгина синов (воситаси)миз, (бизга ишониб) кофир бўлиб қолма”, деб (огоҳлантиргунча) ҳеч кимга (сеҳрни) ўргатмас эдилар. Иккисидан эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсани ўрганаар эдилар. Лекин улар Аллоҳнинг изнисиз у билан ҳеч кимга зарар етказа олмаслар. (Хуллас) ўзларига фойдасиз, балки зарарли нарсаларни таълим олар эдилар. Уни (Аллоҳнинг китобини сеҳрга) алмашганларга охиратда насиба йўқлигини ҳам яхши билар эдилар. Ўз (насиба)-ларини қанчалик ёмон нарсага сотиб юборганларини билсалар эди!» (*Бақара, 102*).

Аммо Қуръони карим шифо, уни ўқиб дам солиш мумкин. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) набиралари Ҳасан ва Ҳусайнлар (розияллоҳу анҳумо)га Қуръон ўқиб дам солганлари ҳақида ривоятлар бор.



**147. Савол:** Ширк нима? Шу ҳақда маълумот берсангиз. Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

**Жавоб:** Ширкнинг шаръий маъноси Холиқ-қа маҳлуқни беш нарсадан бирида тенглаштиришдир. Яъни, Аллоҳнинг зотида, сифатларида, исмларида, ишларида ва ҳукмларида шериги бор, деб эътиқод қилишдир.

Қуръони каримда:

﴿ إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَن يُشْرِكَ بِهِ وَيَعْصُرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَن يَشَاءُ وَمَن يُشْرِكُ بِاللَّهِ فَقَدِ افْتَرَ إِنَّمَا عَظِيمًا ﴾  
48

«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гунохи)ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гунох)ни хоҳлаган (банда)ларига кечиругур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, демак, у улкан гуноҳни тўқиб чиқарибди», дейилган (*Niso, 48*).»

Уламолар риёни ҳам ширк қаторига киргизиб, “кичик ширк” ёки “махфий ширк” деб атайдилар. Риёкорлик билан қилинган амалга савоб битилмайди, банда бу гуноҳ учун тавба қилиши ва истиғфор айтиши лозим. Риё деб ибодат, хайр-эҳсон, илм ўрганиш, Қуръон ёдлаш каби савобли ишларни одамлар қўрсинг, “жуда ибодатли” ёки “жуда саховатли” одам экан деб гапиришлари учун амалга оширишга айтилади.



**148. Савол:** Аҳли китоблар, яъни яхудий ва насронийларни коғир дейиладими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

**Жавоб:** Аҳли китоблар коғир ҳисобланади. Чунки мусулмон бўлиш учун ҳамма самовий китобларга ва ҳамма пайғамбарларга ишониш лозим. Қуръони каримда:

﴿إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَيُرِيدُونَ أَنْ يُفْرِقُوا بَيْنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَيَقُولُونَ نُؤْمِنُ بِعَصْرٍ وَنَكُفُرُ بِعَصْرٍ وَيُرِيدُونَ أَنْ يَتَّخِذُوا بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا ﴾ ١٥١ ﴿ 151 ﴾

«Аллоҳга ва пайғамбарларига қуфр келтирувчилар, Аллоҳ билан пайғамбарлари ўртасини узишни хоҳловчилар, бирига ишонамиз, бирига ишонмаймиз, деб ўртача йўл тутувчилар, ана ўшалар ҳақиқий кофирлардир. Кофирларга эса хор этувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз», дейилган (*Niso*, 150–151).



**149. Савол:** Кўрган тушларим кўпинча ўнгидан келади. Бир тушни яна бир неча марта кўраман. Бунинг сабаби нима?

**Жавоб:** Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анху) ривоят қиласи: «Туш уч хил бўлиб, биринчиси, Аллоҳ таолодан мўминларга башорат. У раҳмоний дейилади. Иккинчиси, шайтон вассасаси бўлиб, шайтоний дейилади. Учинчиси эса, маъносиз хаёллардан иборатдир».

Ўнгидан келадиган тушлар ҳақида Биноий бундай дейди: «Аллоҳ таоло Лавҳул Маҳфузда бир фариштани муаккил қилиб қўйган. У банда ҳақидаги ҳар яхши ва ёмон ишни туш орқали маълум қиласи. Агар тушида яхши иш бўлса, шукр қиласи. У фариштанинг номини Малакуррӯё дерлар».

Демак, туш боис бирор яхши иш ҳақида хабар топилса, шукр қилиш зарур экан.



**150. Савол:** Мусулмонлар ғайридинлар билан яқин дўст бўлиши мумкинми?

**Жавоб:** Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

﴿لَا يَنْهَاكُمُ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ لَمْ يُقْبِلُوكُمْ فِي الْأَيَّامِ وَلَمْ يُحْرِجُوكُمْ مِنْ دِيرَكُمْ أَنْ تَبْرُوْهُمْ وَتُقْسِطُوا إِلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُ الْمُقْسِطِينَ ﴾ ٨ إِنَّمَا يَنْهَاكُمُ اللَّهُ عَنِ الَّذِينَ قَاتَلُوكُمْ فِي الْأَيَّامِ وَأَخْرَجُوكُمْ مِنْ دِيرَكُمْ وَظَاهَرُوا عَلَى إِخْرَاجِكُمْ أَنْ تَوْلُوْهُمْ وَمَنْ يُنَوِّهُمْ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴾ ٩﴾

«Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар. Аллоҳ фақат сизларни дин тўғрисида сизлар билан урушган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқарган ҳамда сизларни ҳайдаб чиқаришда бир-бирларига ёрдамлашган кимсалар билан дўстлашишдан қайтарур. Ким улар билан дўстлашса, бас, ана ўшалар айнан золим кимсалардир» (Мұмтахана, 8–9).

Фикҳ китобларида ҳам мусулмонлар билан шартнома асосида яшаётган зиммий (мусулмон бўлмаган шахс)-лар ҳақида, улар биз нимадан фойдалансак, шу нарса (сув, тегирмон, бозор ва х.к.)дан фойдаланадилар, биз нима (табиий офат, ташқи душман ва х.к.)дан зарар кўрсак, ўша нарсадан зарар кўрадилар, деган қоида бор.

Ислом бағрикенглик динидир. Турли миллат вакили бўлишидан қатъи назар, тинч-тотув ҳаёт кечириш, маънавий ва маданий тараққиётта интилиш тавсия этилади. Исломни қабул қилмаган, аммо мусулмон-

ларга хурмати бўлган киши (муаллафатул қулуб)ларга ҳам имкон даражасида яхшилик қилишга буюрилади.



**151. Савол:** “Аҳли сунна вал жамоа ақоиди” китобини ўқиб, ундаги бир ҳадис тўғрисида сўрамоқчи эдим: “Умматим етмиш уч фирқага бўлингайдир. Буларнинг ҳаммаси дўзахдадир. Илло, биттаси (нажотдадир)”, дейилган. Ушбу ҳадисни батафсил тушунтириб берсангиз, илтимос.

**Жавоб:** Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир неча фирқаларнинг пайдо бўлиши тўғрисида ба-шорат қилганлар:

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар: «Умматим етмиш уч фирқага бўлингайдир. Уларнинг ҳаммаси дўзахдадир. Илло, биттаси (нажотдадир). Шунда улар ким дейилди. У зот: “Менинг ва саҳобаларимнинг йўлини тутганлардир”, дедилар» (*Имом Термизий, Ибн Можа ва Абу Довуд ривоятлари*).

Ҳадиси шарифда айтилганидек, яхудий тоифаси етмиш бир, насроний тоифаси етмиш икки, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умматлари етмиш уч фирқага бўлинган. Ҳар бир мусулмон ботил мазҳабларнинг хато йўлларидан сақланиш учун аҳли сунна вал жамоа ақидасини яхши билиши зарур.

Аҳли сунна вал жамоадан ташқари етмиш икки фирқанинг ўзаги еттита бўлиб, улар мўътазила, шиа, хавориж, хорижия, муржиъа, нажжорийя, жабарийя ва мушаббиҳалардир.

Улар яна ўз ораларида содир бўлган ихтилофлар натижасида беш, ўн ва йигирма фирқага бўлиниб, 72 фирқани ташкил қиласида. Ачинарли томони шундаки, адашган фирқаларнинг барчаси бир-бирларини “ко-фир” деб айблайдилар.

Етмиш икки фирмага бўлиниб кетганлар асосан ўзларининг ҳавои нафслари ва шайтон иғвосига учганлар бўлиб, улардан мўътазилалар 20, шиалар 22, хаворижийлар 20, муржиъалар 5, нажжорийялар 3, жабарийялар 1, мушаббиҳалар 1 фирмага бўлиндилар ва жами 72 фирмага бўлди. Уларнинг баъзиларини эътиқодлари бидъат, баъзилариники эса куфргача бориб етди.

Юқоридаги тақсимотни Шайх Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавий ўзининг “Жомеъул мутун фий ҳаққи анвоис сифотил илохийя ва ақоидил мотуридийя ва лафзил куфри ва тасҳихил аъмолил ажибийя” (Аллоҳ таолонинг турли сифатлари, мотуридийя ақоиди, куфр сўзлари изохи ва амалларни тўғри бажариш ҳақида матнлар тўплами) китобида бошқачароқ кўрсатган. Унда айтилишича, залолатда бўлган мазҳаблар бир неча гурӯҳларга бўлинади:

1. Мўътазила 20 фирмага бўлинган.
2. Хорижия 20 фирмага бўлинган.
3. Муржиъа 5 фирмага бўлинган.
4. Жабарийя.
5. Мушаббиҳа.
6. Нажжорийя 3 фирмага бўлинган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан кейин ўртага чиққан турли хил оқимлар ўзларининг бидъатчи эканини англаб етишмаган.

Ислом динини никоб қилиб олиб, олимлик даъво қилаётган кишилардан эҳтиёт бўлиш зарур. Уларга асло бефарқ бўлмайлик. Динда бефарқ бўлиш асло ярамайди.



**152. Савол:** Баъзан инсон билиб-билмай гуноҳ ишларга қўл уриб қўяди. Кимнидир хафа қиласди, кўнглини ранжитади ва ҳоказо... Бир киши: “Аллоҳга ширк келтирмай, бирорни норози қилмай юрсанг, гуноҳинг албатта кечирилади”, деди. Шу гапи тўғрими?

**Жавоб:** Бирорнинг ҳақини олмаган ё зулм қилмаган бўлса, чин тавба қилса, гуноҳлари кечирилади. Бунинг учун ушбу 3 шартга риоя қилиш зарур:

1. Гуноҳлардан буткул узоқлашиш.
2. Астойдил тавба қилиш.
3. Гуноҳга қайтмасликка аҳд қилиш.

Агар булардан биронтаси бажарилмаса, тавбаси қабул бўлмайди.

Бирор кишига зулм қилган одам, ўша кишини рози қилиши керак.



**153. Савол:** Бу саволни нима учун берганимни тўғри тушунасиз деган умиддаман. Мен динни ва диний китобларни ўта кучли тарбияловчи манба деб биламан ва уларда буюрилган амалларни бажаришга ҳаракат қиласман. Лекин китобларда барчага ибрат тариқасида келтириладиган мўъжизаларга ишонгим келмайди. Илтимос, менга тушунарсиз бўлган шу жиҳатлар ҳақида маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Аввало, мўъжиза (арабча – ақлни ожиз қолдирувчи ҳодиса) дейилганида пайғамбарларнинг ҳақиқатан ҳам Аллоҳ таоло бандаларга юборган элчилар эканига далил-хужжат сифатида юз берган ғайритабиий ҳодиса тушунилади.

Масалан, Мусо (алайхиссалом)нинг ҳассаси таёқ сифатида қўй ҳайдашдан ташқари, керак пайтда бошқа шаклга кириб, дарёга кўпприк бўлар ёки аждарга айла-

ниб, ҳазрат Мусога хизмат қилар эди. Ҳазрат Исо (алайхиссалом)га оғир ва бедаво касалликларни бир нафас билан тузатиши, мурдаларни тирилтира олиш каби мұйжизалар берилган. Жанобимиз Мұхаммад (соллаллоҳу алайхи ва саллам)нинг бир неча ўнлаб мұйжизалари бор. Бу ҳақда китоблар ёзилган. Пайғамбарлар Аллоҳнинг құдрати билан инсонлар билмаганини билишади, күрмаганини қўришади, эшиitmaganini эшитишади. Олов ҳамма нарсани ёндириб-күйдиришига қарамай, Аллоҳнинг амри билан Иброҳим (алайхиссалом)ни ёндиримади, унга таъсир ўтказа олмади:

﴿ قُلْنَا يَنَارٌ كُوْنِيْ بَرَدًا وَسَلَمًا عَلَىٰ إِنْرَهِيمَ ﴾ ٦٩

«Биз айтдик: “Эй олов! Иброҳимга салқин ва омонлик бўл!”» (Анбиё, 69).

Куръони карим мұйжизалар Аллоҳ таоло иродаси билан содир бўлишини, пайғамбарлар хоҳлаган пайтларида мұйжиза кўрсата олмасликларини билдиради:

﴿ وَأَقْسَمُوا بِاللهِ جَهَدَ أَيْمَنِهِمْ لِئِنْ جَاءَهُمْ أَيْةً لِيُؤْمِنَنَّ بِهَا قُلْ إِنَّمَا أَلَيْتُ عِنْدَ اللَّهِ وَمَا يُشَعِّرُكُمْ أَنَّهَا إِذَا جَاءَتْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴾ ١٩

«Агар уларга бирон оят-мұйжиза келса, албатта, имон келтиришлари ҳақида жон-жаҳдлари билан Аллоҳга қасам ичадилар. “Оятлар Аллоҳнинг хузуридадир”, – деб айтинг! Қайдан ҳам билурсизлар, (оятлар) келганида ҳам, балки имон келтирмаслар» (Анбом, 109).

﴿ وَإِذْ قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ يَبْنَيَ إِسْرَئِيلَ إِنِّي رَسُولُ اللهِ إِلَيْكُمْ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيَّ مِنَ النُّورَةِ وَمُبَشِّرًا بِرَسُولٍ يَأْتِي مِنْ بَعْدِي أَسْمُهُ أَحَمَدٌ فَلَمَّا جَاءَهُمْ بِالْبُيْنَتِ قَالُوا هَذَا سِحْرٌ مُّبِينٌ ﴾ ٦

«Эсланг, Исо ибн Марям: “Эй Исройл авлоди! Мен Аллоҳниңг сизларга (юборган) пайғамбариридирман. (Мен) ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исмли бир пайғамбар ҳақида хушхабар берувчиман”, деган эди. Бас, қачонки, (Исо) уларга (пайғамбар эканига) ҳужжат (мўъжиза)ларни келтиргач, улар: “Бу аниқ сехр”, – дедилар» (*Саф*, 6).

Биз мўминлар пайғамбарларнинг мўъжизалари ҳақлигига ишонишимиз лозим.



#### **154. Савол: Кўзмунчоқ тақиб юриш жоизми?**

**Жавоб:** Агар киши «кўзмунчоқ боламни балолардан сақлайди», деб тақадиган бўлса (Аллоҳ арасин) ширк бўлади. Зийнат ёки безак учун тақса, жоиз. Лекин юқоридагидек эътиқод пайдо бўлиб қолмаслиги учун тақмагани маъкул.



#### **155. Савол: Ўзини-ўзи ўлдирганга жаноза ўқиладими?**

**Жавоб:** Ўзини-ўзи ўлдирган кимса гуноҳи кабира қилган ҳисобланади. Чунки жон инсонга Аллоҳ таоло берган омонат, унга қасд қилиш хиёнат бўлади. Ўзини ўлдирган одамга эҳтиётан жаноза ўқилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзини ўлдирган кишига жаноза ўқимаганларининг сабаби ўз жонига қасд қилишнинг катта гуноҳлигини билдиради. Саҳобаларга: “Биродарингизнинг жанозасини сизлар ўқиб қўйинглар!” деб буюрганлар (Китобу мажмаи анҳар мин мултакил абҳар). Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ): “Биз унинг ҳолини билмаймиз, вазифамизни бажариб, унинг жанозасини ўқиб, нажот сўраб қўяверайлик, у ёғини Аллоҳга топширамиз”, деганлар. Агар ўзини-ўзи ўлдирган одам жанозаси ўқилмай, кўмиб юборилса, атрофидаги барча инсонлар гуноҳкор бўлишади. Бундай

ҳолатда жаноза уламо ва имом-хатиблар бошчилигида эмас, оддий намозхон имомлигида адо этилади.



**156. Савол:** Яккаю ягона Аллоҳ таолога ибодат қилиб, лекин мусулмон бўлмаган инсонлар (масалан, яхудий, насронийлар) ҳам жаннатга кириши мумкинми?

**Жавоб:** Қуръони каримда:

﴿لَمْ يَكُنْ أَذِنَنَّ كَفُرُوا مِنْ أَهْلِ الْكِتَبِ وَالْمُشْرِكِينَ مُنْفَكِينَ حَتَّىٰ تَأْتِيَهُمْ﴾  
الْبَيْنَةُ ۑ

«Аҳли китоблар ва мушриклардан иборат кофир кимсалар, то уларга Ҳужжат келмагунича, (куфрға оид ботил ақидаларидан) ажралувчи бўлмадилар», дейилади (*Баййина*, 1). Бир пайғамбар уммати бошқа пайғамбар келгунича ўтган вақт ичиди олдинги шариятга амал қиласеради. Пайғамбар келгач эса, унинг динига ўтилади. Агар уни қабул қилишмаса, кофир бўлишади. Демак, Мухаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбар қилиб юборилгунларига қадар ўтган яхудийлар ва насронийлар, агар ўз пайғамбарлари кўрсатмалини бузмаган бўлишса, жаннат аҳлидан бўлишади.



**157. Савол:** Малакул мавт (ўлим фариштаси)нинг исми нима? Бир пайтнинг ўзида у кўплаб жонларни қандай олади?

**Жавоб:** Биз барча фаришталарга имон келтиришга буюрилганмиз. Фаришталарнинг исмларини билишга мукаллаф эмасмиз. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا يَعْلَمُ جُنُودَ رَبِّكَ إِلَّا هُوَ﴾

«Парвардигорингизнинг қўшинларини (фаришталарнинг адади ва сифатларини) Унинг ўзигина билур» (*Муддассир*, 31).

Куръони карим ва ҳадиси шарифда баъзи фаришталарнинг номлари ва сифатлари келган. Масалан, Жибрил (Жаброил), Микоил, Исрофил, Мункар ва Накир, жаннат қўриқчиси Ризвон, дўзах қўриқчиси Молик (алайҳимуссалом).

Аршни кўтариб турувчилар, бандаларнинг амалларини ёзувчилар, муҳофаза қилиб турувчилар ва бошқалар.

Жонни олишга вакил қилинган ўлим фариштасининг исми айрим туркӣ китобларда ва ҳалқ оғзида Азроил дейилган бўлса-да, лекин Куръони каримда, ҳадиси шарифда ёд этилмаган.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласди:

 ﴿ قُلْ يَنَوْفِنُكُمْ مَلَكُ الْمَوْتِ أَلَّذِي وُكِلَّ بِكُمْ ثُمَّ إِلَيْ رَبِّكُمْ تُرْجَعُونَ ۚ ۱۱﴾

«Айтинг: “Сизларга вакил қилинган ўлим фариштаси жонларингизни олур, сўнгра Раббингиз ҳузурига қайтарилурсиз”» (Сажда, 11).

Ибн Абу Хотимдан ривоят қилинади: Ибн Аббос (розияллоҳу анху)дан: “Икки жоннинг ўлими кўз очиб юмгунчалик вақт ичида бир-бирига тӯғри келиб қолса, улардан бири машриқда, иккинчиси эса мағрибда бўлса, ўлим фариштасининг уларга қандай қудрати етади?” деб сўралди. У: “Ўлим фариштасининг машриқ ва мағриб, зулматлар, ҳаво ва денгизлар аҳларига бўлган қудрати, худди олдида дастурхон туриб, хоҳлаган нарсасини тановул қиласиган кишига ўхшайди”, деб жавоб берди.



**158. Савол:** Пайғамбарлар адади қанча? Уларга имон келтиришнинг тӯғри ифодаси қандай бўлади?

**Жавоб:** Саҳобалар (ризвонуллоҳи алайҳим) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан пайғамбарлар адади ҳақида сўрашганида, Жанобимиз (алайҳиссалом): “Улар бир юз йигирма тўрт минг”, деганлар.

Бошқа бир ривоятда эса, “Икки юз йигирма тўрт минг”, дейилган. Аммо бу икки хабар ҳам мутавотир даражасида эмас. Эътиқод масалалари фақат мутавотир ҳадисларга асосланади. Шунинг учун бир муайян сонни айтиб, масалан, бир юз йигирма тўрт минг пайғамбарга имон келтирдим, дейилмайди. Балки ҳамма пайғамбарларга имон келтирдим, дейиш лозим. Пайғамбарлардан бирига имон келтирмаган киши мўмин бўлмайди. Шунинг учун ҳам барча пайғамбарларга имон келтирдим, дейиш керак.

Пайғамбар ёки пайғамбар эмаслиги аниқ бўлмаган шахс ҳақида гап кетганида, “...пайғамбар бўлса, унинг пайғамбарлигига ва барча пайғамбарларга имон келтирдим”, дейиш керак.



### **159. Савол: Аллоҳ таоло исмидан бошқа нарса билан қасам ичиш мумкинми?**

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Оталарингиз, оналарингиз, аёлларингиз билан қасам ичманг. Ким қасам ичса, Аллоҳ исми билан қасам ичсин, йўқса қасам ичмасин”, деганлар (*Ином Бухорий ва Ином Муслим ривояти*).

Одатда киши ўз эътиқодида улуғ ва буюк билганининг номини ёд этиб, бир нарсани қилишга ё қилмасликка қасам ичади. Шунинг учун уламолар Қуръон ва Каъба билан ичилган қасам ҳам қасам ҳисобланади, дейишган (*Фатҳул Қадир*).

Куръони каримда баъзи нарса (анжир, зайтун) ва вақт (чошгоҳ, тун) номлари билан бўлган қасамга келсак, у Аллоҳ таолонинг истаган нарсани азиз ва ҳурматли қилишига ишорадир. Банда Аллоҳ таолодан ўзгани улуғлашдан қайтарилгандир.



**160. Савол:** Баъзилар қиёмат қачон бўлишини биламан деб даъво қиласди. Ҳақиқатдан ҳам қиёмат қачон бўлишини биладиган одам борми? Қиёмат олдидан бўладиган аломатлар нималар?

**Жавоб:** Қиёмат қачон бўлишини на инс, на жин билади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ يَسْأَلُكَ النَّاسُ عَنِ السَّاعَةِ قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ اللَّهِ وَمَا يَدْرِي كَمْ لَعَلَّ السَّاعَةَ تَكُونُ قَرِيبًا ﴾ ٦٣

«Одамлар сиздан қиёмат (қачон бўлиши) ҳақида сўрайдилар. “У ҳақида маълумот фақат Аллоҳнинг хузуридадир”, деб айтинг! Қаердан билурсиз, эҳтимол, қиёмат яқинда бўлар» (Аҳзоб, 63).

﴿ يَسْأَلُوكَ عَنِ السَّاعَةِ أَيَّانَ مُرْسَنَهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ رَبِّ لَا يُجَلِّهَا لَوْقَهَا إِلَّا هُوَ ثُقْلُتُ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا تَأْتِيكُمْ إِلَّا بَغْتَةً يَسْأَلُوكَ كَأَنَّكَ حَفِيْظٌ عَنْهَا قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ اللَّهِ وَلِكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴾ ١٨٧

«Сиздан (эй Мухаммад!) қиёмат ҳақида, унинг қачон қоим бўлишини сўрашади. Айтинг: “Унинг илми Раббим хузуридадир. Унинг вақти (келгани)-да уни Ўзи билдиради. (Қиёмат) осмонлар ва Ерга оғирлик (тушкунлик) қилур. Сизларга (у) тўсатдан келиб қолур”. Сиздан гўё у ҳақида вакил (хабардор бўлганингиз)дек сўрашади. Айтинг: “Унинг илми Аллоҳ хузуридадир. Лекин одамларнинг аксарияти (буни) билмайдилар”» (Аҳроф, 187).

Пайғамбарлар ҳам қиёматнинг қачон бўлишини билишмайди. Демак, фалон йили қиёмат бўлар экан, каби миш-мишларни тарқатувчиларнинг сўзлари ёлғон ва ўзлари эса ёлғончилардир.

Уламолар қиёмат аломатларини катта ва кичик аломатларга бўлишган.

Қиёматнинг кичик аломатлари саҳих ҳадисларда баён қилинган. Уларга асосланиб, баъзи уламолар қиёматнинг кичик аломатларини беш юзтагача санаганлар. Жоҳилликнинг кўпайиши, илмнинг камайиши, ёш болаларнинг раҳбар бўлиши, аёллар кўпайиб, эркакларнинг камайиб кетиши, зинонинг, судхўрликнинг ва фитна-фасодларнинг кўпайиши қиёматнинг кичик аломатлариданdir.

Қиёмат жуда яқин қолганида унинг катта аломатлари содир бўлади. Шайх Нафровий уларни ўнта деб айтган. Имом Маҳдий ва Дажжолнинг чиқиши, саййидимиз Исо ибн Марямнинг тушиши, ер ҳайвонининг чиқиши, Яъжуҷ ва Маъжужнинг чиқиши ва қуёшнинг мағрибдан чиқиши кабилар қиёматнинг катта аломатлариданdir.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ таолодан Дажжолнинг фитналаридан кўп паноҳ тилар эдилар. “Саҳиҳи Муслим”да келишича, унинг чиқиши қиёмат аломатларининг энг олдингиси бўлиб, у шарқ тарафдан чиқади. Ер юзида қирқ кун туради. Унинг бир куни бир йилга, бир куни бир ойга, бир куни бир ҳафтага ва бошқа кунлари одатдаги кунларга тўғри келади. Бир йилга тенг келадиган кунда беш вақт намоз кифоя қилмайди, балки ҳар бир йигирма тўрт соатга, ҳадиси шарифда келганидек, беш вақт намозни белгилаб олиш лозим бўлади. Дажжолни саййидимиз Исо (алайҳиссалом) Лудд эшиги олдида ўлдиради.

Исо (алайҳиссалом) Дамашқ шарқидаги оқ минора олдида осмондан тушадилар ва Дажжолни ўлдириб, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг шариатига биноан ҳукм юритадилар. Унинг даврида мўл-кўллик бўлади ва барака кўпаяди (*Имом Муслим*).

Яъжуж ва Маъжуж Одам болаларидан бўлиб, қиёмат жуда яқин қолганида чиқади. Қуръони каримда бундай марҳамат қилинган:

﴿ حَقٌّ إِذَا فُتِحَتْ يَأْجُوْجُ وَمَاجُوْجُ وَهُمْ مِنْ كُلِّ حَدَبٍ ﴾  
۱۶  
 يَسِّلُونَ

«То Яъжуж ва Маъжуж (тўғони) очилиб, улар ҳар бир тепаликдан оқиб келадилар» (Анбиё, 96).

Улар Зулқарнайн бино қилган тўсиқни то қиёмат кунигача енгиб ўтолмай, қиёмат яқинлашганидагина уни ёриб чиқишиди.

Даббатул арз (ер ҳайвони) ҳақида Қуръони каримда бундай дейилади:

﴿ وَإِذَا وَقَعَ الْقَوْلُ عَلَيْهِمْ أَخْرَجَنَا لَهُمْ دَآبَةً مِنَ الْأَرْضِ تُكَلِّمُهُمْ أَنَّ النَّاسَ كَانُوا بِغَایَتِنَا لَا يُوقِنُونَ ﴾  
۸۶

«Қачон уларнинг (кофирларнинг) устига сўз (азоб) тушганида (яъни, қиёмат олдидан) Биз улар учун ердан бир махлукни чиқарумиз. У уларга одамлар оятларимизга ишонмайдиган бўлиб қолганлари ҳақида гапиур» (Намл, 82).

“Саҳиҳи Муслим”да Абдуллоҳ ибн Амрдан келган ривоятда қуидагича айтилади: “Албатта, аломатларнинг биринчи содир бўладигани қуёшнинг мағрибдан чиқиши ва чошгоҳ пайтида ер ҳайвонининг чиқишидир. Қайси бири содир бўлса, ортидан иккинчиси чиқади”.

Куёшнинг мағрибдан чиқиши Исо (алайҳиссалом) ўлимларидан кейин содир бўлади. Бу ҳақда Саҳиҳайнда қуидагича ривоят келади: «Аллоҳ таоло қуёшга: “Келган жойингга қайт”, дейди. Шунда қуёш мағрибдан чиқади. Шу пайтда тавба эшиги ёпилади».



### 161. Савол: Тавба қачон қабул бўлмайди?

**Жавоб:** Тавба инсонга ўлим келишидан ва қуёш ғарбдан чиқишидан олдин бўлса, қабул қилинади. Агар инсон ўлим келган пайтда тавба қилса, Аллоҳ таоло унинг тавбасини қабул қилмайди. Яъни, агар у кофир бўлса, азоблайди, аммо осий бўлса, унинг иши Аллоҳ таолога ҳаволадир. Хоҳласа, уни азоблайди, хоҳласа, кечиради. Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради:

﴿ إِنَّمَا التَّوْبَةُ عَلَى اللَّهِ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ أُسُوءَ بِمَا هَلَّتِ الْأُمُورُ ثُمَّ يَتُوبُونَ مِنْ قَرِيبٍ فَأُولَئِكَ يَتُوبُ اللَّهُ عَلَيْهِمْ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا ۚ ۱۷ وَلَيَسْتَ إِنَّمَا التَّوْبَةُ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ أُسُوءَ بِمَا هَلَّتِ الْأُمُورُ حَتَّىٰ إِذَا حَضَرَ أَحَدُهُمُ الْمَوْتَ قَالَ إِنِّي تَبَّتْ أَعْنَانِ وَلَا أَلَّذِينَ يَمُوْتُونَ وَهُمْ كُفَّارٌ أُولَئِكَ أَعْتَدْنَا لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ۚ ۱۸ ﴾

«Албатта, Аллоҳнинг тавбани қабул қилиши фақат ёмонлик (гуноҳ)ни билмасдан қилиб қўйиб, сўнгра тезлик билан тавба қилганлар учун (муқаррар)дир. Аллоҳ айнан ўшаларнинг тавбасини қабул қилур. Аллоҳ илм ва ҳикмат эгасидир. Гуноҳ ишларни қилиб юриб, қачонки бирорталарига ўлим келганида, “Энди тавба қилдим” дейдиган, шунингдек, кофирлигича ўлиб кетадиганларнинг тавбалари эса қабул қилинмагай. Ана ўшалар учун аламли азоб тайёрлаб қўйганмиз» (*Niso, 17–18*).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса: “Албатта, Аллоҳ азза ва жалла банданинг тавбасини, модомики ғарғара (ўлим) ҳолатида бўлмаса, қабул қиласди”, деб айтганлар (*Имом Термизий*).

Аллоҳ таоло марҳамат қиласди:

﴿ فَلَمَّا قَرِئَ عَلَيْهِ اَدَمُ مِنْ رَبِّهِ كَلِمَاتٍ فَنَابَ عَلَيْهِ اِنَّهُ هُوَ الْوََّاَبُ الرَّجِيمُ ۚ ۳۷ ﴾

**«Бас, Одам Раббидан (тавбага доир) калималарни қабул қилганидан сўнг (Аллоҳ) унинг тавбасини ижобат этди. Албатта, У тавбаларни қабул этувчи, раҳмли Зотдир» (Бақара, 37).**



**162. Савол:** Зулм қўрган одам қийинчилик ва азобдан қутулиш мақсадида ўз жонига қасд қилиши мумкинми?

**Жавоб:** Киши ўзига ё бошқага зарар етказишини динимиз ҳаром қилган. Аллоҳ таоло бундай амр этган: “Ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламанглар!” (Бақара, 195).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўзига ҳам, ўзгага ҳам зарар етказиш йўқдир”, деганлар.

Ўз жонига қасд қилиш энг катта гуноҳлардандир.

Чунки ўз жонига қасд қилиш илоҳий неъматдан, ҳаётдан воз кечишидир.

Баъзилар ҳаётдаги қийинчиликлар сабабли ўзларини ҳалок этиб, гўё шу билан азоблардан биратўла қутуламиз, деб ўйлашади. Бу ўйлари хатодир. Ҳадиси шарифда: “Ким ўзини бирор нарса билан ўлдирса, жаҳаннам оловида ўша нарса билан абадий азобланади”, дейилган.

Аллоҳ таоло бандаларни турли мусибат ва қийинчиликлар билан ҳам имтиҳон қиласди. Бошига ташвиш тушган одам Аллоҳ таолодан ёрдам сўраб, ташвишидан қутулиш учун ҳаракат қиласа ва сабрли бўлса, эвазига унга кўп яхшиликлар берилади.



**163. Савол:** Баъзи жойларда меҳмонга атаб қўй сўйиш одати бор. Бу ҳақда динимизда нима дейилган?

**Жавоб:** Меҳмонга иззат-ҳурмат кўрсатиш фазилатли амаллардандир. Шу боис меҳмонга зиёфат қилиш мақсадида жонлиқ сўйиб, ундан таом тайёрлаб

едириш яхши амал. Аммо меҳмоннинг оёғи остига сўйилган жонлиқ ҳалол бўлмайди (“Фатовойи Ҳиндия”). Чунки банда ҳар бир амалини Аллоҳ учун қилиши зарур.



**164. Савол:** Дуохонларга бориб «иситиш» йўли билан муҳаббатга эришиш мумкинми?

**Жавоб:** Иситиш, совутиш, фол Ислом динида ҳаром қилинган амаллардандир.

Ким иситсан фалончи мени яхши кўриб қолади, деб ўйлайдиган бўлса хато қилади. Мехр-муҳаббатга иситиш билан эмас, балки Аллоҳ таолодан қўрқиш билан эришилади (“Равоизул баён”, «Нафъул муфтий»).



**165. Савол:** Мусулмон эр ёки аёл бошқа диндагилар билан турмуш қуриши мумкинми?

**Жавоб:** Мусулмон киши аҳли китоб аёлга уйланиши жоиз. Аҳли китоб Таврот, Инжилга эътиқод қилувчилардир. Қуръони каримда: “**Бугун сизлар учун покиза нарсалар ҳалол қилинди. Шунингдек, аҳли китобларнинг таоми сизлар учун ҳалол ва таомингиз улар учун ҳалолдир. Зинокорлик ёки маҳфий ўйнаш қилиб олиш учун эмас, балки маҳрларини берсангиз, мўмина аёлларнинг иффатлилари ва сизлардан олдин Китоб берилганларнинг иффатли аёллари (ҳам ҳалолдир). Ким, имондан куфрга қайтса, (қилган савобли) иши, албатта, зое бўлур ва у охиратда зиён кўрувчилардандир**” (*Моида*, 5), дея марҳамат қилинган.

Мусулмон киши оташпарат, бутпарат ёки бошқа шунга ўхшаш ой, қуёш каби нарсаларга сифинувчилар билан ҳам турмуш қуриши мумкин эмас. Аммо муслима аёл бошқа диндагиларга эрга тегиши асло мумкин эмас (“Хидоя”).



**166. Савол:** Биз томонда (Фарғона вилояти, Риштон тумани) “Барака мозор” номли зиёратгоҳ бор. Уни “Хизр бува мозори” ҳам дейишади. У ерга бир кунда минглаб одамлар “барака ёки баҳт йўллари очилишини тилаб” ёки бошқа бир ният билан зиёратга келишади. Айниқса, сафар ойида зиёратчилар сони янада ортади. Келувчилар оғилларида мол-ҳол кўпайишини тилаб, шу ердан арқон сотиб олишади. Агар олишмаса, арқон сотувчилар мажбурлагандай қилиб, товарларини ўтказишиади.

Шунингдек, у ерда қўрғошинни эритиб қуйиб, унга қараб одамларнинг келажагини “айтиб берадиган” фолбин аёллар ҳам макон тутган. Зиёратгоҳда қуриб қолган тут дараҳти ҳам бор. Айтишларича, у Хизр буванинг ҳассалари бўлганмиш. Уни ерга суқиб қўйганларида қўкариб, дараҳтга айланган экан. Одамлар ҳозир ўша қуриган тутни муқаддас билиб, атрофида етти марта айланиб, тавоф қилишади, танасига қўлларини теккизиб, юзларига суришади...

**Гоҳо ўйлаб қоламан:** шу ишлари тўғрими? Бу тўғрида динимиз кўрсатмалари қандай? Умуман, Хизр бува ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Сиз мактубингизда келтирган ишларнинг барчаси эътиқод заифлиги ва қабрларни зиёрат қилиш одобларини билмаслик натижасида содир бўлаётган хатарли иллатлардандир. Қабристонларни зиёрат қилишдан мақсад, биринчи навбатда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таъкидлаганлариdek, охиратни, ўлимни эслаш бўлиши лозим. Сўнг, Куръон тиловати билан ўтганларнинг руҳларини шод этиш, уларга мағфират тилашдир. Зеро, марҳумлар тирикларнинг дуосига, тиловатига муҳтождир. Улардан

мадад сүраш, қабрларини тавоғ этиш әнг хатарли гуноҳ – ширқедир. Динимизда фақатгина Каъбани тавоғ қилиш мумкин, холос. Үндан бошқа нарсаларни, ҳатто Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхι ва саллам)нинг қабрларини ҳам тавоғ қилиб бўлмайди. Аллоҳ таоло Ўзидан бошқага сиғинган, мадад сўраган бандасидан қаттиқ ғазабланади.

Юртимиздаги барча зиёратгоҳлар ва қабристонларда уларни зиёрат қилиш одоблари ҳақида маълумот берувчи лавҳалар, эслатмалар қўйилган, имомхатибларимиз мунтазам тушунтириш ишлари олиб боришмоқда, газета ва журналларимизда, китобларда бу ҳакда тез-тез мақолалар чоп этиляпти. Аммо шунча огоҳлантиришларга қулоқ осмай, ўз билганича йўл тутаётганлар, талаб-мақсадларини қабрда ётганлардан сўраётганлар жоҳилона қайсарликларининг оқибатидан қўрқсинлар! Аллоҳ таоло бундай кимсаларни ўз ҳолига ташлаб қўяди, мушқулларини осон қилмайди ва дуоларини қабул этмайди. Парвардигорнинг ўзи тавфиқ берсин.

Уламолар ҳазрат Хизр (алайҳиссалом)ни пайғамбар ёки солиҳ банда эканида ихтилоф қилишган. Муфасирлар Куръони каримда **«Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат ато этган ва Ўз ҳузуримиздан илм берган эдик»** (Қаҳф, 65), дея таърифланган зотнинг Хизр (алайҳиссалом) эканига иттифоқ қилганлар. Яна уламолар орасида ҳазрат Хизр (алайҳиссалом)нинг ҳозир ҳаёт ёки вафот этгани ҳақида ҳам турли қарашлар бор. Энг сахиҳ қавлга кўра, Хизр (алайҳиссалом) вафот этган. Аммо руҳониятларига жисмонан кўриниш қобилияти берилган.



**167. Савол:** Кузда баъзилар анжирнинг қуриган шохларини ёқиши мумкин эмас, деб алоҳида ажратиб қўяди. Шу иш тўғрими?

**Жавоб:** Бу саволга жуда кўп марта жавоб берилган. Аммо ўша жавоблар ёзилган журнал ёки китобларни топиб ўқишга имконингиз бор-йўклигини билмаганимиз учун яна бир бор жавоб берамиз: анжир ҳам бошқа мевали дараҳтлар сингари оддий бир дараҳт, бинобарин, уни муқаддаслаштириш хато. Шундай экан, анжирнинг шохларини ҳам bemalol ёқиши мумкин.



**168. Савол:** Баъзи жойларда меҳмон келганида қўй сўйиши оdatи бор. Бу ҳақда динимизда нима дейилган?

**Жавоб:** Меҳмонни сийлаш, иззат-хурмат кўрсатиш фазилатли амаллардандир. Шу боис меҳмонга зиёфат қилиш мақсадида жонлик сўйиб, ундан таом тайёрлаб, едириш яхши амал. Банда ҳар бир амалини холис Аллоҳ таоло учун қилиши зарур (“Фатовойи Ҳиндия”).



**169. Савол:** Баъзилар: “Киши вафот этганида ҳаж мавсумида кийган эҳроми билан кафанданса ва кафанига Замзам суви сепилса, унинг қабрдаги азоби енгил бўлади”, дейишади. Шу гап қай даражада асосли?

**Жавоб:** Қабр азоби ҳақдир. Бу аҳли сунна вал жамоа ақидасидир. Сиз айтган нарсалар билан қабр азоби енгил бўлмайди. Қабр азоби енгил бўлиши учун имон тақозо қилган солиҳ амалларни кўпайтириш, унга зид ишлардан имкон қадар узоқлашиш керак.



**170. Савол:** Кўп давраларда: “Фалончи жаннатий киши эди ёки пистончи дўзахга лойиқ эди”, деган гапларни эшитамиз. Шундай дейиш мумкинми?

**Жавоб:** Йўқ, мумкин эмас. Пайғамбаримиз (соллалоҳу алайҳи ва саллам) жаннатий деб башорат берган саҳобалардан бошқа бирор кишини жаннатий деб айтиб бўлмайди. Бирор банданинг жаннатга тушиши ёинки дўзах аҳлидан бўлишини фақат Аллоҳ таоло билади (“Ал-фиқҳ ал-абсат”).



**171. Савол:** Бир китобда қиёмат куни бандалар ёш, навқирон ҳолатда тирилиши ҳақида ёзилибди. Ўшанда аъзоларимизга бошқа жасад пайдо қилинармикин, деган савол қалбимга тинчлик бермаяпти, шу ҳақда маълумот берсангиз?

**Жавоб:** Қиёматда бандалар ёш, навқирон ҳолатда тирилмайди. Балки, хабарда айтилганидек, аъзоларидан олинган ва тўқилган барча тук ва тирноқлари жасадларига қайтган, ялангоч ҳолда тирилтирилади. Сўнг жаннат аҳли бўлганлар жаннатга таналарида ва иякларида бирорта тук бўлмаган, кўзларига сурма тортилган ҳолда навқирон ёшда кирадилар (*Ином Аҳмад ривояти*).



**172. Савол:** Бир мажлисда имоннинг рукнлари ҳақида тортишув бўлди. Шу ҳақда баён қилсангиз?

**Жавоб:** “Лаа илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ” маъноси: “Аллоҳ таолодан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад (алайҳиссалом) Унинг расулидир” калимасини тил билан айтиб, қалб билан тасдиқ этиш банданинг

мўминлигини билдиради. Мана шу тил билан иқорор бўлиб, қалб билан тасдиқлаш имоннинг рукнлари дидир.

Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайх)дан бундай ривоят қилинади: “Инсонлар имонда уч мартабада бўлади: 1. Бир киши Аллоҳ таолога имон келтирган, унинг қалби куфрдан холи, бироқ жонини сақлаб қолиш учун ўзида куфри зоҳир қилган. Мазкур сифатдаги киши Аллоҳнинг наздида мўмин, инсонлар наздида мўмин эмасдир. 2. Аллоҳнинг наздида мўмин эмас, инсонлар наздида мўминдир. У киши тили билан иқорор бўлса-да, қалби билан эътиқод қилмайди. Мазкур сифатдаги киши зоҳирда мусулмондек кўринса ҳам, Аллоҳнинг ҳузурида у мўмин эмасдир. 3. Тили билан иқорор бўлган ва қалби билан тасдиқ қилган кишидир. У Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳам, инсонлар олдида ҳам мўминдир” (“Ат Тамҳид фи баёнит тавҳид”).



**173. Савол:** Анча йиллардан бери касалман. Кўп шифокорларнинг маслаҳати билан даволандим. Лекин шифо топмадим. Қишлоғимиздаги бир неча киши: “Сенинг авлодингда давбанд қушночлар бўлган. “Момолар”дан қўл олиб, чилтон суви ич, шунда яхши бўласан”, дейишишмоқда. Баъзилар “момолар”дан чилтон суви олиб ичиб, чироқ ёқиб, кинна силаб юришади. Шариатда шундай қилиш дурустми?

**Жавоб:** “Ақидадут Таҳовия” китобида бундай дейилади: “Фолбинлар сўзини тасдиқ этмаймиз. Қуръон, ҳадис ва ижмои умматга хилоф гапларни қабул қилмаймиз. Жамоатни ҳақ ва тўғри деб ҳисоблаймиз. Тафриқани залолат ва азоб деб биламиз. Аллоҳнинг дини ерда ҳам, осмонда ҳам бир, яъни Ислом динидир. Бу дин мукаммал диндир. Мана шулар бизнинг ақидамиз ва динимиздир. Шуларга хилоф қилувчиларга биз муҳолифмиз”.

“Момолар”, “қушночлар” (коҳин, фолбин) шариатга хилоф ишларни қилиб юрган кимсалардир. Уларнинг ҳузурига бормаслик, айтаётганларини тасдиқ этмаслик лозим. Акс ҳолда, имонимизга зарар етади. Ойша она миз (розияллоҳу анҳо) айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан инсонлар коҳинлар ҳақида сўрашди. У зот: “Улар ҳеч нарса эмас”, дедилар...» (*И мом Бухорий ривояти*).



**174. Савол:** Оғайниларимиз билан қабристон зиёратига борган эдик. Орамиздагилардан бири қабристонда Куръони карим тиловатини тик туриб ўқиш савоблироқ бўлади, деб айтди. Шу тўғрими?

**Жавоб:** Марҳумнинг қабрини зиёрат қиласидиган киши, қабрнинг оёқ тарафида туриб салом беради ва унинг ҳақига дуо қиласиди. Зиёрати асносида қабрларни босмаслиги керак. Сўнгра қабристон четига чиқиб ўтириб, Куръондан билган сураларини тиловат қилиб, маййит руҳониятига бағишлайди. Куръони каримда бундай дейилади: «**Улардан кейин дунёга келган зотлар айтур:** “Эй Раббимиз! Ўзинг бизларни ва биздан илгари имон билан ўтганларни мағфират этгин ва қалбларимизда имон келтирган зотларга нисбатан гина пайдо қилмагин! Эй Раббимиз! Албатта, Сен меҳрибон, раҳмли Зотдирсан» (*Ҳашр*, 10).



**175. Савол:** Ҳурматли муфтий ҳазратлари! Биз томонларда ўлган одамнинг яқинларидан бири кўп ўтмай вафот қилса ёки хасталикка чалинса, “Арва ортига қарабди, кепинини ямлабди. Энди қабрни очиб, маййитнинг бошини нариги тарафга буриш зарур ёки қабрга қозик қоқиб, сув қуийш керак”, деган

**гапларга ишониб, айримлар ўтганларининг қабрини кавлаттирияпти. Шу түғрими?**

**Жавоб:** Мутлақ нотүғридир. Бундай қилиш майитни хорлаш ҳисобланади. Шуни билишимиз лозимки, ҳар бир инсон ўз ажали билан ўлади. Ажал бирдир. Қатл этилган мурда ҳам ўз ажали билан ўлган ҳисобланади (“Ақоидун Насафий”).



**176. Савол:** Мен бир китобда “мубтадиъ”, деган сўзни ўқиб, маъносини тушунмадим. Шу ҳақда маълумот берсангиз?

**Жавоб:** “Мубтадиъ” – бидъатчи деганидир. Истилоҳда аҳли сунна вал жамоа ақидасидан бошқа ақидада бўлган хавориж, рофизий каби тоифалар “мубтадиъ”, дейилади.



**177. Савол:** Куфр билан ширк ўртасида қандай фарқ бор?

**Жавоб:** Куфр – ҳақни беркитиш бўлса, ширк – Аллоҳ таолога шерик келтиришдир. Аммо ҳукмда иккиси ўртасида фарқ йўқ (“Ат-Тамҳид фи баёнит тавҳид”).



**178. Савол:** Одамлар орасида руҳ ҳақида кўп тортишув бўлади. Бу борада динимизда нима дейилган?

**Жавоб:** Мусулмонлар руҳнинг махлуқ эканлиги, яъни яратилганига ижмо қилишган. Аммо инсон ўлса ҳам унинг руҳи қолади. Тақводор бандаларнинг руҳи жасаддан чиққач, дорун наъимда бўлади. Аллоҳ таоло марҳамат қиласиди: «Дарҳақиқат, яхшиларнинг номаи аъмоллари, албатта, “Иллийон”дадир» (Мутаффифун, 18). Гуноҳкор бандаларнинг руҳи эса дорул жаҳимда бўлади. Аллоҳ таоло бундай хабар беради:

**«Йўқ! Албатта, фожирларнинг (кофирларнинг) номаи аъмоллари “Сижжин”да бўлур» (Мутаффифун, 7).**

Қиёматда рух ўз жасадига қайтади ва Аллоҳ таолонинг амри ила ҳисоб-китоб қилинади. Кейин рух жасади билан жаннатда ёки дўзахда абадий қолади (“Ат-Тамҳид фи баёнит тавҳид”).



**179. Савол: Бирор валий зотларнинг қабрига атаб назр қилинган жонлиқни қабр бошида сўйиш керакми?**

**Жавоб:** Мазҳабимиздаги машҳур манбалардан бири “Раддул муҳтор” китобида бундай дейилган: “Ўликларга яқин бўлиш мақсадида уларга атаб назрлар қилиш ботил ва ҳаромдир. Бунинг бир неча сабаблари бўлиб, улардан бири: Аллоҳни қўйиб, махлуқقا назр қилиш ҳисобланади. Махлуқقا назр қилиш мумкин эмас. Чунки назр ибодатдир, махлуқقا эса ибодат қилинмайди”. Шунинг учун валий зотларга атаб назр қилиш ва уларнинг қабрлари олдида жонлиқ сўйиш мумкин эмас.



**180. Савол: Баъзи жойларда “мозорга атадим, мозорга аталган мол эди”, деган гаплар кўп айтилади. Шариатда мозорларга мол аташнинг зарари йўқми?**

**Жавоб:** Агар мозорга аташдан у жой атрофида яшайдиган факир бечора кишиларга садақа қилиш ният қилинса, жоиз бўлади. Акс ҳолда жоиз эмас. “Раддул муҳтор” китобида бундай дейилади: “Билингки, авом кишиларнинг ўликларга атаб назр қилиши, Аллоҳнинг дўстларининг қабрларига, уларга яқин бўлиш мақсадида тангалар ташлаши, шам, чироқлар ёқиши ботил ва ҳаром ишлардандир”.



### **181. Савол: Қасамини бузиш каффорати нимадан иборат?**

**Жавоб:** Аввал қасамнинг турларини билиб олсак. Қасам уч хилдир:

1) Киши ўтган замонда қилганини қилмадим деб, қилмаганини қилдим деб, қасдан, ёлғон қасам ичса, бу қасам “Фамус” дейилади. Бу қасамнинг каффорати йўқ. Аммо бундай қасам ичиш улкан гуноҳдир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Катта гуноҳлар: Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага оқ бўлиш, одам ўлдириш ва фамус қасамдир”, деганлар (*И мом Бухорий ва И мом Муслим ривояти*).

2) Бир ишни аслида бажармаган бўлса-да, бажарганман деб ўйлаб “бажардим” деб, ё аксинча қасам ичиш “лағв” дейилади. Бу қасамга ҳам каффорат йўқ. Аллоҳ таоло марҳамат қиласи: «**Қасамларингиздаги бехуда сўзлар учун Аллоҳ сизларни жавобгар қилмайди...**» (*Моида*, 89).

3) Киши келажакда бир ишни қилмаслигига ёки қилишга Аллоҳ таоло номи билан қасам ичса, бу қасам “мунъақид” дейилади. Бу қасамга қасам ичувчи содик қолиши лозим. Агар уни бузса, каффорат вожиб бўлади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласи: «...**Сидқидилдан боғлаган қасамлар** (бузилгани) учун **сизларни жавобгарликка тортади**. Бунинг каффорати (жаримаси) оиласангизни озиқлантириш учун лозим таомларнинг ўртача миқдорида ўнта мискинга таом бериш ёки уларнинг кийимлари ёхуд бир қулни озод қилишдир. Кимки (буларни) топа олмаса, уч кун рўза тутиши (мумкин). Ана шу ичган (ва бузган) қасамларингизнинг каффоратидир. Қасамларингизни асрангиз! Аллоҳ сизларга **Ўз оятларини шундай баён қиласи**, токи шукр қилгайсиз» (*Моида*, 89).

Демак, “мунъақид” қасамни бузган киши бир қул озод қилиши ёки ўнта камбағални ҳар бирига фитр садақаси миқдорида садақа бериши ёки уларни ҳар бирига кўйлак ва шалвар бериши керак. Бунга қодир бўлмаса, кетма-кет уч кун рўза тутиши лозим бўлади.



**182. Савол: Гуноҳи кабира қилган кимсани “Аллоҳнинг душмани” дейиш мумкинми?**

**Жавоб:** Йўқ. Имоми Аъзамнинг “Ал-олим ва мутааллим” асарида бундай дейилади: “Мўмин одам Аллоҳга ширк келтирмаса, ҳар қанча гуноҳ қилса ҳам, унга душман бўлмайди. Душман ўз душманидан нафратланади ва уни камситади. Мўмин одам, бирор гуноҳи кабира қилса-да, имони туфайли Аллоҳ унга барча нарсалардан азиз ва севимли Зот бўлиб қолаверади”.

# **ТАҲОРАТ ВА НАМОЗ МАСАЛАЛАРИ**





**183. Савол:** Каъбани тавоф қилаётганида таҳорати бузилиб қолса, нима қилиш керак?

**Жавоб:** Тавоф қилаётиб таҳорати бузилиб қолган киши худди намоздаги каби, таҳорат қилиб келиб, тавофни келган жойидан давом эттиради.



**184. Савол:** Сафарга чиққан одам намоз вақти кириб қолса, автобусда ўтириб намоз ўқиб кетса ҳам бўладими?

**Жавоб:** Намоз муҳим ибодат. Шу боис фарз намозларни узрсиз ўтириб ўқиб бўлмайди. Фақат кема, самолёт ва поездда ўтириб ўқишга фатво берилган, автобусда эса мумкин эмас.

Куръони каримда:

﴿فَإِذَا قَضَيْتُمُ الصَّلَاةَ فَأَذْكُرُوا اللَّهَ قِيمًا وَقُعُودًا وَعَلَى جُنُوبِكُمْ  
فَإِذَا أَطْمَأْنَتُمْ فَاقِمُوا أَصْلَوَةً إِنَّ الْأَصْلَوَةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كِتَابًا  
مَوْفُوتًا﴾

۱۰۳

«Намозни адо этиб бўлганингиздан сўнг, турган, ўтирган ва ёнбошлигар ҳолларингизда (ҳам доим) Аллоҳни ёд этинг! (Ёв хавфидан) хотиржам бўлсангиз, намозни (мукаммал) адо этингиз. Зоро, намоз мўминларга вақти тайин этилган ва (фарз деб) битилгандир» (*Нисо*, 103), деб буюрилган.



**185. Савол:** Бомдод намозини уйда ўқийман-у, лекин иш юзасидан баъзан пешин ва аср намозларини ўқишининг имкони бўлмай қолади. Ишдан қайтиб, уйда уларнинг қазосини ўқисам, гуноҳкор бўлмайманми?

**Жавоб:** Ҳар бир балоғатга етган мўмин ақли жойида бўлса, унга намоз ўқиш фарздир.

Куръони каримда:

﴿ يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِمَّا مُنْتَهٰكُمْ أَمْ مُّؤْلُكُمْ وَلَا أَوْلَدُكُمْ عَنْ ذِكْرِ اللَّهِ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴾ ۱۹

«Эй имон келтирганлар! На мол-дунёларингиз ва на фарзандларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (Унга ибодат қилишдан) чалғитиб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас, ана ўшалар зиён кўрувчи кимсалардир» (*Мунофиқун*, 9), дея марҳамат қилинган.

Намоз ҳақида ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) бундай деганлар: “Менинг наздимда сизларнинг энг муҳим ишларингиз намоздир...”

Ухлаб қолиш, вақт ўтганини билмасдан ўтказиб юбориши узр ҳисобланади. Унда билган заҳоти намознинг қазосини ўқиб олиши керак бўлади.

Қатода (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Уйқуда камчилик, масъулиятни сезмаслик йўқ, камчилик ва масъулиятни сезмаслик уйғоқ пайтдадир. Қачон сизлардан бирингиз намозни унутса ёки ухлаб қолса, уни эслаган вақтида ўқиб олсин. Чунки Аллоҳ таоло: “Намозни мени эслаган вақтингда қоим қил!” деган» (*Имом Муслим ривояти*).

Аммо намозни ҳеч қандай узрсиз тарк қилиш, билатуриб ўқимаслик улкан гуноҳдир.

Айниқса, ҳозирги пайтда юртимизда намоз ўқиш ва бошқа ибодатларни адо этиш учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Бизнинг турли баҳона ва важларимиз ўринсиз экани аён. Чунки намозларнинг вақти бизлар улгуришимиз учун етарлидир.

Шунинг учун ўзини англаған ҳар бир мусулмон дарҳол тавба қилиши, Аллоҳга қайтиши, намоз ўқишни ўрганиб, қазоларини ҳам адо этишни бошлиши лозим бўлади.



**186. Савол:** Масжидларнинг кўпчилигига Каъбанинг расми осилган ва унда намоз ўқиётган одамларнинг суратлари билинар-билинмас бўлиб турибди. Шу жойда намоз ўқиса бўладими? Умуман расм бор жойда намоз ўқишнинг ҳукми қандай?

**Жавоб:** Намозхоннинг боши тепасида ёки қаршисида ёки ёнида суратлар ёки бир сурат осиғлик туриши макруҳдир (“Хидоя”). Чунки Жаброил (алайҳисса-лом): “Биз (яъни фаришталар) ит ва суратлар бор уйга кирмаймиз”, деганлар. Лекин сурат одамнинг кўзи илғамас даражада кичкина бўлса, зарари йўқ. Масжидларда осиғлиқ Каъбанинг расмида намоз ўқиётган кишиларнинг суратлари ҳам билинар-билинмас даражада кичикдир.

Расмли нарса намозхоннинг олди томонида бўлса, таҳримий макруҳдир. Суратли кийимларни кийиб намоз ўқиш ҳам макруҳдир.



**187. Савол:** Намоздан сўнг тасбех ўгирилаётганида 33 мартадан «Субҳоналлоҳ», «Алҳамдулиллаҳ», «Аллоҳу акбар» дейилади. Ушбу сўзларнинг айнан 33 мартадан айтилишининг сири нимада?

**Жавоб:** Саҳобалардан баъзи камбағаллари Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келиб: “Бадавлатлар тuya, мол, қўйларни Аллоҳ ўйлига қурбонлик қилиб катта-катта савобларнинг эгаси бўлишяпти. Бизларда ундей мол-дунё бўлмаса, улар қилган савобни қандай қила оламиз”, деб арз қилишганида: «Сизлар ҳар намоздан сўнг 33 марта “Субҳоналлоҳ”, 33 марта “Алҳамдулиллаҳ”, 33 марта “Аллоҳу акбар” десангиз, булар 99 та бўлиб, уларни “Ла илаҳа иллаллаҳу вахдаҳу ла шарика лаҳу, ... (охиригача)”ни айтиш билан

100 мартаға етказсангиз, Аллоҳ йўлида жонлиқ сўйиб, қурбонлик қилганинг савобини топасизлар», деганлар. Демак, рақамга эмас, балки Расулуллоҳ (алайҳиссалом)нинг сўзларига эътибор беришимиз лозим.



**188. Савол:** Кўпинча одамларнинг гапларида “тоат-ибодат” сўзи учраб туради. Бу сўзни қандай тушуниш керак?

**Жавоб:** Араб тилидаги «тоат» сўзи бўйсуниш, таслим бўлиш маъносини, «ибодат» эса бандалиқ, қуллик маъноларини англатади. Умуман, инсоннинг Парвардигорига тўла таслим бўлиб, Унинг буйруқларини бажариб, қайтарганларидан қайтиб яшши тоат-ибодат дейилади.



**189. Савол:** Ҳурматли Муфтий ҳазратлари, саволим шундан иборатки, беш вақт намоз ўқиб юрган киши, ишлари кўпайса, намозни қазо қилиб ўқиши мумкинми?

**Жавоб:** Куръони каримнинг Нисо сураси 103-оятида:

﴿إِنَّ الْأَصَلَةَ كَانَتْ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ كَتَبَ اللَّهُ مُؤْفَقُوْتَهَا﴾

«Намоз мўминларга вақти тайин этилган ва (фарз этиб) белгилангандир», дейилган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Амалларнинг яхшиси ўз вақтида ўқилган намоздир”, деганлар.

Демак, мўминларга намозни вақтида ўқиш фарз қилинган. Уни узрсиз кечиктириб ўқиш мумкин эмас. Узр эса ухлаб қолиш ёки унугиб қўйиш билан бўлади. Имкон бўлса, намозни вақт кириши билан ўқиш афзал, бўлмаса белгиланган вақт ўтиб кетмасидан ўқиб олиш лозим.

Фақат ҳаж ибодатини бажараётганлар Арафотда пешин билан асрни, Муздалифада шом билан хуфтон намозларини жамлаб ўқийдилар.

Мұхаммад (соллаллоғу алайхи ва саллам): “Кім бир намозни ухлаб қолиб ёки унтиб ўқимаган бўлса, ёдига тушганида ўқийди”, деганлар.



**190. Савол:** Отам врач, хусусий даволаш масканимиз бор. Ҳафтада куннинг teng ярмидан кейин отам иложи борича бепул даволашни йўлга қўйганлар, лекин намоз ўқимайдилар. Энди у дунёда намоз ўқийдиганлар жаннатга кирса, отамга ўхшаганларнинг жойи дўзах бўладими? **Жавобингиз учун раҳмат.**

**Жавоб:** Намоз Ислом арконларидан биридир. Инсон Аллоҳ таолонинг марҳаматига эришиш учун буюрган амалларни бажариши зарур.

Жаннатга Аллоҳ таолонинг марҳамати билан эришилади. Жаннатий деб башорат қилинган Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу): «Агар бир оёғим жаннатга кириб, иккинчиси ташқарида қолса, Аллоҳнинг қаҳридан қўрқаман. Агар бир оёғим дўзахда бўлиб, бири ташқарида қолса, Аллоҳнинг марҳаматидан умид қиласман», деганлар. Демак, ким жаннатга ва ким дўзахга киришини фақат Аллоҳ билади. Инсоннинг вазифаси буюрган амалларни бажариш ва Аллоҳнинг марҳаматидан умид қилиб яшашдир.



**191. Савол:** Нима учун намоз вақтлари айнан қуёш ҳаракати билан белгиланади?

**Жавоб:** Куръони каримда:

﴿ هُوَ الَّذِي جَعَلَ الشَّمْسَ ضِيَاءً وَالْقَمَرَ نُورًا وَقَدَرَهُ مَنَازِلٍ لِنَعْلَمَ مَا عَدَّهُ السَّيِّنَاتِ وَالْحَسَابَ مَا خَلَقَ اللَّهُ ذَلِكَ إِلَّا بِالْحَقِّ يُفَصِّلُ أَلْآيَاتِ لِقَوْمٍ ﴾



«У Қуёшни зиё (таратувчи) ва Ойни нур (сочувчи) этган ҳамда йилларнинг ададини ва (вақт ва замонга доир) ҳисобни билишларингиз учун уни (Ойни) манзилларга (бўлиб) ўлчаб қўйган Зотдир. Буни Аллоҳ фақат ҳақ (ҳикмат) билангина яратди. Билувчи қавм учун оятларни (У) батафсил баён қилур», (Юнус, 5) дейилади.

Муфассир уламолар ушбу оятдаги “ҳисоб” калимасини намоз, рўза ва ҳаж каби ибодатлар ва ижара, омонат каби олди-бердилар ҳисобини билишингиз учун, деб тафсир қилганлар. Демак, бу ўринда қуёш ибодат рамзи эмас, балки вақтни аниқлашда восита вазифасини ўтайди.



**192. Савол:** Ўтган жума имом домла жуда чиройли маъруза қилиб, намознинг фазилатларини тушунтириб берди. Жумладан, “ўрта намоз”ни сақлаш кераклигини айтди. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Қуръони каримда бундай дейилади:

﴿ حَفِظُوا عَلَى الصَّلَوةِ وَالصَّلَاةُ الْوُسْطَىٰ وَقُومُوا لِلَّهِ قَنِيتِينَ ﴾  
({۱۳۸})

«Барча намозларни ва (айниқса) ўрта намозни муҳофаза қилинглар (яъни, беш вақт намозни вақтида адо этинглар) ва (намозда) Аллоҳ таолога бўйсунган ҳолда туринглар» (Бақара, 238). Яъни, намозда хушуъ ва хузуъли бўлинглар, дейилган.

Аллоҳ таоло ҳар куни беш вақт намозни ўз вақтида, ҳақ-хуқуқларига риоя қилган ҳолда адо этишга буюрди. Хусусан, “ўрта намоз”га янада эътибор беришимизни амр қилди.

Ибн Касир тафсирида ўрта намоз – “Бомдод намози” дейилган бўлса, Махмуд Алусийнинг “Рухул-маоний” тафсирида ўрта намоз – пешин намози дейилган. Бошқа тафсирларда ўрта намоз – аср намози эканига

далиллар кўпроқ. Аслида, “Қадр” кечасини Рамазонга, исми Аъзамини Қуръони каримга, дуо ижобат бўладиган соатни жума куни соатлари ичига яширганидек, ўрта намозни Аллоҳ таоло беш вақт фарз намоз ичига яширган”. Демак, ўрта намозни топиб сақлаш учун беш вақт намознинг ҳаммасига эътиборли бўлиш лозим.



**193. Савол:** Мен ҳар доим беш вақт намозни жамоат билан ўқийман. Намоз вақти кирмасидан беш-ён дақиқа олдин масjidга чиқаман. Намоз вақти киргач, муazzинимиз аzon айтади. Унинг аzonини эшишиброҳатланаман. Аzon мусулмонларга намоз вақти кирганини эслатади. Аzonнинг жорий бўлиш тарихи ва унинг ҳукми тўғрисида сўрамоқчи эдим.

**Жавоб:** Сиздай ихлосли мусулмонлар борлиги учун Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин. Жамоатни канда қилмасдан ўқиётган намозларингизни Аллоҳ таоло даргоҳида қабул айласин.

Ҳар бир фарз намози ва жума намозидан олдин аzon айтиш суннати муаккада (таъкидланган суннат) ҳисобланади. Аzon Ислом динимиз шиоридир. Аммо уни тарк қилиш вожибни тарк қилган ҳукми билан баробар бўлиб, тарк қилувчи қаттиқ гуноҳкор бўлади.

Аzon айтишни Расууллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) ҳазрат Билол (розияллоҳу анху)га ўргатганларида: “Аzonни дона-дона қилиб, иқоматни жуфт-жуфт қилиб айт!” деб буюрганлар. Шомдан бошқа намозларда аzon ва иқомат орасида енгил тўрт ракат намоз ўқишга кетадиган вақт давомида кутиб ўтирилади. Шом намозининг мустаҳаб вақти жуда қисқа бўлгани учун ўтирмасдан тезда такбир айтилади. Аммо Имом Муҳаммад ва Имом Абу Юсуф (рахматуллоҳи алайхим): “Аzon ва иқомат бир-бирига уланиб қолмаслиги учун шом намозида ҳам енгил ўтириб турилади”, деганлар (“Ҳидоя”).

Аzon айтган киши иқоматни ҳам айтади. Судоъий (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: «Мен Расулуллох (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳузурларига бордим. Бомдод намози вақти киргач, менга: “Аzon айт”, деб буюрдилар. Ҳамма намозга тургач, Билол (розияллоху анху) иқомат айтишга келди, Расулуллох (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Судоъий аzon айтди, албатта, аzon айтган иқоматни ҳам айтади”, дедилар».

Аzonни лаҳн қилиб, яъни ашула каби чўзиб айтиш макрух.

Ином ёки муazzин йўқ бўлса, улар кутилади. Чунки Расулуллох (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Мени ўрнимга келмагунимча кутинглар”, деганлар. Барча мазҳаббошилар намоз вақти кирганидан сўнг аzon айтилишига иттифоқ қилишган.



#### **194. Савол: Гўшт ейилса, таҳорат синадими?**

**Жавоб:** Бизнинг мазҳабимизга кўра, гўшт қовурилган, қайнатилган ёки димланган бўлса ҳам, уни еган кишининг таҳорати бузилмайди. Ҳанбалий мазҳабига кўра, тужағтанини еган кишининг таҳорати бузилади.



#### **195. Савол: Касал бўлганимда шифокорлар жарроҳлик амалиёти қилишиб, сийдигимни найча орқали идишга оқиб ўтадиган қилиб қўйишиди. Таҳоратим турмайди. Намоз ўқиш учун нима қилишим керак?**

**Жавоб:** Таҳорат қилиб, намоз ўқиб бўлмасидан жароҳатидан ё бошқа жойидан қон, йиринг ё нажас чиқиб қоладиган киши узрли ҳисобланади. Сиз ҳам узрли кишилар қаторига кирасиз. Узрли кишилар ҳар бир намознинг вақти кирганида таҳорат олиб, ўша намоз вақти чиққунича хоҳлаганича фарз ёки нафл намоз ўқишилари мумкин.



**196. Савол:** Таҳорат қилиш пайтида гапириш гуноҳ деб эшийтдим. Шу тўғрими?

**Жавоб:** Таҳорат қилаётганида дунёвий гапларни гапириш макруҳдир. Аммо яхшиликка чорловчи ёки ёмонликдан қайтарувчи сўзларни гапириш макруҳ эмас. Таҳорат олишда тил ва кўнгилнинг Аллоҳ таоло зикри ёки ҳар бир аъзони ювишда Пайғамбари-миз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилинган дуолар билан машғул бўлиши мустахабдир.



**197. Савол:** Баъзилар жаноза намозини таҳоратсиз ўқиса ҳам жоиз дейишади. Шу гап тўғрими?

**Жавоб:** Намоз ўқувчининг бадани, кийими ва жойи таҳоратсизликдан, нажосатдан пок бўлиши шарт. Жаноза ҳам намоздир. Жаноза намозини таҳоратсиз ўқиб бўлмайди. Вақт жуда кам бўлганида жаноза намозига улгуриш учун таяммум қилиб, жаноза намозига қўшиш керак.

Жаноза намозини ўқувчи таҳоратли, оёқ кийими пок бўлса, намози дурустдир. Агар пок бўлмаса, барча уламолар наздида, намози дуруст эмас.



**198. Савол:** Намоз ўқиётган вақтимда отам ёки онам чақирса, мен намозимни бузиб, уларга жавоб беришим мумкинми?

**Жавоб:** Намоз ўқиётганини отаси ё онаси чақирса, ўқиётган намози фарз ёки суннат бўлса, намозини бузиб, жавоб бериши мумкин эмас. Чунки намозни зарурат бўлмаганида бузиб бўлмайди. Ота-она ё бошқа киши ёрдам сўраб бақирса, бир киши сувга чўкаётгани ёки бирор жой ёнаётганидан хабар топса, намозни бузиш вожиб бўлади. Намоз ўқиётганида нарсасини ўғри оладиган бўлса, намозини бузиб, нарсасини сақлаши

керак. Шунингдек, аёл намоз ўқиётганида қозон қайнаб кетса, намозини бузиб қозонига қараши мүмкін.



### **199. Савол: Тирноқларга сурىлган бүёқларни кетказмасдан қилинган таҳорат ва ғұсладурустми?**

**Жаңоб:** Фақиҳлар таҳорат ва ғұслада сув инсон жисмінде етиши керак дейишишкан. Сув зарап қилады жарохатлар бундан мұстасно. Таҳорат асносида сув териға етиши учун бармоқларни хилол қилиш ва узукларни қимирлатып қўйиш лозим. Лақит ибн Субура ривоят қиласы. «Мен: “Ё Расулуллоҳ! Менга таҳоратни ўргатинг”, дедім. У зот: “Таҳоратни мұкаммал қил, бармоқларинг орасыга хилол қил ва рўза бўлмасанг, истиншоқ (бурунга сув тортиш)ни маромига етказ”, дедилар» (*Бешовлари ривоят қилишган*).

“Ал-Фиқху аълал мазаҳибидар арбаъати” китобининг 43-саҳифасында: “Тўртта мазҳаб уламолари бадандада сувнинг танага етишига моне бўлувчи (эриган шам, хамир каби) тўсиқ бўлмаслиги керак”, деб иттифоқ қилишгани айтилган. Бундан ҳатто кўздан оқиб қотиб қолган шиллик сув ва аъзолардаги сув ўтмас кирларни ҳам таҳорат ва ғұслада кетказиш лозимлиги маълум бўлади. Тирноқларнинг бўёғи ҳам, шубҳасиз, эриган шам ва хамир каби аъзога сув етишига тўсиқ бўлгани учун уни кетказиш лозимдир.

Тўрт мазҳаб фақиҳлари тирноққа бўёқ суртилган бўлса, уни кетказмасдан таҳорат ва ғұслада жоиз әмаслигини айтганлар.



**200. Савол:** Намоз ўқишида хаёлга турли фикрлар келади. Баъзида намозхон неча ракат намоз ўқиганини ҳам билмай қолади. Шу каби паришонхотирлик, эътиборсизлик билан намоз бузиладими? Намозда фикр чалғимаслиги учун нима қилиш керак?

**Жавоб:** Намозхон намозни хушуъ билан ўқиса, бутун аъзолари ибодатга ғарқ бўлади. Намозда дунё билан боғлиқ фикрлар намозни ботил қилмайди. Аллоҳнинг улуғлигини ёдда тутиш, у Зот азобидан қўрқиш, фазлидан умидвор бўлиш ва ҳаё қилиш хушуъ билан намоз ўқишига ёрдам беради. Одатда қаттиқ товуш, шовқинлар намозда фикрнинг чалғишига сабаб бўлади. Нақшли жойнамозлар, чойшаблар, рўпарага осилган суратлар ҳам хаёлни чалғитиши мумкин. Намоз ўқишидан олдин уларни олиб ташлаш керак. Намозхон намозда турганида сажда қиласиган ўрнига қараб турса, хаёли бўлинмайди. Деворга яқин жойда намоз ўқиши ҳам фикрнинг чалғимаслигига сабаб бўлади. Намозда ўқиётган оятларини тушуниш, бажараётган амаллари фарз ё суннатлигини билиш билан ҳам фикр бўлинмайди.

Намозхон хушуъ қилишга қанча интилса, оладиган савоби ҳам шунга яраша бўлади. Зоро, Аллоҳ таоло бирор жонни тоқатидан ортиқ ишга буюрмайди.



**201. Савол:** Намозида баъзи аъзоларини қимирлатган, бошини қашиб, юзларини сийпаб олган кишиларни кўраман. Бундай қилиш намозни бузмайдими?

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Агар намозхон кимга муножот қилаётганини билганида эди, юзини у ёқ-бу ёққа бурмасди”, деганлар. Намозда тўнини ўйнаш, бирор аъзосини қимирлатиш, узрсиз сийпаш, ён-атрофларга қарап макруҳdir. Шунинг учун намозда ортиқча ҳаракатдан ўзини тийиш керак.

Агар намоз ичида икки қўл билан бажариладиган ишларни қўлса, шунингдек, бир рукида бир ишни – масалан, юз силашни уч бор такрорласа, намози бузилиди.

Узрсиз кийимини тўғрилаб олса, сочини тараса, бу ишларни бир қўл билан қўлса, макруҳ, икки қўл билан қўлса, намозни бузади. Макруҳ билан адо этилган ибодат эса камчиликлидир.



**202. Савол:** Бомдод намозида имом Фотиҳа сурасидан сўнг бир суранинг ярмидан бошлаб қироат қилди. Фотиҳа сурасидан сўнг ўқиладиган сура тугал ўқилади, деб эшитган эдим.

**Жавоб:** “Зоҳирур ривоя”да, фарз намозларда бир ракатда бир суранинг ўртасидан, иккинчи ракатда бошқа суранинг ўртасидан ўқиш мумкин эмас, дейилган. “Зоҳирия”да бундай қилиб ўқиш макруҳ бўлади, дейилган.

“Салоти Масъудий” китобида бу хусусда бундай дейилган: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фарз намозида бир суранинг бошини ташлаб, охирини қироат қилмаганлар ҳамда икки сурани бир ракатга ва бир сурани икки бўлиб икки ракатга ўқимаганлар. Бошлаган сураларини узун бўлса ҳам тўлиқ ўқиганлар”, дейилган (“Фатовоий Ҳиндия”, “Маслакул муттақин”).



**203. Савол:** Қабристонда намоз ўқиш гуноҳ деб эшитдим. Ҳайитда айрим кишилар масжид ёнидаги қабристон ичида туриб, имомга эргашишади. Уларнинг намози дуруст бўладими?

**Жавоб:** Қабристонда, йўл ўртасида, туюнинг ётоғида, ахлат-чиқинди ташланган жойларда, қушхоналарда (қассобхона), ҳожатхона ва таҳоратхоналарда, Каъбанинг устида, ҳаммомда (ювениш жойларида), ўтиш жойла-

ри ва йўл устида намоз ўқиши макруҳdir (“Фатовойи Ҳиндия”, “Фатовойи Қозихон”).

Қабрларни босиб ўтиш одобдан эмас.

Иложи борича ибодатларимизни камчиликсиз, тўлиқ адо этишга ҳаракат қилишимиз лозим.



**204. Савол:** Баъзилар рукудан сўнг қаддини ростлаб улгурмай саждага кетаверади. Саждаларни ҳам орада тўла бир ўтириб олмасдан олдинма-кейин шошилиб қиласди. Бу тарзда амалларни тез бажаришнинг ибодатга зарари йўқми?

**Жавоб:** Имоми Аъзам ва Мухаммад (раҳимаҳумуллоҳ) наздларида рукудан турганда тикланиш суннатdir.

Ином Кархий, руқнларда туманина вожиб, деган (“Заҳирия”). «Мунния»нинг шарҳида: “Руқнларда туманина дегани руку ва саждада аъзоларни бўғимлар ором олгунча тутиб туришdir. Унинг энг ози бир тасбехдир”, дейилган (“Фатовойи Ҳиндия”, “Айний шарҳи Канз”, “Наҳрул Фоуқ”).

Ҳадисда: «Одамнинг ёмони руку ва саждани тўлиқ қилмаган кишидир», дейилган. (“Хидоя”, “Маслакул муттақин”).

Демак, шошилиб, руқнларни тўлиқ бажармаслик ибодатни нуқсонли қиласди. Бирон вожиб ё суннат тарк қилиниш билан намоз адо этилган бўлса-да, савоби тўлиқ бўлмайди. Ибодатларимизни ихлос билан тўлиқ адо этишга ҳаракат қилайлик.



**205. Савол:** Мен намозда бир сурани ўқиётib, баъзан адашиб бошқа сурага ўтиб кетаман. Бунинг намозга зарари йўқми?

**Жавоб:** Қарилик ё ақл фаромуш бўлиши сабабли бу ҳолат юз берса, қаралади: жаннат башорати ҳақидаги оятни ўқиётib, дўзах хабари ҳақидаги оятга

ўтиб кетилса, масалан, «иннал аброро» деб сўнг «лафи жаҳийм» деса ёки «иннал фужжаро»дан сўнг «лафи наъим» дейилса, намоз бузилади. Чунки яхши кишиларни жаҳаннамда, ёмон иш қилувчи гуноҳкорларни жаннатда дейиш билан маъно ўзгаради. Маъно ўзгарадиган ҳолда намоз бузилади. Аммо маъно бузилмаса, зарари йўқ. Бундай ҳолатлар содир бўлмаслиги учун инсон аввало ибодатни хушуъ, хузуъ билан адо этиши керак.



**206. Савол: Аъзолардаги туклар юлинганидан сўнг ҳам таҳорат олиш керакми?**

**Жавоб:** Аъзолардаги тукларни юлиш билан таҳорат синмайди. Аммо соч-соқол ёки бошқа туклар олинганида ўрнидан қон ё йиринг чиқиб оқса, таҳорат синади ва ўша жойни ювиб, янги таҳорат олиши керак (“Хидоя”).



**207. Савол: Мен бир куни намоз ўқиётиб, бехосдан кулиб юбордим. Танишларимдан бири кулиш таҳорат ва намозни бузади, деб айтди. Шу тўғрими?**

**Жавоб:** Ҳар қандай кулиш ҳам таҳорат ва намозни бузмайди. Ҳар қандай кулиш дейишимиз сабаби:

Кулиш уч хил бўлади: Қаҳқаҳа, зеҳк ва табассум.

Ўзи ва ёнидаги одам эшитадиган даражада кулиш қаҳқаҳа дейилади.

Фақат ўзи эшитадиган кулги зеҳк дейилади.

Табассум, жилмайишdir. Уни кишининг ўзи ҳам, ёнидагилар ҳам эшитмайди (“Зоҳирия”).

Қаҳқаҳа намоздан ташқари ҳолатда таҳоратни бузмайди. Намоз ўқиётгандаги қаҳқаҳа намозни ҳам, таҳоратни ҳам бузади.

Намоз ичидаги зеҳк намозни бузади, таҳоратни бузмайди.

Табассум намозни ҳам, таҳоратни ҳам бузмайди (“Фатовойи Ҳиндия”).

Тиловат саждаси ёки жаноза намозидаги қаҳқаҳа тиловат саждаси ва жаноза намозини бузади, лекин таҳоратни синдирмайди (“Фатовойи Қозихон”).



**208. Савол: Намозда қаҳқаҳа отиб кулиш таяммум ва ғуслни бузадими?**

**Жавоб:** Қаҳқаҳа намозда таҳоратни бузганидек, таяммумни ҳам бузади. Ғуслни эса бузмайди. Ғул қилган киши намозда қаҳқаҳа отиб кулса, намози бузилади. Янгидан таҳорат олмай туриб намоз ўқиши жоиз әмас (“Мұхит”, “Татархония”).



**209. Савол: Кўпинча таҳорат олиб бўлганимдан кейин бирор аъзоимни ювдимми, йўқми, деб шубҳага тушиб қоламан. Бундай пайтда нима қилишим керак?**

**Жавоб:** Коидага кўра, бундай пайтда бу биринчи шубҳа бўлса, фақатгина ўша аъзонинг ўзи ювиб қўйилади. Аммо бундай ҳолга кўп тушадиган киши, шубҳаларга эътибор бермайди (“Фатовойи Ҳиндия”).



**210. Савол: Мен баъзида таҳоратим бузилдими-йўқми, эслолмай қоламан. Шунда қандай йўл тутай?**

**Жавоб:** Аниқ-равшан таҳорат олган киши кейинроқ таҳорати бузилиб-бузилмагани хусусида шубҳаланиб қолса, таҳоратли ҳисобланади. Таҳоратсиз бўлатуриб, таҳорати бор-йўқлиги ҳақида иккиланиб қолган кимса таҳоратсиздир (“Хулоса”).



**211. Савол:** Ғуслнинг бир неча тури бор, деб эшилдим. Ғул бутун баданни ювиш эмасми, уни яна қандай турлари бўлиши мумкин?

**Жавоб:** Тўғри, ғул бутун баданни ювишдир. Аммо ҳукми жиҳатидан унинг тўққиз тури бор. Ғул уч ҳолда фарз, бир ҳолда вожиб, тўрт ҳолда суннат ва битта ҳолда мустаҳаб бўлади.

Фарз бўлган ғусллар:

1. Жанобатдан ғул қилиш.
2. Ҳайз тўхтаганидан сўнг ғул қилиш.
3. Нифос тўхташидан сўнг ғул қилиш.

Вожиб бўлган ғул:

1. Ўликни ғул қилдириш (ювиш) (“Ал-Мабсут”).

Шунингдек, жунуб бўлган ғайридин мусулмон бўлса ғул қилиши вожиб (“Зоҳирур ривоя”). Аммо ҳайзи тўхтаган ғайридин аёл мусулмон бўлса, ғул қилиши вожиб эмас. Эҳтилом билан балоғатга етган ўсмир ва ҳайз кўриш билан балоғатга етган қиз ҳайзи тўхтагач, ғул қилиши вожибдир (“Зоҳидий”, “Фатовоий Қозихон”).

Суннат бўлган ғусллар:

1. Жума куни (жума намози учун) ғул қилиш.
2. Ҳайит кунлари ғул қилиш.
3. Арафа куни ғул қилиш.
4. Эҳромга кираётиб ғул қилиш.

Мустаҳаб бўлган ғул:

Жунуб бўлмаган ғайридин мусулмон бўлса, ғул қилиши (“Муҳит”).

Бундан ташқари, мандуб ғусллар ҳам бор. Уларга қўйидагилар киради: Макка ва Мадинага кириш учун ғул қилиш; Муздалифада туриш учун ғул қилиш; жиннилик билан хасталанган соғайганида ғул қилиши; балоғат ёшига етган, лекин эҳтилом бўлмаганнинг ғул қилиши (“Табийин”).

Гусл қилишни намоз вақтига қадар кечиктирса, гуноҳкор бўлмайди (“Муҳит”).



**212. Савол:** Муҳтарам Муфтий ҳазратлари! Мусулмон киши тобут кўтариб кетилаётганини кўрса, уни кўтариб, савоб олишга шошилади, марҳумни танисатнимаса ҳам жаноза намозига қўшилади. Тобутни кўтариш тартиби борасида динимиз, мазҳабимиз олимлари нима дейишган?

**Жавоб:** Тобутни тўртта эр киши тўрт томонидан кўтариши суннатдир (*Абул Макорим*, “Шарҳи Ниқоя”, “Жавҳаратун Найири”).

Тобут кўтаришнинг ўзи суннат, аммо унинг камоли ҳам бор. Унинг тўрт томонидан кетма-кет ушлаб, ҳар томонидан ўн қадамдан кўтариб борган киши суннатни бажарган ҳисобланади.

Жойнинг торлиги ва шунга ўхшаш зарурий ҳолатлардан ташқари икки киши тобутни орқама-кетин туриб кўтариши макруҳ. Тобутни қўлда ёки елкада кўтаришнинг зарари йўқ (“Шарҳи Таҳовий”).

Тобутни элтишда у ён-бу ёнга чайқалмайдиган дарражада тез юриш (“Табийин”), майитнинг бош томони олдинда бўлиши керак (“Музмарот”).

Тобутнинг ортида ва майит чиққан хонадонда баланд овозда йиғи-сиғи қилиш, бақириб-чақириш ва ёқа йиртиш макруҳдир. Унсиз йиғлашнинг зарари бўлмаса ҳам, сабр қилиш яхшидир (“Татархония”).



**213. Савол:** Бир нарсага ҳеч тушунмайман – нима учун жаноза намози масжиддан ташқарида ўқилади?

**Жавоб:** Тобутни масжид ичига олиб кириб жаноза намозини ўқиши макруҳдир.

Йўл устида ёки бирор кишига тегишли ерда ҳам жаноза ўқиш макруҳ (“Музмарот”). Жаноза ўқиш учун қурилган маҳсус жойда жаноза намозини адо этиш макруҳ эмас (“Табийин”).



**214. Савол: Баъзилар намоз бошланганида масжидга (жамоатга этиш учун) югуришади. Шу тұғрими?**

**Жаңоб:** Бу хатодир. Абу Қатода (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: «Биз Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) билан намоз ўқиёттан әдик. Одамларнинг оёқ товушлари эшитилди. Пайғамбари-миз намозни тугатгач, улардан: “Сизларга нима бўлди?” деб сўрадилар. Улар: “Намозга шошилдик”, дейиши-ди. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ундей қилманглар. Агар намозга келсаларинг, хотиржамлик билан келинглар. Намознинг қанчасига етсаларинг, уни ўқинглар, қанчасини ўтказиб юборсаларинг, уни (ўзларингиз) тўлдириб қўйинглар”, дедилар».

Шунинг учун намозга викор билан, шошмасдан ке-лиш лозим.



**215. Савол: Намозда саф текис бўлиши учун ҳозир масжидларда оёқ остига ип тортиб қўйиляпти. Қадамлар катта-кичиклигини ҳисобга олсак, ипга оёқ уни тўғриланса, барибири саф текис бўлмайди-ку?**

**Жаңоб:** Сиз айтган ҳолат намозхонларга саф олишни қулай қилиш мақсадида яқин йилларда жорий бўлган ишдир. Аммо уламоларимиз жамоат намозида саф-нинг текис бўлиши учун намозхонлар елкаларининг бир-бирига тўғри бўлиши кераклигини таъкидлашган (“Баҳрур роиқ”).



**216. Савол:** Жаноза намозида имомга эргашганлар нима қилади? Фарз намозларидағи каби санони айтиб, қолганига индамай тураверадими?

**Жавоб:** Жаноза намозида имомга эргашганлар тақбири таҳрима, жанозанинг қолган учта тақбири, сано, салавот ва жаноза дуоси кабиларни ичида мустақил ўқийдилар (“Фатовоии Ҳиндия”).



**217. Савол:** Бир кунда беш вақт намоз бор, деймиз. Витр намози-чи? Ёки у хуфтон намози таркибиға кирадими?

**Жавоб:** Йўқ, витр хуфтон намози таркибиға кирмайди. У алоҳида намоз, лекин вақти хуфтон намози вақтидир, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га фарз, умматларига эса (бизнинг мазҳабга кўра) вожиб қилинган (*Сарахсий. “Мұҳим”*). Чунки Расуллурроҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: “Эй Қуръон аҳли, витр намозини ўқинг! Зоро, Аллоҳ таоло тоқдир, тоқни яхши кўради” (*Имом Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

“Витр” луғатда тоқ маъносини бергани учун бу ҳадисда “Аллоҳ таоло тоқдир, тоқни яхши кўради”, дейилмоқда.

Витр намози хуфтон вақти кирганидан бошлаб кечанинг охиригача ўқилаверади. Аммо хуфтондан олдин ўқиш жоиз эмас. Агар витр хуфтон намозининг таркибиға кирганида, уни кечанинг охиригача кечиктириш макруҳ бўларди. Ҳолбуки уни кечанинг охиригача (бомдод вақтига қадар) кечиктириб ўқиш мустаҳабдир (“Табийн”).

Ҳанафийликда витр намози уч ракат. Ҳар бир ракатида Фотиха сураси ўқилади. Унинг биринчи ракатида Аъло, иккинчи ракатига Кофирун, учинчи ракатига

Ихлос сураларини ўқиш мандубдир. Бунга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг витр намозини ана шундай ўқиганлари ҳақидаги Имом Аҳмад, Насойй ва Ибн Можанинг Убай ибн Каъб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилган ҳадислари далил бўлади (“Ал-Фиқҳул исламий ва адиллатуҳу”).

Витр намозининг учинчи ракатида Қунут дуосини ўқиш, сахих қавлларга кўра, вожибдир (“Жавҳаратун наийира”).



**218. Савол: Қибла тарафда ухлаб ётган ёки гаплашиб ўтирган одамнинг ортида намоз ўқиса бўладими?**

**Жавоб:** Қиблага қараб ўтирган ё турган кишининг ортида намоз ўқиса бўлади Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Икрима (розияллоҳу анҳу)ни қиблага юзлантириб қўйиб ортида намоз ўқиганлар.

Аммо намозхонга юзланиб турган ёки уни ибодатдан чалғитадиган даражада баланд овоз билан гаплашаётганлар ёнида, қибла тарафида ухлаб ётган киши қаршисида намоз ўқиш макруҳдир (“Шарҳи Аврод”).



**219. Савол: Мен баъзан унутган ҳолда намозда зам сурадан олдин “Басмала”ни айтаман. Бунинг намозга зарари йўқми?**

**Жавоб:** Ҳар ракатда Фотиҳа сурасидан олдин “Басмала” айтиш суннат.

“Муҳит” китобида Фотиҳа билан зам сура ўртасида “Басмала” айтилмайди, агар айтилса макруҳ бўлади, дейилган (“Хидоя”, “Шарҳул Виқоя”, “Маслакул муттақин”).



**220. Савол:** Намозда эснаш яхши эмас, деб эшийтдим. Аммо эснаш ихтиёrsиз келса, нима қилиш керак?

**Жавоб:** Ибодат пайтида эснаш хушуъ ва хузуъни кетказади. Бошқа пайтларда ҳам эснашни уламолар яхши санашмаган. Шу сабаб намозхон эснашни қайтаришга ҳаракат қилиши лозим. Аммо қайтаролмаса, чап қўли орқаси билан оғзини ёпиши керак.

Қиёмда турган пайтда кўп ҳаракат бўлмаслиги учун ўнг қўл орқаси билан оғиз беркитилади. Чунки қиёмда намозхоннинг ўнг қўли чап қўлининг устида бўлади. Аммо олдин эснашни қайтаришга ҳаракат қилиш керак. Кудурий айтади: «Кўп бор синадик, эснашни қайтаришга ҳаракат қилинса, у тўхтар экан» (“Фатовойи Қозихон”).

«Тұхфатул мулук» китобида, Пайғамбаримиз (алайхиссалом)нинг намозда асло эснамаганларини, кўнгилдан ўтказиб, Аллоҳ таолога чин дилдан итоатли, илтижоли ҳолатда туриш намозда эснаш каби одамни ортиқча ҳаракатлардан сақлайди, дейилган (“Шарҳул Виқоя”).



**221. Савол:** Қазо намозларни қайси пайт ўқиган маъқул?

**Жавоб:** Аслида намозларни иложи борича ўз вақтида адо этишга гайрат қилиш керак. Инсоннинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно. Ана шу ҳолатлар сабаб намоз қазо бўлиб қолса, уларни адо этишга маълум бир вақт ажратилмаган. Аммо куннинг уч вақтида – кун чиқаётган, қуёш тиккага келган ва кун ботаётган вақтларда ўқиб бўлмайди (“Бахрур роик”).



**222. Савол:** Жума намозига келган одам тахиятул масжид намозини қай маҳал ўқииди?

**Жавоб:** Бизнинг мазҳабимизда масжидга кирганида ўтирмасдан олдин икки ракат тахиятул масжид намозини ўқиши нафл ибодатдир. Масжидда фарз намозини ўқиган киши айни пайтда тахиятул масжидни ҳам адо этган ҳисобланади. Жума куни масжидга келган одам тахиятул масжидни ўқимоқчи бўлса, имом хутба ўқиши учун минбарга чиқишидан олдин ўқиб олиши керак. Хутба бошланганидан сўнг нафл намозлари ўқиши макрухдир (“Фатовойи Ҳиндия”).



**223. Савол:** Сажда қилаётганида бурун узрсиз ерга тегмаса, сажда дуруст бўладими?

**Жавоб:** Саждани суннатга тўла мувофиқ ҳолда адо қилиш учун пешона билан бурун ерга тегиши шарт. Саждада ким узрсиз бурнини ерга теккизмаса, намози дуруст бўлади, аммо бундай қилиш макруҳ саналади (“Фатовойи Ҳиндия”).



**224. Савол:** Ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Сафарда ибодатга тегишли ҳукмлар ўзгаради, деб эшитдим. Илтимос, шу ҳақида маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Динимизда сафар қилиш билан баъзи ибодатларга доир ҳукмлар ўзгаради. Тўрт ракатли фарз намозларни қаср қилинади (икки ракат ўқилади), рўза тутмасликка изн берилади, маҳси муддати уч кунга узаяди, жума, икки ҳайит намозлари ва қурбонлик сўйиш вожиб бўлмайди. Озод аёлларнинг маҳрамсиз йўлга чиқишилари ман этилади (“Аттобия”).



**225. Савол:** Киши намозда акса уриб, “Ал-ҳамдулилах” деса, намози бузиладими? Акса уриб, ҳамд айтганга намоздаги одам жавоб берса-чи?

**Жавоб:** Намозда акса уриб, ичида ҳамд айтган кишининг намози бузилмайди. Аммо сукут сақлагани яхшидир (“Хулоса”). Агар бу киши имомга эргашган бўлса, у ичида ҳам, ташида ҳам ҳамд айтмайди (“Темиртоший”). Бундай киши намозини битиргач, ҳамд айтади.

Акса урганга намозда туриб жавоб бериш билан эса намоз бузилади (“Муҳим”).



**226. Савол:** Жамоат намозида имомга эргашувчи киши вожиб амаллардан бирортасини тарқ этса, ўзи саждаи саҳв қиласидими?

**Жавоб:** Йўқ, у ҳолда саждаи саҳв қилмайди. Чунки у имомга тўла эргашиши вожиб (“Фатовоий Ҳиндия”).



**227. Савол:** Имом саждаи саҳвни лозим қиласидиган хатога йўл қўйса, масбуқ (имомга кеч қолиб эргашган кимса) қандай йўл тутади?

**Жавоб:** Бундай ҳолатда масбуқ саждаи саҳвни имомга эргашиб адо этади, кейин етиша олмаган ракатларни ўқишга туради (“Фатовоий Ҳиндия”).



**228. Савол:** Қироати жаҳрий ўқиласидиган фарз намозларини ёлғиз ўқувчи киши ҳам жаҳрий (овоз чиқариб) ўқиса бўладими?

**Жавоб:** Қироати жаҳрий ўқиласидиган фарз намозларини ёлғиз ўқийдиган одам ихтиёрилидир, истаса, овоз чиқариб ўқийди, истаса, ичида қироат қиласиди (“Фатовоий Ҳиндия”).



**229. Савол:** Жума хутбасини минбарга чиқиб ўқиган имом ноибини жума намозига имомликка ўтказиши мумкинми?

**Жавоб:** Йўқ, мумкин эмас. Хутбани ўқиган киши жума намозига ҳам имом бўлиши керак. Фуқаҳолар айтишича, ҳатто хутба ўқиганидан кейин имомнинг таҳорати кетиб қолса ҳам, ўрнига бошқаси жума намозига имом бўлолмайди. Хатибнинг таҳорат олиб келиши кутилади (“Фатовои Ҳиндия”).



**230. Савол:** Имом жума хутбасини ўқиётуб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) исмларини зикр қилган эди, ёнимда ўтирган киши пастроқ овозда салавот айтди. Намоз тугагач, бир киши ўша одамга хутба ўқилаётганида жим турилади, деб танбеҳ берди. Мен ҳайрон бўлдим: Пайғамбаримиз (алайхиссалом) эсланган жойда салавот айтилмайдими?

**Жавоб:** Бошқа ҳолатларда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг номи шарифлари зикр қилинганида эшитганлар дарҳол салавот айтишлари керак. Аммо жума хутбаси ўқилаётганида салавот айтиш макруҳдир (“Татархония”). Шунингдек, бундай пайтда гапириш, тасбеҳ айтиш, акса уриб, ҳамд айтганга жавоб бериш, саломга алик олиш ҳам макруҳ, дейилган (“Сирожул вахҳож”).



**231. Савол:** Масjidга кирганимда жамоат хуфтоннинг фарзини ўқиётган экан. Мен имомга эргашдим. Лекин намоз сўнгигида мен биринчи ёки иккинчи ракатга улгурганимни эслолмай иккиланиб қолдим. Сўнг иккинчи ракатдан қўшилдим, деган қарорга келиб, имом салом берганидан кейин туриб, яна бир ракат ўқидим. Лекин кейинроқ имомга биринчи

ракатга эргашганим ёдимга тушди. Мен хуфтоннинг фарзини тўрт ракат эмас, балки беш ракат қилиб адо этибман. Мен намозни қайтадан ўқишим керакми?

**Жавоб:** Йўқ, қайта ўқишингиз керак эмас. Чунки сиз айтган ҳолатда намоз бузилмаган, намознинг барча арконлари адо этилгандир.



**232. Савол:** Қуръонни овоз чиқармай ўқиса ҳам тиловат қилганга ўтадими ёки овоз чиқариб ўқиш шартми? **Жавоб** учун аввалдан ташаккур!

**Жавоб:** Қуръонни овоз чиқармай ўқиганда тиловат қилганга ўтиши учун ўқиётган киши энг камидა ўзининг овозини ўзи эшитадиган даражада бўлиши керак.



**233. Савол:** Ёш болалар сийиб қўйган кўрпача ва гиламлар устида улар сувда чайилганидан кейин намоз ўқиш мумкинми?

**Жавоб:** Улар ювиш билан тоза бўлмайди, лекин устига жойнамоз ёзиб намоз ўқиш мумкин. Улар тоза бўлиши учун, бир кеча-кундуз оқар сувга бостириб, боғлаб қўйиш лозим. Сўнг улар устида намоз ўқиш мумкин бўлади.



**234. Савол:** Баъзи вақтларда нафл намози ўқиб бўлмайди, деб эшитдим. Шу ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Ушбу вақтларда нафл намоз ўқилмайди:

1. Бомдод намозининг вақти киргач, бомдод намозининг суннатидан бошқа нафл намоз ўқилмайди.

2. Бомдод намозини ўқигандан сўнг қуёш чиқиб бўлгунига қадар.

3. Аср намози ўқилганидан сўнг.
4. Шом намозининг фарзидан олдин.
5. Уйида бўлса ҳам, ҳайит намозидан аввал.
6. Ҳайит намозидан сўнг масжида нафл намоз ўқиш макрухдир. Уйда ўқиш мумкин.
7. Ҳажда, Арафот ва Муздалифада, бир вақтда ўқиладиган намозлар орасида ҳам ҳеч бир нафл намоз ўқилмайди. Бу пайт ҳатто пешин ва шом намозларининг суннатлари ҳам ўқилмайди.
8. Фарз учун вақт жуда тифиз қолганида.
9. Жума куни хатиб хутбага чиққан пайтда.
10. Ҳожат қистаб турганида.
11. Дастурхонга севимли таом келтирилса-ю, қалб унга машғул ҳолда бўлса, хаёлни қочирадиган вазият вужудга келса.
12. Куёш тутилиш (кусуф) ва ёмғир исташ (истисқо) хутбаси ўқилаётганда (“Ҳалаби кабир”).



**235. Савол: Ҳурматли муфтий ҳазратлари! Ёшим етмиш учда. Зиммамда қазо намозларим бор. Баҳоли қудрат ўқиб боряпман. Шу ҳолда нафл намозлари ҳам ўқисам бўладими?**

**Жавоб:** Зиммандаги ибодатларнинг қазосини ўташга ҳаракат қилишингиз таҳсинга лойик. Чунки зиммадаги ибодатлар фақат уларнинг қазосини ўташ билан соқит бўлади. Энди нафл намозларни ўқиши масаласига келсак, олдин қазоларингизни ўтаганингиз авто. Зеро, нафл ибодатларни қилсангиз савоб оласиз, қилмасангиз гуноҳкор бўлмайсиз. Қазо намозлар эса бўйингиздаги қарз. Қарзни имкон қадар тезроқ ўташ керак.



**236. Савол:** Нафл намозини бомдод намозидан қанча вақт олдин ўқиса бўлади?

**Жавоб:** Нафл намозларини субҳи содикдан олдин, яъни бомдод намози вақти киргунига қадар ўқиса бўлади. Бу вақт бугунги кунда чоп этилаётган намоз тақвимларида “Тонг” деб кўрсатилган.



**237. Савол:** Маълумки, сафарга чиқилгандага фарз намозлари қаср қилиб ўқилади. Сафар нияти билан чиқиб, 60–70 километр юргандан кейин ортга, уйга қайтилса, шу масофада вақти кириб қолган намоз қаср қилиб ўқиладими ёки тўлиқми?

**Жавоб:** Киши уч кеча-кундузлик масофага бориши ният қилиб йўлга чиққач, ўз шахри (қишлоғи)-нинг охирги уйлари кўринмай қолганидан бошлаб мусофири ҳисобланади ва мусофири учун белгиланган енгилликлардан фойдаланади (“Фатовоий Оламгирия”). Аммо ҳали уч кеча-кундузлик масофага етиб бормасидан, уйига қайтиши лозим бўлиб қолса, ўша жойда ва қайтгунича вақти кирган намозларни ҳам тўлиқ ўқиши лозим бўлади. Чунки уйига қайтишни ният қилиши билан, ҳали тўла мусофири бўлиб улгурмагани учун, сафар нияти бекор бўлади.



**238. Савол:** Ўзбекистон мусулмонлари идораси, “Мовароуннаҳр” нашриёти чоп этадиган йиллик тақвимда “тонг” ва “қуёш”нинг чиқиши ва ботиш вақтлари берилган. Бомдод намозининг аzon ва такбир вақтлари қандай аниқланади?

**Жавоб:** Субҳи содик, яъни машриқ тарафда, қуёш чиқиши тарафифда, ер сатҳи бўйлаб тарқаладиган даст-

лабки ёришиш тақвимда тонг вақти деб кўрсатилган. Ана шу пайтдан бошлаб бомдод намозига азон айтса бўлади (“Фатовойи Оламгирия”). Агар, сиз яшайдиган жойда тақвимда кўрсатилган тонг соатида ана шу ҳолат бўлмаса, у ерда ҳали бомдод вақти кирмаган бўлади. Тақвимда берилган намоз вақтлари маълум бир шаҳар учун хосдир. Вилоятнинг турли худудларида қуёшнинг чиқиши ва ботишида фарқ бўлиши табиий. Шунинг учун, намоз вақтлари, Рамазонда оғизни очиш ва ёпиш вақтларини жойлардаги масжидларнинг имом-хатиблари, уларнинг ноибларидан янада аниқлаштириб олинса, яхши бўлади.



**239. Савол:** Тўрт ракатли фарз намозини ўқиётган одам иккинчи ракатдан сўнг, намозим тугади, деб чиқиб кетса, у кейин икки ракатни ўқиб, саждаи саҳв қилиб, аввалги икки ракатга қўшиб қўйса бўладими ёки намозни қайтадан ўқиши керакми?

**Жавоб:** Сиз айтган ҳолатда намоз бузилади ва уни қайтадан ўқиш керак.



**240. Савол:** Фарз намозининг биринчи ракатида Фотиҳадан сўнг катта суранинг охирги оятларини ўқиса бўладими ёки албатта сурани бошидан ўқиш керакми?

**Жавоб:** Фарз намозларнинг олдинги икки ракатининг ҳар бирида Фотиҳа сурасидан сўнг бошқа-бошқа сураларни тугал ўқиш афзалдир. Биринчи ракатга Фотиҳа сурасидан сўнг суранинг олдинги бир қисмини ўқиб, иккинчи ракатда қолган қисмини ўқиши, баъзи уламолар, макруҳ бўлади дейишган. “Захирия”да бундай қиласлик керак, дейилган.

Биринчи ва иккинчи ракатларда Фотиҳа сурасидан сўнг бирор суранинг охирини ўқиш, агар суранинг

ўқиладиган охирги оятлари сони бир тугал суранинг, масалан, Набаъ сурасининг оятлари сонидан кўп бўлса, жоиздир. Аксинча, агар бир тугал суранинг оятлари сони ўқиладиган суранинг охирги оятлари сонидан кўп бўлса, биринчи ва иккинчи ракатда Фотиҳа сурасидан сўнг бир тугал сурани ўқиш афзалдир (“Фатовойи Оламгирия”).

Биринчи ракатда Фотиҳа сурасидан сўнг бир суранинг охирини (масалан, “Аманар расулу”ни), иккинчи ракатда қисқа бир сурани (масалан, Ихлос сурасини) ўқиш макрух эмас (“Татархония”).



**241. Савол:** Намозда сажда қилаётганда бош кийим тушиб кетса, уни кийиб олинадими ёки бошяланг ҳолда намозни давом эттириладими?

**Жавоб:** Намоз ўқиётганда бош кийим тушиб кетса, уни бир қўл ва оз ҳаракат билан кийиб олиш мумкин бўлса, кийиб олинади. Агар бир қўл билан кийиш мумкин бўлмай, икки қўл билан кийиладиган бўлса, намоз бузилади. Шунинг учун бу ҳолда намозни бошяланг давом эттирилади.



**242. Савол:** Бемор отаси ёки онасининг ҳожат қилиши каби эҳтиёжларида ёрдам берган кишининг таҳорати синадими?

**Жавоб:** Бундай ҳолатларда, агар таҳоратни кетказадиган бирон сабаб юзага келмаса, таҳорат синмайди.



**243. Савол:** Мен узрим борлиги учун таяммум билан намоз ўқийман. Тупроқда ҳар хил микроблар бўлади. Тиббиётдан хабарим борлиги учун зарарли микроблардан

**қўрқаман. Микроблардан сақланиш учун тупроқ ўрнига пудра (болалар сепкиси)дан фойдалансам бўладими?**

**Жавоб:** Йўқ. Таяммум фақат тоза, асло нажосат тегмаган ер жинсларига қилинади. Уларда, сиз айтгандай, ҳар хил микроблар бўлмайди. Ер жинсларига тупроқ, қум, чанг, тош, оҳак, сурма, ганч, ёқут, маржон, зумрад, феруза ва бошқалар киради. Кул, қўрғошин, олтин, кумуш, шиша, туз, лой каби нарсалар билан таяммум қилинмайди. Имом Сарахсий ва Ҳусомиддин (раҳимаҳумаллоҳ) тоғ тузлари билан таяммум қилиш жоиз, сув тузлари билан таяммум қилиш мумкин эмас, дейишган (“Сирожия”, “Нафғул муфтий”).



**244. Савол:** Ёшим етмишга яқинлашиб қолди. Намоз ўқиши вақтида орқа пешобим гоҳида жимиirlаб туради. Шунинг учун ҳар намозга янгидан таҳорат оламан. Мен тўғри қиляпманми?

**Жавоб:** Орқа пешоб фақат жимиirlаса ва ундан таҳоратни кетказадиган нарса чиқмаса, янгидан таҳорат олишга ҳожат йўқ. Агар жимиirlаш мобайнида ел ёки бошқа нарса чиқса, таҳорат синади.



**245. Савол:** Уч-тўрт намозхон жума намозига кеч қолишса, жамоат бўлиб пешин намозини ўқишлари мумкинми?

**Жавоб:** Шаҳарда (жума вожиб бўлган жойларда) жумага кеч қолганлар пешин намозини жамоат бўлмасдан якка-якка ҳолда ўқишади (“Фатовойи Ҳиндия”, “Қозихон”).



**246. Савол:** Маълумки, такбири таҳримада эркак киши “Аллоҳу акбар” деб, бош бармоғини қулоғининг юмшоқ қисмига теккизади. Бир дўстим автоҳалокат сабаб қўлини қулоғи баробарига кўтара олмай қолди. У энди нима қилиши керак? Ўшандай кишилар имомликка ўта оладими?

**Жавоб:** Ҳа, агар имомликка лойиқ бўлишса, ўтишлари мумкин. Намоз ўқишни ният қилган киши такбир айтади ва қўлларини (кафтларини қиблага қаратиб) қулоқнинг юмшоқ қисми баробаригача кўтаради (бош бармоқларини қулоқ юмшоқларига теккизади) (“Табийин”).

Аёллар такбир айтиш асносида қўлларини елкалари баробарида кўтаришади (“Ҳидоя”, “Табийин”).

Эркак киши такбири таҳрима учун қўлларини кўтарганида бармоқларини батамом бирлаштирумайди ва тўлиқ очмайди, балки ўз ҳолича тутади (“Ниҳоя”, “Муҳит”). Қўлларини юқорида айтилган шаклда кўтара олмайдиган ҳолатда бўлса, кучи етганича кўтаради. Кимнинг фақат битта қўлини кўтаришга кучи етса, бир қўлини кўтаради (“Табийин”).



**247. Савол:** Жамоат билан намоз ўқиётган киши имомдан олдин салом бериб қўйса, намози бузиладими?

**Жавоб:** Йўқ. Имомдан олдин адашиб салом берган кишининг намози бузилмайди. У имомнинг салом беришини кутиб туради. Сўнгра имом билан бирга салом беради, саҳв саждаси қилмайди.



**248. Савол:** Ясама соч (парик) тақиб юрган аёл киши таҳорат пайтида унинг устидан масҳ тортса жоиз бўладими?

**Жавоб:** Ясама сочнинг устига масҳ тортилса, таҳорат жоиз бўлмайди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ясама соч таққанга ҳам, тақтирганга ҳам Аллоҳ таолонинг лаънати бўлсин!” деганлар (*Имом Термизий ривояти*).



**249. Савол:** Баъзан масжидларда намозга ният қилганимиздан сўнг олдинги сафларда жой бўшаб қолади. Шу пайт олдинги сафни тўлдириш учун юрсак бўладими?

**Жавоб:** Орқа сафдаги киши ўзи турган сафдан олдинги сафдаги бўш жойни тўлдириш учун юрса намози бузилмайди. Аммо ўзи турган сафдан бир неча олдинги сафга, ҳар бир сафда бир руҳн миқдори тўхтамай юриб ўтса, намози бузилади. Чунки у “амали касир”-дир. “Амали касир” намозни бузади (“Заҳирия”, “Раддул муҳтор алад Дуррил муҳтор”).



**250. Савол:** Баъзи кишиларнинг сувни шариллатиб оқизиб қўйиб таҳорат қилаётганининг гувоҳи бўламан. “Камроқ очинг, сув исроф бўлади”, десам, айримлари: “Таҳорат қиляпманку”, дея норози оҳангда жавоб беради. Шу ҳақда маълумот берсангиз?

**Жавоб:** Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласи: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Саъднинг ёнидан ўтаётгандарига у таҳорат олаётган эди. У зот: “Нимага бунча исроф қиласан?” дедилар. Саъд: “Таҳорат қилишда ҳам сув исроф бўла-

дими?” деди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Ҳа, исроф бўлади. Агар оқиб турган анҳорнинг лабида бўлсанг ҳам”, дедилар» (*Ибн Можа*).



**251. Савол: Намозда имом ўқиган сураларни мен ҳам унинг ортидан такрорлаб турсам, ибодатимга зарари йўқми?**

**Жавоб:** Ҳанафий мазҳабида имомга иқтидо қилган киши қироат пайтида жим туриши вожибdir. Абу Мусо Ашъарий (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: “Қачонки имом қироат қилса, жим туринглар”» (*Имом Муслим*).



**252. Савол: Фиқҳий китобларни ўқиганимда, “рунн”, “шарт”, “фарз” деган атамаларга кўп дуч келяпман. Ушбу калималарнинг номлари бошқа-бошқа бўлса-да, мантиқан бир хил маъно касб этадими?**

**Жавоб:** Ҳа, ҳанафий мазҳабида рунн ҳам, шарт ҳам фарз маъносида ишлатилади. Бироқ “рунн”, “шарт”, “фарз” калималари фиқҳий атамалар бўлгани эътиборидан, уларни билиш инсоннинг фиқҳни яхшироқ тушунишига ёрдам беради.

“Фарз” калимаси “рунн” ва “шарт”дан кўра умумийроқ маънога эга. Масалан, қиём, руку, сажда намознинг рукнлари. Мазкур амаллар кетма-кетликда, тартиб билан адо этилмаса, тартиб бузилса, саждаи сахв қилиш вожиб бўлади (“Шарҳул Муня”).



**253. Савол:** Ҳазрат, бошқаларни безовта қилмаслик учун қолдирған намозларимнинг қазосини тунда ўқирдим. Бир қадр-доним, қоронғуда намоз ўқиши мумкинмас, деб айтди. Шу түғрими?

**Жавоб:** “Унс” китобида агар ойнинг ёруғи бўлса ҳам, фарз намозларни қоронғуда ўқиши макруҳ бўлади, суннат ва нафл намозларни қоронғуда ўқиши макруҳ эмас, дейилган.



**254. Савол:** Мен кекса ёшда бўлганим учун баъзида намоз ўқиши ниятида адоси дейиш ўрнига қазоси деб кўнглимдан ўтказаман. Бу ҳолда намозим дуруст бўладими?

**Жавоб:** “Кашфул Асрор” китобида бундай дейилади: “Агар бир киши ҳали вақти бор, деган гумон билан адо намозни ният қилса, лекин намознинг вақти чиқсан бўлса, ўша ўқиган намози қазо ўрнига ўтади. Бунинг акси ҳам худди шундай бўлади” (“Раддул муҳтор алад Дуррил муҳтор”).



**255. Савол:** Биз маййитни ювиб, кафалаб бўлганимизда, қуёш ботишига яқин қолган эди. Шу пайтда жаноза ўқиши макруҳ бўлмайдими?

**Жавоб:** Макруҳ бўлмайди. Чунки жаноза намозини ҳар қандай ҳолатда ҳам кечиктирмаслик афзалдир. Пайғамбаримиз (алайхиссалом): “Уч нарса борки, уларни асло кечиктириб бўлмайди. Улардан бири жаноза намозидир”, деганлар (*Имом Бухорий ва Имом Термизий ривояти*), (“Ал Баҳр”, “Раддул муҳтор алад Дуррил муҳтор”).



**256. Савол:** Имомга иқтидо қилганда Фотиҳа ҳамда зам сурани ўқиш мумкин эмаслигини яхши биламиз. Лекин шу ҳақда келган далилларни билмаймиз. Илтимос, шу ҳақда ворид бўлган оят ва ҳадисларни зикр этсангиз?

**Жавоб:** Куръони карим Аъроф сурасининг 204-оятида бундай буюрилган: «Куръон ўқилганда уни тинглангиз ва сукут сақлангиз! Шояд (шунда) раҳм қилингайсиз».

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимнинг (намозда) имоми бўлса, имомнинг қироати унинг учун қироатдир”, деб марҳамат қилганлар».

Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади. «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Албатта, имом унга иқтидо қилиниши учун қўйилгандир. Агар (имом) такбир айтса, такбир айтинглар ва агар қироат қилса, жим туриңглар”, деганлар».



**257. Савол:** “Саждаи шукр” ҳам “саждаи тиловат” каби қилинадими? Иккаласининг асли битта нарса эмасми?

**Жавоб:** Саждаи шукр ва саждаи тиловатни адо этиш тартиби бир-бирига ўхшаса-да, сабаблари бошқа-бошқадир. Тиловат саждаси Куръони каримдаги ўн тўртта сажда оятларидан бирини тиловат қилган ёки эшитган кишига вожиб бўлади.

Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад (раҳимаҳумаллоҳ) банда бирон неъматга, масалан, молга эга бўлса ёки фарзанд кўрса, шукр саждасини қилиш мустаҳаб амал, деганлар. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) айтади: “Қачон Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га

бирон ишнинг хабари етса, уни сир тутардилар ва Аллоҳ таолога шукр этиб сажда қиласдилар” (*Имом Термизий ривояти*). (“Раддул муҳтор”, “Муҳит”).



**258. Савол:** Баъзан хаёлим бўлиниб, қаъдада “Аттаҳийёт”ни ўқиш ўрнига Фотиҳа сурасини ўқиб қўйган бўламан. Шундай пайтда намозимни қайтадан ўқишим керакми ёки саждаи саҳв қилсам ҳам бўладими?

**Жавоб:** Унутиб, намозда “Аттаҳийёт”нинг ўрнига Фотиҳа сурасини ўқиб қўйган киши саждаи саҳв қиласди. Шу билан унинг намози тўғриланади. Аммо «Аттаҳийёт»дан кейин Фотиҳа сурасини ўқиган бўлса, саждаи саҳв қилмайди (“Фатовоий Ҳиндия”).

Намозда бу каби паришонхотирлик яхши эмас. Банда ибодатларини хушуъ ва хузуъ билан хотиржам адо этишга ҳаракат қилмоғи лозим.



**259. Савол:** Ассалому алайкум, ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Сизнинг Ислом дини йўлида олиб бораётган хайрли ишларингизни Аллоҳ таоло бардавом айласин. Сизга қуйидаги савол билан мурожаат қилмоқчиман. Мен яқинда намоз ўқишини бошладим. Намоз ўқиётганимда хаёлим ҳар хил нарсаларга чалғиб кетади. Қанча ҳаракат қилмайин намозимни хушуъ билан, қалбим билан хис қилиб ўқий олмаяпман. Сиздан илтимос! Муфтий ҳазратлари, менга хайрли бир дуо қилиб, нималар қилишим тўғрисида маслаҳат берсангиз? Сизга олдиндан катта раҳмат.

**Жавоб:** Аввало, диннинг устуни бўлмиш намоз ибодатини бошлаганингиз муборак бўлсин! Аллоҳ таоло Ўз ибодатида қоим қиласин. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига бир саҳобий келиб:

“Эй Аллоҳнинг расули! Мен намоз ўқишини бошласам, шайтон келиб хаёлимга турли-туман нарсалар солади?” деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу имоннинг аломати”, дедилар. Саҳобалар бу ҳақда таажжубланиб сўрадилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бўш уйга ўғри кирадими? Шайтон ҳам имони бор одамни чалғитишга уринади”, дедилар.

Намозни хушуъ ва хузуъ билан ўқиши учун Аллоҳнинг қаҳридан кўрқиб, хаёлни бир жойга жамлаб, шайтондан паноҳ тилаган ҳолда намозни бошлаш лозим.

Аллоҳ таоло барча мўмин-мусулмонлар қатори савол йўллаган биродаримизни ҳам Ўзига хушуъ билан ибодат қиласидиган солиҳ кишилар сафига қўшсин.



**260. Савол:** Масжидимиз имоми Исломнинг илк даврида мусулмонлар намозларини Масжидул Ақсо томонга қараб ўқишиган, деди. Бундан келиб чиқадики, қибла Масжидул Ақсо бўлган. Ҳозир эса биз Масжидул Ҳаромга қараб намоз ўқиймиз. Қибла ўзгарганми? Бунинг ҳикмати нима?

**Жавоб:** Қибланинг аввал Масжидул Ақсо бўлиб, кейин Масжидул Ҳаром томонга ўзгаргани ҳақида Куръони каримда бундай дейилади:

﴿سَيَقُولُ الْسُّفَهَاءُ مِنَ النَّاسِ مَا وَلَّهُمْ عَنْ قِبْلَتِهِمُ الَّتِي كَانُوا عَلَيْهَا قُلْ لِلَّهِ  
الْمَشْرِقُ وَالْمَغْرِبُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ﴾



«Одамларнинг нодонлари: “Улар (мусулмонлар) илгари юзланган қиблаларидан воз кечишларига боис нима экан?” дейишади. Айтинг: “Машриқ ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳникидир. У ўзи хоҳлаган кишиларни тўғри йўлга бошлайди» (Бақара, 142).

﴿ وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطَا لِنَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا وَمَا جَعَلْنَا الْقِبْلَةَ الَّتِي كُنْتَ عَلَيْهَا إِلَّا لِنَعْلَمَ مَنْ يَتَّبِعُ الرَّسُولَ مِمَّنْ يَنْقُلُبُ عَلَى عَقِبَيْهِ وَإِنْ كَانَتْ لَكِيرَةً إِلَّا عَلَى الَّذِينَ هَدَى اللَّهُ وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضِيعَ إِيمَانَكُمْ إِنَّ اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرَءُوفٌ رَّحِيمٌ ﴾ ١٤٣

وَجَهَكَ شَطَرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوْلُوا وُجُوهُكُمْ شَطْرٌ وَإِنَّ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لِيَعْلَمُونَ أَنَّهُ الْحَقُّ مِنْ رَّبِّهِمْ وَمَا اللَّهُ بِغَفِيلٍ عَمَّا يَعْمَلُونَ ١٤٤

«Шунингдек, сизларни (мусулмонларни бошқа) одамларга (умматларга) гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбарнинг сизларга гувоҳ бўлиши учун “ўрта уммат” қилиб қўйдик. Сиз юзланган олдинги қиблани Биз фақат орқага қайтиб кетаёттганлар ичидаким пайғамбарга эргашар экан, деб қилдик (қайта тикладик). Албатта, бу (ўз қибласини ўзгартириш) Аллоҳ ҳидоят этган кишилардан ўзгалар учун оғир ишдир. Аллоҳ имонларингизни (Байтул Мақдисга қараб ўқиган олдинги намозларингиз ажрини) зое кетказмас. Албатта, Аллоҳ одамларга нисбатан меҳрибон ва раҳмлидир». Гоҳо юзингизни (ваҳий кутиб) осмон бўйлаб ўгириб туришингизни кўряпмиз. (Хотиржам бўлинг.) сизни ўзингиз рози бўладиган қиблага (Каъбага) юзингизни ўгиритирамиз. Юзингизни Масжиди Ҳаром (Каъба) томонга буринг! (Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангиз, юзларингизни ўша тарафга бурингиз! Ахли китоблар буни Парвардигорлари томонидан (келган) ҳақиқат (илоҳий фармон) эканини яхши биладилар. Аллоҳ уларнинг қилмишларидан тоғифил эмасдир» (Бақара, 143–144).

Баро (розияллоҳу анҳу) айтади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан Мадинага келганимиздан кейин ўн етти ой Байтул Мақдисга қараб намоз ўқидик. Сўнг Аллоҳ азза ва жалла пайғамбарининг истагини рӯёбга чиқариб, мазкур оятни нозил қилди” (*Ином Бухорий ва Муслим ривояти*).



**ЗАКОТ, РЎЗА, ҲАЖ  
ВА УМРА МАСАЛАЛАРИ**





**261. Савол:** Ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Мустақиллик шарофати туфайли диний қадриятларимиз қайта тикланиб, ҳар йили муборак ҳажда умра ибодатини мингминглаб юртдошларимиз адо этишмоқда. Ҳаж каби умрани ҳам киши умрида бир марта адо этадими? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Умра лугатда “зиёрат қилиш” ва “обод қилиш” маъноларини англатади. Шариатда эса, ният қилиб эҳром боғлаб, Байтуллоҳни тавоф қилиш, Сафо билан Марва ўртасида саъй қилиш умра дейилади.

Ибн Аббос (розияллоҳу анху): “Аллоҳга қасам, албатта, у (умра) Аллоҳ таолонинг Китобида ун(ҳаж)га қўшиб зикр этилган. “Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун тугал адо қилинг”, дейди.

Абу Хурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Умрадан кейинги умра ораларидагиларга каффоратдир. Мабрур ҳажнинг мукофоти жаннатдир”, дедилар» (*Имом Аҳмад, Бухорий ва Муслим*).

Ҳар бир кишига қодир бўлса, умрида бир марта ҳаж қилиш фарздир, умра суннат амал. Умрани бир йилда бир неча бор қилиш мумкин.



**262. Савол:** Аллоҳ насиб қилиб, 2005 йили ҳаж ибодатини адо этиш шарафига мұяссар бўлдим. Илтимос, умра билан ҳаж ўртасидаги фарқни тушунтириб берсангиз.

**Жавоб:** Ҳаж муайян вақтда адо этилади. Ҳаж ибодатида Арафотда туриш, Байтуллоҳни тавоф қилиш лозим. Сафо ва Марва орасида саъй қилиш, Муздалифа ва Минода тунаш, Жамаротда шайтонга тош отиш керак.

Умра эса, ҳаж адо этиладиган кунлардан бошқа йилнинг барча фасллари ва кунларида адо қилиниши

мумкин. Умра Байтуллоҳни тавоғ қилиш ва Сафо ҳамда Марва ўртасида саъӣ қилишдир.

Демак, умра учун махсус вақт тайин қилинмаган. Балки арафа ва ташриқ кунларидан ташқари йилнинг барча кунларида умра қилиш жоиз. Барча олимлар умра учун махсус вақт белгиланмаганига иттифоқ қилишган. Зеро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) зулқаъда ва шаввол ойларида умра қилганлар.



### **263. Савол: Умра ибодати қандай адo этилади?**

**Жавоб:** Умра қиладиган киши ўз юрти учун белгиланган мийқотдан эҳромга киради. Маккада яшайдиганлар Ҳарамдан ташқарида эҳромга киради: ювиниб тозалангач, эр кишилар кийимларини ечиб, белларидан (киндиқларидан) пастини бир мато билан, киндиқдан юқорисини елкалари билан бир мато билан ўраб, ният қилиб, талбия, яъни “Лаббайкаллоҳумма”ни айтади. Аёллар ўз кийимларида юzlари очиқ бўлади. Умра эҳромига кирганидан кейин ҳажда ман қилинадиган нарсаларнинг барчаси умрачига ҳам ман қилинади.

Макка шаҳрига келгач, Байтуллоҳни етти марта тавоғ қилади. Илк уч марта Каъбани айланишда тезроқ ҳаракат қилади, тавоғ асносида такбир ва таҳлил айтади.

Кейин Сафо ва Марва ўртасида саъӣ қилади. Кейин сочини олдириб ёки қисқартириб, эҳромдан чиқади. Шу билан умра тугайди. Ундан кейин Маккада қолса, хоҳлаган пайти бориб, Каъбани тавоғ қилиши ва авратларини тўсиб турадиган хоҳлаган либосда бўлиши мумкин.



**264. Савол:** Аёл киши умра қилаётган вақтида ҳайз кўриб қолса, нима қилади?

**Жавоб:** Аёл киши умра қилаётиб ҳайз кўриб қолса, шу ерда умрасини якунлайди ва сочини қисқартириб, эҳромдан чиқади. Ҳарамдалик вақтида ҳайзи тўхтаса, умранинг қазосини адо қилади.



**265. Савол:** Рамазонда қилинган умрага ҳажнинг савоби берилади ва у ҳаж ўрнига ўтади, деб эшитдим. Шу гап тўғрими?

**Жавоб:** Рамазонда қилинган умрага ҳажнинг савоби берилиши ҳақида сахих ҳадислар ривоят қилинган. Лекин у ҳажнинг ўрнига ўтади, дейиш хатодир.

Абу Тулайқ (розияллоҳу анҳу)нинг аёли Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан Рамазон ойида қилинган умра ҳақида сўради:

“Умму Тулайқ: “Ё Расулуллоҳ! Сиз билан ҳаж қилишга нима тенглашади”, деди. Расулуллоҳ: “Рамазон умраси”, дедилар.

Ушбу ҳадис Рамазон ойида қилинган умранинг савоби улуф эканини билдиради.



**266. Савол:** Қарз олиб умра қилган кишининг умраси ҳақида нима дейсиз?

**Жавоб:** Умранинг шартларидан бири йўлга қодир бўлишдир. Агар йўл харажатига қарз оладиган бўлса, у кишига ва оила аҳлига машаққат туғилади. Шунинг учун ҳам қарз олиб, умра қилиш жоиз эмас.



**267. Савол:** Яқинда бир танишим “Мехрибонлик уйи”га закот бериб бўлмайди, чунки келажакда шу масканда етишган ёмон болаларнинг гуноҳига сен ҳам ширик бўласан, деб айтди. Шу тўғрими?

**Жавоб:** Закот молиявий ибодатдир. Моли нисобга етган мусулмон ҳақдор мўмин кишиларга молининг қирқдан бир бўлагини беради.

Куръони каримда:

(۵۱) وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَإِذَا أَنْوَى الْزَّكُورَ وَأَطْبِعُوا الرَّسُولَ لَعَلَّكُمْ تُرْجَمَونَ

«(Эй мўминлар!) Намозни баркамол адо этингиз, закотни берингиз ва Пайғамбарга итоат этингиз, зора (шунда) раҳм қилинсангиз» (*Нур, 56*), дейилган.

Закотнинг хикматларидан бири инсонни молу дунёдан устун қилиш, инсон молу дунёнинг қули эмас, балки молу дунё инсонга қарам эканини англаб етишдир.

Закот бериш орқали жамиятдаги иқтисодий жихатдан бақувват кишилар баҳиллик балосидан халос бўладилар. Закот бериш Аллоҳ таоло берган неъматларга шукр қилишнинг бир кўринишидир.

Ином Газзолий (раҳматуллоҳи алайх) закот тўғрисида бундай дейди:

“Аллоҳ таоло ўз бандасига жон неъмати ва мол неъматини бергандир. Бадан ибодатлари – намоз, рўза, ҳаж жон неъматининг шукридир. Молиявий ибодатлар – закот, садақа, хайри эҳсон мол неъматининг шукридир” (“Иҳёу улумид дин”).

“Мехрибонлик уйи”да тарбиялананаётган болаларнинг келажакда ёмон бўлишини (Аллоҳ асррасин) биз қаердан биламиз? Шундай экан, закотдай улуғ ибодатдан ҳам бирорларнинг асоссиз сўзи устун бўлмаслиги аниқ.

Мўмин-мусулмонлар шунга ўхшаш асоссиз гапларни деб Аллоҳ таоло буюрган улуғ ибодатни тарк этмасликлари керак.



**268. Савол:** Баъзилар Рамазон тугаши билан яна эски ишларини қиласверади. Тавба орқали ўтган гуноҳлар кечирилишини ҳадислардан биламиз. Аммо тавба қилиб, яна олдинги ишларини қиласверса, унинг тавбаси нима бўлади?

**Жавоб:** Аллоҳ таоло бандаларига ўта меҳрибон ва раҳмли Зот. Инсон хато, камчилик ва гуноҳдан холи эмас. Аллоҳ таоло бандалари учун тавба эшикларини очиб қўйди. Инсонларни қилган гуноҳларига тавба қилишга чақириб, тавба қилган бандаларининг гуноҳларини кечиришини ваъда қилди:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ إِذَا مَنُوا تُبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَصُوحًا عَسَى رَبُّكُمْ أَن يُكَفِّرَ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيُدْخِلَّكُمْ جَنَّتٍ بَعْدِ رِحْلَةٍ مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَرُ﴾

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳга чин тавба қилингиз, шоядки, Раббингиз сизларнинг гуноҳларингизни ўчириб, остидан анҳорлар оқиб турадиган (жаннатдаги) боғларга киритса!» (*Таҳрим*, 8).

Ҳақиқий тавба қандай бўлади? Уламолар тавбанинг ҳақиқий бўлиши учун ушбу шартлар бўлиши керак деганлар:

**Биринчи.** Ихлос, яъни banda бирор хато ишни қилиб қўйганидан кейин унинг хатолигини билиб, шу иши учун азобланишидан қўрқиб, бирор ғаразни кўзлаб эмас, балки Аллоҳ учун бу хатодан воз кечиши керак.

**Иккинчи.** Қилган гуноҳи учун афсусланиш. Имом ибн Можа “Сунан”ларида Абдуллоҳ ибн Масъуддан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: “Пушаймонлик тавбадир”, деганларини келтиради.

**Учинчи.** Қилаётган иши гуноҳ эканини билганидан кейин, ундан дарҳол тўхташ. Яъни, гуноҳ Аллоҳ буюрган амалларни тарқ қилишда бўлса, дарҳол уни

бажаришга киришиш, агар Аллоҳ тақиқлаган бирор ишни қилаётган бўлса, ундан тўхташ, агар бандаларга зулм ёки биронинг ҳақига хиёнат каби гуноҳ бўлса, олдин бандани рози қилиб, Аллоҳдан истиғфор сўраши лозим бўлади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

«Ким бирор кишига обрўси ёки бошқа нарсада зулм қилган бўлса, динор ва дирҳам бўлмайдиган (яъни, қиёмат) кунидан олдин уни рози қилсан. Акс ҳолда, агар унинг солиҳ амали бўлса, қилган зулми миқдорича ундан олинади. Агар ҳасаноти бўлмаса, мазлумнинг гуноҳларидан олиб унга юкланади» (*И мом Бухорий ва Муслим ривоятлари*).

**Тўртинчи.** Қилган иши гуноҳ эканини билганидан кейин қайтиб бу ишни қилмасликка қасд қилиш. Чунки ҳар бир ишда энг муҳими ният ҳисобланади.

**Бешинчи.** Тавба қабул қилинмайдиган вақт келмасидан олдин тавба қилиш. Маълумки, икки ҳолатда тавба қабул қилинмайди. Биринчи ўлим пайти, яъни сакаротул мавт ҳолатида. Иккинчи қуёш мағрибдан чиққан пайт, яъни ер юзида ҳаёт тугаётганида.

﴿ وَلَيَسْتِ أَلْتَوَبَةُ لِلَّذِينَ يَعْمَلُونَ أَسْكِنَاتٍ حَتَّىٰ إِذَا حَضَرَ أَحَدُهُمُ الْمَوْتُ قَالَ إِنِّي تَبْتُ أَكُنْ وَلَا أَلَّذِينَ يَمُوتُونَ وَهُمْ كَفَّارٌ أُولَئِكَ أَعْتَدْنَا لَهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا ﴾ ۱۸

«Гуноҳ ишларни қилиб юриб, қачонки, бирор-таларига ўлим келганида, “Энди тавба қилдим” дейдиган, шунингдек, кофирилигича ўлиб кетадиганларнинг тавбалари эса қабул қилинмагай. Ана ўшалар учун аламли азобни тайёрлаб қўйганмиз» (*Niso, 18*).

«Албатта, Аллоҳ таоло банданинг ўлаётганида хириллаб қолишдан олдинги қиладиган тавбасини қабул этади» (*Ибн Можа ривояти*).

Яъни: «Ким қуёш мағрибдан чиқишидан олдин тавба қиласа, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади» (*Имом Муслим ривояти*).

Ҳар бир мўмин-мусулмон тавбанинг шартларига риоя қилган ҳолда Аллоҳга тавба қилиб, истиғфор айтса, охиратда нажот топади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:



«...Барчангиз Аллоҳга тавба қилингиз, эй мұмиллар! Шояд (шунда) најжот топсангиз» (*Hyp*, 31).



«Илло, кимки (шу дунёда) тавба қылса ва имон келтириб, яхши амал қылса, бас, Аллоҳ ана ўшалар-нинг ёмонлик (гуноҳ)ларини яхшилик (савоб)ларга айлантириб қўяр. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли Зотдир» (Фурқон, 70).

Тавбанинг энг улуг фойдаларидан бири банданинг тавба туфайли Парвардигор муҳаббатига сазовор бўлишидир. Чунки Куръони каримда тавба «...**Албатта, Аллоҳ** (билмай йўл қўйган хатоларидан) чин тавба қи́лувчиларни ва обдон покланиб юрувчиларни севади». Парвардигоримизга чин тавба қиласилик. Аллоҳ таоло барчамизни холис тавба неъматидан баҳраманд айласин, Омин.



**269. Савол: Аёл кишининг тақинчоқлари-дан закот бериладими?**

**Жавоб:** Закот беришнинг шартлари бор. Шулардан бири молнинг микдори нисобга етган бўлиши ва бир йил ўтиши керак. Такинчоклардан хам

тилла ёки кумуш миқдори нисобга етса, албатта, за-  
кот берилади.



**270. Савол:** Рўза пайтида хотин-қизлар атир-упадан фойдаланишлари мумкинми? Ундан фойдаланганида рўза очилиб кетмайдими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

**Жавоб:** Рўза очилмайди, чунки бу рўзани бузувчи амаллар сирасига кирмайди.



**271. Савол:** Мусулмон киши рўза ойида зино қилса, унга жазо берилиши, яъни 100 дарра урилиши айтилганми?

**Жавоб:** Ислом шариати бўйича, эркак ва аёлнинг шаръий никоҳсиз жинсий алоқада бўлиши (зино қилиши) Рамазон ойидагина эмас, бошқа пайтларда ҳам катта гуноҳдир. Зино қилгани учун динимизда юз дарра уришдан тортиб, ўлим (тошбўрон қилиш) жазосигача белгиланган. Лекин жазога ҳукм қилиш учун зинода айбланувчиларнинг ўзлари айбига иқорор бўлиши ёки тўрт нафар ишончли киши гувоҳлик бериши шарт. Акс ҳолда, арзимаган сабаблар билан инсоннинг обрўси тўкилиши ва бу иғвогар, бўхтончиларга қўл келиши мумкин. Юз дарра уришга ҳукм этиладиган зинокор эркак ва аёл олдин ҳеч ким билан оила қурмаган бўлишлари керак.



**272. Савол:** Қуръони карим Рамазон ойида нозил бўлган, дейилади. Бошқа ойларда оятлар нозил бўлмаганми? Қуръони карим «Рамазон ойида нозил бўлган», деган жумлани қандай тушунишимиз керак?

**Жавоб:** Қуръони карим оятларининг ҳаммаси бир пайтда, Рамазон ойи Қадр кечасида дунё осмонига ту-

ширилгани сабабли Рамазон ойида тўласича нозил бўлган, дейилади.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) бундай дейдилар: “Қуръон оятларининг ҳаммаси Қадр кечасида Жаброил (алайҳиссалом)га ваҳий қилинди”. Сўнг йигирма йилдан ортиқ вақт давомида Жаброил (алайҳиссалом) Пайғамбаримиз Мұхаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Парвардигор амр қилган вақтда оятларни навбатма-навбат етказиб турдилар. “Қуръони карим нозил бўлди” дейилганида Жаброил (алайҳиссалом)-нинг осмондан ваҳий олиб тушишлари тушунилади. Зоро, Жаброил (алайҳиссалом)нинг ўринлари осмондадир. Қуръон – Аллоҳ таолонинг Каломи бир жойдан иккинчи жойга кўчмайди.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласиди:

﴿ وَقَرْءَانَا فِرْقَتُهُ لِنَقْرَأَهُ عَلَى النَّاسِ عَلَى مُكْثٍ وَنَزَّلْنَاهُ نَزِيلًا ﴾  
۱۰۶

«Қуръонни одамларга вақти-вақти билан ўқиб беришингиз учун уни бўлакларга бўлдик ва бўлиб-бўлиб нозил қилдик» (Исрo, 106).



**273. Савол:** Кўз ёши ёки юздан оқсан тер оғиз ичига кирса, рўзага таъсир қилмайдими?

**Жавоб:** Кўз ёши рўзадорнинг оғзига жуда кам миқдорда, яъни бир ё икки қатра миқдорича кирса, унинг рўзасини бузмайди. Аммо ундан кўп бўлиб, оғизнинг ҳамма жойида унинг шўр таъми сезилса, рўзани бузади. Юздан оқсан тер ҳам шунга ўхшаш бир ё икки томчиidan кўпи оғизга кирса, рўзани бузади (“Фатовийи Ҳиндия”, “Хулоса”).



**274. Савол:** Кўзи оғриган киши кўзига бирон дори томизса, рўзани бузмайдими?

**Жавоб:** Кўзи оғриган киши кўзига бирон дори томизса, рўзаси бузилмайди. Ҳатто томизилган дорининг таъми ҳалқумида сезилса ҳам ёки туфлаганида сурма ёки бошқа дорининг ранги билинса ҳам рўза бузилмайди (“Фатовоий Ҳиндия”, “Захира”).



**275. Савол:** Тиш милкларидан чиққан бир-икки қатра қонни ютиш билан рўза бузилмайдими?

**Жавоб:** Милкдан чиққан қон рўзадорнинг ҳалқумига кирса, агар тупук қондан кўп бўлса, рўзага зарар қилмайди. Агар тупукдан кўра қон кўп бўлса, яъни тупук қизил бўлса, рўза бузилади. Тупук билан қон миқдори тенг бўлса ҳам рўза бузилади (“Фатовоий Ҳиндия”, “Шархул виқоя”).



**276. Савол:** Мен рамазон ойидан бошқа ойларда ҳам рўза тутмоқчиман. Лекин баъзи кунларда рўза тутиш макруҳ экан. Шу ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Рамазон ҳайитининг биринчи куни ва қурбон ҳайитининг тўрт қунида, шак (шаъбон ойининг охиргисими ёки рамазоннинг биринчисими экани тўғрисида иккиланиб қолинган) кунининг ўзида, ашуро кунининг ўзида рўза тутиш макруҳдир. (“Ашуро” муҳаррам ойининг ўнинчи кунидир. Бу кунда рўза тутмоқчи бўлганлар тўққизинчи кунни ҳам қўшиб тутиш керак. Шунда макруҳ бўлмайди). Шунингдек, бутун йилни рўза тутиб ўтказиш, саҳарлик ва ифторлик қилмасдан рўза тутиш, сукут рўзаси тутиш (яъни, рўзадорлик пайтида кун бўйи гапирмаслик) ҳам

макруҳдир. Бундан ташқари, агар қийинчилик бўлса, арафа куни Арафотдаги ҳожиларнинг рўза тутишлари ҳам макрух, дейилган (“Фатовойи Ҳиндия”).



**277. Савол:** Маълумки, бу йилги рамазон ёзниг иссиқ кунларига тўғри келади. Рўзадор одам куннинг ўртасида бир оз салқинланиш мақсадида устидан сув қуиб олса бўладими?

**Жавоб:** Ёзниг иссиқ кунларидан салқинланиш нијатида устдан сув қуиши жоиздир. Аммо Имом Аъзам сўзларига биноан макрух бўлади. Имом Абу Юсуф у ҳолни макрух бўлмайди, деганлар. Агар томоқ ва олдорқа йўллардан ичга сув кетиб қолса, рўза бузилади.



**278. Савол:** Узр, бир оз одобдан ташқари бўлса ҳам, зарурат юзасидан сўрашга мажбур бўлдим: рўзадор одам мустаҳаб қилишда ҳам эҳтиёт бўлиши керак, деб эшийтдим, шу тўғрими?

**Жавоб:** Аввало бир нарсани тўғри тушуниб олайлик, шариат ҳукмларини билиш, дин илмини ўрганиш учун савол бериш одобсизлик бўлмайди. Чунки бу илмлар ибодатларнинг тўғри бажарилиши ва қабул бўлиши учун муҳимдир. Халқ орасидаги машҳур “Шариатда шарм йўқ” деган ибора шу маънода ишлатилади. Энди саволингизга келсак, ҳақиқатда, рўзадор одам мустаҳаб пайтида сувни кўп ишлатмаслиги ва мустаҳаб қилаётганида нафас олмай туриши керак. Акс ҳолда, орқадан ичга сув кетиб қолиши, натижада рўза бузилиши мумкин (“Муҳит”, “Баҳрур роиқ”).



**279. Савол:** Рамазон ойида тиши оғриб қолган одам муолажа ва оғриқ қолдириш мақсадида укол олса, рўзаси бузиладими?

**Жавоб:** Киши ана шундай ноқулай вазиятда қолмаслиги учун рамазон ойи киришидан олдин ўзига бир қараб, керакли муолажаларни олиши керак. То бу баракотли ой шарофатидан тўлиқ баҳраманд бўлсин, унинг ибодат қилиш завқига ҳеч қандай қийинчилик халақит бермасин. Шундай бўлса ҳам, рамазон ойида бирдан тиши оғриб, укол олган кишининг рўзаси бузилади ва кейин ўша кун учун бир кун қазо тутиб беради (“Фатовойи Ҳиндия”).



**280. Савол:** Рамазон кунларидан бирида ёқкан ёмғирда юрган одамнинг оғзига бир-икки томчи ёмғир суви кириб кетса, рўзаси бузиладими?

**Жавоб:** Агар ўша одамнинг ихтиёридан ташқари, бехосдан сув кириб кетса, рўзаси бузилади ва қазо (бир кунга бир кун) тутиб беради. Борди-ю, ёмғир сувини қасдан ютса, унга ҳам қазо ҳам каффорат лозим бўлади. Яъни, бу одам бузилган рўзаси учун бир кун тутиб беришдан ташқари, жарима сифатида икки ой кетмакет рўза тутиб бериши, бунга қурби етмаса, олтмишта мискиннинг бир кунлик таомини садақа қилиши керак бўлади (“Фатовойи Ҳиндия”).



**281. Савол:** Мұхтарам Муфтий ҳазратлари! Рўзада бериладиган фитр садақаси ҳақида маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Фитр садақасининг бериш шарти қурбонлик қилишнинг шарти билан бир хил. Яъни, ҳожати аслия (бирламчи эҳтиёжи)дан ташқари кумуш нисоби миқдоридаги ҳар қандай кўринишдаги молга эга бўлган

мусулмон фитр садақаси бериши вожибdir (“Мухтор шарҳи Ихтиёр”). Бу мол ўсиб (кўпайиб) туриши ва бир йил мобайнida камаймаслиги шарт эмас.

Фитр садақаси ушбу тўрт нарсадан берилади: буғдой, арпа, хурмо (араб хурмоси), майиз (“Хизонатул Муфтий”, “Шарҳи Таҳовий”).

Фитр садақаси буғдойдан ярим соъ, арпа ва хурмодан бир соъ миқдорда берилади. Буғдой ва арпанинг уни ҳам худди буғдой ва арпа кабидир. Майиздан эса, Абу Ҳанифа ва икки Имомнинг сўзларига кўра, бир соъ миқдорида садақа берилади.

Буғдойдан кўра унни садақа қилиш афзал, унни бергандан эса, пулини берган яна ҳам яхшироқдир. Чунки пул камбағалнинг ҳар турли эҳтиёжини қондиради. Фуқаҳоларнинг фатволарига кўра, айтиб ўтилган нарсаларнинг ўзи эмас, балки уларнинг қийматини бериш авлодир.

Бу айтилган миқдор ҳар бир жон боши учундир, оиласда нечта одам бўлса, шунга қараб ҳисобланади (“Фатовоии Ҳиндия”).



**282. Савол:** Киши умра ҳажи қилса, зиммасидаги ҳаж ибодати ҳам соқит бўладими?

**Жавоб:** Биринчидан “умра ҳажи” деган ибора хато. Ҳаж бор, умра бор. Умра қилган одамдан ҳаж фарзи соқит бўлмайди. Умра суннат амали, ҳаж эса фарз бўлиб, Ислом арконларининг бешинчисидир. Суннат ҳеч қачон фарznинг ўрнини босмайди. Қодир одамга ҳаж қилиш фарз.



**283. Савол:** Каффорат рўзасини тутаётган аёл ҳайз кўриб қолса, кейин каффорат рўзани янгидан бошлайдими?

**Жавоб:** Каффорат рўзасини тутаётган аёл ҳайз кўриб қолса, рўзасини тўхтатади ва поклангач, саноқни

келган жойидан давом эттиради. Аммо покланганидан кейин дарҳол рўза тутишга киришмай, бир кун оралатса, каффоратни бошидан бошлайди.



**284. Савол:** Ёшим 79 да. Бу йил қарилик ғолиб келиб, рўза тутолмагандим. Фидя берса ҳам бўлади, деб эшиздим. Бироқ рамазон ойининг бошида фидя беришга имкониятим бўлмади. Ҳар кунлигини битта қилиб йигиб, ойнинг охирида берсам ҳам бўладими?

**Жавоб:** Рўза тутишга қодир бўлмаган, кундан-кун мадори кетаётган чол ёки кампир ҳар бир куни Рамазон рўзаси учун бир мискинга икки кило буғдой ё унинг баҳосини беради (буни фидя дейилади). Фидяни хоҳласа, рамазоннинг бошида, хоҳласа, ойнинг охирида битта қилиб ҳақдор кишиларга беради («Ҳидоя», «Фатовойи Ҳиндия»).

Агар қари киши фидя бериб бўлгач, рўза тутишга қодир бўлса, фидянинг ҳукми бекор бўлади, унга рўза тутиши вожиб бўлади («Наҳрул Фоиқ», «Ниҳоя»).



**285. Савол:** Менга ҳаж қилиш насиб этганида, қувонганимдан Аллоҳ учун ўн кун рўза тутаман, деб ният қилган эдим. Шу рўзани қай тартибда тутсам тўғри бўлади, илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Аввало, назр ният билан бўлмайди. Тил билан айтилса, назр бўлади. Ибодатлардан дарҳол ё кейин зиммага вожиб бўлмаган бирортасини, масалан, рўзани Рамазон ойидан бошқа пайтда тутишни ўзига вожиб қилиш назр бўлади. Агар киши Аллоҳ учун икки кун ёки уч кун ёинки ўн кун рўза тутиш ўзига вожиб деб (назр) билса, унга ўша айтганини тутиш вожиб бўлади. У истаган вақтда, хоҳласа, бўлиб-бўлиб тутади, хоҳласа, кетма-кет, орасини ажратмасдан тутади.

Агар рўза тутишни назр қилган пайтда кетма-кет тутишни ният қилган бўлса, кетма-кет тутиши зарур бўлади. Орада бир кун ифтор қилса ёки аёл киши ҳайз кўрса, қайта бошидан назр қилган кунлари миқдорида тутиши лозим.

Назр қилган киши кетма-кет тутишни ният қилмаган бўлса ҳам, кетма-кет тутса бўлади («Фатовойи Ҳиндия», «Зоҳирия»).



**286. Савол:** Эри ўлган аёлнинг ҳаж қилиши дуруст эмас деб эшитдим, шу тўғрими?

**Жавоб:** Тўғри. Эри қазо қилган аёл тўрт ою ўн кун идда ўтириши лозимdir. Эри ўлгани учун иддадаги ё талоқ иддасидаги аёл ҳажга бормайди ва бошқага турмушга чиқмайди. Иддаси тугаб бўлгач, унинг ихтиёри ўзида бўлади. Хоҳласа, маҳрамларидан бири, яъни отаси, aka ё укаси, тоға ё амакиси, бобоси ёки ўғилларидан бири ҳамроҳлигида ҳаж ибодатини адо этиши мумкин («Фатовойи Ҳиндия»).



**287. Савол:** Рамазон ойида таровеҳ намозини уйда ўқиса бўладими?

**Жавоб:** Ҳа, таровеҳ намозини уйда ўқиса бўлади. Бизнинг мазҳабимизда таровеҳ намозини ўқиш суннати айнди (ҳар бир мукаллафга таъкидланган суннатдир), уни жамоат билан адо этиш эса суннати кифоядир (“Фатовойи Оламгирия”).



**288. Савол:** Рўзадор одам кўча-кўйда юрганида ифтор вақти кириб қолса, ёнида озгина нони ёки ҳеч нарсаси бўлмаса, қандай қилиб оғиз очади?

**Жавоб:** Рўзанинг вақти тонг отганидан кун ботгуничадир. Бинобарин, кун ботиши билан рўзаси

очилган бўлади. Лекин шу вақтда бирор қултум бўлса ҳам сув ёки бир дона хурмо ейиш суннатдир.



**289. Савол:** Ёшим етмиш бешда. Юрагим хуруж қилиб туради. Рамазонда шундай ҳолат бўлиб қолса, тилнинг остига ташлаб олинадиган дорини истеъмол қилсам, рўзам очиладими?

**Жавоб:** Сиз айтган ҳолатда рўза очилади. Кейин бир кунга бир кун қазосини тутиб беришингиз керак. Динимиз осон диндир. Аллоҳ таоло бизга осонлик, енгилликни хоҳлайди, оғирлик, мashaққатни раво кўрмайди. Касали рўза тутишга имкон бермайдиган ёки рўза тутса, касали кучайиб кетиш хавфи бўлган bemor одам тузалгунича рўза тутмай туриши мумкин. Соғайганидан кейин бир кунга бир кун қазосини тутиб беради.

Рўза тутишга мажоли етмайдиган кекса эркак ва аёллар, шунингдек, давомли касаллиги сабабли рўза тутолмайдиган кишилар рўза тутмасдан, ҳар бир кун учун камбағалларнинг бир кунлик овқати миқдорида фидя беришади (“Фатовойи Ҳиндия”, “Ҳидоя”).

Сўнг улар, Аллоҳ таолонинг марҳамати билан, қувватга кирсалар ё соғайишса, тутолмаган кунларининг рўзасини қазо қилиб тутиб беришади.



**290. Савол:** Рамазон ойининг илк кунларидан бирида рўзадор танишимнинг овқат еб турганини кўрдим. Менимча, рўзадорлиги эсида йўқ эди. Шунда бориб эслатмоқчи эдим, ёнимдаги шеригим: “Кўй, эслатма, уни Аллоҳнинг ўзи меҳмон қиляпти”, деди. Мен ўйланиб қолдим. Шундай пайтда қандай йўл тутган маъқул?

**Жавоб:** Бундай ҳолатда қаралади: агар ўша рўзадорлиги эсида йўқ овқатланаётган одам ифторгача

бемалол рўза тута оладиган ҳолда бўлса, унга рўзаси эслатилади. Бунинг акси бўлса, яъни, рўзани кечгача давом эттира олмайдиган ҳолатда бўлса, унга рўза-дорлигини эслатмаслик жоиз (“Фатовоий Ҳиндия”, “Заҳирия”).



**291. Савол:** Шаъбон ойининг охирида рўза тутиб, Рамазон ойига қўшиб кетса бўладими?

**Жавоб:** Шаъбоннинг охирида рўза тутиб, Рамазонга улаб кетишдан Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қайтарганлар. Бу хусусда бир қанча ҳадислар келган.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласи: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳеч ким эҳтиёт юзасидан Рамазондан бир ёки икки кун илгари рўза тутмасин, (нафл) рўзани Рамазон ойи чиққанини кўриб, сўнг тутсин, аммо ҳафтанинг маълум кунлари доимо нафл рўза тутиб юрган одам рўзаси шак кунига тўғри келиб қолса, у ҳолда тутаверсин”, деб айтганлар» (*Муттрафақун алайҳ*).

Уламоларимиз юқоридаги ҳадисни далил қилиб, Шаъбоннинг охирида рўза тутишни макруҳ дейишади. Лекин бир киши душанба ва пайшанба кунларида рўза тутишни одат қилган бўлса ёки назр рўза ният қилган бўлиб, у кунлар Шаъбоннинг охирги кунларига тўғри келиб қолса, у кунларда рўза тутиш макруҳ бўлмайди.



**292. Савол:** Рамазонда адо этилган умрага ҳажнинг савоби берилади ва у ҳаж ўрнига ўтади, деб эшитдим. Шу гап тўғрими?

**Жавоб:** Рамазонда адо этилган умрага ҳажнинг савоби берилиши ҳақида сахих ҳадислар ривоят қилинган. Лекин у ҳажнинг ўрнига ўтади, дейиш хотодир.

Абу Тулайқ (розияллоҳу анҳу)нинг аёли Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан Рамазон ойида адо этилган умра ҳақида сўради: «Умму Тулайқ: “Ё Расулуллоҳ! Сиз билан ҳаж қилишга нима тенглашади”, деди. Расулуллоҳ: “Рамазон умраси”, дедилар». Ушбу ҳадис Рамазон ойида адо этилган умранинг савоби улуг эканини билдиради.



### **293. Савол: Бу йилги закот нисоби, фитр садақаси миқдори қанча?**

**Жавоб:** Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг 2016 йилги закот нисоби, фитр садақаси миқдори ҳақидаги Қарори эълон қилинди. Қарорда 1 грамм тилланинг бугунги кунда бозордаги ўртача нархи бир юз ўттиз беш минг сўм экани ва тилладан закот нисоби йигирма мисқол (85 грамм) бўлганидан келиб чиқиб, милодий 2016 йил (хижрий 1437 йил) учун закот нисоби ўн бир миллион тўрт юз етмиш беш минг сўм экани айтилган. Мазкур қийматдан қирқдан бир ҳиссаси, яъни икки юз саксон олти минг саккиз юз етмиш беш сўм закот чиқарилиши қарорда баён этилган.

Фитр садақаси миқдори вилоят, шаҳар ва туман бозорларидаги икки кило буғдойнинг бу йилги нархидан келиб чиқсан ҳолда белгиланди. Масалан, Тошкент шаҳар бозорларида бир кило буғдойнинг нархи ўртача икки минг сўм, демак, икки кило буғдой нархи – тўрт минг сўм фитр садақаси сифатида ҳақдорларга берилади.



### **294. Савол: Фидя ва фитр садақаси миқдори қанча ва улар кимларга берилади?**

**Жавоб:** Рамазон ои тугаб, ҳайит кунининг тонги ёришиши билан фитр садақасини бериш

вожиб бўлади. Фитр садақаси, уни Рамазон ойи ичида берган киши зиммасидан соқит бўлади. Фитр садақаси миқдори буғдой ёки майиздан икки кило, хурмо ёки арпадан тўрт килодир. Фитр садақаси аслий эҳтиёжидан ортиқ кумуш закоти нисоби миқдоридаги мулки бўлган мусулмонларга вожибдир. (Яшаш учун зарурий нарсалар, иш қуроллари аслий эҳтиёж ҳисобланади.) Улар ўзлари ва балоғатга етмаган фақир болалари номидан фитр садақани беришлари керак. Хотини, катта ёшдаги болалари ва бой фарзандлари учун беришлари лозим эмас. Фитр садақаси вожиб бўлиши миқдоридаги мулкка эга киши фарз садақа ололмайди. Унга қурбонлик ва яқин қариндошларининг нафақаси ҳам вожиб бўлади. Фитр садақаси уни бермаган одам зиммасидан соқит бўлмайди. Уни Рамазон ойидан кейин бўлса ҳам бериши лозим (“Мухтасарул виқоя”).

Кундан-кунга қувватдан кетиб борадиган, қайта кучга тўлмайдиган қариялар, тузалишига умид бўлмаган беморлар рўза тутмаслигига шариатимиз рухсат беради (“Баҳрур роиқ”). Улар Рамазоннинг ҳар бир куни учун фитр садақаси миқдорида мискинларга фидя беришади (“Ҳидоя”).

Улар истасалар, фидяларининг ҳаммасини бир қилиб, Рамазон ойининг бошида ё охирида беришлари мумкин (“Фатовойи Ҳиндия”).

Агар, улар фидя беришганидан кейин қувватга тўлиб, рўза тутишга кучлари етадиган бўлиб қолишса, тутмаган рўзаларининг қазосини тутишлари керак (“Ниҳоя”).

Фидя ва фитр садақа закот олиши мумкин бўлган кишиларга берилади. Фитр садақани зиммийларга ҳам бериш мумкин.



**295. Савол:** Назр рўзани қасддан бузган кишига қазо ва каффорат лозим бўладими?

**Жавоб:** Фақат муборак Рамазон ойи рўзасини қасддан бузганларга каффорат лозим бўлади. Рамазон рўзасидан бошқа назр, қазо ёки нафл рўзаларни қасддан бузганларга каффорат лозим бўлмайди, қазоси лозим бўлади (“Фатовоий Оламгирия”).



**296. Савол:** Рамазон ойида зиммасида икки марта каффорат тўлаши вожиб бўлган киши уларни кетма-кет ўташи керакми?

**Жавоб:** Йўқ. Бир Рамазон ойи рўзасини бир неча марта қасддан бузган кишига битта каффорат лозим бўлади.

Рўзани қасддан бузиш каффорати будир: тополса, бир қул озод этиш; қул тополмаса, олтмиш кун кетма-кет рўза тутиш; унга қодир бўлмаса, олтмиш мискинга (фитр садақаси миқдорида) таом беришдир.

Агар каффорат рўзасини тутаётган одам орада бир кун оғзини очса, олтмиш кунлик рўзани яна қайтадан бошлиши керак.



**297. Савол:** Бироз ноқулай бўлса ҳам сўрамоқчиман. Бурундан келадиган балғамни ютиш билан рўза очиладими?

**Жавоб:** Бурундан келадиган ё ичдан чиқадиган балғамни ютиш билан рўза очилмайди. Агар балғам оғиз ташқарисига чиққан бўлса, уни қайтариб ютиш билан рўза очилади.



**298. Савол:** Рўзадор киши сочини хина билан ювиши мумкинми?

**Жавоб:** Рўзадор сочини хина билан ювишининг рўзага зарари йўқ.



**299. Савол:** Умра қилишда соч олдириш ёки қисқартириш муҳим амаллардан бири экан. Сочи тўкилиб кетган кишилар нима қилса, ибодати мукаммал бўлади?

**Жавоб:** Умра ибодатида сочни тўлиқ олдириш ёки қисқартириш вожиб. Бошида умуман сочи йўқ кишилар бошининг тўртдан бирига устара юргизиб қўйишлари суннат, яъни у олдирган ҳисобланади.



**300. Савол:** Биз томонларда (Бойсун тумани) лалмикор ва суғориладиган ерлардан чиққан маҳсулотларнинг ушри тўғрисида турли хил фикрлар бор. Илтимос, ушр ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз?

**Жавоб:** Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайх): “Ердан чиққан зироат маҳсулотлари озми, кўпми, барчасидан ушр берилади”, деганлар (“Фатовоий Қозихон”).

Жобир (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласи: «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Осмон, анҳор ва булоқ сувлари билан суғорилган зироатларнинг ўндан бири, сув чиқарувчи ҳайвон ва сув чиқарувчи асбоблар ила суғорилган зироатларда ушрнинг ярми (яъни йигирмадан бири)” деганлар».

Шунга кўра, бизнинг ҳанафий мазҳабимизда, дехқон етиштирган маҳсулоти қанча чиқса ҳам ундан ушр бериши вожиб бўлади. Ёмғир, булоқ, ариқ, зовур ёки каналлар орқали суғориладиган жойларда етиштирилган маҳсулотлардан ушр (ўндан бири) берилади. Кудук

ёки дарёлардан насос ва бошқа асбоблар ёрдамида сув чиқариб суғориб етиширилган маҳсулотларнинг йигирмадан бири берилади.



**301. Савол:** Биз томонларда, ҳаж ибодатидан қайтган кишининг оёғи тагига пойандоз солинарди. Мен ҳам яқин дўстимнинг ҳаж зиёратидан қайтганидан хурсандлигим ичимга сиғмай, оёқлари тагига тўнимни ташлаган эдим, бир киши: “Ундей қилманг, ширк бўлади”, деди, шу тўғрими?

**Жавоб:** Йўқ, бу иш ширк эмас. Ширк деб Аллоҳ таолодан бошқа нарсага сифиниш, суяниш, нажот беради, деб ишонишга айтилади. Ҳаж унга қодир бўлган кишиларнинг зиммасига фарз бўлган ибодатdir. Ҳадиси шарифларда ҳажни мукаммал адо этган киши онадан янги туғилгандек гуноҳлардан фориғ бўлади, дейилган. Гуноҳлардан фориғ кишининг дуолари ижобат бўлишга яқиндир. Шу сабаб, ҳаж зиёратидан қайтган кишидан дуо олишга ҳаракат қилинади. Аммо ҳожининг оёғи тагига пояндоз солиши каби амаллар бидъатdir.

**ТУРЛИ ИЖТИМОЙ  
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР**



 **302. Савол:** Камтарлик мўминга хос фазилат. У ўз соҳибини безайди. Гоҳо кўча-кўйда манманлик билан ғурурланиб юрадиган кишиларни кўриб қоламиз. Ана шундай юриш яхшими?

**Жавоб:** Аллоҳ таоло Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га тавозели, камтар ва мулоим бўлишни буюрди.

﴿ وَأَخْفِضْ جَنَاحَكَ لِمَنِ أَبْشَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴾ ٢١٥

«Ўзингизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паст тутинг!» (Шуаро, 215).

Такаббурлиқ, бирорни менсимасликни Аллоҳ таоло яхши кўрмайди:

﴿ وَلَا تُصِيرْ خَدَّكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمْسِّ فِي الْأَرْضِ مَرَحًا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخْنَثٍ ﴾ ١٨  
فَخُورِ

«Одамлардан (кибрланиб) юзингни буриштирганин ва ерда керилиб юрмагин! Чунки Аллоҳ барча кибрли, мақтанчоқ кимсаларни сўймас» (Луқмон, 18).

Иёз ибн Химор (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар: «Аллоҳ менга ваҳий қилиб (деди): «Камтарин бўлинглар. Токи бирор бирорга фаҳрланмасин. Бирон киши бирон кишига зулм қилмасин» (Имом Муслим ривояти).

Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Қалбидаги зарра оғирлигича кибр бўлган киши жаннатга кирмайди» (Имом Муслим ривояти).

Саҳобалар ва салафи солиҳларнинг ҳам мутакаббириллик, мақтанчоқлик ва ўзини баланд тутишдан қайтарганлари ривоят қилинган. Умар ибн Хаттоб (ро-

зияллоху анху) айтадилар: «Илмни ўрганинглар. Илм учун сокинлик ва ҳалимликни ўрганинглар. Сизлар таълим бераётганларга камтарин бўлинглар. Таълим олаётган кишиларга ҳам камтарин бўлинглар. Шафқатсиз олимлардан бўлманглар. Акс ҳолда илмингиз жоҳиллигингиздан устун бўла олмайди» («Жамиъу баянил илм ва фазлих» китобидан).

Мужоҳид (раҳимахуллоҳ) айтади: «Илмни уятчан одам ҳам, мутакаббир одам ҳам ўргана олмайди» («Ал-Мажмуъ» китобидан).

Масруқ айтадилар: «Кишининг Аллоҳдан қўрқиши илмли эканига кифоя қиласди. Кишининг илми билан мақтаниши эса жоҳил эканига кифоя қиласди». Мўмин киши энг аввало камтаринлик билан сифатланиши ҳамда ўзини баланд тутишдан ва Аллоҳ берган илм билан мақтанишдан сақланиши керак.



**303. Савол:** Поклик ва атроф-муҳитни озода сақлаш соғлиғимиз гарови экани шубҳасиз. Хурматли Муфтий ҳазратлари, динимизда атроф-муҳитни тоза тутиш ва асраш тўғрисида нима дейилган?

**Жавоб:** Динимиз яшаётган жойларимизни доим тоза, озода тутишга, ўзимизни ҳам покиза юришга буюради. Асрлар бўйлаб мусулмонлар ариқ, дарё ва денгиз сувларини покиза сақлашни ўзларининг бурчлари деб билганлар.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласди:

﴿ يَا أَيُّهَا النَّاسُ أَعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ ﴾ ٦١ ﴿ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ فِرَشًا وَالسَّمَاءَ بِنَاءً وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الشَّمْرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴾ ٦٢ ﴿

«Эй инсонлар, сизларни ва сизлардан олдингиларни тақволи бўлишингиз учун яратган Раббингизга ибодат қилингиз! У сизлар учун Ери “пойандоз”, осмонни “бино” қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, у сабабли сизларга ризқ сифатида мевалар (мевали дараҳтлар)ни ундириди. Бас, билиб туриб, Аллоҳга (ибодатда) бошқаларни (сохта маъбудаларни) тенглаштирмангиз!» (Бақара, 21–22).

﴿ وَالْأَرْضَ مَدَدْنَاهَا وَأَقْيَنَا فِيهَا رَوْسَى وَأَبْتَنَا فِيهَا مِن كُلِّ شَئِءٍ ۚ مَوْزُونٌ ۖ ۱۹ وَجَعَلْنَا لَكُمْ فِيهَا مَعِيشٌ وَمَن لَّسْتُمْ لَهُ بِرَزِيقَنَ ۚ ۲۰ وَإِنْ مِنْ شَئِءٍ إِلَّا عِنْدَنَا خَزَائِلُهُ وَمَا نُنْزِلُهُ إِلَّا يُقْدَرُ مَعْلُومٌ ۖ ۲۱ ﴾

«Ери эса, уни ёйдик ва унга тоғларни ўрнатдик ҳамда унда (ҳар ернинг ўзига) мос турли нарсаларни (ўсимлик ва меваларни) ундиридик. Яна унда (ерда) сизлар учун ҳам, сизлар ризқлантирувчиси саналмайдиганлар учун ҳам тирикчилик (rizқу насибалар)ни яратиб қўйдик. Ҳар бир нарсанинг хазиналари Бизнинг даргоҳимиздадир. Биз у нарсаларни маълум ўлчов билан (сизларга) туширурмиз» (Хижр, 19–21).

﴿ وَكُلُوا وَشَرِبُوا وَلَا سُرُوفًا إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِينَ ۖ ۳۱ ﴾

«Шунингдек, еб-ичингиз, (лекин) исроф қилмангиз! Зоро, У исроф қилувчиларни севмагай» (Аъроф, 31).

Бугунги замонавий тиббиёт инсонда пайдо бўладиган турли касалликлар кўпинча нотўғри ва пала- partiш овқатланиш натижасида юзага келишини исботламоқда. Яъни бу оятдаги “исроф”дан мақсад фақат овқатларни ташлаб юбориш эмас, балки қорин тўқ ҳолида устига яна овқат ейишдир. Шунингдек, ояти кариманинг Аллоҳ таоло ҳаром қилган, инсон жисми

ва рухиятига салбий таъсир кўрсатадиган нарсаларни истеъмол қилишдан қайтариш маъноси ҳам бор.

Ушбу маънода Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар:

“Ошқозон барча касалликларнинг манбаи ва парҳез ҳамма дардларнинг бошидир” (*Суютийнинг «Жомеъул кабир» асари*).

Бу билан у зот (алайҳиссалом) овқатланиш меъёри ва қоидаларига риоя қилиш ва соғлиққа зарарли нарсаларни ейиш, ичиш, чекишдан сақланиш каби муҳим тавсияларни берганлар.

Исроф ва уни олдини олиш борасида Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)дан жуда кўп ҳадислар ворид бўлган:

“Исроф ва кибрланмаган ҳолда енглар, ичинглар, кийинглар ва хайр-эҳсон қилинглар. Чунки Аллоҳ таоло берган неъматини ўз бандасида кўришни яхши кўради” (*Имом Насоий ва Ибн Можа ривояти*).

Юқорида келтирилган ва шу мавзудаги кўплаб оят ва ҳадислар мазмунидан маълум бўладики, биз мўмин-мусулмонлар Аллоҳ таоло берган неъматларни доимо асраб-авайламоғимиз керак. Чунки борлиқдаги бирор нарса чексиз эмас, балки илоҳий бир ўлчов билан яратилган. Агар биз атроф-муҳитга эътиборсиз бўлсак, бундан ўзимиз ҳам, авлодларимиз ҳам зарар кўриши муқаррарлигини тушунмоғимиз зарур.

Ҳар бир нарса келажак авлодлар ва инсониятга биздан мерос бўлиб қолади. Авлодларимизга гўзал табиатни, обод юртни мерос қолдирсак, ўтганимиздан сўнг биздан рози бўлиб, ҳақимизга хайрли дуо қилишлари шубҳасиз.



**304. Савол:** Солих туш қандай бўлади? Пайғамбаримиз Мухаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га тушган ваҳий солих туш билан бошланган, деган гапни эшигдим.

**Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Абу Сайд Худрий (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар бирортангиз яхши туш кўрса, у Аллоҳдандири, Аллоҳга ҳамд айтсин ва уни яхши кўрган кишиисига гапирсинг. Агар бундан бошқасини кўрса, у шайтондандир, унинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ тиласин, уни ҳеч кимга айтмасин. Шунда унга зарар бермайди”, дедилар.

Абу Қатода (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Солих туш Аллоҳ таолодан, ёмон туш шайтондан. Ким ёмон туш кўрса, чап томонига уч марта туфласин ва Аллоҳ таолодан шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ тиласин, шунда унга зарар бермайди”, дедилар».

Ойша (розияллоҳу анҳо): «Тушимда ҳужрамга тушган учта ойни кўрдим, буни отамга (Абу Бакрга) айтиб бердим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этиб, ҳужрамга дафн этилганларида, отам: “Бу қабр ўша ойларнинг бири ва энг яххиси”, дедилар». Кейинчалик ҳазрат Абу Бакр вафот этиб, дафн қилинганида, Ойша (розияллоҳу анҳо)га бу иккинчи ой, ҳазрат Умар ҳам вафот этиб, дафн қилинганида, бу учинчи ой, дейилди.

Муҳаммад ибн Сирин: “Туш уч хил: нафснинг сўзи, шайтоннинг қўрқитиши ва Раҳмоннинг хушхабари. Ким ёмон туш кўрса, уни бирортага айтмасин. Турсин ва намоз ўқисин”, деганлар.

Ато (розияллоҳу анҳу) айтадилар: “Туш таъвилига кўра таъсир этади, дейишган. Яна тушни фақат ҳаким-

га ёки яхши күрганига ёки раҳмдил кишига, яна фақат ақлли, яхши күрган кишисига айтсин, дейишган”.

Жобир (розияллоху анху) ривоят қиладилар: “Бир киши Расулуллоҳ (алайхиссалом)га: “Тушимда гүё бошым узилиб тушди, мен унинг ортидан бориб олдим”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Бошинг узилиб тушган вақтда буни қайси кўзинг билан кўрдинг?! Агар шайтон бирортангиз билан ўйнашса, уни ҳеч кимга айтмасин”, дедилар. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Тушнинг энг рости тонгда кўрилганидир”, деганлар. Яна: “Солиҳ туш пайғамбарликнинг қирқ олтидан бир бўлагидир”, деб айтганлар.

Абу Ҳурайра (розияллоху анху) ривоят қиладилар: «Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ким мени тушида кўрса, ҳақиқатдан мени кўрибди, чунки шайтон менинг қиёфамга киролмайди”, дедилар».



### **305. Савол: Қабрларни зиёрат қилиш одобларини тушунтириб берсангиз.**

**Жавоб:** Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим, энди бориб зиёрат қиласевинглар. Чунки улар сизларга охиратни эслатиб туради», деганлар. Қабр зиёратининг ўз одоблари бор. У ҳам бўлса, баланд овоз билан айюҳаннос солмай, аста бориб, дуо-фотиҳа қилиб қайтишdir.



### **306. Савол: Илтимос, балоғат ва фасоҳат илмлари ҳақида тушунча берсангиз.**

**Жавоб:** “Балоғат” сўзи луғатда “булуғ” ва “вусул”, яъни, етишиш, эришиш маъноларини англатади. Истилоҳда эса, сўзлашиш ва нутқ сўзлаш маданиятини ўргатувчи фанга айтилади. Унинг асосий мақсади тингловчилар савиясига мос гап гапира олиш маҳоратини ҳосил қилишдан иборат бўлиб, у маоний, баён, бадиъ каби илмларни ўз ичига олган.

Фасоҳат балоғат илми тадқиқ қиласидиган нұқталардан бири бўлиб, калима (сўз) ва қалом (гап)даги ғализликларни йўқотиш, кўзланган фикрни тўла очиб бериш, изҳор қилиш маҳоратини ўргатади.

Куръон, ҳадисларни яхши англаш ва араб тилининг жозибаси ва гўзаллигини тушуниб етиш учун балоғат ва фасоҳат илмларидан ҳам хабардор бўлиш зарур.



**307. Савол:** Кўшиқ эшитиш масаласига ойдинлик киритиб беришингизни сўрайман.

**Жавоб:** Уламолар қўшиқни уч қисмга ажратганлар:

1. Ҳаром – шаҳвоний ҳирсни уйғотадиган, кишининг ақлини кетказадиган.
2. Макруҳ – ибодатдан тўсадиган, бошқа яхши ишни қилишга халақит берадиган.
3. Мубоҳ – ота-она, диёнат, Ватан ҳақидаги, одамлар орасини яхшилайдиган, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қўшиқлар.



**308. Савол:** Қуръони каримни ёд олган ёки баъзи сураларни ёд олиб, кейин уни унуган кишининг ҳоли ҳақида айтиб берсангиз. Сизга олдиндан катта раҳмат.

**Жавоб:** Имом Бухорий Самура ибн Жундуб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қиласиди: «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намоз ўқиб бўлгач, бизга юзланиб: “Бу кеча сизлардан ким туш кўрди, деб савол берардилар. Ким кўрган тушини ҳикоя қилса, “Машаллоҳ”, деб қўярдилар. Бир куни: “Сизлардан бирор киши туш кўрдими?” деб сўрадилар. Биз: “Йўқ”, дедик. Шунда бундай гап бошладилар: “Мен ўтган кечада икки кишини тушимда кўрдим. Улар келиб қўлимдан тутиб мени муқаддас ерга олиб чиқишиди. Шунда улар билан

бирга чалқанча ётган бир кишининг ёнига бордик. Бу киши орқаси билан ерда ётган бўлса, яна бир киши (кафтни тўлдирадиган) бир тош билан унинг бошини уриб, пачоқлаб турибди. Уни уриши билан тош думалаб кетади. Тошни олиб келгунича, ётганнинг боши тузалиб, яна ўз ҳолига қайтади. Сўнг уни яна уради.

“Бу ким?” деб сўрадим. Улар: “Юринг, кетамиз”, дейишди. Охирида уларга айтдим: “Бу кечада мени айлантириб сайд қилдирдингиз. Энди кўрган нарсаларим ҳақида хабар беринг!” дедим. Улар: “Хўп”, дейишди. “...Сиз кўрган боши пачоқланаётган кишига Аллоҳ Қуръонни ёдлашни насиб этган. У эса, кечқурунлари Қуръонни четга суриб ухлаган. Кундузи унга амал қилмаган. Киёмат кунигача мана шундай азобланади”, дейишди ва улар ўзларини таниширишди: “Мен Жаброилман, бу эса Микоил бўлади...” дедилар» (*Имом Бухорий ривояти*).

Ибн Ҳажар ва Ибн Ҳубайра қўйидагиларни нақл қилишади: “Қуръонни ёдлаб, кейин уни четга ташлаб қўйиш катта жиноят. Чунки бундай кимса Қуръонни четга суриб қўйиш керак, деб хаёл қилган бўлади. Энг шарафли нарсани – Қуръонни ташлаб қўйгани учун, энг шарафли аъзоси бўлган бошига уриш билан азобланади”.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Умматимнинг гуноҳлари менга кўрсатилди. Бир кишига Қуръондан бир сура ёки бир оят ато қилинганидан кейин уни эсидан чиқаришидан катта гуноҳ кўрмадим” (*Имом Термизий ва Абу Довуд ривояти*).

Куртубий (раҳимахуллоҳ) айтади: “Қуръоннинг ҳаммасини ёки баъзисини ёдлаганидан кейин эсидан чиқариш катта гуноҳ. Қорининг мартабаси улуғ бўлади. Мана шу мартаба Қуръон кўтарилиши билан ундан кўтарилади ва натижада азобга гирифтор бўлади. Чунки Қуръонни доимий ўқиб туришни тарк этиш жаҳолатга етаклайди. Илмдан сўнг жаҳолатга қайтиш оғир гуноҳ”.

Аллоҳ таоло барчамизни Куръонга амал этадиган бандаларидан қилсин, омин!



**309. Савол:** Биз қариялар айтган ишимиз бўлмаса – ранжиймиз, кўнглимиизга қаралмаса – хафа бўламиз. Кексалик тўғрисида динимизда нималар дейилган? Ўзим бу ҳақда манбалардан тополмадим.

**Жавоб:** Аллоҳ таоло бандасини бошқа мавжудотлардан мукаррам қилган. Ҳар бир инсон бу фоний дунёда қанча умр кўрса ҳам азиздир. Айниқса, улуғ ёшга кирган инсонлар ҳар доим қадрланган, уларнинг дуолари ёшлар учун сув ва ҳаводек зарур. Кекса ёшли отахону онахонларнинг хурматини жойига қўйиш, уларнинг инжиқликларини кўтариш фарзандлар бурчиdir.

Ислом динида улуғ ёшга етган киши худди ёш ва навқирон пайтида қилган яхши амалларига қандай ажр олса, кексалигида ҳам шундай насибадан баҳраманд бўлади.

Ҳадиси шарифда: “Исломда соч-соқоли оқарган кишини азоблашдан Аллоҳ таоло ҳаё қиласи”, дейилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Олтмиш ёшга тўлган кишиларга Қиёмат куни: “Ахир, Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик”, деб нидо қилинар экан.

Қирқ ёшга кириб, Аллоҳнинг тоатига бўйин эгмаган кишининг яшаган умри заарига ҳужжат бўлади. Аллоҳ таоло огоҳлантиради:

﴿أَوَمَ نُعَمِّرُكُمْ مَا يَتَذَكَّرُ فِيهِ مَنْ تَذَكَّرَ وَجَاءَكُمُ النَّذِيرُ فَذُوقُوا فَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ نَصِيرٍ﴾

٣٧

«...Ахир, Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантирувчи (пайғамбар) ҳам келган эди-ку!

**Бас, энди (жазоларингизни) тотаверингиз! Золимлар (кофирлар) учун ёрдамчи бўлмас» (Фотир, 37).**

Ҳар бир кишига ўзидан катта ёшдаги инсонларни ҳурмат қилиш вожибдир. Шунинг учун улуғ ёшдаги нуроний отахонларимизга яхшилик қилиб дуоларини олайлик, уларнинг ёшига етиб юришимизни Яратгандан сўрайлик.



**310. Савол: Баъзан бозорларда, маҳаллаларда, кўп қаватли уйлар атрофида қўл-оёги бутун, соғлиги жойида, тоғни урса, талқон қиласиган кишиларнинг тиланчилик қилиб юрганларини кўрамиз. Шундай қилишлари тўғрими?**

**Жавоб:** Дарҳақиқат, тўрт мучаси соғлом бир кунлик егулиги бор кишининг тиланчилик қилишини динимиз қаттиқ қоралайди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрама, агар қамчинг ерга тушиб кетса ҳам”, дейиш билан инсонлардан беҳожат бўлишга чақирганлар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтадилар: “Инсонлар наздида энг яхши инсон инсонлардан беҳожат бўлганидир ва инсонлар ғазабини келтирадиган инсон уларга муҳтож бўлган инсондир. Аллоҳ наздида энг яхши инсон Унга муҳтож бўлган кишидир. Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган инсон бошқаларга муҳтож бўлиб, Яратгандан беҳожат кишидир”.

Инсонлардан беҳожат бўлиш учун тинмай меҳнат қилиш ва ҳалол ризқ қидириш керак.

Аллоҳ таоло марҳамат қиласи:

﴿ هُوَ اللَّهُ الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ ذُلُّاً فَامْشُوا فِي مَنَابِكُهَا وَلْكُوْا مِنْ رِزْقِهِ ۚ وَإِلَيْهِ الْمُشْوَرُ ﴾

«У (Аллоҳ) сизларга Ерни хоксор (бўйсунувчи) қилиб қўйган зотдир. Бас, у (Ер)нинг ҳар томонида

(саёҳат, тижорат ёки дехқончилик қилиб) **юраверингиз ва** (Аллоҳнинг берган) **ризқидан тановул қилингиз!** (Қиёмат куни) **тирилиб чиқиш Унинг ҳузуригадир»** (*Мулк*, 15).

Аллоҳ таоло ҳатто ҳайит, байрам кунлари ҳам меҳнат қилиш ва ризқ қидиришга буюрган:

﴿فَإِذَا فُضِّيَتِ الْصَّلَاةُ فَأَنْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ وَإِذْ كُرُوا اللَّهُ كَثِيرًا لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾  
10

«Бас, қачонки, намоз адо қилингач, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверингиз! Аллоҳни кўп ёд этингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз» (*Жума*, 10).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар бир кишини пешона тери билан кун кечиришга ундаганлар ва ўzlари ҳам меҳнат қилишни яхши кўрганлар.

Ривоят қилинишича, кунларнинг бирида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалар билан ўтирганларида улардан бир киши ҳақида гап кетади: “У кундузлари рўза тутади ва кечалари зикр қилади”, дейишади ва бундан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хурсанд бўлиб, унга ўхшашни буюрадилар, деб ўйлашади. Лекин Расулуллоҳ: “Сизлардан кимнинг озиқ-овқати ва кийим-кечаги етарли?” деб сўрадилар. Улар: “Барчамизники”, дейишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизлар ундан яхисизлар”, дедилар. Буни эшитган саҳобалар меҳнат қилишга ва “арава”ларини ўzlари тортишга аҳд қилишди.

Мўмин киши тадбиркор бўлиши керак. Жамиятдаги ишсиз кишиларни иш билан таъминлаш ҳам улуг савоб. Машойихлар айтганидек: “Хоҳлаб турган нарсангдан беҳожат бўл, унинг тенги бўласан. Хоҳлаган нарсангга муҳтож бўлсанг, унинг асири бўласан. Хоҳлаганингга яхшилик қил, амири бўласан”.

Бирөвга қарам, муте бўлишдан, одамлардан тама қилишдан сақланайлик.

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу)нинг ҳаётларида бўлиб ўтган воқеани эслаш фойдадан холи эмас. Али (розияллоҳу анҳу) айтадилар: “Кунларнинг бирида оч қолиб, Мадина кўчаларига чиқиб иш қидирдим. Тупроқ йиғиб, челақда сув ташиб, хурмоларни суғораётган аёлга дуч келдим. Унга ўн олти челяк сув ташиб бердим ва қўлларим қавариб кетди. Кафтимин ёзиб унга қавариқларни кўрсатдим. У менга ўн олтита хурмони санаб берди. Мен хурмоларни олиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келдим ва бўлиб ўтган ишни айтиб бердим. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) хурсанд бўлдилар ва мен билан хурмо едилар”.

Пайғамбарлар ҳам ризқларини меҳнат қилиб, пешона тери тўкиб топишган. Тарихдан маълум, Одам (алайҳиссалом) дехқончилик, Нух (алайҳиссалом) дурадгорлик, Довуд (алайҳиссалом) темирчилик ва Идрис (алайҳиссалом) хаттотлик билан шуғулланганлар.



**311. Савол:** Шайтон зурриётлари тўғрисида кўп эшиитганман. Лекин улар нима қиласди, инсонни қандай йўлдан оздиради, шу каби саволлар мени қийнайди. Илтимос, шу ҳақда айтиб берсангиз.

**Жавоб:** Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) айтадилар: “Шайтон зурриётлари тўққизтадир.

1. Залитун.
2. Васийн.
3. Лақус.
4. Аъвон.
5. Ҳаффоғ.
6. Мурра.

7. Мусаввит.
8. Досим.
9. Валҳон.

Залитун бозордаги инсонларни йўлдан уради. Ва-сийн мусибат чоғи васваса қиласди. Аъвон салтанат ишида сultonга васваса қиласди. Ҳаффоғ маст қилувчи ичимлик ичганида йўлига солади. Мурра сурнай чалганда шериклик қиласди. Лақус ўт-оловда шериклик қиласди. Мусаввит ёлғон хабарлар тарқатади. Инсонлар у тарқатган хабарни оғиздан-оғизга олиб юришади, аслида у хабарнинг асли бўлмайди. Досим эр-хотин ораларига низо солиб талоқ, жанжал, уруш каби ҳолларга ташвиқ қиласди. Валҳон таҳорат, намоз ва бошқа ибодатларда васваса қиласди”.

Шайтонга эргашибিш хорлик ва фақирликдан бошқа нарсага олиб бормайди. Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

﴿الشَّيْطَانُ يَعِدُكُمُ الْفَقْرَ وَيَأْمُرُكُم بِالْفَحْشَاءِ وَاللَّهُ يَعِدُكُم مَغْفِرَةً مِنْهُ وَفَضْلًا وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلَيْهِ﴾

«Шайтон сизларни (хайр-эҳсон қилишда) камбағал бўлиб қолишдан қўрқитади ва фахш ишларга ундайди. Аллоҳ (эса) сизларга йўзидан мағфират ва фазл (бойлик) ваъда қиласди. Аллоҳ (карами) кенг ва билгувчи Зотдир» (Бақара, 268).

Шайтон инсонни Аллоҳ йўлида эҳсон-садақалар қилишдан қайтаради, ёмонлик, фахш ва гуноҳ ишларга маблағ сарфлашга буюради. Аллоҳ таоло шайтоннинг ёмонлигидан барчамизни муҳофаза айласин, омин!



**312. Савол:** Ҳаётда шундай нарсалар борки, унинг қадрини ҳеч бир баҳо билан ўлчаб бўлмайди. Вақт ҳам шулар сирасига киради. Динимизда вақт қадри хусусида нималар дейилган? Шу саволга жавоб берсангиз. Шояд барчамиз вақтнинг қадрига етадиган бўлсак.

**Жавоб:** Барчамизга маълумки, йўқотилган ҳар қандай нарсани топиш мумкин, аммо вақтни орқага қайтаришнинг сира иложи йўқ. Шундай экан, ҳар бир оқил мусулмон вақтнинг қадрига етиши лозим.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар:

“Қиёмат кунида то тўрт нарсадан: умрини қандай ўтказгани, ёшлигида нима қилгани, молини қаердан топиб нимага сарф қилгани, илмига қай даражада амал қилганидан сўралмагунича банда бир қадам ҳам жойидан жилолмайди” (*Имом Термизий*).

Қуръони каримда мўминлар икки дунёда нажот топишлари учун лағв (яъни беҳуда сўз ва ишлар)дан батамом юз ўгиришлари лозимлиги буюрилган (*Мўминун*, 3).

Мўмин кишининг зиммасида адо этиши лозим бўлган бурчу вазифалар оз эмас. Аллоҳ таоло берган неъматлар шукрини адо этишга инсоннинг умри етмайди. Шундай экан, вақтни зое ўтказишга сабаб йўқ, азизлар. Беҳуда ўтказилган ҳар бир дақиқа охиратда инсоннинг зарарига ҳужжат бўлишини англомофимиз керак.

Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ) ҳикматларидан бирида бундай дейилади: «Ҳар куни тонг ёришганида Ҳақ хузуридан бир жарчи: “Эй Одам боласи! Мен янги кунман, сенинг барча амалингга гувоҳман. Мендан яхши амаллар қилиб фойдаланиб қол, чунки то қиёматгача қайтмайман”, деб жар солади».

Вақтнинг қадри баланд бўлгани учун ҳам тонгда эрта уйғонишга тарғиб қилинган. Мусулмон кишининг кундалик ҳаёти фажр (эрта тонг) вақтидан бошланади, бомдод намозидан сўнг то қуёш чиққунича бўлган вақтда барака бор. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Аллоҳ, умматимнинг тонгига барака бергін”, деб дуо қилганлар (*И мом Абу Довуд*).

Фотима онамиз (розияллоҳу анҳо) айтадилар: “Мен тонг отганида ўрнимда ётган эдим, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўтиб қолдилар ва оёқлари билан мени туртиб: “Хой, қизгинам, тур ўрнингдан, Раббинг берадиган ризқни қарши ол, ғофиллардан бўлма. Албатта, Аллоҳ таоло одамларнинг ризқини тонг отганидан қуёш чиққунигача бўлган вақт оралиғида тақсим қиласди”, дедилар (*И мом Байҳақий*). Дарҳақиқат, вақтига нисбатан жиддий қарайдиганлар билан унга бепарволар айни мана шу вақтда ажралиб қолади.

Мусулмон киши вақтининг қийматини яхши англайди. Чунки вақт унинг умри, вақтнинг ўтиши умрнинг ўтиши демакдир. Баъзи кишилар бекорчилик боис вақти тез ўтмаётганидан шикоят қилишади, вақт ўтказиш учун турли хил ўйинлар ўйлаб топишади. Аслида эса ўша вақт унинг умрини қисқартираётганини ўйлаб ҳам кўрмайди. Поездда кетаётган киши учун гўё фақат поезд юраётгандек, у эса бир жойда ўтиргандек туюлади. Аслида-чи, поезд ўзи билан уни ҳам олиб кетяпти-ку.

Аллоҳ таоло марҳамат қиласди:

﴿ يَوْمَ يَبْعَثُهُمُ اللَّهُ جَيِّعًا فَيُنَتَّهُم بِمَا عَمِلُوا أَحَصَنَهُ اللَّهُ وَنَسُوهُ وَاللَّهُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ ﴾

Яъни: «(Ўша) кунда Аллоҳ уларнинг барчаларини қайта тирилтириб, (дунёда) қилган амалларининг хабарини берур. У (амаллар)ни Аллоҳ ҳисоблаб қўйган. Улар эса унутиб юборгандар. Аллоҳ барча нарсага гувоҳдир» (*Мужодала, 6*).

Демак, ҳар биримиз вақтнинг қадрига етиб, ундан унумли фойдаланишимиз лозим. Зеро, умрнинг ҳар бир дақиқаси ғанимат ва ҳисоблидир. Аллоҳ таоло барчаларимизни тавфиқу ҳидоятда бардавом айласин.



**313. Савол: Билишимизча, норасмий сиёсий ташкилотлар, яъни, оқимлар ўзларининг фаолиятини кучайтириш ва сафларини кенгайтириш учун асосан ёшларга, аниқроғи, эркакларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилишган, лекин айни пайтда баъзи оқимлар аёлларни ҳам ўз сафларига сафарбар этишга ҳаракат қилишмоқда. Шундан келиб чиқиб, сўрамоқчи бўлганим: улар ўша аёлларга қандай таъсир ўтказишади ва нималар ваъда қилишади, яъни, “камикадзе” аёллар онгига қандай фикрлар сингдирилади?**

**Жавоб:** Тарихдан маълум, аёлларни ёв билан жанг қиладиган аскар сифатида урушга жалб қилиш эркаклар ғурури ва жанг қоидаларига тўғри келмаган. Аммо жангда асир олинган аёллар, болалар ва қариялардан жонли қалқон сифатида фойдаланишдек жирканч ишлар амалга оширилгани ҳақида кўп ўқиганмиз. Бузғунчи оқимлар, қўпорувчи кучлар ҳам кейинги йилларда айнан ана шу усулларни қўллашяпти, яъни ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш йўлида хотин-қизлардан қалқон сифатида номардларча фойдаланишга ҳаракат қилишяпти.

Масалан, 2002 йил 23–26 октябрь кунлари жангаришлар бошлиғи Мовсар Бараев етакчилик қилган 50 киши (шу жумладан, 18 аёл террорчи-камикадзе) Москва шаҳри, Дубровка кўчасида жойлашган театр марказида 800дан ортиқ тинч аҳоли вакили (30 га яқин бола)ни гаровга олишган. Бунинг оқибатида гаровдагилардан 129 киши (2 бола) ҳалок бўлди. 2003 йил 12 май куни икки террорчи-камикадзе аёл портловчи модда юклан-

ган «Камаз» юк автомашинаси Грознийдаги Федерал Хавфсизлик хизмати биносига йўналтирган. Портлаш натижасида 59 киши ҳалок бўлди. 2004 йилнинг март-апрель ойларида Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик хуружларида 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган 7 аёл иштирок этган. Жиноят иши бўйича айланувчи сифатида жалб қилинган аёллар кўрсатмаларида дастлабки диний таълимни хориждаги маҳсус лагерларда тайёргарликдан ўтган эрларидан олганларини айтишган.

Демак, аёллар ҳам кўп ҳолларда мутаассиб эрларининг таъсирида турли жиноятларга қўл уришмоқда. Шунингдек, конституциявий тузум ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларни содир этгани учун озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг оналари, аёллари ва опа-сингиллари ҳам бузгунчи оқимларнинг таъсир обьектига айланишяпти. Улар шу тоифа аёллар онгига орзуларидаги жаннатга бир лаҳзада эришиш ва Аллоҳнинг розилигини топиш мумкинлиги каби алдамчи ғояларни дин ниқобида сингдиришга уринишишмоқда. Натижада диний тасаввурга эга бўлмаган, давлатимиз сиёсатини англаб етмаган хотин-қизлар сохта ваъдалар домига тушиб, ёвуз кучлар қўлидаги қуролга айланишяпти.



**314. Савол:** Ислом динида партия тузиш, гуруҳларга бўлиниш қандай баҳоланади?

**Жавоб:** Киши Аллоҳ таолога ва Унинг расулига имон келтириши билан мусулмон бўлади. Бунинг учун у қандайдир “исломий” деб даъво қилинаётган, аслида эса дин ниқоби остида бузгунчиликка чақирувчи гуруҳ ёки партияга аъзо бўлиши, унинг йўлида қасам ичиши шарт эмас.

Хозир ана шундай гуруҳлардан бири бўлмиш «Ҳизбут таҳрир» аъзолари фирмаларини: «Сизлардан

яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳийи мункар ишларини олиб борадиган (бир) уммат бўлсин! Айнан улар, (охиратда) нажот топувчилардир» (Оли Имрон, 104) деган оятга биноан ташкил этдик, деб даъво қилишади. Оятнинг тафсирида эса уларнинг иддаоларига ҳеч қандай далил-исбот йўқ.

Бундан ташқари, улар юқоридаги оят талабига кўра, сиёсий ҳизб (партия)ларни ташкил этиш мусулмонлар зиммасидаги фарзи кифоядир, дейишади. Ушбу оятдан асло сиёсий ҳизблар тузиш керак деган фикр чиқмайди. Чунки Аллоҳ таоло фирмаларга бўлинмаслик ҳақида бундай қаттиқ огоҳлантиради:

﴿وَاعْصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا﴾

**«Ҳаммангиз Аллоҳнинг “арқони” (Қуръон)ни маҳкам тутинг ва фирмаларга бўлинманг!» (Оли Имрон, 103).**

Оят мазмунига кўра, Исломда гуруҳлар, ҳизблар тузиш шариатга зид ишдир.



**315. Савол:** 1. Биз билишимизча, тариқат ёхуд тасаввуфда шогирд фақат муршиди айтган сўзни эшитади ва амал қиласи. Назаримда, муршиднинг сўзи унинг учун қонун. Нима, муршидлар ҳеч ҳам адашмайдиларми?

**2. Компьютерда карта ўйнаш жоиз ишми?**

**Жавоб:** 1. Пир ёки муршид даражасига этиш учун улкан машаққат, риёзат талаб қилинади. Пирнинг гапи шариат доирасида бўлса, амал қилинади, тескари бўлса, инкор этилади.

2. Қарта ўйнаш қимор ўйинларидан ҳисобланиб, Исломда ҳаром қилинган. Агар компьютерда икки киши пул тикиб карта ўйнашса, гуноҳкор бўлишади.Faқат ақлни чархлаймиз, деб ўйналса ҳам, қиморга ўхшагани ёки уни тарғиб қилиш хусусияти бўлгани

учун вақт исрофи ҳисобланади. Ақлни чархлайдиган бошқа яхшироқ ишлар ҳам бор.



**316. Савол:** Хўроз фариштани кўрса қичқиради, дейишади. Шу гапнинг асоси борми? Ҳайвонларнинг бемаҳал овоз чиқариши бирор нарсага далолат қиласидими?

**Жавоб:** Саҳиҳайнда келишича, Пайғамбар (алайҳиссалом): “Агар хўрознинг қичқириғини эшитсангиз, Аллоҳ таолодан фазли ва марҳаматини сўранг. Чунки у (хўроз) фариштани қўргандир. Агар эшакнинг ҳанграшини эшитсангиз, Аллоҳ таолодан шайтондан асршини сўранг. Чунки у (эшак) шайтонни қўргандир”, деганлар.

Насоий ва Ҳоким ривоят қиласи: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кечаси итларнинг ҳуришини ва эшакларнинг ҳанграшини эшитсангиз, Аллоҳ таолодан шайтондан асршини сўранг. Чунки улар сиз кўрмаган нарсани кўради. Кечаси ҳамма ухлаб ётган пайтда камроқ кўчага чиқинглар. Аллоҳ таоло тунда маҳлуқотларидан хоҳлаганича юборади”, деганлар».




**317. Савол:** Гоҳида инсоннинг хаёлига ҳар хил хатарли ўйлар келади. Инсон шунинг учун ҳисоб-китоб қилинадими? Ундан қандай қутулиш мумкин?

**Жавоб:** Аввало шуни билиш керак: пок қалбли инсонлар хаёлига фақат яхши ўйлар келади. Хаёлига бузук ўйлар келадиган киши ўз қалбини поклаш тадоригини кўриши лозим. Хаёлга бир келиб йўқоладиган ўйлар учун кишига на гуноҳ, на савоб бўлади. Хаёлга келган ўй қасдга айланса, яъни уни амалга ошириш пайига тушилса, яхши бўлса, савоб, ёмон бўлса, гуноҳ ёзилади.

Одам хаёлига келган ўйлардан қутулиши учун Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бу тав-

сияларига амал қилиши лозим. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар: «Сизлардан бирингизга шайтон келиб: “Мана буни, мана буни ким яратди?” дейди. Ҳатто: “Раббингни ким яратди?” дейди. Агар сизлардан бирингизда мана шундай ҳолат юз берса, бас, у Аллоҳдан паноҳ сўрасин ва тўхтасин» (*Ином Муслим ривояти*).

Демак, бузук ўй, хаёл, васвасадан фориф бўлиш учун Аллоҳ таолодан паноҳ тилаш лозим. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласди:



«Агар сизни шайтоннинг шарри тутса, Аллоҳдан паноҳ тиланг! Албатта, У эшитувчи ва билувчидир» (*Аҳроф*, 200).



### 318. Савол: Бобийя (баҳоийя) фирмаси қандай фирмаси?

**Жавоб:** Бобийя фирмаси милодий XIX асрда Эрон худудида вужудга келган. Бу фирмаси номи ушбу фирманинг асосчиси Али Мұхаммад Шерозий ўзига лақаб қилиб олган “боб” (эшик) сўзидан келиб чиқкан.

Баҳоийя номи эса “Баҳоуллоҳ” сўзидан ясалган. “Баҳоуллоҳ” номи Боб ўлганидан кейин унинг ўрнига ўринбосар бўлиб қолган Ҳусайн Нурий лақабидир. У милодий 1892 йили Акка шаҳрида вафот этгач, ўғли Аббос Афанди даъват ишларини олиб борган.

Ҳусайн Нурий бир неча китоб ёзган. Китобларининг энг машҳури “Ал-қитаб ал-ақдас”dir.

Баҳоуллоҳ илоҳликни даъво қилган. Баҳоийлар қиёматни, пайғамбарларнинг мўъжизаларини инкор этади, жаннатни руҳий ҳаёт ва дўзахни руҳий ўлим деб даъво қиласди. Мұхаммад (алайҳиссалом) билан

пайғамбарлик тугамаган, дейди. Қиблани Баҳоуллоҳ томонда деб ва ҳажни Байтүллоҳда қилиш ботил, деб даъво қиласи.

Азҳардаги фатво ҳайъати Баҳоийя фирмасига аъзо бўлган киши Исломдан чиқади, аёл бўлса, унга уйланиш мумкин эмас, деб фатво чиқарган. “Маҳаллатул кубро” маҳкамасининг 1946 йил 30 июнда чиқарган фатвосига кўра, баҳоийя бўлган киши муртад, аёли талоқ бўлиши ҳукм қилинган.



**319. Савол:** Ота ёки она болаларидан бирини ҳадя ёки шунга ўхшаш нарса беришда бошқаларидан устун қўйиши мумкинми?

**Жавоб:** Фарзандлар ўзаро меҳрли, муҳаббатли, садоқатли бўлишлари учун тарбия чоғида улар ўртасида адолат ва тенгликка имкон қадар риоя этиш талаб қилинади. Нўймон ибн Башир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Нўймонга отаси бир ғулом ҳадя қилди. Онаси: “Сен ўғлимга берган нарсангга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни гувоҳ қилмагунингча бу ишингга рози бўлмайман”, деди. Ота ўғлининг қўлидан етаклаб, Расулуллоҳ (алайҳиссалом)нинг ҳузурларига борди. У пайтларда ўғли ҳали кичкина болакай эди. Бориб: “Ё Расулуллоҳ, бу боланинг онаси бинти Равоҳа бу ўғлига ҳадя беришим учун сизни гувоҳ қилишимни талаб қиляпти”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Эй Башир, сенинг бундан бошқа боланг борми?” дедилар. У: “Ха”, деди. У зот: “Уларнинг ҳаммасига шундай ҳадя берасанми?” дедилар. У: “Йўқ”, деди. У зот: “Бу дуруст эмас, бу ишингга мендан бошқани гувоҳ қил, мен зулмга, гуноҳга гувоҳ бўлмайман. Аллоҳдан қўрқинглар, фарзандларингиз ўртасида адолат қилинглар, улар сенга бир хилда яхшилик қилишлари сени хурсанд этмайдими?” дедилар. У: “Ха”, деди. У зот: “Мен гувоҳлик бермайман”, дедилар».

Имом Нававий (рахимаҳуллоҳ) айтади: “Болалари-дан бирини бошқасидан устун кўриш фақат Шофиъий, Молик ва Абу Ҳанифа наздида макруҳ дейишади”.

Товус, Урва, Мужоҳид, Саврий, Аҳмад, Исҳоқ ва Довуд бу ишни ҳаром дейишган. Улар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг “Мен зулмга, гуноҳга гувоҳ бўлмайман”, деган сўзларини далил қилишган. Шофиъий ва у киши билан ҳамфикр бўлганлар эса: “Бу ишинингга мендан бошқани гувоҳ қил”, деганларини далил қилишган. Улар айтишича, агар бу иш ҳаром ёки ботил бўлганида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай демаган бўлардилар.

Фарзандларидан бири касал бўлса ёки қарздор бўлиб, қарзини ёлғиз ўзи тўлай олмаса, бошқаларига бермай, унга ҳадя ёки ёрдам бериш жоиз бўлади.



### **320. Савол: Қодиёния фирмəси ҳақида маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** 1836 йили Қодиён шахрида туғилган Гулом Аҳмад Қодиёний Ислом душманлари раҳнамолигида асос солган фирмə Қодиёния (Аҳмадия) дейилади. Гулом Аҳмад дастлаб гёй мужаддид эканини даъво қилиб, ўзини миссионерларга қарши курашчи этиб кўрсатган, сўнг пайғамбарлик даъвосида бўлган. Қуръони карим оятларининг маъноларини ва лафзларини ўзгартириб, Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сифатлари ва исмлари ҳақидаги оятлар ўзи ҳақида эканини эълон қиласди. Қодиёния фирмəси асосан Покистонда фаолият кўрсатади.

1974 йил апрель ойида Маккаи мукаррама шахрида бўлиб ўтган Ислом олами анжумани Қодиёния фирмəсини Ислом динидан чиққан фирмə деб эълон қиласди.

Азҳари шариф шайхи Шайх Жодул Ҳақ Қодиёния фирмəсидан саналмиш Аҳмадия гурӯҳини диндан қайтган гурӯҳ деб фатво берган.



**321. Савол:** Тобут ортидан юриш афзалми ёки олдидами? Шунга боғлиқ масалаларни баён қилсангиз.

**Жавоб:** Тобут ортида юриш афзалдир. Тобутнинг ўнг ёки чап томонида юрилмайди (“Фатҳул-қадир”).

Вафот этган киши қўшни, қариндош ёки яхшилиги билан танилган инсон бўлса, унинг тобути ортидан бориши нафл ибодатдан афзалдир (“Баҳрур-роиқ”).

Бирор уловда тобутнинг ортидан бораётган киши ундан ўтиб кетиши макруҳдир (“Фатовойи Қозихон”).

Тобут ортидан бораётганлар жим, сўзлашмай боришлиари лозим. Овозларини чиқариб Қуръон ўқишлари ва зикр қилишлари макруҳ.

Зикр қилишни хоҳлаган киши ичida зикр қилиши мумкин (“Шарҳи Таҳовий”; “Фатовойи Қозихон”).



**322. Савол:** Динимизда тирноқларни ўстириб юриш ва уларни ҳар хил рангларга бўяш мумкинми?

**Жавоб:** Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қиладилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Беш нарса фитратдандир – хатна қилдириш, киндик ости тукларини олиш, тирноқларни олиш, қўлтиқ (юнгларини) олиш ва мўйловни қисқартириш”, деганлар. Қўл бармоқлари овқат тайёрлаш ва ейишда энг кўп ишлатилади. Тирноқ орасида тўпланувчи кирлар ҳар хил касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Тирноқларни фақат хина билан бўяса бўлади. Кимёвий бўёқлар тирноққа сув ўтказмагани сабабли ғусл ҳам, таҳорат ҳам дуруст бўлмайди.



### 323. Савол: Мушкулкушод ўқиши Исломда борми?

**Жаубоб:** Мушкулкушод маросимини ўтказиш, унда «Биби Мушкулкушод» номли қисса ўқиши шариатимизда йўқ, мумкин эмас. Банданинг бошига тушган мусибатни аритувчи, оғирини енгил қилувчи, мушкул ишларини кушода (ҳал) этувчи зот Аллоҳ таолодир. Бинобарин, Аллоҳ таолодан бошқасидан мадад сўраш Ислом дини ақидасига бутунлай зиддир. Халқимиз, айниқса, айрим тушунчасиз аёллар ўртасида кенг тарқалган ва тарқалишда давом этаётган бундай маросимларни ўтказиш, Биби Мушкулкушоддан мадад сўраш каби хурофотларнинг илдизи Исломдан илгари ботил эътиқодларга бориб тақалади. Яъни, баъзилар ушбу заминда яшаган эски халқларнинг диний эътиқоди сарқитларидан бўлган бу хурофий одатга исломий тус бериб, динимизга олиб киришга уринишган. Мантиқан ўйлаб қарасак, қайсиdir марҳумнинг руҳи ўзи дуога, савобга ва Аллоҳ таолонинг марҳаматига муҳтоj бўлгани ҳолда қандай қилиб тирикларнинг муаммоларини ҳал қила олади? Бундан ташқари, ҳар куни намозларида ўттиз икки марта «Сенгагина ибодат қиламиз, Сендангина мадад сўраймиз» (Фотиҳа, 5) дея Аллоҳ таолога сўз бериб, яна қай юз билан бандасидан мадад сўрайдилар?!

Шунинг учун, бошига иш тушган одам ҳар хил ўринсиз ишларга ўзини урмай, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайхи ва саллам)дан ривоят қилинган дуоларни ўқиб, салавотлар айтиб, Аллоҳ таолонинг ўзидан мушкулини осон қилишини сўраши керак.



**324. Савол: Эркаклар узук, умуман, тақинчоқ тақишилари мумкинми?**

**Жавоб:** Ҳанафийлик мазҳабига қўра, нимадан ясалган бўлса ҳам, эҳтиёж бўлмаса, тақилмагани афзал.

Тилладан ясалган узуклар эркакларга ҳаром қилинган (“Ҳидоя”). Бу хусусда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ипак ва олтин умматимнинг эркакларига ҳаром, аёлларига ҳалол қилинган”, деганлар (*Ином Термизий ривояти*).

Кумуш узукни эркаклар ҳам, аёллар ҳам тақиши мумкин. Фақат эркаклар тақадиган узук аёлларникига ўхшаш бўлмаслиги керак.

Темир, мис, қўрғошин ва бронзадан тайёрланган узук тақиш эркакларга ҳам, аёлларга ҳам макруҳдир (“Иҳтиёр”).

Узукнинг юзига Аллоҳ, пайғамбар ёки ўз исми ёзилган бўлса, ҳожатхонага кирганида уни ташда қолдириш лозим бўлади. Агар бундай узукни чап қўлига тақсан бўлса, мустаҳаб қилиш олдидан ечиб қўйиши керак.

Бундан бошқа тақинчоқлар аёлларга хос бўлгани боис, уларни тақиши аёлларга тақлид қилиш, уларга ўзини ўхшатиш ҳисобланади. Ўзини аёлларга ўхшатган эркакларни ва ўзини эркакларга ўхшатган аёлларни Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) лаънатлаганлар.



**325. Савол: Шом пайти боламни кўтариб, қўшни аёллар билан кўчада гаплашиб турган эдик, маҳалламиздан бир отахон бизни: “Жину шайтонлар тўзийдиган маҳал ёш бола билан кўчада нима бор сизларга?” деб койиб бердилар. Отахоннинг гаплари қанчалик тўғрилигини билмоқчи эдим.**

**Жавоб:** Отахон жуда ҳақ гапни айтибдилар. Жонкуяр инсонлар тобора камайиб кетаётган, “менга нима”

деган бепарволик кайфияти кўпчиликни чулғаб олган ҳозирги кунимиизда ана шундай отахонларнинг борлиги қувонарли ҳол. Уларнинг маҳалла маънавий ҳаётидаги ўрни бекиёс.

Аввало, динимиз аёлларни кўчада мақсадсиз гап сотиб ўтириш у ёқда турсин, заруратсиз кўчага чиқишидан ҳам қайтарганини айтиб ўтиш керак. Ундан кейин, шом маҳали жин ва шайтонлар изғиб юриши ҳам ҳадиси шарифларда баён қилинганд. Болаларнинг инжиқ бўлиб қолиши, уйқусида босинқирашига ҳам ана шу пайт кўчада юриши сабаб бўлади. Шу боис, бу каби бехуда одатларга барҳам бериб, ўлчовли вақтимиздан унумли фойдаланиш пайида бўлишимиз керак.



### **326. Савол: Эсналганида нима учун қўл билан оғиз беркитилади? Бунинг бир асоси борми?**

**Жавоб:** Албатта бор. Бу ҳақда ҳатто Имом Бухорийнинг “Ал-адаб вал-муфрад” китобларида маҳсус “Эснаганда қўл билан оғизни тўсиш ҳақида” номли боб бор. Шу бобда келган ҳадислардан бирини зикр қилиб ўтамиш: Абу Сайд Худрий (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Агар бирортангиз эснасангиз, қўлингизни оғзингизга қўйинг, чунки шайтон киради”. Эснаш келганида намоздан бошқа ҳолларда чап қўл орқаси билан оғиз тўсилади. Шунингдек, ҳадисларда эснаб туриб: “ҳооҳ” дейиш шайтоннинг яирашига сабаб бўлиши ҳам баён этилган.



### **327. Савол: Зуҳд, ҳақиқий зоҳидлик нима дегани?**

**Жавоб:** “Зуҳд” бирор нарсадан юз ўтириш маъносини англатади. Абу Идрис Ҳавлоний зуҳд

ҳақида бундай деганлар: “Ҳақиқий зоҳид ҳалол нарсани ўзига ҳаром қилмайди, дунёдан воз кечмайди. Балки ўз қўлидагидан кўра, Аллоҳ таолонинг ҳузуридагига ишонади, етган бирор мусибат эвазига ажру савоб умид қилиб, янада хотиржам бўлади”.

Абу Сулаймон Доримий: “Бирор кишининг зоҳирини кўриб, зоҳид экан, демагин. Чунки зуҳд қалбда бўлади”, деганлар. Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ): “Зуҳд, киши бирор одамни кўрганида уни ўзидан афзал билишидир”, деганлар. Имом Аҳмад (раҳматуллоҳи алайҳ): “Дунё борасида зоҳидлик орзуларнинг қисқалиги ва одамлар қўлидаги нарсалардан тама қилмаслик”, деганлар.

Демак, ҳақиқий зуҳд ҳамма нарсадан юз ўтириб яшаш эмас, балки мол-дунёга муҳаббат қўймаслик, қўлдан кетганига қайғурмай, етган азиятга сабр билан Аллоҳ таолодан савоб умид этиш, эришган ютуқлари учун Аллоҳ таолога ҳамд айтиб, яна савоб умид қилишдир.



### **328. Савол: Кўриниши ва овозидан ҳузурланиш учун қушларни қафасда сақлаш жоизми?**

**Жавоб:** Баъзи қушларнинг кўриниши чиройли, овози ёқимли бўлади. Гўзалликни барча яхши кўради. Гўзаллик Аллоҳ таолонинг неъматлариданdir. Аллоҳ таоло марҳамат қиласди:

﴿ قُلْ مَنْ حَرَمَ زِينَةَ اللَّهِ الَّتِيْ أَخْرَجَ لِعِبَادَةِ وَالْأَطْبَابِ مِنَ الْرِّزْقِ ﴾

«Айтинг: “Аллоҳнинг бандалари учун чиқарган зийнатини ва пок ризқларни ким ҳаромга чиқарди?..”» (Аҳроф, 32).

﴿ وَلَحِيلَ وَالْبِغَالَ وَالْحَمِيرَ لِتَرْكَبُوهَا وَزِينَةً ﴾

«У яна минишингиз учун ва зийнат сифатида отлар, хачирлар ва эшакларни (яратди)» (Наҳл, 8).

Аллоҳ таоло ҳайвонот, ўсимликлар ва бошқа зийнатларни бандалари учун яратган. Улардан завқланиш, фойдаланиш мубоҳдир. Зийнат ҳисобланган балиқ ва қушларни динимиз амларидан чиқмаслик шарти билан боқиши мумкин. Бу шартлар асосан қуйидагилардир:

1. Уларни боқиши билан фахр ва кибрға берилиб кетмаслик керак.

2. Уларни парвариш қилиш ва уларга эътибор бериш зиммасидаги ибодатлардан чалғитиб қўймаслиги керак.

3. Улар ўз вақтида озиқлантирилиши лозим. Зеро, мушук боқиб, унга овқат ва сув бермай қийнаган аёлни Аллоҳ таоло азоблагани ҳақидаги ҳадис машхур.

Икки “Саҳиҳ”да ворид бўлган ҳадисда Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсонларнинг энг гўзал хулқлиси эдилар. Менинг эмиқдош укам бўлиб, уни Умайр – “Умарча” деб чақиришар эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизнинг уйга келсалар: “Эй Абу Умайр, нуғайрни (тумшуғи қизил, чумчуқсимон қуш) нима қилдик”, дер эдилар.

Аллома Абул Аббос Қуртубий айтадилар: «Уламоларнинг “қушларни қафасда ушлаб туриш” жоиз деган фатволаридан уларга азоб бериш мумкин, деган холоса чиқмайди, чунки Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳайвонларга азоб беришдан қайтаргандар». Абу Дардо (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинишича: «Қиёмат куни қушлар, ўзларини қафасда сақлаб, оч қолдириб, қийнаган кишининг бўйнига осилишади ва: “Эй Раббим, мана бу мени дунёда азоблаган”, дейди».



**329. Савол:** Бу йил ит йили, қурбонлик қилманг. Ҳаром ҳайвон йилида қурбонлик қилинмайди, деган гапни эшитдим. Шу гапнинг асоси борми, илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Ислом динининг вожиб амалларидан бўлган қурбонликни мучал ҳисоби бўйича ҳаром ҳайвон ит йилида қилиб бўлмайди, дейиш катта хатодир.

Асрлар оша ўзининг соғлиги ва барқарорлиги туфайли эъзоз топиб келаётган муқаддас Ислом динимизни ва унинг аҳкомларини бузиш ёки омманинг ундан юз ўгиришига сабабчи бўлишнинг оқибати жуда хатарли ва улкан гуноҳ эканини яхши англаб олишимиз керак.

Ҳадиси шарифда: “Ким менинг номимдан қасдан ёлғон айтса, жойини жаҳаннамдан тайёрлайверсин”, дейилган (*Имом Муслим ривояти*).

Демак, бу каби уйдирма ва бўхтонларга эътибор бермаслигимиз лозим.



**330. Савол:** Баъзилар аёл киши қабристонга бориб, Қуръон тиловат қилса, қабул бўлмайди, дейишади. Шу тўғрими?

**Жавоб:** Аёл киши қабристонга бориб, Қуръон тиловат қилса, қабул бўлмайди, дейиш хатодир. Аммо ўтганларнинг руҳларига Қуръон тиловат қилиш учун фақат қабристонга бориш керак, дейиш нотўғри. Уйда, ҳар бир намоздан кейин тиловат қилиб, савоби марҳумга бағишиланса, етиб туради. Аёллар ўзлари билган сура ва оятларни уйларида ўқиб, савобини марҳумларга бағишиланлари яхши.



**331. Савол:** Ассалому алайкум Муфтий ҳазратлари! “Даракчи” газетасида берилган “Ёқимсиз, нохуш, аммо... ёхуд уринотерапия ҳақида” номли мақолада пешобнинг кўп касалликларга даво экани ҳақида ёзишибди. Ахир ҳадисда сийдикдан сақланишга буюрилганмиз-ку. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Аллоҳ таоло Ўзи ҳаром қилган нарсаларни бандаларига шифо қилмаган. Пайғамбаримиз Мұҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сийдикдан сақланинглар, чунки у қабр азобига сабабчи бўлади”, деганлар.

Ўзини кўрсатиш билан фахрланадиган, табибликни даъво қиласидиган айримларнинг уринотерапия орқали даволайман, деб жар солиши яхши эмас. Ҳолбуки, инсон табиатига мутлақо зид, ҳаром нарсада қандай даво ёки шифо бўлиши мумкин?

Шамсиддин ибн Жавзиянинг “Тиббун набавий” номли асари Ислом оламида жуда машҳур. Шу асарнинг бирон жойида пешоб билан даволаш ҳақида гап йўқ. Ёки Ибн Сино бобомизнинг “Тиб қонунлари” номли асари ҳам бундай “шифо”лардан буткул йироқ. Шунча покиза неъматлар, қанчадан-қанча соф доривор гиёҳлар турганида пешоб билан даволаш деган сўзнинг ўзи уят. Аллоҳ таоло барчаларимизни тўғри йўлдан адаштирмасин.



**332. Савол:** Ҳар ёз айни пишиқчилик пайти оилавий қишига ҳозирлик кўриб, турли мевалардан ва полиз экинларидан тузламалар ёпамиз. Помидор ва бодрингларни тузлама қилишда уксус сиркасидан фойдала-

**намиз. Уксус кислотасини ишлатиш ёки истеъмол қилиш мумкинми?**

**Жавоб:** Аллоҳ таолонинг биз бандаларига берган неъматларига ҳар доим шукр этиб яшаш баҳтдир.

Куръони каримда:

﴿ وَإِنْتُمْ مِنْ كُلِّ مَا سَأَلْتُمُوهُ وَإِنْ تَعْدُوا نِعْمَتَ اللَّهِ لَا تُحْصِبُوهَا ﴾  
إِنَّ الْإِنْسَنَ لَظَلُومٌ كَفَّارٌ ﴾ ٣٤ ﴾

«Шунингдек, сизларга барча сўраган нарсаларингиздан ато этди. Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз. Ҳақиқатан, инсон (ўзига) ўта золим ва (Раббига) жуда ношукурдир» (Иброҳим, 34) деб марҳамат қилингандар.

Уксус сиркасининг ўзини истеъмол қилиб бўлмайди. У жуда ўткир таъмли модда, унга сув ёки бошқа нарса аралашибтириб, фойдаланса бўлади. Зоро, уксус сиркаси кимёвий йўллар билан ҳосил қилинадиган нарсадир.



**333. Савол:** Расмга тушиш, бирорларни расмга туширишни касб қилиб олиш ҳақида нима дейсиз?

**Жавоб:** Ҳозирги пайтда оммавий ахборот во-ситаларини суратсиз тасаввур қилиш қийин. Шу сабаб суратга тушиш ёки шу ишни касб қилиб олишнинг зарари йўқ. Аммо кишиларни шаҳвоний ҳирсларга етаклайдиган, фитнага, ёлғонга, бўхтонга олиб борувчи расмларни нашр этиш ёки суратга олиб, тарқатиш мумкин эмас.

Ҳозирги пайтда киши шахсини аниқлаш, ишга кириш ёки ҳаж ибодатини адо этиш учун ҳам суратга тушиш лозим бўлади. Шундай экан, мўмин-мусулмонларнинг оғирини енгил қиласман деб суратга туширишни касб қилиб олганларнинг бу ишини қоралаб бўлмайди.



**334. Савол:** Тушларни таъбир қилса бўладими? Ҳар ким ўзи кўрган тушни таъбир қилиши керакми ёки бирор таъбирчидан сўраши керакми? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Аллоҳнинг расули марҳамат қиласидар: «Туш кўриш уч хилдир. Биринчиси, уйкуда Аллоҳ билдирган туш. Иккинчиси, малак воситаси билан кўрилган туш. Учинчиси, шайтон томонидан талқин этилган туш».

Тушда кўрилган шакл ва суратларнинг бир-бирига ўхшаши ва таъбирга муҳтожи фариштадандир. Алғовдалғов ва қоришиқ тушлар шайтондандандир. Чунки шайтон ёмонлик ва ботилнинг асосидир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Пайғамбарлик мен билан тугади, энди пайғамбарликдан фақат мужда (хушхабар, суюнчи)лар қолди”, дедилар. У зотдан: «Эй Аллоҳнинг элчиси, мужда нима дегани» деб сўраганларида, “Мужда тўғри тушлардир”, деганлар.

Туш кўрган киши тушини таъбирчига айтганда, тушига умуман ёлғон аралаштирмаслиги керак. Зоро, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилинган ҳадисда: «Бир киши кўрган тушига ёлғон аралаштирса, қиёмат кунида бир арпанинг икки учини бир-бирига улаб, унга тугун тувиш амр қилинар экан.

Абу Лайс (рахимаҳуллоҳ) айтади: “Динда билимдон (фақих) бўлгандан сўнг, туш илмини ўрганса, зарари йўқ. Бу яхши илм. Агар бу илм фиқҳ илмидан машғул қилиб қўйса, уни тарк этиб, фиқҳ илмини ўрганиш афзалдир. Чунки фиқҳ билан Аллоҳ таолонинг ҳукмлари билинади”.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таборака ва таоло Юсуф (алайхиссалом)га туш таъбири илмини инъом қилди. Аллоҳ таоло бундай мурожаат қиласиди:

﴿ وَكَذَلِكَ مَكَنَّا لِيُوسُفَ فِي الْأَرْضِ وَلَنْعَلَّمَهُ، مِنْ تَأْوِيلِ الْأَحَادِيثِ  
وَاللَّهُ عَلَيْهِ عَلَىٰ أَمْرِهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴾ ٦١

«Шундай қилиб, Юсуфни ерга (Мисрга) жойлаштирдик ва гаплар (тушлар ёки илохий китоблар) таъвили (изоҳи)ни билдиришимиз учун (шундай қилдик). Аллоҳ (Ўз) ишида ғолибдир, лекин одамларнинг аксарияти (буни) билмайдилар» (Юсуф, 21).

Имом Абу Юсуфдан туш масаласида сўрашганида: «Уйғоқликдаги ишдан фориғ бўлиб, уйқу иши билан машғул бўлишдир», деганлар. Мұхаммад ибн Сиринга кўпинча туш айтилганида: «Уйғонганингда Аллоҳдан қўрқ, шунда сенга уйқунгда қўринган нарса зарар бўлмайди», дер эди.

Абу Қатода ривоят қиласи: Набий (соллаллоҳу алайхি ва саллам): “Сизларнинг туш таъбирида ростгўйлигинги сўзда ростгўйлигингиздир”, дедилар.

Ушбу ҳадисларда тушга таъбир айтишнинг зарари йўқлигига далил бор.



### 335. Савол: Аёлларнинг соч бўяши жоиз ишми? Эркаклар-чи?

**Жавоб:** Пайғамбаримиз Мұхаммад (алайхиссалом) хина билан соч-соқолларини бўяб юрганлари ҳақида хабарлар бор. Агар ҳалол йўлдаги зийнат ёки даво учун бўлса, аёлга ҳам, эркакка ҳам сочни фақат хино билан бўяш мумкин. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам): “Кимнинг сочи ёки соқоли бўлса, уни парваришлаб юрсин”, деганлар. Бирорни масхаралаш ёки бошқалар эътиборини ўзига қаратиш ниятида бўлса, мумкин эмас.



**336. Савол:** Эл орасида кўп ишлатиладиган пўстдумбанинг ҳукми қандай? Баъзилар уни истеъмол қилиб бўлмайди дейишса, бирорлар ейиш мумкин дейди. Уни истеъмол қиласа бўладими?

**Жавоб:** Пўстдумба териси юмшоқ, ҳазм учун енгил бўлгани сабабли истеъмол қилинади. Калла ва туёқ гўштлари ҳам шундай, яъни териси билан истеъмол қилинаверади. Аммо уни ейишга яроқли қилиш учун жунини қуидириб, яхшилаб тозалаб, пишириш зарур.



**337. Савол:** Сизга бу саволни беришим балки ўринсиздир. Бошқа дин ёки бошқа мазҳабдаги билан турмуш қуриш гуноҳми?

**Жавобингиз учун раҳмат.**

**Жавоб:** Адашмаган, Қуръон ва суннатни маҳкам ушлаган тўртта мазҳаб мавжуд. Улар аҳли сунна вал жамоадир. Улар ўртасидаги никоҳ дурустдир.

Мусулмон аёл ғайридин билан турмуш қуриши мумкин эмас. Аммо мусулмон эр аҳли китоб бўлган аёлларга уйланиши мумкин. Улардан туғилган фарзандлар мусулмон ҳисобланади (Бу ҳақда Моида сурасининг 5-оятида баён қилинган).



**338. Савол:** Ҳалол идишда тухум қайнатилса, идишнинг ҳукми қандай бўлади?

**Жавоб:** Тухумни қайнатишдан аввал уч бор қум билан ишқалаб ювиб, кейин қайнатилса, идиш нопок бўлмайди. Агар тухумни чаймасдан қайнатилса, одатда унинг пўстига нажас ёпишган бўлиши боис қайнатилган сув нопок бўлади. Шу боис идишни ҳам уч бор ювиб, қатрон қилиш керак. Шундан кейингина бошқа мақсадларда ишлатиш мумкин бўлади.



### 339. Савол: Қасам ичиш ҳаром эмасми?

**Жавоб:** Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

لَا يُؤَاخِذُكُمُ اللَّهُ بِاللَّغْوِ فِي أَيَمَنْكُمْ وَلَا كُنْ يُؤَاخِذُكُمْ بِمَا عَدَدْتُمُ  
الْأَيْمَنَ فَكَفَرَتُهُ إِطْعَامُ عَشَرَةِ مَسْكِينَ مِنْ أَوْسَطِ مَا تُطْعِمُونَ أَهْلِكُمْ  
أَوْ كَسُوتُهُمْ أَوْ تَحْرِيرُ رَقَبَةٍ فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ ذَلِكَ كَفَرَةٌ  
أَيَمَنْكُمْ إِذَا حَلَفْتُمْ وَاحْفَظُوا أَيَمَنْكُمْ كَذَلِكَ يَبْيَنُ اللَّهُ لَكُمْ أَيَّتِيهِ لَعَلَّكُمْ

شَكْرُونَ ۖ

«Қасамларингиздаги беҳуда сўзлар учун Аллоҳ сизларни жавобгар қилмайди, балки сидқидилдан боғлаган қасамлар (бузилгани) учун сизларни жавобгарликка тортади. Бунинг каффорати (жаримаси) – оиласизни озиқлантириш учун лозим таомларнинг ўртача миқдорида ўнта мискинга таом бериш ёки уларнинг кийимлари ёхуд бир қулни озод қилишдир. Кимки (буларни) топа олмаса, уч кун рўза тутиши (мумкин). Ана шу ичган (ва бузган) қасамларингизнинг каффоратидир. Қасамларингизни асрангиз! Аллоҳ сизларга Ўз оятларини шундай баён қилади, токи шукр қилгайсиз» (Муїда, 89).

Динимиз беҳуда қасам ичишдан қайтаради. Қасам ичилса, фақат Аллоҳ таоло номи билан ичилади. Бизнинг диёrlарда одат бўлиб қолган “нон хурмати”, “дастурхон хурмати”, “она сутим ҳаққи” деган гаплар лағв, яъни беҳуда хисобланади. Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) оталарининг номини ўртага қўйиб қасам ичаётган жамоа ўртасидаги ҳазрат Умар ибн Хаттобга етиб олдилар-да: “Аллоҳ таоло оталарингиз номини ўртага қўйиб қасам

ичмоқни сизларга ман қилган эмасмиди?! Ким қасам ичса, Аллоҳ таоло номи билан қасам ичсин, яххиси жим бўлсин!” дедилар» (*Имом Бухорий ривояти*).



**340. Савол:** Ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Бир ярим ёшимда чап оёғимдаги олтинчи бармоғимни операция қилиб олиб ташлашган. Ўшанда динни тушунадиган баъзи кишилардан буни (операцияни) қилиш мумкинми, деб сўрашганида, улар бўлади, дейишган экан. Энди эса кўплар Аллоҳ шундай яратган нарсани олиб ташлаб, хато қилишган, деб айтишяпти. Шу ҳақда динимизда нима дейилган?

**Жавоб:** Қуръони каримда:

﴿ لَعْنَةُ اللَّهِ وَقَالَ لَا تَخْدَنَ مِنْ عِبَادِكَ نَصِيبًا مَفْرُوضًا ﴾  
﴿ وَلَا ظِلَّتْهُمْ وَلَا مِينَهُمْ وَلَا مُرْنَهُمْ فَلَيَبْتَكُنْ إِذَا نَأْتَهُمْ أَلَآنَعِيمٌ ﴾  
﴿ وَلَا مُرْبُّهُمْ فَلَيَغُرِّبَ خَلْقَ اللَّهِ وَمَنْ يَتَخَذِ الشَّيْطَانَ وَلِيَسَا مِنْ دُونِ اللَّهِ فَقَدْ حَسِرَ خُسْرَانًا مُمِينًا ﴾

«Аллоҳ уни (шайтонни) лаънатлади. (У) деди: “Албатта, бандаларингдан белгиланган (маълум) улушимни олурман, уларни адостираман, ҳою ҳавасга чўқтираман. Уларга буюраман – ҳайвонларни қулоқларини кесадилар, Аллоҳнинг яратганларини ўзгартирадилар. Ким Аллоҳни қўйиб, шайтонни дўст тутса, демак у аниқ зиён қилибди”» (*Niso, 118–119*), дея марҳамат қилинган.

Мұхаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ берган хилқатни ўзгартирувчиларга лаънат бўлсин”, деганлар. Келтирилган оят ва ҳадисдан кўриниб турибдики, хилқати, шакли ва жинсини ўзгартиришга ҳаракат қилиш ҳаром ҳисобланади.

Бироқ инсондаги ортиқча бармоқ, хол, қулоқнинг ортиғи каби айрим кишилардагина учрайдиган аъзоларни кесиб ташлаш уламоларнинг фатволарига мувофиқ икки турга бўлинади. Биринчиси – ҳаром, яъни мумкин эмас. Иккинчиси – жоиз.

1. Агар ўша ортиқча аъзо инсон ҳаётининг бир маромда кечиши учун зарар етказмаса, унга кундалик ҳаётда нокулайликлар туғдирмаса, уни кесиб ташлаш мумкин эмас. Чунки бу ҳам хилқатни ўзгартиришга киради.

2. Модомики, ортиқча аъзо инсоннинг соғлиғига муайян хавф туғдириб, тўлиқ маромда ҳаракатланиши ёки инсон табиатига хос амалларни бажаришида халал берар экан, табиб ёки шифокор маслаҳати билан уни кесиб ташлаш, қисқартиш мумкин бўлади. Чунки Ислом шариати инсонга имкониятидан ортиқ талаб юкламайди ва унинг тўлақонли ҳаёт кечиришини чеклаб қўймайди.



**341. Савол:** “Тушлар таъбири” китобидаги гапларга ишонса бўладими? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Тарихга назар солсак, тушларни таъбир қилувчилар кўп бўлган. Қуръони каримда зикр қилинишича, ҳазрат Юсуф (алайҳиссалом)га тушлар таъбирини билиш пайғамбарлик мўъжизаси қилиб берилган. Тушларни таъбир қилиш, улардан муайян маънони англаб олиш мумкин.

“Тушлар таъбири” номидаги бир неча хил китоблар бор. Улар орасида атоқли уламолар оят ва ҳадисга мувофиқ ёзганларидан фойдаланиш мумкин. Бинойнинг 1991 ва 2001 йиллари нашр этилган “Тушлар таъбири” китоби Ибн Сирин, Жаъфар ибн Содиқ каби уламолар ривоятларига асосланган бўлиб, шулар жумласига киради. Лекин уларни мутлақлаштириш ёки уларга суяниб қолиш тўғри эмас.



# **НИКОҲ ВА ОИЛА МАСАЛАЛАРИ**





### **342. Савол: Мусулмон йигит ёки қиз ўзига жуфт танлашда нималарга эътибор берishi керак?**

**Жавоб:** Ҳар бир йигит, қиз балоғат ёшига етгач бир кун келиб ўзига жуфт бўлажак умр йўлдошининг сифатларини хаёлан белгилай бошлайди.

Инсонларнинг бу сифатларга қарашлари тарбияларига кўра турличадир. Кимдир шаклий сифатларни – бўй, ранг ва кўз шаклларини ўзининг шарти деб белгиласа, бошқа бирор мол ва бойликка эътибор беради. Яна бири бўлажак жуфтининг обрў-эътиборига, насабига дикқат қиласди.

Ҳақиқатда бу сифатларнинг барчаси матлуб ва марғуб. Уларга эга бўлган жуфтни излашга тўсиқ йўқ. Аммо бу сифатларнинг ҳаммасидан яхшироқ ва фойдалироқ бир сифат ҳам бор. У диёнат сифатидир.

Ином Бухорий ва Муслим Абу Хурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилишади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Аёлга моли, насли (обрўйи), жамоли ва дини учун уйланилади. Диёнатли аёлни танла, барака топ!» Яъни, диёнатли аёлдан бошқа аёлга уйлансанг, пушаймон бўласан, деганларидир.

Бинобарин, йигитнинг мақсади диёнатли қизга уйланиш бўлиши керак. Агар қиз диёнатли бўлиб, устига мол, обрў ва гўзаллик соҳибаси ҳам бўлса, жуда яхши. Аммо мол, обрў ва гўзаллик эгаси бўлса-ю, диёнатсиз бўлса, фазилат бўлмайди. Молдор диёнатсиз аёл бўйсунмас, диёнатсиз гўзал аёл мағрур, обрўли диёнатсиз аёл такаббур бўлади. Диёнатли аёл гўзал, молдор ва обрўли бўлса ҳам, камтар ва хушхулқ бўлади.

Қайд этилган ушбу сифат ва ҳоллар эркакларга ҳам тегишилидир. Зоро, қиз ҳам йигитнинг келишганлиги, бойлиги ё обрў ва насабига алданиб қолмай, диёнатлисини танлаши керак. Диёнатли ва солих йигит жуфт

бўлиш учун энг муҳим сифатларга эга ҳисобланади. Қолган сифатлар диёнатдан кейинги даражада туради.

Диёнатли йигит хотинини ҳар томонлама асрайди ва ҳимоя қиласи. У билан тотув яшайди, унинг инжиқликларини кўтаради. Энг муҳими, уни яхши кўрса, эъзозлайди, борди-ю, ёмон кўрса, унга зулм қилмайди.

Оилавий ҳаёт қийинчилик ва масъулиятларга тўладидир. У ҳолатлар ўзгаришининг улкан майдони. Оила мол асосига қурилган бўлса, мол кетгач, нима бўлади? Чирой ва обўга асосланган оилаларда бу ҳолатлар ўзгарса-чи? Шубҳасиз, оилавий ҳаётда «инқилоб» бўлади. Келишмовчилик бош кўтаради. Зеро, оила мустаҳкам асосга эмас, балки бекарор ва шахсий истакларга таянган эди.


Аммо диёнат сифати эътиборга олиниб, оила қурилса-чи? Дин мусулмон қалбидаги мустаҳкам ва событ ақидадир. Мусулмоннинг сўзлари ва ишлари унга асосланади ва шундан келиб чиқиб бошқалар билан муомала қиласи. Диёнатли эр ёки аёл кенгчиликда Аллоҳ таолога шукрли, қийинчиликда сабрли бўлади, воқеликка имону сабр билан ёндашади, жуфти ҳалолига вафо кўрсатади.



**343. Савол:** Яқинда бир танишим ўғил фарзанд кўрди. Чақалоқ на отасига, на онасига ўхшар экан. Эр хотинидан шубҳаланиб, унга бўлмағур гаплар айтибди.

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, янги туғилган фарзанди қора эканини айтган кишига Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туяларни мисол қилиб, кўпинча фарзандларнинг отасига тортиши ёки тортмаслигини айтганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Куръони каримда бундай марҳамат қилинади:



«У сени йи қайси суратни хоҳлаган бўлса, (ўша суратда) таркиб топтириди-ку!» (Инфитор, 8).

Муфассирлар мазкур оятни бундай тафсир қилгандар: “Бу оят онага, отага ёки бошқа қариндошларга ўхшаш ва ўхшамаслик, ранг, бўй, эркак ёки аёллик, соғлом, носоғлом, яхши ва ёмон, зукко ва телбалик каби жисмоний ва маънавий барча шакл ҳамда васфларни қамраб олади”.

Шундай экан, ояти каримага мувофиқ янги туғилган чақалоқ ранг, бўй ва шунга ўхшаш ҳолатларда отаси ёки онасига ўхшамаслиги ҳам мумкин. Аммо банда Аллоҳнинг берган улуғ неъматига рози бўлиб, шукроналар қилиши керак. Аллоҳ таоло барчаларимизнинг зур-риётларимизни солиҳлардан қилсин.



**344. Савол:** Қариндошлар бир-бирлари билан турмуш қуриб бўлмайди, дейишади. Лекин Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг жиянлари ҳазрат Али (розияллоҳу анху) у зотнинг қизлари Фотима (розияллоҳу анҳо) билан турмуш қуришган, шу ҳақдаги фикрингизни билмоқчи эдим.

**Жавоб:** Исломда ким билан никоҳ қуриш мумкин-у, ким билан мумкин эмаслиги Куръони каримда баён қилинган:

﴿ حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ أَمْهَنْتُكُمْ وَبَنَاتُكُمْ وَأَخْوَاتُكُمْ وَعَمَّتُكُمْ  
وَخَالَاتُكُمْ وَبَنَاثُ الْأَعْجَمِيَّةِ وَبَنَاتُ الْأَخْتِ وَأَمْهَنْتُكُمْ الَّتِي  
أَرْضَعْنَتُكُمْ وَأَخْوَاتُكُمْ مِنْ الرَّضَعَةِ وَأَمْهَنْتُ نِسَاءِكُمْ  
وَرَبِّيْبَيْكُمْ الَّتِي فِي حُجُورِكُمْ مِنْ نِسَاءِكُمْ الَّتِي دَخَلْتُمْ  
بِهِنَّ إِنَّ لَمْ تَكُونُوا دَخَلْتُمْ بِهِنَّ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ ﴾

وَلَكُمْ أَبْنَاءٌ كُمُّ الَّذِينَ مِنْ أَصْلَانِكُمْ وَأَنْ تَجْمَعُوا بَيْنَ  
الْأَخْتَيْنِ إِلَّا مَا قَدْ سَلَفَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٢٣﴾

«Сизларга (никохи) ҳаром қилинган (аёллар) – бу оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, aka-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган «она»ларингиз, эмишган «опа-сингил»-ларингиз, қайноналарингиз, яқинликда бўлган хотинларингизнинг қарамоғингизда бўлган қизлари – яқинликда бўлмаган бўлсангиз, сизларга гуноҳ бўлмас – яна, ўз пушти камарингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинларидири. Икки опа-сингилни қўшиб (никохлаб) олишингиз (ҳам ҳаром қилинди). Магар илгари ўтган бўлса (Аллоҳ афв этар). Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва марҳаматли Зотдир» (*Niso, 23*).

Демак, оятда номи зикр қилинганлардан бошқалар билан никоҳ қуриш мумкин. Яқин қариндошлар ўртасида оила қуришга келсак, кўп ҳолларда яхши натижага олиб келмаслиги ҳаётий тажрибага асосланган. Айниқса, яқин қариндошлар оиласида фарзанд заиф ва ногирон туғилиши ҳоллари кўп учрамоқда.

Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) аҳолисининг кўпи ногирон бўлган бир қишлоқдагиларга ўз қабиласидагилар билан никоҳланишни тақиқлаб қўйганлар. Чунки улар узоқ ўтмишда фақатгина яқин қариндошлар орасида никоҳ қуришгани сабабли шундай иллатга йўлиққан эдилар.

Куръони каримда:

(يَأَيُّهَا النَّبِيُّ إِنَّا أَحْلَلْنَا لَكَ أَزْوَاجَكَ الَّتِيْءَ أَتَيْتَ أُجُورَهُنَّ وَمَا  
مَلَكَتْ يَمِينُكَ مِمَّا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَيْكَ وَبَنَاتِ عَمَّتِكَ وَبَنَاتِ

خَالِكَ وَبَنَاتِ خَلَائِكَ الَّتِي هَاجَرَنَ مَعَكَ وَأَمْلَأَتْ مُؤْمِنَةً إِنْ وَهَبَتْ  
نَفْسَهَا لِلنَّبِيِّ إِنْ أَرَادَ النَّبِيُّ أَنْ يَسْتَنِكُهُمَا خَالِصَةً لَكَ مِنْ دُونِ الْمُؤْمِنِينَ  
قَدْ عَلِمْنَا مَا فَرَضْنَا عَلَيْهِمْ فِي أَزْوَاجِهِمْ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُمْ  
لِكَيْلَامِيْكُونَ عَلَيْكَ حَرْجٌ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا



«Эй Пайғамбар, албатта, Биз Сизга маҳрларини берган жуфтларингизни, Аллоҳ Сизга ўлжа қилиб берган қўл остингиздаги чўриларингизни, Сиз билан бирга ҳижрат қилган амакингизнинг қизларини ва аммаларингизнинг қизларини, тоғангизнинг қизларини ва холаларингизнинг қизларини яна (ҳар қандай) мўмина аёлни – агар у ўзини пайғамбарга тортиқ этса-ю, пайғамбар уни (маҳрсиз) ўз никоҳига олишни истаса, (мазкур аёлларни Сиз учун) ҳалол қилдик», дейилади (*Aҳзоб*, 50).



**345. Савол:** Тўйда күёв келинга маҳр бермаса, имом ўқиган никоҳ бекор экан. Бу ҳақда телевизорда бир одам айтиб қолди, исми аниқ эсимда йўқ. Бу ҳақда шариятнинг кўрсатмаси қандай?

**Жавоб:** Қуръони каримда:

وَإِنَّمَا الْمُنْذَنَاتِ نَحْلَةً فَإِنْ طِبَنَ لَكُمْ عَنْ شَيْءٍ مِنْهُ نَفْسًا فَكُلُوهُ هَنِئًا  
﴿ وَإِنَّمَا الْمُنْذَنَاتِ نَحْلَةً فَإِنْ طِبَنَ لَكُمْ عَنْ شَيْءٍ مِنْهُ نَفْسًا فَكُلُوهُ هَنِئًا ﴾



«Хотинларга маҳрларини мамнунлик билан берингиз! Агар сизларга ўzlари ундан бирор нарсанни ихтиёрий равишда кечса (берса)лар, сизлар уни bemalol, iштаҳа билан тановул қилаверингиз», дейилади (*Niso*, 4).

Куёвнинг келинга маҳр бериши вожиб. Агар бунга никоҳ пайти қодир бўлмаса, келиннинг розилиги билан

кейинроқ берса ҳам бўлади. Махр миқдори никоҳ пайти тайин қилинади. Никоҳнинг шартлари ижоб, қабул ва гувоҳлардир. Никоҳ пайтида маҳр белгиланмаган бўлса, эр насаб, жамол, илм ва маҳоратда хотинига тенг бўлган унинг опаларига берилган миқдорда (махри мисл) маҳр беради.



**346. Савол:** Фарзандим туғилмай турмуш ўртоғим вафот этди. Уч ойлик ҳомилам билан қолдим. Идда ўтиришим керак экан. Идда нима эканини тушунтириб беринг?

**Жавоб:** Идда эри ўлган ёки эридан ажрашган хотинлар бошқа эрга чиқиши учун ўтиши шарт бўлган муддатдир. Бундай аёлларга идда ўтмагунича эрга чиқиш тақиқланади. Эри ўлган аёл учун идда 4 ою 10 кун, эридан ажрашган аёл учун 3 ҳайз муддатидир. Ушбу муддат Қуръони каримда баён қилинган. Аёлнинг ажралган ёки вафот этган эридан ҳомиласи бор ёки йўқлиги мазкур муддатда аниқ бўлади ва аёлнинг раҳми покланади. Эридан талоқ ила ажрашган аёл, иддани эри билан яшаган уйда ўтказиши лозим. Ҳомиладор аёлнинг эри вафот этса ёки талоқ қилинган бўлса, туфиши билан иддадан чиқсан ҳисобланади.



**347. Савол:** Эрим қазо қилгач, ҳомилам туғилмай эримнинг акасига иккинчи хотин бўлиб тегишимни қайнонам маълум қилди. Овсиним бундан норози. Уларнинг фарзандлари бор. Мен шариатга тўғри бўлиши учун нима қилишим керак?

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси қонунларида хотини оғир касал бўлиб, оила ишларига яроқсиз бўлиб, эр ва хотин ажралишни истамаган тақдирда аёлнинг розилиги билан бошқа аёлга уйланиш тавсия этилади.

Қайнонангиз нима мақсадда бу таклифни киритгани сабабини биз билмаймиз. Бу саволга оиладаги шарт-

шароитларни яхши билган ҳолдагина жавоб бериш мумкин бўлади.



**348. Савол:** Ҳозирги кунда ҳою ҳавасларга берилган, тарбияси ноқис ёшлар ўртасида ажрашиш кўп кузатиляпти. “Жаҳл чиққанда ақл кетади” деганлариdek, улар жаҳлини босолмай, бирдан “уч талоқ” деган сўзни айтишмоқда. Баъзида эса “Минг талоқ” дегувчилари ҳам учраб турибди. Биз, маҳалла раислари қанчалик тушунтириш ишларини олиб бормайлик, ёшларга насиҳат қилиш қийин кечар экан. Ислом динида “уч талоқ”нинг ҳукми нима? Талоқ Расуллурроҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида ҳам бўлганми ёки замонамизга келиб урчидими? Шу ҳақда маълумот ва насиҳат берсангиз.

**Жавоб:** Ислом динининг асл моҳиятини билмайдиган кишилар бу сўзларни билиб-бilmай ишлатаверишади. Баъзида эса айримлар маст бўлиб, оғзига келган сўзни айтади. Эртаси куни ҳеч нарса бўлмагандек, аёли билан бирга яшайверади. Аёли оқила бўлса, қайта никоҳлатиб олишга шошилади. Ҳадиси шарифда уч нарсанинг ҳазили ҳам чин, чини ҳам чин дейилган. Уларнинг бири талоқ экани барчага маълум. Ҳанафий мазҳабига кўра, хотинга бирдан уч талоқ айтиш бидъат ва гуноҳдир.

Хотинини уч талоқ қилган кимсани эшитиб қолган Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қаттиқ ғазабланганлар ва: “Мен сизларнинг ораларингизда бўла туриб ҳам, Аллоҳнинг Китобини ўйин қиласизларми?!” деганлар (*Имом Насоий ва Сарахсий ривоятлари*).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ таолонинг каломида икки бор талоқ қилиш айтилгани, учинчиси бир қанча вақтлардан сўнг бўлиши мумкинлиги, бир вақтнинг ўзида уч талоқ қилиб бўлмаслигини назарда тутиб, “Аллоҳнинг китобини ўйин қиласизми”, деган эдилар.

Демак, хотинини бирданига уч талоқ қилиб юбориш гуноҳ экани ойдинлашади. Эркак дегани ўзини тута биладиган, газабини ичига юта оладиган, салобатли, викорли, ҳар бир нарсанинг охирини ўйлаб иш қиласидиган бўлади. Шунинг учун ҳам уларга талоқ қилиш ҳуқуқи берилган. Талоқнинг энг аҳамиятли томони шундаки, унинг жиддийи ҳам жиддий, ҳазили ҳам жиддийдир. Билмасдан гапириб юбориш ҳам жиддий қабул қилинади. Бинобарин, эркакларимиз оқибатини ўйлаб гапиришлари шарт. Афсус, баъзи эркаклар оғзига келганини билиб-бilmай гапираверадиган, ўзларини тута олмайдиган бўлишади.

Бинобарин, сал нарсага қизишиб, хотинни уч талоқ қўйишдан сақланишимиз лозим. Ахир талоқ Аллоҳ таолонинг рухсат берган нарсалари ичида У энг ёмон кўрадиган нарса эканини унутмайлик. Талоқ сўзи айтилганида, Арши аъло ларзага келади, дейилган.

Талоқ масалаларини ҳал қилганда уламоларимиз бир қанча аҳли илмлар билан маслаҳатлашиб, фиқҳий ва фатво китобларни кўриб чиқиб, гувоҳларнинг сўзларини тинглаб, эр-хотин сўзларини текшириб, шу ерда ҳозир бўлганлар гувоҳлигини тинглаб, эр-хотиннинг ҳолатларини инобатга олиб, шаръий ҳукм айтишади.



**349. Савол: Ҳар хил тасодиф, ҳалокат, айниқса, йўлларда содир бўлган фожиалар оқибатида дунёдан ўтган мўминлар хусусида динимизда нима дейилган?**

**Жавоб:** Аллоҳ таоло ер юзида инсонни мукаррам қилди ва бошқа ҳеч бир жонзотга ато этилмаган ақл неъматини берди. Инсон шу неъмат туфайли кўп нарсларни англаб етади, ўзига ва жамиятга фойдали бўлган ишларни бажаради. Яна шундай ҳолатлар бор, улар инсоннинг иродаси ва хоҳишидан ташқарида бўлади. Саволда айтилган ҳолатлар ҳам худди шундай тасодифан вужудга келади.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Шаҳидлар бешдир: вабода ўлган, қорин касали билан ўлган, сувга гарқ бўлиб ўлган, йиқилган нарсанинг остида қолиб ўлган ва Аллоҳнинг йўлида шаҳид бўлганлар”, дедилар» (*Имом Бухорий ривояти*).

Ҳадисда айтилган учинчи ва тўртинчи ҳолатлар мавзуга алоқали бўлиб, бу каби ўлимлар тўсатдан ва фожиали бўлиши ҳаммага маълум. Шундан келиб чиққан ҳолда, йўлларда автоҳалокат ва бошқа тасодифий фожиалар боис вафот этган мусулмон одамларнинг шаҳидлик мартабасини топиши умид қилинади.



**350. Савол:** Юртимизнинг жуда кўп жойларида, айниқса, йўл чеккаларида рамзий “қабр” сифатида ўраб қўйилган жойларга дуч келамиз. Тўғри, бу ўша жойда ҳалокат содир бўлгани ва оқибатда инсонлар ҳалок бўлганини англатиши шубҳасиз. Лекин бу ерни турли хил панжара ёки белгилар қўйиб ўраш тўғрими?

**Жавоб:** Киши вафот этганидан кейин унинг қабри адаштирилмаслиги учун унга бирон белги қўйиш мумкин. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам яқин кишиларидан бири вафот этганида қабрига бир тошни белги сифатида қўйганлар.

Йўл четларини рамзий қабр сифатида эмас, балки ҳақиқатан ҳам ўша жойда марҳум ётгани боис ўраб қўйилади. Азалдан юртимизда Ислом динига эътиқод қилиб келингани боис марҳумларга ҳурмат сақланган ва вафот этган кишининг қабрини белги қилиб, ўраб қўйишган. Йўловчилар қабрни босиб ўтмаслиги, устида таҳорат ушатмаслиги, ухлаб қолмаслиги ва ўша ердан ҳайдаб ўтиладиган пода қабрни босиб, оёқости қилмаслиги, тезакларини ташлаб кетмаслигини кўзлаб шундай қилинади.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) ривоят қилади: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизларнинг бирортангиз қабр устига ўтирганингиздан кўра бир чўғнинг устига ўтириб, кийимингизни куйдирганингиз ва ўша кийим куйиб, терингизга ёпишиб қолгани яхшироқдир, дедилар» (*Имом Муслим ривояти*).

Шундай экан, қабрлар устига ўтириш гуноҳ ҳисобланади ва мана шу каби гуноҳлардан сақланиш учун қабр устига белги ўрнатилган ёхуд ўраб қўйилган.



**351. Савол:** Биз томонларда “маҳр” деган гап йўқ. “Сут пули” берилади. Шу маҳр ўрнига ўтадими ёки маҳр буткул бошқа нарсами?

**Жавоб:** Маҳр – никоҳ ақди билан эр зиммасига вожиб бўладиган ва хотинга бериш лозим бўлган молдир. “Сут пули” эса, қизнинг ота-онасига бериладиган пулмаблағ бўлиб, шариатимизда йўқ одат ҳисобланади. Шунинг учун у маҳр ўрнига ўтмайди.

Куръони карим оятларида “садоқ”, “садақа”, “ажр”, “фариза” ва “ниҳла” каби сўзлар маҳр маъносида келган. Баъзи олимлар маҳрнинг ўнта исми бор, деганлар. Бизда “маҳр” сўзи машхур бўлгани учун шу ном билан аталади.

Маҳр миқдори қанча? Бизнинг мазҳабимизда маҳрнинг энг оз миқдори 10 дирҳам деб кўрсатилган.



**352. Савол:** Ассалому алайкум, ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Инсонларнинг маънавиятини юксалтиришда олиб бораётган савобли ишларингиз мукофотини Яратган эгамиз ортиғи билан ато этсин. Баъзан одамлар орасида “савдогарлик яхши касб эмас”, каби сўзларни эшитиб қоламиз. Биз тижоратчи

**бўлганимиз учун бу каби сўзлар оғир ботади. Лекин шунга қарамасдан, Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ҳам амакилари билан тижорат қилганларини эслаб, таскин топамиз. Тижоратчилик касби хусусида маълумот берсангиз, илтимос?**

**Жавоб:** Ислом дини ҳалол бўлган ҳар бир касбни улуғлайди. Эл-юрга нафи тегадиган, жамиятга фойдали, инсонларнинг корига ярайдиган ҳар қандай ҳалол касб эгаларига улуғ ажрлар ато этилиши китобларда айтиб ўтилган. Жумладан, буюк муҳаддис, улуғ аллома Имом Ҳаким Термизий (раҳматуллоҳи алайх) “Наводирул усул фи маърифати аҳодис ар-Расул” асарида бу ҳадисни келтирган:

Яъни, Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам): “Энг яхши касб ёлғон гапирмайдиган, омонатга хиёнат қилмайдиган, ваъдага вафо этадиган, сотиб олса, (молни) ёмонлаб, пастга урмайдиган, сотса, қимматга сотмайдиган, бироннинг ҳақини беришни чўзмайдиган, ўзларининг ҳақларини олишда қийинлаштиrmайдиган тижоратчиларнинг касбидир”, дедилар».

Юқоридаги хислатларга эга кишилар касби туфайли ризқнинг кафолатига ишонган ҳолда аҳдларига вафо қиласидар. Қилган ишларидан хотиржам бўлишади ва ризқнинг қаердан, қандай келаётганини фикр қилишади. Чунки улар мана шундай ҳалоллиги, ихлоси ортидан тақводор деган улуғ номга сазовор бўлишади. Тақво туфайли уларнинг ризқи ўзлари ўйламаган томондан тортиқ этилади. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَنْ يَتَّقِيَ اللَّهَ يَجْعَلَ لَهُ مُخْرَجًاٰ وَيَرْزُقُهُ مِنْ حَيْثُ لَا يَحْتَسِبُ﴾

«...Ким Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан) чиқиш ўйлини (пайдо) қилур. Яна, уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантирур...» (Талоқ, 2-3).

“Ростгўй тижоратчи пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир” (*Имом Термизий*).

Ҳалол ва ростгўй тижоратчилар ҳеч қачон куйин-масинлар, чунки улар ҳалол касблари туфайли ваъда қилинган улуғ мукофотларни қўлга киритишади, ин-шоаллох!



**353. Савол:** 1. Бирор киши қўшнисидан миқдорини аниқлаш мушкул бўлган тузга ўхшаш нарсалар қарз олса ва уни қайтаришда кўп бериб юборса, рибо, ёки билмасдан камроқ берса, қарз бўлиб қоладими?

2. “Кўзи бор” одамнинг бирон кишига ёки бирор нарсага “кўзи тегса”, гуноҳ бўладими?

**Жавоб:** 1. Диёrimизда яхши қўшничилик муносабатлари асрлар давомида шаклланган ва ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Шундай экан, қўшнилар орасида олди-берди бўлиб туриши табиий ҳол. Масалан, уйига меҳмон келиб қолганида, қўшнисидан туз, нон ва шунга ўхшаш нарсаларни сўраш ҳолатлари бўлади.

Фикҳ китобларида ёзилишича, агар қўшни бир пиёла туз олган бўлса, бир пиёла туз қайтариб беради.

Аммо бир пиёла тузни икки пиёла қилиб қайтарасиз ёки бир кило шакар ўрнига бир ярим кило берасиз, дейиш мумкин эмас.

2. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Кўз тегиши бор нарса” (*Муттафақун алайҳ*), деганлар. Шундай экан, одамлар бир-бирларининг ютуқлари, мол-мулк ва бошқа нарсаларига ҳasad қилмасин. Шу боис уламолар мусулмонларни кўзни қувонтирадиган, лол қолдирадиган нарсаларга кўз тушган вақтда, «Субҳоналлоҳ», «Машааллоҳ» калималарини айтишга буюришган. Ёмон кўз, ҳasad билан қараш мусулмонга хос эмас. Юқоридагилардан келиб чиқиб, “кўзи бор” одам бировнинг камол топишига ёки молига ҳasad билан, яъни унинг

йўқотилишини истаб, қарashi гуноҳдир. Чунки Ислом дини ҳасад қилишдан қаттиқ қайтарган. Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)га Аллоҳдан паноҳ сўрашни буюриб, бундай марҳамат қилади:

«(Эй Муҳаммад!) Айтинг: “Паноҳ тилаб илтижо қилурман тонг Парвардигорига, ...ҳасадчининг ҳасади ёвузлигидан”» (Фалақ, 1,5).

Ҳасад, ёмон кўз ва ёвузликлардан омонда бўлиш учун Фалақ, Нос, Ихлос сураларини ўқиб, Аллоҳдан нажот сўраш тўғрисида ҳадислар ривоят қилинган.



**354. Савол: Аёлларнинг тирноқ бўяши мумкинми? Илтимос, шу ҳақда кенгроқ тушунча берсангиз.**

**Жавоб:** Агар суртилган лак таҳорат олганида асл тирноққа сув етишига тўсқинлик қиласидиган бўлса, ювилиши лозим бўлган маълум аъзонинг бир қисмига сув етмай қолади. Натижада, таҳорат тўлиқ бўлмайди. Қолаверса, тирноққа сурилган лак ёки бўёқ ғуслга ҳам монелик қиласиди. Шунинг учун уламолар аёллар ғусл қилаётганларида тирноқ ва лабларидаги бўёқларни кетказишлари зарурлигини таъкидлашган.



**355. Савол: Куръони карим билан қудсий ҳадис ўртасида қандай фарқ бор?**

**Жавоб:** Куръони карим:

1. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Жаброил (алайҳиссалом) орқали вахий қилинган. Унинг лафзи ҳам, маъноси ҳам илоҳийдир. Ҳеч бир жиҳатдан бирортанинг унга дахли бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿نَزَّلَ بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ ﴾١٩٤﴿ عَلَىٰ قَلْبِكَ لِتَكُونَ مِنَ الْمُنذِرِينَ ﴾١٩٥﴿ يُلَسِّانٌ عَرَبِيًّا ﴾

194  
195  
Минъ

**«Уни Рухул амин (Жаброил) олиб келиб, огохлантирувчи (пайғамбар)лардан бўлишингиз учун қалбингизга туширди, у аниқ араб тилида эди» (Шуаро, 193–195).**

2. У ожиз қолдирувчидир, на инс, жин маънода ва лафзда унга ўхшашини, ҳатто кичкина бир сурасига ўхшашни ҳам тўқий олмайди.

3. Қуръони карим то қиёмат кунигача боқий қолувчи, ўзгариш ва алмашишдан сақлангандир.

4. У бизга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-дан мутавотир тарзда нақл қилинган. Ундан бирор нарсани инкор қилган киши кофир бўлади.

5. Қуръони карим намозда ва бошқа вақт ўқилади. Унинг қироати ибодат саналади ва ҳар бир ҳарфига ўнта савоб берилади.

6. Уни таҳоратсиз ушлаш ва кўтариш, жунуб, ҳайз, нифос ҳолатда тиловат қилиш мумкин эмас.

Ҳадиси қудсий:

- унинг лафзи Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)га оид, маъноси илоҳийдир;

- ожиз қолдирувчи эмас;
- ўзгариш ва алмашишдан сақланган эмас;
- бизларга оҳод хабар тарзда етиб келган;
- ундан бирор нарсани инкор қилган киши кофир саналмайди;

- намозда ўқилмайди;

- уни ўқиш ибодат эмас;

- уни таҳоратсиз ўқиш, ушлаш ёки кўтариш мумкин.

Ҳадиси қудсий асли Аллоҳ таолонинг сўзи бўлсада, Пайғамбаримизга Жаброил (алайҳиссалом) орқали туширилмаган, балки бевосита илҳом қилинганидан кейин эълон этилган.



### **356. Савол: Ҳайвонни сўйишининг икки усули бор деб эшилдим. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз?**

**Жавоб:** Ҳақиқатан шундай: ҳайвонни сўйиши: ихтиёрий ёки изтиорий бўлади. Уйдаги қўй, қорамолларни ётқизиб бўғизидан, туюни чўккалатиб бўйнининг кўкрагига яқин жойидан бўғизлаш ихтиёрий сўйишdir. Бунда ҳайвоннинг кекирдагини, қизилўнгачини икки қон томирини узиш шарт. Агар бўғизланаётган ҳайвоннинг кекирдаги, қизилўнгачи ва қон томирлари ярмигача кесилса, узилмаса, гўшти ҳалол бўлмайди (“Жомиъус сағир”). Кўй, молларни халқумининг пастидан сўйиш макруҳdir.

Изтиорий сўйиш эса, ҳайвоннинг бирон жойини тиф билан жароҳатлаб қон чиқаришdir. Фақат ов қилинадиган ҳайвонларни, сахро ё шаҳарда қувиб тутиш иложи бўлмаган ё қудук ё жарга қулаб тушган ва уни тирик чиқариб олиш имкони бўлмаган тую, сигир ё қўйни изтиорий сўйиш мумкин. Ҳам ихтиёрий, ҳам изтиорий сўйишда бевосита пичоқ тортишдан ва тифни отишдан олдин тасмия (бисмиллахи Аллоху акбар) айтиш шарт. Тасмия айтиб, бир оз вақт ўтганидан сўнг ҳайвонни сўйиш дуруст эмас. Овда бўлса, ўқ отилган ёки ов ҳайвони юборилган пайт тасмия айтилади.

Молни сўювчи киши ақлли мусулмон ёки аҳли китоб бўлиши керак. Аёл ва хунасалар ҳам мол сўйишда эркак киши кабидирлар. Мушрик, муртад, ақли заиф, маст ёки сўйишга ақли етмайдиган ёш болалар сўйганини еб бўлмайди.

Аҳли китоб сўйган мол гўшти, молни сўяётганида ширк сўзларни айтгани эшитирмаса, у ҳалол бўлади.

Бўғизлаш пайти қасддан “тасмия” айтмаса, гўшт ҳалол бўлмайди (“Татархония”, “Кофиј”, “Фатовойи Аттобий”, “Фатовойи Ҳиндия”).



### **357. Савол: Қандай ҳайвонларнинг гўштини еб бўлмайди?**

**Жавоб:** Сувда яшайдиган жониворлар ичида балиқдан бошқасининг гўшти ейилмайди. Жумладан, қурбақа, қисқичбақа ва бошқа мўйнаси қимматбаҳо бўлган қундуз каби сувда яшайдиган жониворларнинг барчасининг гўшти ҳаромдир. Агар балиқ сабабсиз ўлган бўлса, ейилмайди.

Ҳашаротлар орасида чигирткадан бошқаси ҳалол эмас.

Илон, типратикан (кирпи) каби судралиб юрувчи, кемирувчи ва қурт-қумурсқаларни еб бўлмайди.

Хонаки ҳайвонлардан тuya, сигир ва қўй тезак ейдиган ёки дурда (вино сиқиб олинган қуйقا) бериб боқилган бўлса, гўштида қўланса ҳид бўлади. Уларга тоза ўт, ем бериб боқиб ҳидини йўқотиш керак. Қўланса ҳиди кетмай сўйилса, гўштини ейиш макруҳдир. Таховийнинг “Мухтасар”и шарҳида: “Уларни қўп қунлар қамаб, бошқа озуқалар бериб боқмасдан туриб, сўйиб истеъмол қилиш ҳалол бўлмайди”, дейилган. Имом Абу Юсуф Абу Ҳанифадан (раҳимаҳумуллоҳ) бундай ривоят қиласи: “Нажосат ейдиган ҳайвон уч кун қамаб қўйилади”. Имом Муҳаммад (раҳматуллоҳи алайҳи): “Уни қамаб қўйиш учун бирон вақт тайин қилинмаган”, деган.

Ибн Рустам Муҳаммад (раҳматуллоҳи алайҳи)-дан қилган ривоятда: “Тезак ейдиган тuya, қўй ва сигирларнинг сути ичилмайди...” дейилган.

Барча йиртқич ҳайвонлар, йиртқич қушлар гўшти (тирноқли ва тумшуқли) ҳалол эмас. Ўрдак, товуқ, кабутар, чумчуқ, кумри қуш, каклик, турналар ҳалолдир.

Далада юрган товуқнинг гўшти ейилаверади. Чунки товуқ далада нажосатдан бошқа дон-дунлар билан

ҳам озуқаланади. Аммо нажосатхўр товуқни қорнидаги овқати ҳазм бўлиб кетгунича, бир кун ё уч кун қамаб қўйган яхши.

Уй эшагининг гўшти, сути, ёғи ҳаромдир.

Гўшти ҳалол ҳайвонларнинг қонини, олатини, икки моягини, урғочи ҳайвоннинг сийдик чиқиши жойини, безларни, сийдик қопини, ўт қопини ейиш таҳримий макруҳдир (“Фатовои Ҳиндия”).



**358. Савол:** Бизни бир масала қизиқтиради:  
хотинлар ҳам талоқ қилиш ҳуқуқига эга,  
деб эшитиб қолдик. Шу гапда асос борми?

**Жавоб:** Динимиз талоқ қилиш ҳуқуқини сабр-тоқатли, кучли ироди соҳиби сифатида эрларга берган. Эр бу ҳуқуқни хотинига маълум муддатга ёки муддатсиз бериши мумкин. Эри унга берган ҳуқуққа кўра, хотин истаса, шу муддат ичидаги ажралиш ҳуқуқига эга бўлади. Истамаса, ажрашмайди. Бунга “тафвизут талоқ” дейилади. Эр хотинига берган бу талоқ ҳуқуқини қайтариб ололмайди.



**359. Савол:** Эр хотинига маҳрга деб нимадир ваъда қилса-ю, лекин маълум вақтдан кейин ҳам олиб бермаса, никоҳ бузилмайдими?

**Жавоб:** Никоҳ дуруст бўлишининг шарти бундай: турмушга чиқаётган келин гувоҳлар, яъни икки эр ёки бир эр ва икки аёл ҳузурида: “Ўзимни жуфти ҳалолликка бағишлидим”, дегач, турмуш қураётган эр: “Қабул қилдим”, деб эшиттириб айтиши лозим. Бу сўзлар бир жойда айтилиши ва уни гувоҳлар ҳамда турмуш қурмоқчи бўлаётганларнинг ҳар бири ўша жойда эшитиши зарур.

Никоҳдан сўнг эр аёли билан бўлгач, маҳрни бериши вожиб бўлади. Агар бир муддат белгилаб насия қилган

бўлса, муддати келгач, бериши лозим. Эр ваъдасини бажармай, маҳрни пайсалга солса, никоҳ бузилмайди, аммо аёл ўзидан эрининг баҳра олишига рухсат бермасликка ҳақли бўлади (“Фатовойи Ҳиндия”).



### **360. Савол: Унаштирилганда берилган моллар маҳрга ўтадими?**

**Жавоб:** Агар улар ҳадя ва бошқа мақсадлар ниятида берилмай, маҳр деб аталса, маҳр ўрнига ўтади. Унаштирилганидан сўнг икки томон келишолмай, никоҳ ақди қилинмаса, куёв келин томонга маҳр ўрнига берган барча молларни қайтариб олади. Шунингдек, ҳадя сифатида берган моллари ҳам қайтарилади (“Раддул муҳтор”).



### **361. Савол: Таппи билан қиздирилган тандирда ёпилган нонни ейишнинг зарари йўқми?**

**Жавоб:** Тезак, таппи билан қиздирилган тандирда пиширилган нонни ейиш макруҳ бўлади, аммо тандир қизиган пайт унга нон ёпишдан олдин тоза сув сепилса, унда пишган нон тоза бўлади (“Фатовойи Ҳиндия”, “Муҳит”).



### **362. Савол: Соч олдиришнинг одоблари борми? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз?**

**Жавоб:** Соч олдиришда қиблага қараб ўтириш, сочни бошнинг ўнг томонидан бошлаб олиш ва олинган сочни кўмиш, соч олдиришнинг одобларидир.

И мом Аъзам (раҳматуллоҳи алайх) айтади: “Макка йўлида Ато ибн Рабоҳга соч олдирганимда сартарош мендан учта хато топди: 1. Юзимни қиблага қаратиб ўтиришимни айтди. 2. Бошимни у тарафга қилган эдим. Олдинига ўнг тарафингни келтир, деди. 3. Сочимни

олиб бўлгач, туриб кетмоқчи эдим. Сочингни ерга кўм, деди”.

Киши жунублик вақтида соч ва тирноқ олиши макруҳдир (“Ҳидоя”, “Маслакул муттақин”).



**363. Савол:** Бир оғайнимиз ёғнинг сичқон тушган жойини олиб ташлаб қолганини ишлатса бўлади, деб айтди, шу тўғрими?

**Жавоб:** Ёғга сичқон тушиб ўлса, агар ёғ қаттиқ бўлса, ўша жойни атрофи билан кесиб олиб ташланади. Ёғнинг қолган қисми нопок бўлмайди. Аммо ёғ суюқ бўлса, (сичқон теккан нарса макруҳ бўлгани эътиборидан) у ёғ ейилмайди. Ундан фақат чироқ пилиги ёки тери ошлашда фойдаланса бўлади. У ёғ билан ошланган терини, агар сиқилса, уч бор яхшилаб ювиб, ҳар ювгандан сўнг қаттиқ сиқилади, сиқиб бўлмаса, Имом Абу Юсуф (раҳматуллоҳи алайх) наздларида уч марта ювилади ва ҳар бир ювилганида қуритилади.

Бир қисми олинганда ўрни текисланмайдиган ёғ, қаттиқ ёғ ҳисобланади. Агар, олинган жойи билинмай, тезда текис бўлиб қолса, суюқ ёғ ҳисобланади (“Фатовойи Ҳиндия” “Фатовойил гароиб”).

Сичқон тушган ёғ ниҳоятда кўп бўлиб, уни тўкиб юборишга кишининг кўзи қиймаса, ёғга унинг миқдорича сув солиб қайнатилади. Суви тугаб ёғи қолгач, яна шунча сув солиниб, жами уч бор қайнатилади. Шунда ёғ пок бўлади, уни истеъмол қилиш мумкин бўлади (“Ал-Мабсүт”).



**364. Савол:** Илонни еса бўладими?

**Жавоб:** Илоннинг ўзини ейиш мумкин эмас. Чунки илон заарли, нопок жониворлар сирасига киради. Қуръони каримда:

﴿وَيُحِلُّ لَهُمُ الْطَّيْبَاتِ وَيُحَرِّمُ عَلَيْهِمُ الْخَبَيْثَ﴾

**«...пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қиласы...»** дейилган (*Аәроф*, 157).

Илон табиатан заарали жониворлардандир. Шунинг учун уни ўлдириш жоизлиги ҳадиси шарифда айтилган. Ойша онамиз (розияллоху анхо)дан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Бешта зарарли жонзот бор, улар Ҳарамда ва Ҳарамдан ташқарида ҳам ўлдирилади: илон, ола қарға, сичқон, қутурган ит ва калхат”, деганлар.

Фатво китобларидан илонни фақат даво учун бир неча доривор ўсимликларга аралаштириб, таркибида илон унсури билинмаган ҳолида истеъмол қилиш мумкин, дейилган.



### **365. Савол: Ёмон хаёлларни ўйлаш гуноҳми?**

**Жавоб:** Дастраб бу нарса гуноҳ бўлган. Чунки Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам)га “...Ичингиздаги нарсани ошкора қилсангиз ёки яширсангиз ҳам, Аллоҳ сизларни у билан ҳисоб-китоб қилур...” (*Бақара*, 284), ояти нозил бўлган. Шунда саҳобалар (розияллоху анхум) Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг олдиларига келиб, “қўлимиз, оёғимиз ва тилимиз билан қилган гуноҳларимизга тавба қиласиз, аммо васваса (ёмон хаёл)дан ўзимизни қандай тия оламиз, зеро, хаёл суриш инсоннинг ихтиёридан ташқари ҳолат-ку”, деб шикоят қилишади. Сўнг: “**Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди...**” (*Бақара*, 286) ояти нозил бўлди (“*Тафсири Табарий*”). Яъни, мўминлар мияларида ихтиёrsиз кечадиган ёмон ўй-хаёллари сабабли, уларни тилларига кўчирмасалар ёки ўшани қилмасалар азобланмайдилар. Мусулмон одам иложи борича доим яхши нарсалар ҳақида ўйлаши, бўлмағур хаёллар миясига келганида зикр, тасбех, салавот ва истиғфор айтиб, уларни ҳайдаши керак.



**366. Савол:** Имом-хатиб ва диний уламолар хизматлари учун пул, ҳадя ёки тугун олишлари мумкинми?

**Жавоб:** Имом-хатиб, диний уламоларнинг муфтийлик, имомлик, муаззинлик каби хизматлари учун ҳақ олишлари жоизлигига барча мазҳаб факихлари фатво берганлар. Зеро, бу ҳақ ўқилган, ўргатилган Қуръони карим оятлари ёки бирор диний маросимнинг эмас, балки ана шу ишлар учун сарфланган меҳнат ва кетган вақтнинг эвази ҳисобланади. Яна ҳам содда тарзда ифодаласак, баъзилар ўйлаганидек, бу билан Қуръон сотилган бўлиб қолмайди, балки уни ўқиб бериш ёки ўргатиш учун кетган вақтга ҳақ тўланган бўлади (“Бадое ус-саное”, “Фатовойи Ҳиндия”, “Ал-Аҳком ас-султония”).



**367. Савол:** Масжидларда ёки жойнамоз устида овқат еса бўладими?

**Жавоб:** Масжидларда дунёвий гапларни гапириш, ибодатга тегишли бўлмаган ишлар қилиш, жумладан, овқатланиш макруҳ бўлади. Аммо эътикофда ўтирган кишининг масжидда таомланиши жоиз. Шунингдек, масжиднинг хонақоҳдан бошқа идоравий хоналарида овқатланишнинг ҳам зарари йўқ.



**368. Савол:** Ота-онаси рози бўлмаган кишининг намоз, рўзаси қабул бўладими?

**Жавоб:** Динимизда ота-онани норози қилиш у ёқда турсин, раъйларини қайтариш, уларга ёқмайдиган гапларни айтиш ва ҳатто ёнларида “уф” тортишдан ҳам қайтарилган. Уларнинг хизматларида шай туриб, ҳақларига доимо дуо қилиб туришимиз буюрилган. Ҳадиси шарифларда жаннат оналар оёғи остидалиги, ота-онага яхшилик қилиш энг яхши амалларданлиги, отанинг розилиги Аллоҳ таолонинг рози-

лиги, отанинг ғазаби Аллоҳ таолонинг ғазаби экани баён этилган. Борди-ю, ана шундай ҳолат юз берган бўлса, тезлик билан уларнинг кўнгилларини олиб, розиликларига эришиш пайдан бўлиш керак. Бу ҳолат ўқилган намоз, тутилган рўза ва бошқа ибодатлар қабулига таъсир кўрсатмайди. Чунки булар banda зиммасидаги алоҳида-алоҳида вазифалар бўлиб, бажара олмаган бир амали учун ўтаган бошқа ибодатлари қайтарилмайди. Лекин бўйнида банданинг, хусусан, ота-онанинг ҳақини адо қилмай вафот этган одам ҳақдорлар рози бўлмагунича жаннатга кирмайди.



**369. Савол:** Шариат ҳукми бўйича, бойларнинг ҳам турлари бўларкан. Шу ҳақда билмоқчи эдим.

**Жавоб:** Фуқаҳоларимиз далиллар асосида бойларни тўрт тоифага бўлганлар:

1. Ҳожати аслиядан ошиқ ўсадиган моллари нисобга етиб, уларга бир қамарий йил ўтган кишилар. Улар закот, фитр садақаси беришлари ва қурбонлик қилишлари вожиб бўлган бойлардир. Уларга бошқаларнинг вожиб садақасини олиши ҳаром бўлади.

2. Ҳожати аслиядан ошиқ моли, ўсмайдиган бўлса ҳам, кумуш нисобига етган, ё ўсувчи бўлса унга ҳали бир йил тўлмаган молга эга шахслар. Улар фитр садақаси беришлари ва қурбонлик қилишлари вожиб. Улар ҳам вожиб садақаларни олишлари мумкин эмас.

3. Ҳожати аслиядан ошиқ моли кумуш нисобига етмаган, ўзини ва оиласини таъминлашга қодир кишилар. Булар ҳар қандай садақани олишлари мумкин.

4. Бир кунга етадиган егулиги бор кишилар. Булар тиланчилик қилишлари мумкин эмас. Ҳар қандай садақани олишлари мумкин.



**370. Савол:** Биз томонларда ўликни ювгач, иягини ва оёқларининг бош бармоғини боғлашади, шу тўғрими?

**Жавоб:** Киши ўлгач, кўриниши хунук бўлмаслиги учун, энли мато билан жағининг остидан бошининг устига қаратиб боғланади, кўзлари ёпилади. Кўлларини узатиб, бармоқларини ёзиб ёнларига қўйилади. Оёқларини тўғри узатилади. Бу ишни марҳум оиласидан энг раҳмдил киши ўта мулойимлик билан бажаради (“Жавҳаратун найири”). Ювилганидан сўнг унга эҳтиёж йўқлиги боис боғланмайди.



**371. Савол:** Юртимизнинг айрим жойларида болаларни уч, беш, етти ёшда хатна қилдириш керак деб билишади. Шу нарса суннатданми? Олдиндан раҳмат!

**Жавоб:** Ўғил болаларни хатна қилдириш суннат амалларданdir. Бола неча ёшга кирганда хатна қилиш эса, кўпроқ урфга боғлиқ. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) набиралари Ҳасан ва Ҳусайнни етти кунлик эканида хатна қилдирғанлар. Шундан келиб чиқиб, болани янги туғилганида хатна қилдириш яхши. Кейинроқ қилдирса ҳам бўлади, аммо бола балоғат ёшига етгунича хатна қилинган бўлиши керак.



**372. Савол:** Масжидимиз имомининг айтишича, маҳрнинг энг ози ўн дирҳам экан. Унинг пулимиздаги қиймати неча сўм бўлади?

**Жавоб:** Бизнинг мазҳабимизда маҳрнинг энг ози миқдори ўн дирҳам кумуш деб белгиланган. Кўпининг эса чеки йўқ, аммо ҳадиси шарифларда маҳрнинг ҳам озига қаноат қилган аёллар мақталган.

Бир дирҳам замонавий ўлчовда 2,975 граммдир, уни ўнга кўпайтирсак 29,75 грамм бўлади. Никоҳ шартномаси тузилаётганида 29,75 грамм кумушнинг қиймати сўмда қанча бўлса, ўша маҳрнинг энг кам миқдори бўлади. Бундан маҳрга ана шу миқдордан ортиқ бериб бўлмас экан, деган хулоса чиқмайди. Динимиз жамиятнинг барча қатлами манфаатини тенг ҳимоя қилгани учун уларнинг энг камбағалига ҳам малол келмайдиган миқдорни белгилаган. Кимнинг шароити кўтарса, бундан кўпроғига қодир бўлса, кўпроқ ҳам бераверади.



**373. Савол:** Ҳозир йигитлар Россияга бориб, ярим йил-бир йил ишлаб келишяпти. Улар анча пайт оиласи билан яшамагани сабаб никоҳлари бузилмайдими?

**Жавоб:** Йўқ, эр-хотиннинг айри яшашлари қанча давом этса ҳам, никоҳлари бузилмайди. Никоҳ эр-хотиндан бири вафот этса, эр хотинини талоқ қилса ёки эр-хотиндан бири куфр сўз айтса, диндан чиқса (муртад бўлса)гина бузилади.



**374. Савол:** Муҳтарам муфтий ҳазратлари! Мен “Хидоят” журналига ҳар йили обуна бўламан. Журналдаги саволларга берган жавобингизни, панду насиҳатларингизни оила аъзоларим билан ўқиб, ундан ўзимиз учун хулосалар чиқариб келмоқдамиз. Бунинг учун сизга ташаккур билдирамиз ва дуо қиламиз...

Сизга саволим бор эди: мен ҳунармандман. Бир маҳалладошимнинг хизматини қилгандим. У ҳақимни бермади. Мен унинг ўғлига бу ҳақда айтганимда: “Ҳақинг бўлса, дадамда, менда эмас, ўзларидан сўрайсан!” деди. Отаси яқинда вафот

**этди. Жанозасида имом:** “Марҳумнинг бирорлардан қарзи бўлса, ким тўлашни зиммасига олади?” деган саволига ҳалиги ўғли: “Мен”, деб жавоб берди. Мен эса ўша заҳоти ҳақимдан кечганимни дилимдан ўтказдим, чунки ўғли ҳақимни бермаслигини яхши билардим. Мен тўғри иш қилдимми? Менга бу ишим учун савоб бўладими?

**Жавоб:** Аллоҳ таоло истаган бандасидан ўз ҳақини кечиб юбориши мумкин. Аммо банданинг бошқа бир банда устидаги ҳақини, то ҳақдор банда кечмагунича, Аллоҳ кечмайди. Шундай экан, сиз жуда ҳам олижаноб иш қилгансиз ва вафот этган одамнинг қарзидан кечиб, унинг зиммасидан ҳақингизни соқит этгансиз. Бу ишингиз учун, иншоаллоҳ, албатта савоб оласиз. Зоро, қилингандар зарра қадар яхшилик ҳам ажрсиз қолмайди ва ўн баробардан етти юз баробаргача савоб ёзилади.

Шу ўринда, одамлардан ўзаро олди-берди масала-ларида сусткашликка йўл қўймасликларини сўраймиз. Бу дунёнинг арзимас моли кўзларига чиройли кўриниб, бирорлар ҳақини еб кетаётганлар охиратда уни ўз савоблари билан тўлашларини билсинлар. Мабодо савоблари бўлмаса ёки савоблари зиммаларидаги қарзни тўлашга етмаса, ҳақдорнинг гуноҳини олиш эвазига қарзларини узишади. Ҳақнинг адолат тарозиси олдида макру алдов, таниш-билиш ва илтимосу узрлар ўтмайди. Ҳисоб-китоб кунидан ҳеч ким қочиб қутулмайди. Мана шунга ишонган одам мўмин ҳисобланади ва қадамини шунга кўра босади...



### 375. Савол: Пайғамбаримизни тушида кўрса нима бўлади?

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни сийрат китобларида баён қилинганд суратларида тушида кўрган киши учун туши яхшилик ва саодатдан башоратдир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу

алайхи ва саллам): “Ким мени тушида қўрса, ҳақиқатда мени кўргандир. Чунки шайтон менинг суратимда кўринмайди. Ким қасддан менинг ҳақимда ёлғон гапирса, жойини дўзахдан хозирлайверсин”, деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).



**376. Савол: Янги түғилган чақалоқнинг қулоғига аzon ва иқомат қандай тартибда айтилади?**

**Жавоб:** Түғилган гўдакнинг қулоқларига аzon ва иқомат айтиш суннат амалларданdir. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайхи ва саллам) бундай деганлар: “Ким түғилган фарзандининг ўнг қулоғига аzon, чап қулоғига иқомат айтса, гўдакка Умму сибён зарар қилмайди: Умму сибён инсонлар ортидан, уларга озор бериш учун эргашиб юрадиган жиндир” (*Байҳақий ривояти*). Чақалоқнинг қулоғига аzon айтувчи киши қиблага юзланиб, овозини бироз баландлатиб гўдакнинг ўнг қулоғига аzon ва чап қулоғига эса иқомат (такбир) айтади.



**377. Савол: Мен бўш пайтларим, айниқса, кечқуруннинг кўп қисмини тасбех ўгиреш билан ўтказаман. Аллоҳ таолога ҳамд, такбир, тасбех ва истиғфор айтаман. Шу ишим тўғрими?**

**Жавоб:** Маълумки, икки елкамиздаги котиб фаришталар оғзимиздан чиқаётган ҳар бир сўзимизни қайд қилиб боришади. Киши бекорчи, лағв гаплар, фийбат-шикоятлар билан вақт ўтказиб, ҳам ўзига, ҳам атрофидагиларга заар етказганидан кўра, зикр билан машғул бўлса, қалби покланади, дили равшан бўлади, номаи аъмолига ҳам савоб ёзиб турилади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, зикр, тасбех ва салавотлар фақат бўш пайтда ёки маҳсус ўтириб, қўлга тасбех ушлаб айтилиши шарт эмас. Уларни доимо: юрганда,

турганда, ўтирганда, бирор иш қилаётиб ҳам айтиб юриш мумкин. Фақат ҳожатхона, ҳаммом каби нопок жойлар бундан мустасно. Зеро, “Қўлинг ишда, дилинг Аллоҳда бўлсин!” деган ҳикматда ҳам шу маъно кўзда тутилган. Валлоҳу аълам.



**378. Савол:** Мен бир қизни ёқтираман, лекин у менга бепарво, мени ёқтирмайди. Бир танишимнинг айтишича, бундай ҳолда “дуохон”ларга бориб “иситиш” мумкин экан. Шу йўл билан муҳаббатга эришиш мумкинми?

**Жавоб:** Ким иситсан фалончи мени яхши кўриб қолади, деб ўйлайдиган бўлса, хато қилади. Зеро, меҳрмуҳаббатга иситиш билан эмас, балки Аллоҳ таолодан қўрқиш ва Унга илтижо қилиш билан эришилади. Иситиш, совутиш, фол Ислом динида ҳаром қилинган амалларданdir. Шунингдек, ундай ишлар билан шуғулланувчи шахсларнинг манзилларини бирорвага айтиш, кўрсатиб юбориш ҳам оғир гуноҳдир (“Равоизул баён”, “Нафуъл муфтий”).



**379. Савол:** Биз томонда (Қашқадарё вилоятида) бир киши 65–70 ёшга етиб, вафот этса, яқинлари маъракага келган ҳар бир одамга 10 минг, ҳатто 20 минг сўмдан пул тарқатиш одати бор. Бундан ташқари, таъзиянинг биринчи куни ўн-ўн бешталаб молқўй сўйиб, келганларга зиёфат берилади. Шу иш тўғрими?

**Жавоб:** Нотўғри. Агар, келганларга пул тарқатишни марҳум васият қилган бўлса ва тарқатиладиган пул марҳум меросининг учдан биридан кўп бўлмаса, васият адо этилади. Акс ҳолда, марҳум қолдирган молни тарқатиш мумкин эмас. Зеро, у қолдирган мол меросхўрлар ҳаққи ҳисобланади.

Марҳум ўтганидан бошлаб, уч кун ичида таъзияхонада таом пишириш ва одамларга зиёфат бериш таҳримий макруҳдир. Балки, бундай пайтларда қўни-қўшни, маҳалла аҳли бирор иссиқ овқат пишириб, азадор хонадонга киритиши керак. Зеро, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай тавсия берганлар.



**380. Савол:** Бироннинг айбини яшириш яхши, савобли амал эканини билдим. Яшириш савоб бўлган айбу нуқсонларнинг тури, чегараси борми? Қайси айбларни яширса бўлади, қайсиларини яшириб бўлмайди?

**Жавоб:** Динимизда бошқаларнинг, мўмин қардoshининг камчиликларини, айбу нуқсонларини ошкор этишдан қайтарилиган. Лекин айб қилаётган одамнинг ёнига бориб, бу иши дуруст эмаслигини ширин тил ва холис ният билан тушунтиришга ҳаракат қилинади. Балки у қилаётган иши нотўғрилигини билмас ва насиҳатингиз билан бу ишидан тўхтар. Борди-ю, қайсарлик қилиб, ўз қилмишида давом этаверса, сиз уни ёмонмункар ишдан қайтариш билан ўз вазифангизни адоқилган бўласиз. Қолгани ўзига ҳавола.

Динимизда қайтарилиган ишларни давомий қиладиган одам фосиқ дейилади. Ана шундай фосиқ кимсларнинг ёмонлигидан бошқаларни огоҳ этиш учун уларнинг кирдикорларини ошкор қилиш мумкин.

Бундан ташқари, баъзи ёмон ишлар борки, уларнинг зарари биргина шахсга эмас, балки кўпчиликка, ҳатто бутун бир жамиятга таҳдид солиши мумкин. Ана шундай вазиятда бу ишдан тегишли муассаса ва ходимларни огоҳлантириш лозим, ҳатто савобли амаллардан ҳисобланади.



**381. Савол:** Орзу қилишнинг ҳам шаръий чегараси борми? Киши ножӯя орзулари учун гуноҳкор бўладими?

**Жавоб:** Орзу, агар дунёга муҳаббатни зиёда қилиб, охиратни унуттирадиган даражада бўлмаса, унинг заари йўқ. Ҳар бир нарсанинг ҳадди бор. Орзуда ҳам ҳаддан ошмаслик, турли бидъат, хурофот ва исрофгарчиларни орзу қиласлик керак. Шунингдек, ношаръий нарсаларни орзу қилишдан сақланиш лозим. Зеро, бу каби орзулар киши қалби пок эмаслигини билдиради ва у амалга ошмаган тақдирда гуноҳ ёзилмаса ҳам, эгасини охир-оқибат ёмон йўлларга олиб боради.



**382. Савол:** Маййитни дағн этишда имом ғишт ёки гувалага нималарни ёзиб беради? Ушбу ёзувларни лотин ёки кирилл алифбосида ёзиш жоизми ёки фақат арабча ёзилиши шартми?

**Жавоб:** Маййит кафанига ёки қабр айвонини ёпишга ишлатиладиган гувала ё ғиштга оятлар, Аллоҳнинг исмини ёзиш мумкин эмас. Чунки маълум муддат ўтгач, мурда чирийди ва мазкур ёзилган нарсаларга нопоклик етади. Бу эса оят ва Аллоҳ таолонинг исмига ҳурматсизлик бўлади.



**383. Савол:** Маййит дағн этилгач, неча кун ичида худойи қилиш керак?

**Жавоб:** Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, барча солих амалларнинг савобини маййит руҳониятига бағишлиаш мумкин. Таом ҳозирлаб, уни камбағалларга улашиш ва савобини марҳумнинг руҳониятига бағишлиаш ҳам жоиз. Бироқ буни зиёфат

шаклида қилмаслик керак. Зоро, маййит вафотидан уч кун ўтмай, таом ҳозирлаш ва одамларни чорлаб, уни зиёфат тарзида тарқатиш таҳримий макруҳдир. Уч кундан сўнг кимнинг кучи етса, имкони қўтарса, истаган пайтда муҳтожларни чақириб, дастурхон ёзинши мумкин.



**384. Савол: Баъзи жойларда оламдан ўтган одам учун “давра” деган маросим ўtkазиларкан. Унинг мазмун-моҳияти ҳақида айтиб берсангиз.**

**Жавоб:** Шариатимизда фидя масаласи бор. Унинг моҳияти шуки, мусулмон одам балоғатга етгач, умрининг охиригача ўзига фарз қилинган ибодатларни бажаришга масъул бўлади. Беморлик ёки мусофирилик каби узрлар билан ўтай олмаган ибодатлари қазосини ушбу узрлари кетгач, ўтайди. Тузалишидан умид йўқ bemorлар, ўта қартайган кексалар учун динимизда фидя жорий этилган. Яъни, улар тутолмай қолган бир кунлик рўзаси учун ярим соъ (икки кило) буғдой ёки унинг қийматини камбағалларга фидя беришади. Бунинг Қуръон ва суннатда далиллари бор.

Ином Муҳаммад, Ибн Обидин каби забардаст ҳанифий уламоларимиз ана шу далилларга қиёсан, ўқилмай қолган намоз учун ҳам шунча миқдорда фидя беришни жоиз дейишган. Фақат фарқи, рўзанинг фидясини киши ҳаётлигида ўташи мумкин. Аммо намознинг фидясини тирик одам ўзи учун бера олмайди.

Киши bemorлиги ёки бошқа шаръий узр билан адo қилолмаган намоз ва тутолмаган рўзалар учун фидя беришни васият қилсагина, меросининг учдан бир қисмидан фидя чиқарилади. Бир кунлик фарз намозлар ва витрнинг ҳар бири учун ярим соъ (икки кило)дан, жами 12 кило буғдой ёки унинг қиймати фидя сифатида

берилади. Мазкур сонни намоз адо этилмай қолган кунлар миқдорига кўпайтирса, умумий фидя миқдори чиқади. Бир ой рўзанинг фидяси 60 кг буғдой (ёки қиймати)дир.

Таассуф билан айтиш керакки, “давра” шариатимизда жорий бўлган фидя ҳақидаги масалага зиддир. Турли сабабларга кўра, мусулмонлар орасида ҳар хил бидъат ва хурофотлар жорий бўлиб қолган. “Давра” шундай хурофотлардан биридир.

“Давра” тарғиботчилари эса марҳум ҳали дафн қилинмасдан туриб, унинг умрини ҳисоблаб, марҳум васият қилмаган бўлса-да бунча намози ва бунча рўзаси қолибди, шунинг учун фалон миқдорда мол беришингиз керак, деб марҳумнинг қариндошларидан мол-пул талаб қиласди. Аллоҳ таоло мусулмонларни бировларнинг мол-мулкини ботил йўллар билан ўзлаштиришдан қайтарган: «**Эй имон келтирганлар! Мол-мулкларингизни ўртада ноҳақ (йўллар) билан емангиз!**...» (Niso, 29).



**385. Савол:** Биз томонларда майитни ювиш жараёнида сувга Ёсин сурасини ўқиб дам солиш одати бор. Шу тўғрими?

**Жавоб:** Майит ювиладиган сувга дам солишнинг динимизда бирон-бир асоси йўқ.



**386. Савол:** Мен бир дўстимдан қарз сўрадим. У нақд пули йўқлигини, аммо пластик карточкасида маблағи борлигини ва истасам бериши мумкинлигини айтди.

**Мен олдим.** Қарзни қайтаришда нақд пул билан қайтарсам рибо бўлмайдими?

**Жавоб:** Агар қайтарилган нақд пул пластик карточкадан тўланган пул миқдорига teng бўлса, рибо бўлмайди.



**387. Савол:** Мен савдо соҳасида ишлайман. Маҳалла-кўй, қўни-қўшни дўконимдан кўпинча насияга нарса олишади. Мен молнинг пулинини дарҳол берса, арzonроқ, беш-ўн кун ёки ярим ойдан кейин бераман деса, сал қимматроққа сотаман. Шу ишим шаръян жоизми?

**Жавоб:** Агар сиз молни насияга олган харидорга, пулинин тўлаш муддатини аниқ белгилаб, масалан, 15 август куни, деб сотсангиз жоиз бўлади. Чунки мол насияга сотилганда ё олинганда пул тўлаш муддати аниқ белгиланиши лозим. Акс ҳолда, савдо фосид бўлади. Валлоҳу аълам.



**388. Савол:** Обрўли ҳамқишлоқларимиздан бири бетоб бўлиб ётиб қолди. Кўпчилик бўлиб уни кўргани бордик. Бир дўстимиздан: “Сен ҳам кўргани бордингми?” деб сўрасак, у: “Ўша одам мен касал бўлганимда келмаган, мен ҳам уни кўргани бормадим”, деди. Шу иши тўғрими?

**Жавоб:** Касалнинг ҳолидан хабар олиш, унинг кўнглини кўтариш мўминлик бурчларимиздандир. Эътибор беринг, бу ихтиёрий, бирорвга жавоб тарзида бажариладиган амал эмас, балки бемор диндошимизнинг зиммамиздаги ҳақидир. «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мусулмоннинг мусулмондаги ҳақи олтитадир”, дедилар. “Улар қайсилар, ё Расулуллоҳ?” дейилди. “Қачон уни учратсанг, салом бер, сени чорласа, унга жавоб бер, сендан насиҳат сўраса, унга насиҳат қил, акса урса ва Аллоҳга ҳамд айтса, уни дуо қил, бемор бўлса, уни бориб кўр ва қачон вафот этса, (жанозасида) ҳозир бўл”, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Динимизда касални кўргани борганга улуг ажру мукофотлар ваъда қилинган. Ҳазрат Али (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «У киши: “Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: “Мусулмон киши бир мусулмонни эрта тонгда кўргани борса, оқшом тушгунича етмиш минг фаришта унинг гуноҳлари кечирилишини сўрайди. Агар уни оқшомда кўргани борса, тонг отгунича етмиш минг фаришта унинг гуноҳлари кечирилишини сўрайди”, деганларини эшитганман”, дедилар» (*Имом Термизий*).

Шунинг учун, bemornining ҳолидан хабар олинг ва Аллоҳ таоло берадиган улуг ажрларга эга бўлинг! Бу билан ўзаро алоқа, ҳамжиҳатлик ришталари мустаҳкам бўлади. Айни пайтда, бундай қилиш бир мардлик, тантилик нишонаси ҳамдир. Сўфи Аллоҳёр ҳазратлари айтганидек:

«Отанг ердир, сенам ердек қилиқ қил,  
Ёмонлик айлаганга яхшилик қил...»



### **389. Савол: Илтимос, қарз олиш ва бериш ҳакида кенгроқ тушунча берсангиз.**

**Жавоб:** Қарз бериш шариатимизда савобли амаллардан ҳисобланади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: “Ким бирорта мусулмонни дунё ташвишларининг биридан қутқазса, Аллоҳ таоло у банданинг қиёмат қунидаги битта ташвишидан қутқазади. Ким бирор кишининг оғирини енгил қилса, Аллоҳ таоло банданинг дунё ва охиратдаги ишини енгил қиласи”. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирорта мусулмон киши бошқа бир мусулмонга қарз берган бўлса, садақа қилганлик савобини топади”, деганлар (*Имом Ибн Можа ривояти*). Бошқа бир ҳадисда эса: “Садақа қилган одамга ўнта савоб, қарз

берган одамга ўн саккизта савоб бўлади”, дейилган (*Имом Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривояти*).

Куръони каримда: «**Эй имон келтирганлар!** Бирбирингиздан бирор муддатга қарз олиб, қарз берсангиз, уни ёзиб қўйингиз!..» дейилган (*Бақара, 282*).

Яна Аллоҳ таоло: «...Сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини гувоҳ қилинглар. Агар икки эркак топилмаса, бир эркак билан икки аёлдир – бири (унутиб) адашганда, иккинчиси эслатади», деб марҳамат қилган (*Бақара, 282*).

Қарз берган ва олинган вақтда уни ёзиб қўйиш турли низолар чиқмаслигига сабаб бўлади.

Қарздор киши қарзини имкон қадар тезроқ узишга ҳаракат қилиши лозим. Қарзини узишга етадиган моли бўлатуриб, уни эгасига бермай вақтни ўтказиб юриш зулмдир.

Қарз берганда, аввало, бироннинг оғирини енгил қилиш билан Аллоҳнинг розилигини топишни мақсад қилиш лозим. Қарз бериб, унинг эвазига қарздордан фойда олиш судхўрликдир. Қарз берган киши қарзини қистайвермаслиги, агар қарздор қарзини уза олишига кўзи етмаса, қарзидан кечиб юбориши савоб бўлади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: «**Агар (қарздор) қийналса, бойигунга қадар кутиш лозим. Агар билсангиз,** (берган қарзингизни қарздорга) **садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир**» (*Бақара, 280*).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам: “Кимки қарзини узишга қийналган одамга мухлат берса ёки қарзини бутунлай кечиб юборса, қиёмат кунида Аллоҳ таоло уни Ўзининг арши соясига олади”, деганлар.



### **390. Савол: “Шаръий ҳийла” нима?**

**Жавоб:** Ҳийла, луғатда ишларни амалга оширишда моҳирлик қилиш маъносидадир. Фуқаҳолар истилоҳида ҳийла мақсадга заковат ва фаросат билан етишиш йўли, деб таъриф берилган.

Ҳийлалар икки турга: мумкин бўлган ҳийлалар ва ҳаром бўлган ҳийлаларга бўлинади. Шаръий асосларни поймол қиласидиган ва шариат мақсадларига зид бўлган ҳийлалар ҳаром бўлган ҳийлалар хисобланади.



### **391. Савол: Кийиниш одоби ҳақида маълумот берсангиз...**

**Жавоб:** Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Исроф қилмай ва кибр-ҳавога берилмай енглар, ичинглар, кийининглар ва садақа қилинглар!” деганлар.

Абу Сайд Худрий (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласиди: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) янги либос кийган вақтларида бундай дуо қиласидилар: “Аллоҳумма инни асьалука мин хайриҳи ва хайри ма ҳавлаҳу ва аъузубика мин шарриҳи ва шарри ма ҳавлаҳу”.

Кўйлак ёки жома енгини бармоқлардан узун қилиш макруҳdir.

Кийимни покиза тутиш лозим. Зеро, “Поклик имоннинг ярмидир” (*И мом Бухорий ривояти*).

Кибру ҳавога берилмаслик шарти билан, яхши либос кийиш жоиздир.



### **392. Савол: Диний китобларни ётиб ёки ёнбошлаб ўқиса бўладими?**

**Жавоб:** Диний китобларни узрсиз ётиб ўқиш макруҳ. Лекин кексалик ёки чарчоқ туфайли ёнбошлаб ёки ётган ҳолда ўқиш жоиз, дейилган.



**393. Савол:** Насияга мол сотиш ёки сотиб олиш мумкинми?

**Жавоб:** Насияга мол сотиш ва сотиб олиш мумкин. Насияга сотишда пулни тўлаш муддати аниқ белгиланиши (масалан, фалон ойнинг фалон кунида пулинин берасан (бераман) лозим. Акс ҳолда савдо фосид (бузук) бўлади.



**394. Савол:** Холамни кўргани шифохонага борсам, кўп қон йўқотган бир bemorga қон қувиш учун шифокорлар одамлардан қон гурӯҳини сўрашаётган экан. Шариатда бирорвага қон бериш ҳақида нима дейилган?

**Жавоб:** Қон гурӯҳи bemorning қон гурӯхига тўғри келадиган киши kасалнинг ҳаёти хавф остида бўлса ва у ерда ўзидан бошқа ҳеч ким топилмаса, унга беминнат ёрдам кўрсатиши жоиз бўлади.



**395. Савол:** Биз қабристонга яқин жойда турамиз. Баъзан қабристон томондан ноҳуш ҳидлар келади. Сабабини билсак, айrim кишилар қабристонда сағаналар қуриб, маййитни ерга кўймасдан, ўшанинг ичига қўйишар экан. Шариатда шунга рухсат борми?

**Жавоб:** Маййитни ерга, лаҳад қазиб дафн этиш суннатdir. Маййитни лаҳадга дафн этиш имкони бўлган ҳолда ер устига, сағанага қўйиш суннатга зид бўлганидан макруҳdir (“Раддул муҳтор алад Дуррил муҳтор”).



**396. Савол:** Бозорга борсам, қўпинча она қўйларни “қорнида боласи бор, туғадиган, бу икки қўй бўлади”, деб таниархидан баландроқ сотишга ҳаракат қилишади.

**Шариатда шундай деб сотиш жоизми?**

**Жавоб:** Йўқ. Жоиз эмас. Агар қўйни “қорнида боласи бор, яқинда иккита бўладиган”, деб сотса, савдо фосид бўлади. Чунки қўй соғлом қўзи туға оладими, йўқми мавҳумдир. Савдо фосид бўлса, уни бекор қилиш вожиб бўлади. Агар фосид савдо билан олинган нарса сотилса, кўрилган фойдани садаقا қилиш лозим бўлади (“Фатовоийи Ҳиндия”).



**397. Савол:** Тегирмончининг хизмат ҳақини янчилган буғдой унидан берса бўладими?

**Жавоб:** Бўлмайди. Ҳанафий мазҳабида бирорга бу буғдойни тортиб, уни қилиб берсанг, иш ҳақингга ўшандан бунчасини оласан, дейиш мумкин эмас.



**398. Савол:** Мен бозордан сигир сотиб олган эдим. Сигир эгаси айтган миқдорда сут бермаяпти. Савдони бекор қилиб, сигирни эгасига қайтаришим мумкинми, шариатда бу ҳақда нима дейилган?

**Жавоб:** Харидор сотувчини ёки сотувчи харидорни ёинки улардан бирини даллол алдаса, алданган киши нарсасини қайтаришга ҳақи бор. Шунингдек, сигирни оловчи одам уни уч кунгача соғиб кўрай, деган шартни қўйишишга ҳақи бор. Шу орада у сигирни соғиб кўради, сотувчи айтганидан кам сут берса, уни қайтариш ҳақи бўлади. “Савдода алдаш ҳаромдир” (“Раддул муҳтор”).



**399. Савол:** Маййитни лаҳадга қўйиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз? Баъзи одамлар орасида шу ҳақда баҳсли саволлар пайдо бўлган.

**Жавоб:** Маййитни қабрга қўйишда, лаҳад ичига бир киши кириб, қабр айвонида икки ё уч киши туради. Улар маййитни қабрга озор бермай қўйишга кучлари етадиган солиҳ, ишончли бўлишлари мустаҳабдир. Қабр айвонида турғанлар маййитнинг оёқ томони билан лаҳад ичидаги одамга узатади. У оҳисталик билан маййитни ўнг тарафи билан қиблага юзлантириб ётқизиша: “Бисмиллаҳи ва ала миллати Расулиллаҳи”, дейди. Сўнг кафан боғичларини ечиб қўяди (“Мароқил фалоҳ”).

Аёл кишини ўз маҳрамлари қабрга қўяди (“Ал-Мұхитул Бурҳоний”).

# **ИСЛОМ ТАРИХИГА ДОИР МАСАЛАЛАР**





**400. Савол:** Жума кунлари масжидимизга эртароқ бориб, имом домланинг маърузаларини диққат билан тинглайман. Гоҳо ўзимга нотаниш бўлган сўзларни биладиганлардан сўраб оламан. Ўтган жума имом домла “мансух” деган сўзни айтдилар. Суриштирасам, ҳукми бекор қилинган оятлар мансух дейиларкан. Шу ҳақда бизга маълумот берсангиз.

**Жавоб:** “Мансух” сўзининг маъноси ҳукми бекор қилинган деганидир.

Куръони каримда:

﴿مَا نَسَخَ مِنْ آيَةٍ أَوْ نُنْسِهَا نَأْتِ بِخَيْرٍ مِّنْهَا أَوْ مِثْلِهَا أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾  
16

«(Эй Мұхаммад!) Бирор оятни бекор қилсак ёки ёдингиздан чиқартырсак, ундан яхшироғини (умматингизга муносиброғини) ёки ўшанинг (айнан) ўзига teng (бошқа оят)ни келтираверамиз. Аллоҳнинг ҳар нарсага қодир эканини билмадингизми?!» (Бақара, 106) дейилган.

“Насх” сўзи лугатда бекор қилиш, йўқ қилиш маъноларини англатади. Истилоҳда эса, олдинги бир ҳукмнинг ўрнига бошқа бир ҳукмни келтиришни билдиради.

Насх уч хилдир:

1. Тиловати ва ҳукми мансух бўлган оятлар. Бу оятларга амал қилиш жоиз эмас.

2. Тиловати мансух бўлиб, ҳукми боқий бўлган оятлар.

3. Ҳукми мансух бўлиб, тиловати боқий бўлган оятлар.

Биринчи ва иккинчи хил насх қилинган оятлар сони жуда ҳам оздир. Ҳукми мансух бўлиб, тиловати боқий қолган оятлар кўпдир. Куръон ўқийдиган ҳар бир киши ана шу оятларни ўқигани учун ҳам савоб олади (“Равоиҷул баён”).



**401. Савол:** Ҳурматли Муфтий ҳазратлари! “Нимаики хайр-эхсон қилсангиз, отона, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофириларга қилингиз!” (Бақара, 215) оягини шарҳлаб берсангиз. Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

**Жавоб:** Ушбу оятда инсон кимларга инфоқ-эхсон қилиши керак экани маълум қилинган.

Ота-она: Ота-она инсон учун энг яқин кишилар, уларнинг фарзандларида ҳақлари кўп. Куръони каримда буюрилган:

﴿ وَقَضَى رَبُّكَ أَلَا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَنَّا إِمَّا يَبْلُغُنَّ عِنْدَكُمْ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَّاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أُفِّيٌّ وَلَا نَهْرُهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قُوَّلًا كَرِيمًا ﴾٢٣﴾ وَأَخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الْذَلِيلِ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ أَرْجُوهُمَا كَارِيَّانِ صَغِيرًا ﴾٤٤﴾

«Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “уф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! Уларга меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: “Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганлариdek, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!”» (Исрo, 23–24).

Қариндош-уруг: Қариндошларга инфоқ-эхсон қилиш билан киши икки ҳисса савобга эришади. Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

“Мискинга қилинган садақага битта савоб, қариндошга қилинган садақага иккита савоб: бири садақа, иккинчиси, силаи раҳм учундир” (Имом Термизий).

**Етимлар:** Етимлар жамиятдаги энг ожиз ва ҳимоясиз тоифадир. Уларга яхшилик қилиш, инфоқ-эхсон улашиб меҳр кўрсатишнинг савоби улуғидир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Мен ва етимни қарамоғига олган киши жаннатда мана шундай ёнма-ён турамиз”, деб кўрсаткич ва ўрта бармоқларини очиб кўрсатдилар (*Имом Бухорий*).

**Мискинлар** (ҳеч қандай мулкка эга бўлмаганлар): Қуръони карим оятлари ва ҳадисларда мискинларга эхсон қилишга кўп тарғиб этилади. Мискинлар садақа олишга ҳақли кишилар бўлиб, уларнинг ҳожатини чиқариш улкан савобдир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бева ҳамда мискинга инфоқ қилиш учун саъй қилган киши, Аллоҳ йўлида жиход қилган, туни билан намоз ўқиган ва куни бўйи рўзадор юрган киши кабидир”, деб марҳамат қилганлар (*Муттафақун алаих*).

**Мусофиirlар:** Мусофиirlар киши ўз шахри, қишлоғидан узокда бўлиб, унга турли машаққатлар этиши мумкин. Шунда ёрдам сўрайдиган яқинлари бўлмагани боис, қийналиб қолиши табиий. Шу боис у инфоқ-эхсон қилинадиганлар қаторида зикр этилган.

Шунингдек, талабаларни ҳам мусофиirlар деб айтилади. Баъзи манбаларда “ибни сабил”, яъни биз “мусофиir” деб таржима қилганимизни Аллоҳ йўлида илм ўрганаётганлар, дея тафсир қилинган.



**402. Савол:** Ҳурматли Муфтый ҳазратлари, сиздан илтимос, дуо қилиш одоблари ҳақида тушунча берсангиз.

**Жавоб:** Қуръони каримда:

﴿ وَقَالَ رَبُّكُمْ أَدْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي سَيَدِ الْخُلُونَ جَهَنَّمَ دَاهِرِينَ ﴾

«Парвардигорингиз: “Менга дуо қилингиз, Мен сизлар учун (дуоларингизни) ижобат қилай!” – деди. Албатта, Менга ибодат қилишда кибр қилған кимсалар яқинда тубан ҳолатда жаҳаннамга кируглар» (*Fofir*, 60) дейилган.

Жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қиласидар: “Бирор мусулмон Аллоҳга дуо қилса, Үндан маъсиятни ва қариндошлиқ алоқасини узишни (сўрамаса), Аллоҳ унга уч нарсадан бирини беради. Ё дуоси тезда ижобат бўлади, ёки охиратга захира қилиб (сақлаб) қўяди. Ёхуд дуоси баробарида үндан ёмонликни кетказади”. Саҳобалар: “Ундей бўлса (дуони) кўпайтирамиз”, дейиши. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ (мукофотини) ҳам кўпайтиради”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Дуонинг одоблари ушбулардир:

1. Ихлос.
2. Дуони бошлашда ва охирида Аллоҳга ҳамду сано айтиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га салавот айтиш.
3. Қабул бўлишига аниқ ишонч билан дуо қилиш.
4. Дуода давомли бўлиш, умидсизликка тушмаслик.
5. Қалбдан дуо қилиш.
6. Тангликда ҳам, фаровонликда ҳам дуони тарк қилмаслик.
7. Аллоҳнинг Ўзидангина ёрдам сўраш.
8. Жуфти ҳалоли, моли, фарзанди ёки ўзини ёмон дуо қилмаслик.
9. Илтижоли паст овозда хокисорлик ила сўраш.
10. Дуодан олдин гуноҳларини тан олиб, истиғфор айтиш. Неъматларни эътироф этиб, унинг учун Аллоҳга шукр қилиш.
11. Дуода қофияли сўзлар ишлатмаслик.
12. Рағбат билан ва қўрқув билан сўраш.

13. (Бировнинг) ҳақини олган бўлса, эгасига қайтариб, тавба қилиш.
14. Сўраганларини уч бор такрорлаш.
15. Қиблага юзланиб сўраш.
16. Кафтини очиб, қўлинин кўкрак баробарида кўтариб, дуо қилиш.
17. Имкон қадар таҳоратли бўлиш.
18. Дуода бақир-чақир қилиб, ҳаддидан ошмаслик.
19. Ўзидан бошлаш.
20. Таоми, ичимлиги, кийими ҳалолдан бўлсин.
21. Гуноҳ қилишни сўраб ёки қариндошлик риштасини узишни сўраб дуо қиласлик.
22. Яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтариш ҳам дуо ижобат бўлишига сабабdir.
23. Гуноҳлардан тийилиш.

Ҳадиси шарифда: “Дуо ибодатнинг илигидир”, дейилган. Демак, биз дуо қилиш орқали савобга эришамиз ва гуноҳларимиз мағфират қилинади.



### **403. Савол: “Мўмин мўминнинг кўзгусидир” мазмунли ҳадисни шарҳлаб берсангиз, илтимос.**

**Жавоб:** Мўмин киши ғоят соф бир кўзгу каби бўлиши керакки, унга қараган бошқа мўминлар ўз айбу қусурларини кўриб, ўзларини тузатсинлар. Бу мўмин кишининг камолотига боғлиқдир. Маънан баркамол бўлмаган жоҳил, хулқи бузук кимсалар бундай соф кўзгу бўлолмайдилар. Мўминлар улардан ҳам сабоқ олиб, камолот касб этишлари лозим. Луқмони Ҳакимдан: “Адабни қаердан ўргандинг?” деб сўраганларида: “Адабсиздан” деб жавоб берган экан.

Биз биродаримиз учун бир ойна эканимизни унумайлик! Улар ҳам биз учун ойнадир. Биз ўзимизни уларда кўрамиз. Исломий биродарлик туғишган ака-ука бўлишдан ҳам қимматлироқдир. Зинҳор биродарларимиз

шаънларига ёмон сўз айтмайлик. Хатою камчиликлари боис уларга қора чапламайлик. Ўз ака-укаларимизни қандай ҳимоя қилсак, мусулмон биродарларимиз шаънини ҳам шундай асралайлик, ҳурмат қиласли.

Мўмин киши биродарига қаерда дуч келса, унинг ҳолини сўрайди, кези келганида, уни ҳимоя қиласли. Шу зайлда биродарининг дунёсини ҳимоя қиласар экан, маънавиятини ҳам муҳофаза қиласли. Унинг ёмон жойларга боришига йўл қўймайди, гуноҳ ишлар қилишига асло рози бўлмайди. Уни ҳеч вақт ўз ҳолига ташлаб қўймайди. Доим унинг саодати ва омонлиги учун жон куйдирали. У йўқлигига унинг бола-чақасини ҳимоя қиласли, таъминлайди.

Ана шу юксак фазилатларга эга бўлган кишигина комил мўмин бўла олади. Ушбу хусусиятлар орқали мўмин кишининг имони нечоғли мустаҳкам экани билинади. Ҳар биримиз мазкур сифатлар билан сифатлансанак, комил мўмин даражасига етган бўламиш.



#### **404. Савол: Нима учун биз Иброҳим (алайҳиссалом) миллатиданмиз, деймиз?**

**Жавоб:** Бу ерда миллат дин маъносидадир. Иброҳим (алайҳиссалом)дан кейинги барча пайғамбарлар у зотнинг зурриётлари бўлганлари учун ана шундай дейилади. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам ота томонидан Иброҳим (алайҳиссалом)-нинг ўғиллари Исмоил (алайҳиссалом)га боғланадилар. Оналари ҳазрат Омина ҳам Исмоил (алайҳиссалом) авлодлариданdir.

Қуръони каримда:

﴿ مَا كَانَ إِبْرَاهِيمُ يَهُودِيًّا وَلَا نَصَارَىًّا وَلَكِنْ كَانَ حَنِيفًا مُسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴾

**«Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаган, балки тўғри йўлдан тоймаган (ҳаниф) мусулмон бўлган ва мушриклардан бўлмаган» (Оли Имрон, 67) дейилган.**



**405. Савол: Ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Айримлар Худо, пайғамбар, дин битта бўлса, мазҳабнинг кераги йўқ, дейишади. Буни қандай тушунса бўлади?**

**Жавоб:** Саҳобалар ҳам ижтиҳод қилганлар. Масалан, Бани Қурайзага уч-тўрт кишилик аскар юборатуриб, Мұхаммад (алайхиссалом): «Бани Қурайзага етиб бормасдан туриб аср намозини ўқиманглар!» дедилар. Ҳали саҳобалар кўзлаган манзилга етиб бормасларидан аср пайти бўлди. Шунда улардан баъзилари намозни ўқиб олишди, қолганлари эса юқоридаги ҳадисга амал қилишди. Бу ишларининг хабари Расулуллоҳ (алайхиссалом)га етиб келганида, у киши улардан ҳеч бирининг қилган ишини инкор этмадилар. Демак, ўша даврда ҳам ижтиҳодга рухсат берилган.

Энди «Мазҳаб керакми?» деган саволга келсак, за-лолатта кетиб қолмаслик учун, ихтилофга сабабчи бўлиб қолмаслик учун мазҳаб албатта керак. Ҳалқни мазҳабсизликка тарғиб қилиш мумкин эмас. Чунки уларга Қуръон ва ҳадисдан ҳукм чиқариб берадиган йўлбошчи, устоз бўлиши лозим. Суриялик машҳур олим Рамазон Бутий мазҳабсизликка чақиравчиларни энг хатарли бидъят, мазҳабсизликни эса, динсизликка олиб борувчи кўприк, деб баҳолайди.



**406. Савол: “Қиёмат аломатлари” номли китобда (Тошкент, 2003) Пайғамбари-миз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай ҳадиси шарифлари келтирилади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен**

пайғамбар этиб юборилганимда қиёмат мана шундай эди” дея ўрта ва кўрсаткич бармоқларига ишора қилдилар». Шу ҳадис мазмунини тушунтириб берсангиз.

**Жавоб:** Дарҳақиқат, у ҳадис мазкур китобнинг “Қиёмат яқин қолди” номли бобида келтирилган. Бу боб номидан ҳам келтирилган ҳадис ва оятлар қайси мавзуда эканини англаб олиш қийин эмас. Бундан ташқари, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг икки бармоқларини ёнма-ён кўрсатишлари ишора қилинаётган нарсанинг яқинлашаётганини билдиради.



**407. Савол:** Барчамизга маълумки, инсонга моддий зарар етказиш каби маънавий зарар етказиш ҳам қораланади. Бунгунги кунда қизларнинг тор шим кийиб юришлари ҳар қандай эркак зотининг назарини ўзига тортади, чалғитади, лекин бу зарар учун ҳеч ким жавоб бермайди. Айтинг-чи, қиз болаларнинг мана шундай юриши тўғрими? Бундан ташқари, Пайғамбаримизнинг “Ўзини эркакларга ўхшатиб юрувчи аёлни Аллоҳ лаънатласин”, деган ҳадислари ҳам бор-ку.

**Жавоб:** Қизларнинг тор шим кийиб юриши шариатга муносиб эмас. Чунки бунда унинг қомати буткул намоён бўлиб қолиши эҳтимоли бор. Бу эса фитнага сабаб бўлиши мумкин. Иккинчидан, эркакларга тақлид қилиб кийиниш ҳам юқоридаги ҳадисга мувофиқ қораланади.

Масаланинг бошқа тарафи ҳам бор. У ҳам бўлса маънавий зарар етказиш. Шариатга номуносиб кийинди, дегани бошқаларга маънавий зарар етказди, дегани эмас. Балки аёл-қизларнинг ораста кийинишлари билан бир қаторда эркаклар ҳам ўз назарларини жиловлаб олишлари лозим.



**408. Савол:** “Ўн саккиз минг олам” тушунчи мавжуд. Ўн саккиз минг рақами Куръонда ёки суннатда келганми?

**Жавоб:** “Ўн саккиз минг олам” ибораси Куръони карим ва ҳадисларда учрамайди. Асосан бизнинг минтақа мусулмон адибларининг асарларида, тасаввуф адабиётида бу иборадан кенг фойдаланилган. Шундай бўлса-да, бу рақам айнан ўн саккиз минг олам борлигига эмас, балки кўпликка далолат қилади. Муфассирлар оятда келган “оламларнинг Раббиси” иборасидаги оламлар жуда кўп, ҳисобсиз эканига ишора қилиб, ўн саккиз минг деб рамзий таъвил қилишгани боис, шартли равишда шу саноқ қабул қилинган.

Баъзилар эса ҳайвонот, ўсимлик, ер, осмон кабиларни санаб, оламларни мазкур саноққа teng деб изоҳлашга ҳаракат қилишади. Лекин муайян сонга тўхталиш тўғри эмас. Чунки олам ва коинот сир-синоатларини тўлиқ билишга инсоннинг ақли ожиз.



**409. Савол:** Яҳудийлар нима сабабдан Фотиҳа сурасида “ғазабга учраганлар”, дейилган? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Кўплаб тафсирларда яҳудийларнинг ғазабга учраш сабаблари итоатсизлик қилганлариdir, деб тафсир қилинган. Бу ҳақда Бақара сурасининг 61-оятида ҳам айтилган. Мусо (алайҳиссалом)нинг қавми (яҳудийлар) ношукрлик ва итоатсизлик қилишган, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлишган.



**410. Савол:** Бир китобда “Усулуддин” деган иборани ўқидим. Лекин маъносига яхши тушунолмадим. Илтимос, шуни изоҳлаб берсангиз.

**Жавоб:** Усулуддин (арабча – дин асослари) Ислом шариати ва дин хукмларининг ўзаги бўлган ақидага доир илмдир.

Ақида масалалари диннинг асосидир. Уни билмаган одамнинг ибодати ҳам дуруст бўлмайди. Ҳозир “усулуддин” атамаси ўрнига кўпроқ “ақоид” сўзи ишлатилади.



**411. Савол:** Исломда “мукаллаф” деб кимларга айтилади?

**Жавоб:** “Мукаллаф” сўзи луғатда зиммасига вазифа юкланган, таклиф этилган каби маъноларни англатади. Истилоҳда эса, шариатда буюрилган амалларни бажариши шарт бўлган балоғат ёшига етган, ақл-хуши жойида бўлган мусулмонлар мукаллаф дейилади.



**412. Савол:** Ассалому алайкум. «Ар-Раҳмон» сурасининг 17-оятида нима учун машриқ ва мағриб иккилиқда келганинг сабабини тушунириб берсангиз?

**Жавоб:**

﴿رَبُّ الْمَشْرِقِينَ وَرَبُّ الْمَغْرِبِينَ﴾

١٧

«(Аллоҳ) икки машриқнинг (яъни кун ва ой чиқадиган томонларнинг) ҳам, икки мағрибнинг (кун ва ой ботадиган томонларнинг) ҳам Парвардигоридир» (*Ар-Раҳмон*, 17).

﴿رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا وَرَبُّ الْمَشَرِقِ﴾

٥

«(У) осмонлар, Ер ва уларнинг ўртасидаги нарсаларнинг Раббидир. (У яна) машриқ (ва мағриб) томонларнинг ҳам Раббидир» (Соффот, 5).

﴿قَالَ رَبُّ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَمَا بَيْنَهُمَا إِنْ كُنْتُ عَقِلُونَ﴾  
28

«(Мусо) айтди: “Агар ақл ишлатувчи бўлсангиз, У машриқ ва мағриб ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларнинг (ҳам) Парвардигоридир”» (Шуаро, 28).

Юқоридаги оятларда машриқ ва мағриб ибораси бирлик, иккилик ва кўплик шаклларида келган. Бирлик шаклида келган оятларни муфассирлар Қуёш ва Ойнинг чиқиши ва ботиш томонлари деб тафсир қилишган.

Иккилик шаклини эса айрим тафсирларда Қуёш ва Ойнинг чиқиши ва ботиш жойлари дейилган бўлса, бошқаларида Қуёш ва Ойнинг қишиш ва ёз ойларида чиқиши ва ботиш ўринлари (шимолий ва жанубий) деб тафсир қилинган (Суютий, “Асобоб ан-нузул”).

Кўплик шакли эса Қуёш ва Ойнинг йиллар давомидаги чиқиши ва ботиш ўринлари деб тафсир қилинган (“Тафсирул Жалолайн”).



**413. Савол:** Хурматли Муфтий ҳазратлари! Баъзан давраларда: “Аллоҳ илми ладуний ато этсин”, деб дуо қилишади. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** “Ладун” – ёки نَمَلْ сўзлари араб тилидаги олд кўмакчиларидан бўлиб, “...тарафидан”, “...томонидан” маъноларининг изҳор этилишига хизмат қиласи.

Ладуний илм дейилганида эса, бирор устоз ҳузурида, мактаб ёки мадрасада олинадиган илмдан ташқари, амалий тажрибадагидан кўра тезроқ фурсатда эгалланадиган, Аллоҳ ҳузуридан бериладиган илм тушунилади. Бундай ҳолат илм таҳсил олаётганлар билан бир қаторда, умуман ўқимаган кишиларда ҳам кузатилиши мумкин.



**414. Савол:** “Саййид”, “эшон” ва “хўжа” каби атамалар халқимиз орасида кенг тарқалган. Ушбу сўзларнинг луғавий ва истилоҳий маъноларини диний нуқтаи назардан тушунтириб берсангиз. Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

**Жавоб:** Аллоҳнинг хузурида бандалар фақат тақвони билангина азиздир. Бироқ Исломнинг араб ва ажам халқлари ўртасида тарқалиши муносабати билан “саййид”, “хўжа”, “эшон”, “тўра” каби атамалар истеъмолга кирди.

Ҳазрат Мұхаммад пайғамбаримиз (алайҳиссалом)-нинг қызлари Фотима ва куёвлари Али (розияллоҳу анхумо)дан тарқалган авлодлар “саййид” ҳисобланади. Бу атама Ўрта Осиё ва Кавказ минтақаси, Эрон, Ироқ, Иордания, Марокаш каби мусулмон дунёсининг кўплаб мамлакатларида учрайди. “Саййид”ларга ўзига хос ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлинади. Яқингача саййидларни ўзбек ва тожиклар “оқсуяк ёки эшонлар”, туркманлар “авлодлар”, улардан бошқаларни эса “қорачалар” деб аташган. Айрим ҳудудларда саййидларни “тўра” ёки “хўжа”лар ҳам дейишади.

Хўжаларни баъзилар, улар Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анху)нинг Фотимадан бошқа хотинларидан тарқалган авлодлари дейишса, айримлар хулафои рошидин (чаҳорёр) авлодлари, дейди. Бошқалар эса, хўжалар умуман араб миллатига мансуб саҳобалар авлодлари дейишади.

“Эшон” сўзи форсчада “улар” деган маънони англатади. Ўрта асрларда диний раҳнамолар ушбу ном билан аталган ва ҳурмат юзасидан уларга исмлари ўрнида “эшон”, баъзан “эшон пир” сўзлари билан ҳам мурожаат қилишган.



**415. Савол:** Хурматли устоз, бир китобда “Дин насиҳатдир”, дейилибди. Мен диннинг маъноси насиҳат бўлса керак деб ўйладим. Шу тўғрими?

**Жавоб:** “Дин”нинг маъноси эмас, балки моҳияти насиҳатдан иборатдир. Тамим Дорий (розияллоҳу анҳу) ривоят қиласи: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дедилар:

“Дин насиҳатдир!”

Биз: “Бу ким учун, ё Расулуллоҳ!” деб сўрадик. У зот: “Аллоҳ учун, Унинг расули учун ва мусулмонларнинг имомлари ва барчалари учун”, дедилар» (*И мом Бухорий ва И мом Муслим ривоятлари*). “Насиҳат” сўзи луғатда “холис”, “самимият”, “содиқ” деган маъноларни англатади. Урфда эса, бир кишининг бошқасига холис ният, содиқлик билан яхши йўл-йўриқларни айтишидир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Дин насиҳатдир!” деб, диннинг моҳияти насиҳат, тўғрилик ва барқарор ҳамда хотиржамлик эканини маълум қилганлар. Насиҳат, аввало, Аллоҳники, кейин Унинг расулини, кейин имомлар, яъни бошлиқлар ва омманини бўлишини таъкидлаганлар.

Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) халифалик пайтида Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)ни Баҳрайнга волий қилиб тайинлайди. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) Мадинага келганида ёнида ўн минг дирҳами бор эди. Шунда Умар (розияллоҳу анҳу) Абу Ҳурайрага: “Буларни ўзлаштирдингми, эй Аллоҳнинг ва Китобининг душмани?” деб сўради.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу): “Мен Аллоҳнинг ва Китобининг душмани эмас, балки у иккисига душман бўлганларнинг душманиман”, деди.

– Унда булар сенга қаердан келди? – деди халифа.

– Отим бор эди, туғди. Уни сотиб, пулини тижорат қилиш учун бердим, – деди Абу Хурайра.

Умар (розияллоху анхұ) буни текшириб кўриб, ишонч ҳосил қилгац, Абу Хурайра (розияллоху анхұ)нинг во-лийлик ишларига барака сўраб, дуо қилдилар.

Демак, дин фақат оғзаки насиҳат билангина эмас, балки ҳар бир мўминнинг бошқаларга ўрнак бўлиши билан ҳам тарғиб қилинади.



#### **416. Савол: Баъзилар кўп кулиш инсон умрини узайтиради, дейишади. Шу гап тўғрими? Жавобингиз учун олдиндан катта раҳмат!**

**Жавоб:** Аллоҳ таоло марҳамат қиласиди:

﴿ فَلَيَضْحَكُوا قَيْلَأً وَلَيَبَكُوا كَثِيرًا جَزَاءً إِمَّا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴾  
«Бас, (улар) қилмишларининг жазоси учун (бу дунёда) оз кулсингилар ва (охиратда) кўп йиғласинлар!» (Тавба, 82).

Бехуда гапириш, кўп кулиш қалбни ўлдиради, дейилган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фақат Аллоҳ таоло юборган элчигини эмас, балки ишларни ўргатувчи муаллим, қалб касалликларининг моҳир табиби ҳам эдилар. У зот қалбга ишора қилиб айтганлар: “...Агар у соғлом бўлса, бутун вужуд соғлом бўлади, агар у бузилса, жасад ҳам айнийди”.

Яна у зот айтадилар: “Агар мен билган нарсаларни билганингизда оз кулиб, кўп йиғлар әдингиз”.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп кулишга таъриф берарканлар, уни шайтонга эргашиш ва ҳавоийи нафсга қул бўлиш, деб ҳам изоҳлаганлар. Шундай экан, умрни кўп кулиш, ҳазил-мазах қилиш билан эмас, балки баъзи-баъзида саёҳатга чиқиши, яқинларга меҳрли бўлиб, дилдан сухбатлашиш билан узайтириш тавсия этилади. Сафар, силаи раҳм кўнгилдаги ғуборларни

тарқатиб, инсонга күтаринки рух бахш этади. Натижада, инсон тез қаримаслиги мумкин.

Сайд ибн Осс ўғлига бундай васият қилди: “Мазах қилма, чунки мазах қилиш киши қадрини кетказади ва аҳмоқликка етаклайди”.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен ҳазил қилсам ҳам, фақат ҳақиқатни айтаман”, деганлар.

Ансорийлардан бир кекса аёл Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига келиб: “Ё Расулуллоҳ, мени дуо қилинг, Аллоҳ мени жаннатга киритсин”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Билмайсизми, жаннатга кампирлар кирмайди”, дедилар. Кампир йифлаб юборди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) табассум қилиб, Аллоҳ таолонинг ушбу оятини ўқимаганмисиз, деб тиловат қилдилар:



«Биз уларни (хур қизларни) дафъатан пайдо қилдик (онадан туғилмадилар). Кейин уларни бокира қизлар қилдик. (Улар) жозибали ва тенгқурдирлар» (Воқеа, 35–37).



**417. Савол:** Ҳадисларда дуо ибодатлар мағзи, илиги экани айтилган. Дуоларимиз қабул бўлиши учун кўпроқ нималарга аҳамият беришимиз керак?

**Жавоб:** Иброҳим ибн Адҳам (раҳматуллоҳи алайҳ)га: «Менга дуо қилинглар, ижобат қиласман» оятини тиловат қилиб, биз дуо қиласмиз-у, ижобат бўлмайди, деб арз қилишганида, у зот: “Ўлик қалбдан дуо қабул бўлмайди. Қалбларингиз ўнта нарса сабабли ўлган” деб уларни санаб берганлар:

1. Аллоҳни танийсизлар-у, ҳаққини адо қилмайсизлар.
2. Аллоҳнинг китобини ўқийсизлар-у, лекин унга амал қилмайсизлар.

3. Ибليسни душман деб билишни даъво қиласизлар, аммо уни дўст қилиб оласизлар.

4. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни яхши кўришни даъво қиласизлар, лекин у зотнинг йўллари ва суннатларини тарк қиласизлар.

5. Жаннатни яхши кўришни даъво қиласизлар, аммо унга кириш учун яхши амал қилмайсизлар.

6. Дўзахдан қўрқишини даъво қиласизлар, лекин гуноҳлардан тийилмайсизлар.

7. Ўлим ҳақ деб даъво қиласизлар, бироқ унга тайёргарлик кўрмайсизлар.

8. Бошқаларнинг айби билан машғул бўласизлар, аммо ўз айбингизни сезмайсизлар.

9. Аллоҳ берган ризқни ейсизлар-да, унга шукр қilmайсизлар.

10. Ўликларингизни дафн қиласизлар-у, бундан ибрат олмайсизлар.

Аллоҳ таоло барчамизни дуоларимиз мустажоб бўладиган бандаларидан қилсин, омин!



**418. Савол:** Касбим ўқитувчи эди. Ҳозир нафақа ёшидаман. “Хушуъ ва хузуъ” деган сўзлар “Ўзбек тилининг изоҳли лутати”да йўқ экан. Шуларнинг маъносини тушунтириб берсангиз? Жавоб учун олдиндан раҳмат!

**Жавоб:** “Хушуъ” ва “хузуъ” сўзлари арабча бўлиб, “қўрқув” ва “синиқлик” деган маъноларни англатади. Ушбу атамалар асосан мўмин кишининг ибодатларни кўрқув ва умид билан чин дилдан Аллоҳ ризолигини истаб бажаришини ифода этади.

Ғазотларнинг бирида ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)-нинг оёқларига ўқ тегиб, суякка ботгани учун уни чиқариш қийин кечади. Табиб ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)га: “Ўқни ҳушдан кетказувчи дори воситасида

чиқариш мумкин. Йўқса, оғриққа чидаёлмайсиз”, дейди. Шунда у зот: “Хушдан кетказадиган дорига зарурат йўқ. Намоз вақти киргунча сабр қиласиз. Мен ибодатга киришганимда сизлар ўқни олиб ташлайсиз”, дейди.

Намоз вақти киради. Ҳазрат Али намозга турадилар. Табиб ҳазрат Алининг оёғини ёриб, ўқни чиқариб, ярани боғлаб қўяди. Ҳазрат Али (розияллоҳу анху) намозларини тугатиб, табибдан сўрайдилар:

- Ўқни чиқардингизми?
- Ҳа, чиқардим, – деди табиб.
- Мен ҳеч нарса сезганим йўқ, – дедилар ҳазрат Али (розияллоҳу анху).

Чунки намозда хушуъ-хузуъ билан туриши туфайли ҳазрати Али (розияллоҳу анху) руҳан юксак оламларга кўтарилигандек эди. Шунинг учун вужудларидағи оғриқни асло сезмадилар.

Демак, ибодатлар ихлос билан, хушуъ ва хузуъ билан адo этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.



**419. Савол: Хурматли Муфтий ҳазратлари!**  
“Расул” ва “набий” сўzlари бир маънони англатадими ёки улар бошқа-бошқа сўзларми? Баъзи пайғамбарлар расул бўлса, баъзилари ҳам расул, ҳам набий бўлган дейишади, шуни тушунтирангиз.

**Жавоб:** “Расул” элчи, “набий” пайғамбар, хабар етказувчи маъносини англатади.

Расул Аллоҳ амр этган шариат билан келади. Набий эса, ўзидан олдин келган шариатга амал қиласи ва ўзгаларни ҳам шунга амал қилишга чақиради.

Қуръони каримда “расул” ва “набий” сўzlари кўп оятларда зикр қилинган. Жумладан, бу икки сўз Муҳаммад пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га нисбатан ҳам ишлатилади. Чунки Муҳаммад (алайҳиссалом) янги шариат билан келганлар ва бу шариатни инсонларга ҳам, жинларга ҳам етказганлар.



**420. Савол:** Улуғ саҳоба Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу)ни нима учун бундай ном билан чақиришган? Билишимча, у зотга “мушукчанинг отаси” деб лақаб беришган.

**Жавоб:** Исломга киришдан олдин Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)нинг исмлари Абдушамс ибн Сахр бўлган. Имон билан шарафланганларидан сўнг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у кишининг исмларини “Абдураҳмон” деб ўзгартирганлар. Доимо кичик мушукчалари билан юрганлари сабабли Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Абу Хурайра” деб чақирдилар ва у киши бу номни ўзларига куня қилиб олдилар. “Абу Хурайра” мушукча отаси деган маънони англатади.

У киши Яманнинг Давс қабиласидан эди. Ҳижратнинг еттинчи йили Исломни қабул қилганида ўттиз ёшли навқирон йигит эди. У киши Хайбардан қайтаётиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга Мадинага келди ва Суффа аҳли билан бирга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳадис эшитиш шарафига мусассар бўлди. Шу сабабли саҳобалар орасида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан энг кўп – 5374 та ҳадис ривоят қилган.

Абу Хурайра (розияллоҳу анҳу) кенг елкали, қорамтири рангли, олдинги икки тишларининг ораси очик, юмшоқ табиатли, ҳазилкаш инсон эди. Ёш болаларни кўрсалар, уларни кулдириб, бозордаги кишиларни қисса айтиб, кўнглини хушлантириб юрар, лекин ўзлари якка қолсалар хомуш тортар, тунларни ибодат билан ўтказар эди.



**421. Савол:** Ассалому алайкум, ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Биз талабалар “Сўраган эдингиз” рисоласининг ҳеч бир сонини қолдирмай ўқиб борамиз. Илм ва маърифат йўлида олиб бораётган хайрли ишларингизга Аллоҳ таоло улкан муваффақиятлар ато айласин. Яқинда тафсир китобларидан бирини ўқиётиб, муфассирларнинг: “Бақара” сураси учта учлик билан бошланади”, деган сўзлари эътиборимизни тортди. Сиздан шу ҳақда сўрамоқчи эдик. Олдиндан раҳмат!

**Жавоб:** Ҳақиқатан шундай. Бу учликнинг биринчиси Аллоҳга ҳақиқий имон келтирган кишилардир. Жумладан, сура бошида имон келтирган зотларнинг уч хислати зикр этилади. Улар пайғамбар Мұхаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келтирган хабарларга ғойибона имон келтирадиган, намозни мукаммал ўқийдиган ва Аллоҳ таоло ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қиласидиганлардир.

Иккинчиси – кофирлар. Уларнинг қалбларига ва қулоқларига муҳр уриб қўйилгани, кўзларида эса парда борлиги каби ва бошқа сифатлари баён қилинган.

Учинчиси – мунофиқлар бўлиб, улар тилларида имон келтиргани билан қалблари бошқа нарсани истайди. Тил билан имон келтириб, қалб билан тасдиқламаслик мунофиқларга хос хислат бўлиб, Аллоҳнинг ғазабига сабаб бўлади. Улар куфрга шерик бўлиш билан бирга тиллари орқали ёлғонларини намоён қилишади.



**422. Савол:** Дин йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизга Аллоҳ таолодан улкан барака ато этишини сўрайман. Ҳаётимда қиласидиган кўплаб хато ва гуноҳларимдан афсусдаман. Нима иш қилсам ҳам, қандай тавба

қилсам ҳам кўнглим таскин топмаяпти. Лекин Улуг ва Мехрибон Парвардигор гуноҳларимни афв этишига ҳечам шубҳа қилмайман. Бунинг учун истиғфор айтишни ва тавба қилиш зарур эканини биламан. Сиздан илтимос, истиғфор ва тавба ҳақида маълумот берсангиз?

**Жавоб:** Ҳар бир мўминга тавба қилиш вожибdir. Ояти каримада марҳамат қилинади:

﴿ وَيَقُولُ أَسْتَغْفِرُ رَبِّكُمْ ثُمَّ تُوبُوا إِلَيْهِ يُرْسِلُ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مَدْرَارًا وَيَزِدُكُمْ قُوَّةً إِلَى قُوَّتِكُمْ وَلَا تُنَوِّلُ أَمْحَرِمِينَ ﴾ ٥٢

«Эй қавмим! Раббингиздан мағфират (кечирим) сўрангиз, сўнгра Унга тавба қилингиз, шунда У осмондан (ёмғир) ёғдирап ва қувватингизга қувват қўшар. Жиноятчи бўлиб кетмангиз!» (Худ, 52).

Бошқа бир ояти каримада эса бундай марҳамат қилинган:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا تُوبُوا إِلَى اللَّهِ تَوْبَةً نَصُوحًا عَسَى رَبُّكُمْ أَن يُكَفِّرَ عَنْكُمْ سَيِّئَاتِكُمْ وَيُدْخِلَنَّكُمْ جَنَّاتٍ مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَرُ يَوْمَ لَا يُخْزِي اللَّهُ النَّبِيَّ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُمْ بُوْرَهُمْ يَسْعَى بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَبِأَيْمَانِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا أَتَيْمَ لَنَا نُورًا وَأَغْفِرْ لَنَا إِنَّكَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَرِيرٌ ﴾ ٨

«Эй имон келтирганлар! Аллоҳга чин тавба қилингиз, шоядки, Раббингиз сизларнинг гуноҳларингизни ўчириб, остидан анҳорлар оқиб турадиган (жаннатдаги) боғларга киритса! У кунда Аллоҳ пайғамбарни ва у билан бирга имон келтирганларни шармисор қилмас. Уларнинг нурлари олдиларида ва ўнг томонларида юрар. Улар: “Эй Раббимиз! Ўзинг бизларга нуримизни комил қилиб бергин ва бизларни мағфират этгин. Албатта, Сен ҳар нарсага қодирдирсан”, дерлар» (Таҳрим, 8).

Бир куни тунда Робия Адавиянинг уйига ўғри киради ва бир қумғон тўла сувдан бошқа ҳеч нарса тополмайди. У уйдан чиқиб кетиш учун эшик томон юраётганида Робия унга: “Эй фалончи, агар сен ростдан ҳам ўғри бўлсанг, уйимдан қуруқ чиқиб кетма”, дейди. Ўғри талмовсираб: “Мен ҳеч нарса олганим йўқ”, дейди. Робия: “Кумғонни ол-да, таҳорат қилиб, ҳеч бўлмаса икки ракат намоз ўқиб, сўнг чиқиб кет”, дейди. Ўғри унинг айтганини қилади, таҳорат олиб намоз ўқишига киришади. Робия қўлини кўтариб: “Эй Раббим, мана бу банданг менинг эшигимга келиб, ҳеч нарса тополмади, уни фазлингдан бебаҳра қайтарма”, дейди.

Ўғри икки ракат намозни тугатиб, ибодат лаззатини бутун вужуди билан ҳис этади ва тонг отгунича ибодат қилади. Тонг чоғи Робия унинг олдига кирганида, у сажда қилиб турган эди.

Робия ундан: “Тунни қандай ўтказдинг”, деб сўрайди. “Синиқлик билан ибодат қилдим, тавба ва истиғфор айтдим, хато ва гуноҳларим кечирилишини сўрадим”, дейди у.

Робия қўлини дуога очиб: “Парвардигоро, бу банданг соатлаб Сенинг даргоҳингга қўл кўтариб турибди, уни ноумид қўйма”, деб дуо қилади.

Не мақсадлар билан кирган ўғри обида аёлнинг дуоси билан обид банда бўлиб чиқиб кетди.

Аллоҳнинг даргоҳи кенг, қилган хатоларимизни кечириши шаксиз, имконият бор, вақт ғанимат, фойдаланиб қолайлик, азизлар!



**423. Савол:** Яқинда бир китобда “Аллоҳдан қўрқиши ҳамма яхшиликнинг бошидир”, мазмунли ҳадисни ўқиб қолдим. Шу ҳақда маълумот берсангиз, раҳмат!

**Жавоб:** Дарҳақиқат, Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади:

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳикматнинг боши Аллоҳдан қўрқишидир”», дедилар.

Оқил киши қисқа, лекин кўп маънони ўзида мужассам этган бу ҳадис мазмунини яхшилаб тушуниши лозим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу билан: “Ибодатда тақво худди бадандаги бош кабидир, чунки инсон учун бошсиз ҳаёт бўлмагани каби тақвосиз ибодатнинг на лаззати бор ва на роҳати...” деганлар.

Али (розияллоҳу анху) тақво учун тўрт аркон (устун)ни зикр килганлар. Қалбларда дунёга муҳаббат қўйишидан вужудга келган қоронғи-зулматни мана шу тўрт аркон билан мустаҳкамланган тақвогина тарқатиб юбора олади. У зот (розияллоҳу анху) айтадилар:

Тақво:

1. Аллоҳдан қўрқиши.
2. Куръонга амал қилиш.
3. Озга қаноат қилиш.
4. Фоний дунёдан охиратга кўчиш – ўлим кунига тайёргарлик кўриш.

Мана шу тўрт иш тақвонинг арконлариридир. Агар киши тақвосида мана шу тўрт арконнинг бирортаси кам бўлиб қолса, дунё муҳаббатидан пайдо бўлган зулмат унинг қалбидан бутқул кетмайди. Яъни, ундаги тақво бу зулматни бартараф этишга заифлик қиласи.

Инсон Аллоҳ таолодан, Унинг ҳисоб-китобидан ва содир этилган гуноҳларга аввало шу дунёning ўзида, кейин қабрда, сўнгра эса охиратда берилажак жазо – азобдан қўрқадиган бўлса, бу қўрқув уни барча ҳаром ва шубҳали ишлардан, Аллоҳ таолога яқин бўлишга тўсқинлик қиласидиган ҳамда қимматли вақтлари беҳуда соврилишига олиб келувчи ўйин-кулги, дунё ҳашамларидан ўзини узоқ тутадиган қилиб қўяди. Бу қўрқув уни Аллоҳ таолонинг барча буйруқларини бажариб, қайтариқларидан йироқ бўлишга ва оз нарсага қаноат қилиб яшашга ундейди. Бу қўрқув умрини чиркин

мол-дунё ва бир неча қунлик мансаб йўлида сарфлаб юборишига йўл қўймайди. Инсон агар мана шу қўрқувга эга бўлса, Аллоҳ таоло талаб этганидек ҳаёт кечиришга ҳаракат қиласи. Ўлимдан кейин бошланажак ҳақиқий ҳаётга тайёргарлик кўра бошлайди. Бир сўз билан айтсан, бундай мўмин дунёга муҳаббат қўйиш сабабли вужудга келадиган қоронғи-зулматни тарқатиб, йўқ қилиб юборадиган кучли тақвога эга бўлади.

Тақво, шунингдек, инсонни ўз нафсини ҳисоб-китоб қилиб (тергаб) туриши билан ҳам кучли қиласи. Чунки инсон нафси ёмонликка буюрувчиидир. Инсон ўз нафсидан хабардор бўлиб турмаса, нафси уни албатта тўғри йўлдан четга буриб юборади.

Шунинг учун ҳам улуғ тобеинлардан Маймун ибн Михрон (раҳматуллоҳи алайҳ) ўзини ҳисоб-китоб қилмайдиган, нафсидан бехабар кишиларни тақволилар сирасига қўшмаганлар. У зот (раҳимаҳуллоҳ) айтади: “Киши ўз нафсини тижоратдаги шеригини ҳисоб-китоб қилишидан кўра қаттиқроқ ҳисоб-китоб қилмаса, ҳамда еб-ичиши, уст-боши ҳаром ёки ҳалолдан келаётганини аниқ билмаса, асло тақволи кишилар қаторига киролмайди” (“Сифатус сафва”, 4-жилд, 194-бет).

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “(Ихлос) Аллоҳни кўриб турганингдек ибодат қилишингдир. Гарчи сен Уни кўрмасанг ҳам, У зот сени кўриб турибди”» (*Имом Муслим ривояти*).

Тақводор кишиларнинг сифатлари Куръони каримнинг бир неча оятларида зикр қилинган. Жумладан:

﴿إِنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُتَّقِينَ أَتَقَوْا وَالَّذِينَ هُمْ مُحْسِنُونَ ﴾  
128

«Зотан, Аллоҳ тақволи бўлганлар ва эзгу иш қилувчилар билан (ҳамиша) биргадир» (*Наҳл*, 128).

Абу Умома Судай ибн Ажлон Боҳилий (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Видо ҳажида бундай хутба

қилғанларини эшитдим: “Аллоҳдан тақво қилинглар. Беш вақт намозни адо этинглар. Рамазон ойи рўзасини тутинглар. Молларингиз закотини беринглар. Бошлиқларингизга итоат қилинглар. Шунда Раббингизнинг жаннатига кирасизлар» (*Имом Термизий ривояти*).

Тақводорларнинг сифатларини ҳазрат Али (розияллоху анху) бундай таърифлайди: “Улар фазилат соҳиблари, тўғрисўз, тежамкор, камтар, кўзларини ҳаромдан тийган, кўп гапирмайдиган, фойдали илм ва сўзларнигина эшитувчи, илмига амал қилувчи, нафсларини тергайдиган, қилган амалларида Яратганинг розилигини тилайдиган кишилардир. Уларнинг аломатлари – динида барқарорлик, олижаноблик, имон ва ирода мустаҳкамлиги, илмга ташналиқ, ҳалолдан топиш, мол-дунёни тежаб ишлатиш, хушуъ билан ибодат қилиш, орасталик, қийинчиликка сабр қилиш, тиришқоқлик, тамадан йироқ бўлиш, эзгу амалларга чоғланиш, ҳар қандай ҳолатда шукр қилиш ва айтганига амал қилиш каби фазилатлардир”.

Ҳақиқий тақводор зотлар учун Аллоҳ таоло қийинчилик пайтларида нажот ва ҳалол ризқни ваъда қилган, шунингдек, инсонлар орасида энг азизлари бойлар ёки амалдорлар эмас, балки Аллоҳдан қўрқадиган кишилар эканини айтган:

﴿ يَأَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُم مِّنْ ذَرَّةٍ وَأَنْشَأْنَاكُمْ شُعُوبًا وَبَأَبْلَلَ لِتَعَارِفُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَنْتُمْ كُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلَيْمٌ بِحَيْرٍ ﴾  
13

«Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор Зотдир» (*Хужурот*, 13).

Ислом дини кишиларнинг тақводорларигина азиз ва мукаррам эканини илоҳий калом билан исботлади. Ислом дини келгунича оддий ҳақ-ҳуқуқлардан ҳам маҳрум бўлган ҳабаш қул Билол имони ва тақвоси туфайли саҳобий, мўътабар инсон даражасига етди. Аллоҳ расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муаззини, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га “Кишиларнинг хурматлиси ким?” дейилганида, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уларнинг тақволиси”, дедилар. “Бу ҳақда сўрамаяпмиз”, дейишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ундай бўлса, Халилуллоҳ ўғли, пайғамбар ўғли, пайғамбар набираси, Аллоҳнинг пайғамбари Юсуфдирлар”, дедилар. “Бу ҳақда сўрамаяпмиз”, дейишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ундай бўлса, мендан араб қабилаларини сўраяпсизларми? Жоҳилиятдаги яхшилари Исломдаги яхшиларидир. Агар (шариат аҳкомларини билиб) фақих бўлишса”, дедилар» (*Ином Бухорий ва Ином Муслим*).

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласи:

﴿ وَسَارِعُوا إِلَى مَغْفِرَةٍ مِّنْ رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا السَّمَوَاتُ وَالْأَرْضُ  
أُعْدَتْ لِلْمُتَّقِينَ ﴾

«Раббингиздан (бўлувчи) мағфиратга ва кенглиги осмонлару Ерга teng, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат сари (солиҳ амаллар қилиш билан) шошилингиз!» (*Оли Имрон, 133*).

Муфассирлар оятдаги “жаннат сари шошилинглар” муборак жумласидан мурод “беш вақт намозни ўз вақтида адо этиш, тоат, ихлос, тавба, жума намозини канда қилмаслик ва жамоатга эътибор бериш”, деганлар (“Тафсир Насафий”, 1-жилд, 182-бет).

Ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Аллоҳ,

Сендан ҳидоятни, тақвони, иффатни ва (одамлардан) беҳожат бўлишни сўрайман”, деганлар» (*Имом Муслим*).

Яна бир ояти каримада бундай марҳамат қилинади:

﴿ الَّذِينَ يُفْقِهُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَّاءِ وَالْكَاظِمِينَ الْعَيْنَ وَالْعَافِينَ ﴾  
 عنَ الْتَّاسِ ۖ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ ۚ ١٣٤ وَالَّذِينَ إِذَا فَعَلُوا فَحِشَةً  
 أَوْ ظَلَمُوا أَنفُسَهُمْ ذَكَرُوا اللَّهَ فَأَسْتَغْفِرُوا لِذُنُوبِهِمْ وَمَنْ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ  
 إِلَّا اللَّهُ وَلَمْ يُصْرِرُ عَلَىٰ مَا فَعَلُوا وَهُمْ يَعْلَمُونَ ۚ ١٣٥ أُولَئِكَ جَرَاؤُهُمْ  
 مَغْفِرَةً مِنْ رَبِّهِمْ وَجَنَّتُ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا أَلَّا نَهْرٌ خَلِدِينَ فِيهَا  
 وَنَعَمَ أَجْرُ الْعَمِيلِينَ ۚ ١٣٦﴾

«Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглиқ кунларида ҳам хайр-садақа қиласидиган, ғазабларини ютадиган, одамларнинг (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар. Улар бирор фаҳш иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилиб қўйсалар, (дарҳол) Аллоҳни эслаб, истиғфор айтадилар. Ваҳоланки, гуноҳларни фақат Аллоҳгина мағфират этар. Яна, улар билатуриб ёмон қилмишларида давом этмайдиган кишилардир. Айнан уларнинг мукофотлари – Парвардигорларидан мағфират ва остидан анҳорлар оқиб турувчи жаннат боғлари бўлиб, ўша жойда абадий бўлурлар. (Солих) амал қилувчиларнинг мукофоти нақадар яхши!» (*Оли Имрон*, 134–136).

Юқоридаги оятларда “фаровонлик ва танглиқда ҳам хайр-садақа қилувчилар” деб тақводорларнинг сифатлари баён этилди. Ҳар доим эҳсон қилиш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Эҳсон қилиш ихлослиларнинг амали. Ҳақиқий тақводорлар эҳсон қилишдан асло оғринмайдилар. Эҳсон боис жамиятда тенглик пайдо бўлади (“Тафсири Насафий”, 1-жилд, 182-бет).



**424. Савол:** Бир танишим тоби қочиб шифохонага тушиб қолибди. Бир неча киши уни кўргани бордик. Бир оз сухбатлашиб, ҳол-аҳвол сўраганимиздан кейин кетишга чоғланмоқчи бўлиб, шерикларимга имоқилдим. Улар: “Ўтиравер, дўстимиз зерикиб қолибди”, дейишиди. Мен эса bemorning аёли борлигидан ийманиб зўрға ўтирадим. Беморларни зиёрат қилиш тартиблари ва одобларини гапириб берсангиз.

**Жавоб:** Инсонлар доим бир хил ҳолатда яшамайди. Иссик жон, баъзан киши касал бўлиб қолиши ҳам мумкин. Аллоҳ таоло баъзи бандаларига дард беради. Берилган дардга сабрли, Аллоҳ таолонинг имтиҳонига бардошли бўлган инсоннинг гуноҳлари кечирилади. Аммо бу синовга сабрсизлик қиласа, гуноҳкор бўлади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган:

﴿ وَلَنَبْلُوْنَكُم بِشَيْءٍ مِّنَ الْحَوْفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ  
وَالثَّرَاثٌ وَبَشِّرُ الصَّابِرِينَ ﴾ ۱۰۰

«Сизларни бир оз хавф-хатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мевалар (ҳосили)ни камайтириш йўли билан синагаймиз. (Шундай ҳолатларда) сабр қилувчиларга хушхабар беринг!» (*Бақара, 155*).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиладилар:

“Мусулмоннинг мусулмондаги ҳақи бештадир: саломга алик олиш, bemorni бориб кўриш, жанозага эргашиш, таклиф этса бориш ва акса урувчига соғлик тилашдир” (*Имом Муслим ривояти*).

Биз мўмин-мусулмонларнинг бир-биримиздаги ҳақ-хуқуқларимиздан бири касал бўлган яқинларимиз ёки қавму қариндошларимизни, қўни-қўшниларимизни

кўргани боришдир. Бу жуда савобли иш. Аммо касал олдида кўп ўтириб қолиб, уни чарчатмаслик керак. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиладилар:

“Агар bemор ҳузурига кирсанг, сенинг ҳаққингга яхши дуо қилишини сўра. Чунки унинг дуоси фаришталар дуоси каби мустажобдир” (*Ибн Можа ривояти*).

Бошқа бир ҳадисда эса Пайғамбаримиз (алайҳиссалом):

“Бир мусулмон бошқа бир бетоб мусулмонни эрталаб бориб кўрса, албатта, унга кечқурунгача етмиш минг фаришта салавот айтади. Агар кечқурун касални кўрса, албатта, унга етмиш минг фаришта эрталабгача салавот айтади. Яна унга жаннатда бир боғ яратилади”, деб айтганлар (*Имом Термизий ривояти*).

Демак, таниш-билишларнинг, қариндошларнинг bemорлиги ҳақида хабар эшитиш билан уларни кўргани боришга шошилиш лозимлиги маълум бўлади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) енгил касалларни ҳам бориб кўрганлар. Зайд ибн Арқам (розияллоҳу анҳу):

“Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки кўзим оғриб қолганида мени кўргани келганлар” (*Абу Довуд*), деб ривоят қиласди.

Афсус, ҳозирги кунда бальзи кишилар гүё вақт йўқлигини сабаб қилиб кексайиб қолган ота-оналари ва яқин қариндошлари, bemор маҳалладошлари, касбдошлари ва дўстларини кўришга, дуоларини олишга боришмайди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларга касал биродарларимизнинг дуоларини олиш билан бирга, уларнинг ҳаққига дуо қилишни ҳам буюрганлар.

Ким бир касални кўргани борса-ю унинг ажали етмаган бўлса, етти марта “Асъалуллоҳал азийм, Роббал Аршил азийм, ан яшфияка” деса, Аллоҳ ўша bemорга

шу касалдан шифо беради”. Дуонинг маъноси: “Улуғ Аршнинг Рабби бўлмиш буюк Аллоҳдан сенга шифо тилайман”, демакдир.

Аллоҳ таоло динимизнинг юқорида зикр қилинган кўрсатмаларига барчаларимизга амал қилиб боришимизни насиб қилсин. Бемор бўлиб ётганларнинг дардларини гуноҳларига каффорат қилиб, уларга шифо ато айласин! Омин.



**425. Савол:** Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин, юртимиз мустақилликка эришганидан кейин кўплаб асарлар ўзбек тилига таржима қилинди ва мен каби араб тилини билмайдиган кишиларга бемалол асл манбаларга мурожаат қилиш имкони туғилди. Яқинда Имом Бухорийнинг “Саҳихи Бухорий” китобини ўқиб тутатдим. Мени қизиқтирган савол бундай: Нима учун “Саҳихи Бухорий” айнан ният ҳақидаги ҳадис билан бошланган? Жавобингиз учун раҳмат!

**Жавоб:** Энг ишонарли ҳадис тўплами ҳисобланган “Саҳихи Бухорий” асари мустақиллик шарофати туфайли икки марта минглаб нусхада нашр этилди ва деярли ҳар бир ўзбек хонадонига кириб борди. Сиз каби ўқувчиларнинг мана шундай улуғ китобни олиб, ўқиб чиқишингиз, ўзингизни қизиқтирган савол билан мурожаат қилишингиз бошқаларни ҳам илмдан баҳраманд қиласиди, иншоаллоҳ.

Яхё ибн Саид ривоят қиласиди: «Умар ибн Хаттоб минбарда турганларида: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитганман”, дедилар: “Дарҳақиқат, амаллар ниятга боғлиқдир. Ҳар кимга ният қилгани бўлади....Кимнинг нияти ҳижратдан дунё топиш бўлса, дунёга эришади, кимнинг нияти хотин олиш бўлса, унга никоҳланади. Демак, қандай ниятда ҳижрат қилган бўлса, ўша эътиборга олинади”» (Имом Бухорий).

Имом Шофиъий: “Илмнинг ярми шу ҳадисда”, деганлар. Кўпчилик фақиҳлар ҳар бир амалда ният фарз, дейишади. Банда нияти яхшилиги билан ўз эҳтиёжи, талаби йўлидаги барча иш ва ҳаракатлардан савоб олади, оддий амалини ибодат даражасига кўтаради.

Машҳур “Сунан” соҳиби Абу Довуд Сижистоний ўзи тўплаган беш юз минг ҳадис орасидан бор-йўғи 4800 тасини танлаб, улардан тўрттаси бир кишининг дини учун кифоя қилишини айтиб ўтган ва улар орасида энг биринчиси ният ҳақидаги ҳадис эканини таъкидлаган.

Бир одам Макка шахрида Умму Қайс исмли аёлга уйланишни айтганида аёл унга Мадинага ҳижрат қилмагунича тегмаслигини шарт қиласди, у киши Умму Қайсга уйланиш ниятида Мадинага кўчиб боради. Борган кунидан эътиборан у “Умму Қайс муҳожири”, деб тилга олина бошлайди (*Ибн Ҳажар, “Фатҳул Борий”, 1/10*).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келтирган рисолатга ишонган саҳобалар қийинчиликларга қарамай, ҳамма нарсаларини ташлаб Мадинага ҳижрат қилишларидан мақсад фақат Аллоҳ розилиги бўлгани ва бу йўлда ҳар хил азоб-уқубатларни енгиб ўтганлари тарихдан мълум. Ўзи истаган аёлга уйланиш учун сафарга отланган киши билан Расулуллоҳнинг буйруғига итоат этиб, ҳижрат қилган саҳобалар бир хил сафар қилган бўлсалар-да, уларнинг ниятлари бошқа-бошқа эди. Дунёвий истагини қондириш учун йўлга чиқсан киши ҳам мақсадига етишди, бироқ Аллоҳ ва Унинг Расулининг буйруғига итоат этган саҳобалар қозонган улуғ ажр-савоблардан бебахра қолди.

Ислом дини яхши ниятсиз ва мақсадсиз амалларни беҳуда ҳисоблайди.

Шу боис мўмин киши нималар қилаётганини англаб, акл-идрок билан иш тутиши лозим. Мисол учун, ташқи кўринишидан Аллоҳга ибодат қилаётган кишининг нияти ибодат бўлмаса, унинг намози ибодат ўр-

нига ўтмагани каби кундузлари ейиш-ичиш ва жинсий яқинликдан ўзини тийган киши ҳам холис ният қилмаса, унинг рўзаси қабул бўлмайди. Бир ривоятда: “Мўмин кишининг нияти амалидан яхшироқ” (*Имом Табароний*, “Ал-Муъжам ал-кабир”, 6/185), дейилган. Баъзи олимлар буни: “Мўминнинг нияти ниятсиз амалидан яхшироқдир” (*Ибн Абдулбарр*, “Ат-Тамҳид”, 19/205), деб шарҳлашган. Яна ҳам тушунарлироқ бўлиши учун бу ривоятни қўйидагича шарҳлаш мумкин: “Аллоҳ таоло мўмин бандасини жаннатда амали билан эмас, балки нияти билан абадий қолдиради. Агар амали билан мукофотлантирса, бу мукофот абадий ҳаётни ифода этмайди. Чунки амал саноқли йиллар билан чегараланган, унинг бадали мислича ва бир неча баробар қилиб берилиши мумкин. Аллоҳ таоло бандаларини ниятлари туфайли абадий жаннатда қолдиради. Зоро, мўмин бандага абадий ҳаёт берилса, у Аллоҳга абадий итоат қилишни ният қилади. Шунинг учун Аллоҳ таоло унинг мукофотини ҳам абадий қилади (*Абу Бакр Аҳмад ибн Марвон ад-Диноварий*, “Ал-Мужоласа ва жавоҳирул илм”, 4/202).



**426. Савол:** “Истиқоматда бўлиш” нима дегани? Яқинда бир тўйда домла амру маъруф қилиб, шу сўзни айтди. Тўғриси, унинг маъноси нима эканини шерикларимдан сўрашга иймандим. Илтимос, шуни тушунтириб берсангиз.

**Жавоб:** Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

۲۰ ﴿إِنَّ الَّذِينَ قَاتَلُوا رَبِّنَا اللَّهَ ثُمَّ أَسْتَقْبَمُوا تَنَزَّلَ عَلَيْهِمُ الْمَلَائِكَةُ  
أَلَا تَخَافُوا وَلَا تَحْزَنُوا وَابْشِرُوا بِالْجَنَّةِ الَّتِي كُنْتُمْ تُوعَدُونَ  
۲۱ نَحْنُ أَوْلَئِكُمْ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَفِي الْآخِرَةِ وَلَكُمْ فِيهَا مَا نَسْتَهِنَّ  
أَنفُسُكُمْ وَلَكُمْ فِيهَا مَا تَدَعُونَ ۲۲ نُزُلًا مِّنْ غَفُورٍ رَّحِيمٍ﴾

وَمَنْ أَحَسَّنْ قَوْلًا مَمَّنْ دَعَا إِلَىٰ اللَّهِ وَعَمِلَ صَالِحًا وَقَالَ إِنَّمَاٰ مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴿٢٣﴾

«Албатта: “Раббимиз – Аллоҳ”, деб сўнгра тўғри бўлган зотлар ҳузурига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб (дерлар): “Қўрқмангиз ва ғамгин ҳам бўлмангиз! Сизларга ваъда қилинган жаннат хушхабари билан шодланингиз! Дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам биз сизларнинг дўстларингизмиз. Сизлар учун (жаннатда) кўнгилларингиз тилаган нарсалар ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз муҳайёдир. (Бу) мағфиратли ва меҳрибон Зот (Аллоҳ томони)дан бўлмиш зиёфатдир”. Аллоҳ (йўли)га даъват этган ва ўзи ҳам солиҳ амал қилиб, “Мен мусулмонлардандирман”, деган кишидан кўра ким чиройли сўзловчиидир?!» (*Фуссилат*, 30–33).

“Тўғри бўлган зотлар” қандай кишилар экани тўғрисида турли хил фикрлар айтилган. Масалан, Абу Бакр (розияллоҳу анҳу): “Сўзи билан иши бир бўлган одамлар”, деса, Умар (розияллоҳу анҳу): “Мунофиқлик қилмайдиганлар”, деган. Усмон (розияллоҳу анҳу): “Амални ихлос билан адо этувчилар”, деса, Али (розияллоҳу анҳу): “Фарз амалларни бажариб юрувчилар”, деган. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) айрим сахобалардан: “Истиқомат нима?” деб сўраганларида, улар: “Гуноҳ қилмаслик”, деб жавоб беришган. Шунда у зот: “Жуда қийин ишга айлантириб юбординглар. Ундай эмас, балки имон келтирғандан кейин қайта бут ва санамларга ибодат қилиб, ширкка қайтмаслик”, деб жавоб бердилар (“Мадорикут танзил ва ҳақоқут таъвил”).

Баъзи олимлар айтади: “Истиқомат тўрт нарса билан бўлади. Тоат-ибодат билан, тақво билан, шукр билан, сабр билан. Бу тўрт нарса бошқа тўрттаси билан комил бўлади: тоат ихлос билан, тақво тавба билан, шукр

ожизликни билиш билан, сабр Аллоҳ йўлига бутунлай берилиш билан”.

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий айтади: «Истиқоматнинг аломати ўнта нарсада кўрилади. Биринчиси, тилни фийбатдан сақлаш. Зеро, Куръонда фийбат ҳаром экани баён қилинган. Иккинчиси, ёмон гумондан сақланиш. Зеро, Куръонда гумондан четланиш буюрилган, гумонларнинг баъзиси гуноҳ экани таъкидланган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ёмон гумондан сақланинглар, чунки у сўзларнинг энг ёлғонидир”, деганлар. Кейингиси, масхара қилишдан четланиш. Куръони каримда бир қавм иккинчи қавмни масхара қилмаслиги буюрилган, масхара қилинаётган қавм масхара қилаётган қавмдан яхшироқ бўлиши мумкинлиги таъкидланган. Тўртингиси, кўзларни номаҳрам аёлларга қараашдан тийиш. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Мұхаммад), мўминларга айтинг, кўзларини (номаҳрам аёлларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар! Мана шу улар учун энг тўғри (йўлдир). Албатта, Аллоҳ улар қилаётган амаллардан хабардордир» (*Nur*, 30). Бешинчиси, рост сўзлаш, олтинчиси, Аллоҳ йўлида инфоқ қилиш. Зеро, Аллоҳ таоло: “Касб қилиб топган нарсаларингизнинг покизасидан инфоқ қилинглар”, деган. Етtingиси, исроф қилмаслик, саккизинчиси, кибрламаслик, тўққизинчиси, беш вақт намозни муҳофаза қилиш ва охиргиси, аҳли сунна вал жамоа йўлини маҳкам тутишdir.

Мусулмон киши истиқоматда туриши билан улкан савобларга сазовор бўлади. Аллоҳ таоло барчамизни истиқоматда айласин, омин!



**427. Савол:** Бир ривоятда: “Мўмин кишининг моли садақа қилиш билан камаймайди”, дейилган экан. Шу ҳадисни қандай тушуниш керак? Илтимос, шарҳлаб беринг.

### Олдиндан раҳмат!

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умматларини ҳалоллик, поклик ва гўзал ахлоқ-одобга чақириш билан бирга, инсонлик шаънига хилоф бўлган иллатлардан қайтарганлар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

Абу Кабша Амр ибн Саъд Анморий (розияллоҳу анху)дан ривоят қиласи: У киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бундай деганларини эшитганлар: “Қасам ичаман, банданинг моли садақа қилиш билан камаймайди. Бандага бирор зулм қилинганида унга сабр қилса, Аллоҳ унинг иззат-шарафини оширади. Банда тиланчилик эшигини очса, Аллоҳ унга фақирлик эшигини очади...” (*Имом Термизий*). У зот (алайҳиссалом)нинг қасам ичишлари ҳадисда айтилаётган уч нарсанинг ҳақиқат эканига ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмаслигини билдиради.

Биринчиси, банданинг моли садақа қилиш билан камаймайди. Бундай дейиш билан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) биз – умматларини садақа қилишга тарғиб этмоқдалар. Ҳеч ким молим камайиб қолади, деган хаёл билан хайру садақа қилишдан кўрқ-масин. Садақа қилган билан мол камаймайди. Аксинча, у зиёда бўлади ва барака киради. Билингки, мол-дунё кўпайишининг сабабларидан бири, ўз вақтида унинг закотини бериш, фақир ва муҳтожларга хайр-садақа қилишдир. Куръони каримда:

﴿يَمْحَقُ اللَّهُ أَرْبَوْا وَيُرِيَ الصَّدَقَتِ﴾

«Аллоҳ судхўрликни (фойдасини) йўқ қилади ва садақа (берувчиларга бойлик)ларни зиёда этади...», деб марҳамат қилинган (*Бақара* 276). Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

«Ҳар куни тонгда инсонлар уйқудан уйғонганида ер юзига иккита фаришта тушади. Улардан бири: “Ё Аллоҳ, инфоқ-эҳсон қилган инсоннинг моли ўринини тўлдиргин”, деса, иккинчиси: “Ё Аллоҳ, зикна одамнинг молига талафот етказгин”, деб дуо қилади», деб марҳамат қилганлар (*Муттафақун алайҳ*). Демак, моддий имкониятга эга бўлган киши садақа қилиш, муҳтожларга ёрдам беришдан асло қўрқмаслиги, балки молидан хайру эҳсон қилиб, улкан савобларни қўлга киритишга ошиқмоғи лозим.

Иккинчиси, бандага бирор зулм қилинсаю, унга сабр қилса, Аллоҳ унинг иззатини оширади. Пайғамбари-миз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу билан бизларни кечиримли бўлишга тарғиб қилмоқдалар. Кимнинг жонига ёки молига ё бўлмаса обрў-иззатига бирор кимса томонидан жабр-зулм қилинган бўлса, у ўша нарса учун ўч олишга, ҳақини ундиришга қодир бўлсада, сабр қилиб, кечириб юборса, Аллоҳ таоло унинг иззат-шарафини оширади. Кечиримли бўлиш Аллоҳ таолога хуш келадиган амаллардандир. Аллоҳ таоло бандаларининг қилган гуноҳларини кечиргувчи Зотдир. Шунинг учун бандалари ҳам кечиримли бўлишини яхши кўради. Қуръони каримда тақводорларнинг сифатларидан бири кечиримли бўлиш экани баён қилиниб:

﴿الَّذِينَ يُنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَاءِ وَالْكَاظِمِينَ الْغَيْظَ وَالْعَافِينَ ﴾  
عَنِ النَّاسِ ﴾

«(У тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам эҳсон қиладиган, ғазабларини ютадиган,

**одамларни афв этадиганлардир...», дейилган (Оли Имрон, 134).**

Учинчиси, банда тиланчилик эшигини очса, Аллоҳ унга факирлик эшигини очади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дала-даштдан ўтин териб, уни бозорга элтиб сотиш, ана шу билан тирикчилик қилиш тиланчилик қилиб яшашдан кўра яхши эканини Аллоҳ номига қасам ичиб, баён этганлар. Қиёмат куни дунёда тиланчилик билан кун кечирган кимсанинг юзида эти қолмаган ҳолда тирилишини айтганлар. Зеро, бирорлардан тиланаётган кимса юз терисини шилиб ташлаб, ор-номусини оёқости қилиб, ўзини бечораҳол қилиб кўрсатишга уринади. Шунга монанд, Аллоҳ таоло ҳам охиратда уни ана шундай ҳолатда тирилтиради. Билагида кучи бўлатуриб, тиланчиликни ўзига касб қилиб олган инсон ҳеч қачон рўшнолик кўрмайди. Чунки Аллоҳ таоло унга факирлик, камбағаллик эшигини очиб қўяди. Аллоҳ таоло билганларимизга амал қилиб боришни насиб айласин, омин!



#### **428. Савол: Бидъат нима, хурофот-чи? Улар бир-биридан қандай фарқланади?**

**Жавоб:** “Бидъат” сўзининг лугавий маъноси “янги пайдо қилинган иш” деганидир. Шариатда эса Пайғамбаримиз Мұҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан кейин пайдо қилинган ва диний рух берилган одат ва маросимларга айтилади.

“Бидъат” сўзи адабиётда бемаъни, сафсата, хурофот, уйдирма маъноларида ҳам ишлатилади. Кўпинча “бидъат” сўзига “хурофот” сўзи қўшилиб келади.

“Хурофот” арабчада “афсона, уйдирма” маъноларини билдиради. Масалан, “Гуруч Пайғамбаримизнинг синиб тўқилган тишларидан униб чиққан шолидан тарқаганмиш” ёки “Ўлганларнинг рухлари баъзида арвоҳ капалак шаклида ўз уйига келиб-кетиб турар эмиш” ва

ҳоказо мазмундаги тўқима гаплар шундай уйдирмалар жумласига киради. Булар ақлга ҳам, ақидага ҳам тўғри келмайдиган миш-миш ва хаёлий тасаввурлардир. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (хижрий 778 – 855) “Муснад” асарида келтирган бир ҳадисга кўра, хурофотнинг тарихи аслида бундай: Бани Узро деган араб қабиласи бўлиб, улар жоҳилият даврида қуёшга сифинишган. Бир куни шу қабиладан бўлган Хурофа исмли кишини жинлар ўзлари яшайдиган маконга олиб кетади ва ўз яшаш тарзлари билан танишириб, яна олиб келиб ташлашади. Шундан сўнг Хурофа (Хурофот) эса кўрган-кечирганлари ва жинлар ҳаётига доир ҳар хил гапларни айтиб юришни одат килган. Шу боис инсонлар бирор ақлга сифмайдиган гап эшитишса, “Бу Хурофа айтган гапларга ўхшайдику!” дейдиган бўлишади.



**429. Савол:** Бирон-бир шайхга байъат қилган киши зиммасида қандай мажбуриятлар бўлади. Унинг ҳуқуқий асоси қандай? Байъат ҳақида кенгроқ тушунча берсангиз.

**Жавоб:** Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) 1400 нафар саҳобий билан умра амалини бажариш мақсадида Маккага яқин келганларида, мушриклар йўлни тўсишга тайёргарлик кўраётгани ҳақида хабар келади. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошлиқ мусулмонлар жамоаси Худайбия деган жойда тўхташади. Вазият оғирлашиб, қуролли тўқнашув эҳтимоли юзага келади. Шундай нозик ва хатарли бир пайтда мусулмонлар Ислом йўлида фидокорлик аҳдини бериб, дарахт тагида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га байъат қилишади. Қуръони каримда бу ҳақда: «(Эй Муҳаммад!) Ҳақиқатан, Сизга байъат (қасамёд) қиладиганлар, албатта, Аллоҳга байъат қилган бўлурлар. Аллоҳнинг “яди” уларнинг қўллари узрадир», (Фатҳ, 10) деб марҳамат қилинган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан кеийин халифаларга, давлат бошлиқларига байъат қилиш одат бўлган. Кейинроқ, маънавий йўл бошловчи (муршидларга), маълум раҳбарлик маъносидаги улуғларга байъат қилина бошланган.

Уламолар тасаввуф шайхларига бериладиган байъатни тақво устида устоз ва шогирдлик аҳдномаси деб таърифлашади. Бунга ўхшаш байъатлар қасам ёки назр ҳукмида бўлиб, ҳамма байъат қилиши лозим дегани эмас. Чунки бу ўринда пир ўзининг устозлиқ вазифасини сидқидилдан бажаришга, мурид эса пирга садоқатли шогирд бўлишга аҳд қилган бўлади.



**430. Савол:** 1. “Абдурасул” деб исм қўйиш мумкинми?

2. Шахмат ўйнашнинг ҳукми нима?

**Жавоб:** 1. Аввало, фарзандига чиройли исм қўйиш ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Пайғамбари-миз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сиз қиёмат куни ўз исмингиз ва оталарингиз исми билан чақириласиз, шундай экан, болаларингизга чиройли исмлар қўйинглар” (Абу Довуд), деб марҳамат қилганлар. Бошқа бир ҳадисда: “Абду” ва “ҳамд” (Муҳаммад, Аҳмад, Маҳмуд каби) қўшилган исмлар энг яхши исмлардан ҳисобланади”, (“Ал-жомеъус сағир”) дейилган.

“Абдурасул” исми «Абду» сўзи билан бошланган. «Абдун» сўзининг маъноси эса қул дегани бўлиб, Абдурасул – Расулнинг қули, деган маънони англатади. Ҳадисда зикр қилинган “Абду” қўшимчасини Аллоҳ таолонинг 99 исми (Асмоул ҳусна)дан аввал қўйиш назарда тутилган ва бунда Аллоҳнинг қули, бандаси маъноларини билдиради.

Аммо Расулуллоҳга банда эмас, чин уммат, динга холис хизматчи бўлсин деган ниятда ҳам шундай исмлар қўйилган.

2. Шахмат ўйинининг зеҳнни чархлаш, фикри жамлаш, сабр-тоқатни тарбиялаш, топқирлик, тад-биркорликка ўрганиш каби фойдалари бор. Уламолар фикрича, шахмат ўйнашни мубоҳ дейиш учун ушбу шартлар топилиши керак:

– шахмат ўйнаш билан ибодатга халал етмаслиги, яъни шахмат ўйинига машғул бўлиб, ибодатни ўтказиб юбормаслиги керак;

– қимор аралаштириш, яъни ўртага бирор нарса тикиб ўйнаш мумкин эмас. Акс ҳолда, нафақат шахмат, балки ҳар қандай мубоҳ ўйин ҳам гуноҳ ишга айланади;

Ином Шофиъий ушбу шартлар бузилса, шахмат ўйнашни ҳаром, дейди.



**431. Савол:** Аллоҳ таолонинг «Биз уларнинг ер(лар)ига қасд қилиб, уни атрофидан камайтираётганимизни қўрмадиларми?!» (Раъд, 41) оятидаги “камайтириш” калимасининг мазмунини тушунтириб берсангиз.

**Жавоб:** Унинг тафсирида айтилишича, “атрофидан камайтириш”дан мурод солиҳ кишилар ва уламоларнинг вафотидир. Атроф, аслида, “ашроф”, яъни шарафли кишилар маъносида”. Ибн Аббос ва Кушайрий ана шундай дейишган. Ато ибн Рабоҳ: “Бундан мурод фуқаҳолар ва яхши кишиларнинг дунёдан кетишидир”, деганлар.

Баъзи муфассирлар бу жумладан мурод: ер ва уннадаги меваларнинг баракотини кетказишидир. Бу ҳолат кишилар зулмни кўпайтирганлари оқибатида юз беради. Чунки зулм сабабли шаҳарлар хароб бўлади, барака кўтарилади, дейишган.



**432. Савол:** Бир отахон жума куни Каҳф сурасини ўқиш кераклиги ва бу ҳақда ҳадис борлигини айтди. Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Қуръони каримнинг ҳар қандай оят ё сурасини ўқиш ибодат, савобли амалдир.

“Қуръон оятларининг барчаси Аллоҳнинг каломи бўлганидан фазилатда ва улуғликда тенгdir. Аммо баъзи оятларида ҳам зикр фазилати, ҳам зикр қилинганинг фазилати бор. Бунга мисол, Курси оятидир. Унда Аллоҳнинг улуғлиги, буюклиги ва сифатлари зикр қилинган. Яъни, бу оядта икки фазилат тўпланган – зикр фазилати ва зикр қилинганинг фазилати” (Ал-Фиқҳул акбар). Ҳадисларда Каҳф сурасини ўқиб юрган киши учун қиёматда нур бўлиши, дунёда кичик гуноҳларининг кечирилиши, дажжол фитнасидан омонда бўлиши каби фазилатлар баён қилинган. Вақт топилса, шу сурани жума ё бошқа кунлари ўқиган киши ана шундай фазилатга сазовор бўлади.



**433. Савол:** Никоҳ ўқилаётганида имом куёвга: “Маҳрга нима берасиз?” деб сўради. Бу сўзни ҳеч эшитмаган эканман, маҳр нима?

**Жавоб:** Маҳр никоҳ ақдидан келиб чиқадиган мажбурият бўлиб, келинга бериладиган пул ёки молдир. Қуръони карим ва суннат билан событ бўлган. Имоми Аъзам мазҳабида маҳрнинг энг ози ўн дирҳам кумуш (29,75 грамм) миқдори. Кўпининг миқдори чегараланмаган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Маҳрнинг энг яхшиси озиидир”, деганлар.



**434. Савол:** Ислом тарихига доир китобларни ўқиганда “фатрат замони ёки аҳли” деган ибораларга дуч келиб, маъносини тушунолмадим. Илтимос, ана шулар ҳақида маълумот берсангиз.

**Жавоб:** “Фатрат” уламолар истилоҳида икки пайғамбар ўртасидаги даврни ифодалайди.

Бу сўз, хусусан, Исо (алайҳиссалом) ва Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарлик даврлари оралиғидаги вақтга нисбатан қўлланади. Ана шу пайларда яшаб ўтган инсонлар “фатрат аҳли” деб номланади. Баъзи уламоларнинг фикрича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг пайғамбар этиб юборилганларидан кейин дунёга келиб, кимсасиз ерларда, якка-ёлғиз ҳолда тоғларда яшаганлари учун Ислом хабарини эшитмаганлар ҳам фатрат даврида яшаган инсонлар ҳукмидадирлар.



**435. Савол:** Динимизда “ҳожати аслия”, “нисоб миқдори” дейилганида айнан нималар назарда тутилади?

**Жавоб:** “Ҳожати аслия”, кишининг бирламчи эҳтиёжини қондирадиган нарсалардир. Буларга ичида яшаётган уйи, бир сидрадан ёзги ва қишки кийимлари, зарурий уй жиҳозлари, олтин ва кумушдан ясалмаган идиш-товоқлар, битта улов, иш қуроли, оила аъзоларининг озиқ-овқати киради (Айний, “Шарҳи Ҳидоя”).

“Нисоб миқдори” деганимизда, ана шулардан ошикча молларнинг закот вожиб бўлиши учун маълум миқдорга етиши тушунилади. Мисол учун,

Олтин: нисоби 20 мисқол (85 гр.);

Кумуш: нисоби 200 дирҳам (595 гр.);

Пул: нисоби олтин ёки кумуш нисоби баҳосига тенг бўлганида;

Тижорат моллари: нисоби олтин ёки кумуш нисоби баҳосига тенг келганида;

Кўй ва эчки: нисоби қирқтага етганида;

Қора мол: сигирлар сони ўттизтага етгач;

Туя: нисоби бештага етганида (“Фатовойи Ҳиндия”).



**436. Савол: Қуръони каримда келган “Машъарул Ҳаром” ибораси ҳақида маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Бу ибора Қуръони каримда бир ўринда келган: «Раббингииздан (ҳаж мавсумида тижорат билан) фазл тилашингизда сизларга (ҳеч қандай) гуноҳ йўқдир. Арафотдан тушганингиизда, **Машъари Ҳаромда** (Муздалифада) Аллоҳни (талбия, таҳлил, такбир, сано билан) зикр этинг! У сизларни гарчи илгари адашганлардан бўлсангиз-да – ҳақ йўлга ҳидоят қилгани каби, сизлар ҳам Уни ёд этингиз!» (Бақара, 198).

“Машъарул Ҳаром” Муздалифадаги “Жабали Қузыах” номли, устида “Мийқада” деб аталувчи тош бўлган тепалик ва унинг атрофидир. У эҳтиромга сазовор жой эканидан “Ҳаром” деб сифатланади (“Тафсири Насафий”).



**437. Савол: Илтимос, ҳанафий мазҳабининг асосчиси Имоми Аъзам ҳақида маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** У зоти шарифнинг исмлари Нўймон, оталарининг исми Собитдир. Ҳижрий сананинг 80-йили Ироқнинг Куфа шаҳрида туғилганлар. 70 йил умр кўриб, ҳижрий 150-йили Куфада вафот этганлар.

Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайх) саҳобалар яшаб турган асрда туғилиб, бир неча саҳобалардан сабоқ

олганлар. Саҳобаларнинг энг охиргилари биринчи ҳижрий асрнинг охири ва иккинчи ҳижрий асрнинг бошларида вафот этишган. Саҳобалар даврини топиш тўрт мазҳаб соҳиблари ичida фақат Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ)га насиб этган.

Саҳобалардан бевосита ҳадис ривоят қилишга ҳам фақат Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) мұяссар бўлганлар. Бунга “Муснад” деб аталмиш ҳадис тўпламларини мутолаа қилган киши гувоҳ бўлади.

Маълумки, иккинчи ҳижрий асрнинг биринчи ярми тобеинлар даври бўлган. Имоми Аъзам худди шу машҳур тобеинлар орасида ўзларининг фазлу фазоиллари билан машҳури жаҳон бўлдилар.

Йирик тобеинларнинг аксарияти Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ)нинг сўзлари ва фатволарини кейинги авлодга нақл этганлар.

Шогирдлари орасидан Имом Абу Юсуф, Имом Мухаммад, Имом Зуфар, Имом Ҳасан каби машҳур мужтаҳидлар етишиб чиққан.

Қуръон оятлари ва ҳадислардан ҳукм чиқариш усулларини, ижтиҳод қоидаларини тузиш биринчи бўлиб у зоти шарифга ато этилди.

Тирикчиликлари қасбидан эди. Илм аҳлига бойликларини қизғанмай сарфлардилар. Дунё матоҳи ва мансабидан парҳез қилган ҳолда турли қийноқлар билан шаҳидлик мартабасини топиш ҳам буюк имомимиз Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ)га насиб бўлган.

Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ)нинг бу қадар фазилатлари ва илму ҳилмлари бўлишига қарамай, замоналарида ҳам, кейинги даврларда ҳам у зотга ҳасад қилиш, қадрларини туширишга ҳаракат қилиш, шаънларига тухмат ва бўхтонларни ёғдириш каби ношойиста хатти-ҳаракатлар бўлиб келган. Шундай ноўрин таъналардан бири “Имоми Аъзам ҳадислар қолиб, ўз ақли ва фикри билан масала айтган. Ҳадислардан

жуда оз миқдорда билган”, деган фаразли гаплардир. Ваҳоланки, у зот аввало Қуръонга, сўнgra ҳадисларга, ундан сўнг саҳобаларнинг сўзлариға суюниб, ундан кейин ўз хуласаларини баён этганлар. Ҳадис ривоятига келсак, у зотнинг 15 та ҳадис тўпламлари бор. Уларнинг ҳар бирини “Муснад” деб номлаганлар. Шу 15 та “Муснад”ларини тўплаб, саралаб, улардан бир китоб қилган зот ўзимизнинг юртдошимиз Абул Муайяд Мұхаммад ибн Маҳмуд Хоразмийдир. Бу зот ҳижрий 593 (1196) йилда туғилиб, 665 (1257) йили вафот этганлар.



**438. Савол:** Баъзилар тасаввуфнинг келиб чиқишини бошқа динларга, жумладан, буддавийликка боғлади. Ислом манбаларида эса, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврлариға боғланади. Илтимос, тасаввуф қачон ва қаердан бошлангани ҳақида маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Тасаввуф силсилалари икки йўл – Али ибн Абу Толиб ёки Абу Бакр Сиддиқ орқали Мұхаммад пайғамбаримиз (алайҳиссалом)га бориб боғланади. Бундан тасаввуф янги нарса эмас, балки Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) даврларидан бошланган деган хуласа келиб чиқади.

Тасаввуфнинг келиб чиқишида бошқа дин ёки оқимнинг ўрни йўқ. Тасаввуф – амал ва тақводир. Шунинг учун илм керак.

Имом Молик айтадилар: “Ким фақих бўлса-ю, сўфий бўлмаса, у фосиқдир, ким сўфий бўлса-ю, фақих бўлмаса, у кофирдир”. Бу ҳақида тасаввуф мавзуидаги манбалардан тўлиқроқ маълумот олиш мумкин.



**439. Савол:** Қуръони каримда исмлари келтирилган пайғамбарларнинг кўпчилиги Бани Исроил қавмига юборилган. Ўша вактда ер юзининг бошқа жойларида ҳам инсонлар яшаган-ку. Нега энди пайғамбарлар айнан Бани Исроил қавмидан бўлган?

**Жавоб:** Бани Исроил атамаси Яъқуб пайғамбар (алайҳиссалом)дан кейин қўлланила бошлаган. Унгача Одам отамиз (алайҳиссалом)дан ҳазрат Исҳоқ (алайҳиссалом)гача ўтган пайғамбарлар бу ном билан аталмаган. Кўп пайғамбарлар Иброҳим (алайҳиссалом) авлодларидан бўлган ва улардан кўпининг номи Қуръонда зикр қилинган. Бироқ кўп дегани барчаси деганини англатмайди.

На Қуръони карим ва на ҳадисларда пайғамбарларнинг фақат Бани Исроил қавмидан эканига далил йўқ.

Раъд сурасининг 7-оятида: «**Ҳар бир қавм учун ҳидоят қилувчи (пайғамбар) бордир**» дейилган бўлса, Исро сурасининг 15-оятида: «**То пайғамбар юбормагунимизча (бирор кимсани) азобловчи бўлмадик**», дейилади.

Муҳаммад пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг: «Пайғамбарлар ўз қавмига маҳсус юбориларди. Мен бутун инсониятга умумий юборилдим» мазмунли ҳадисларидан ҳам шу маънони англаса бўлади. Демак, пайғамбарлик муайян қавм ёки ирққа хос эмас.



**440. Савол:** Ҳазрат Сулаймон (алайҳиссалом) қурдирган ибодатхона ҳақида маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Сулаймон (алайҳиссалом) кўплаб меъморий бинолар қурдиргани ҳақида тарихий маълумотлар бор. Бундай иншоотлардан бири Қуддусдаги

ибодатхона бўлиб, у милоддан аввалги 950-йилларда, етти йил давомида қуриб битказилган. Орадан тўрт юз йилга яқин вақт ўтгач, милоддан аввалги 586 йили Бобил хукмдори уни вайрон қилдирган.

Вайрон қилинган қадимий ибодатхонани подшоҳ Ирод (мил. олд. 520 й.) қайта тиклатади. У ибодатхонани ҳам римликлар (мил. олд. 70 йили) бузиб ташлашади.



**441. Савол:** Қуръон оятлари ким томонидан тартиб қилиниб, олдинма-кетин жойлаштирилган? Шуни тушунтириб берсангиз.

**Жавоб:** Қуръон оятларини тартиб билан жойлаштириш, Муҳаммад Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Жаброил (алайҳиссалом) келтирган ваҳий орқали берган кўрсатмалари асосида бўлган.



**442. Савол:** “Ихлос ихлосни кўришнинг йўқолишидир”, иборасини тушунтириб берсангиз.

**Жавоб:** “Ихлос ихлосни кўришнинг йўқолишидир. Ким ихлосида ихлосни кўрса, ихлоси ихлосга муҳтож бўлибди”. Бу ҳикматли ибора мутасаввиф аллома Сусийга тегишли бўлиб, уни Имом Абу Ҳомид Ғаззолий “Иҳёу улумиддин” китобининг “Ихлос” бобида келтирган.

Инсоннинг ички ва ташқи амаллари холис бўлиши керак. Холис деб барча мақсад, ғараз ва оғатлардан холи, Аллоҳ розилиги учун қилинадиган амалга айтилади. Чин ихлос мўмин киши ўзини бошқалардан кўра хокисорроқ, нотавон ва гуноҳкорроқ билса, гуноҳларига кўпроқ афсус-надомат чекса, қилган яхши амалларини риёсиз ўзининг бандалик бурчи деб бажарсагина, пайдо бўлади.

Шунингдек, ихлос қўрқув ва умид билан ҳосил бўлади. Тириклигига жаннатга кириши башорат қилинган саҳобалардан Абу Бакр Сиддиқ: “Агар менинг бир оёғим жаннатга кириб, иккинчиси ташқарида қолса, Аллоҳ (мени жаҳаннамга отишга амр қилиши)дан қўрқаман. Агар бир оёғим дўзах эшигидан кириб, иккинчиси ташқарида қолса, Аллоҳнинг (мени афв этиб) марҳамат кўрсатишидан умидвор бўлиб тураман” деганлари, Яъқуб Макфуф эса: “Мухлис (ихлосли киши) ёмон амалларини яширганидек яхши амалларини ҳам яширади” деганлар.



**443. Савол: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида Қуръонни сақлаш мақсадида оятларини кўчириб бориш тарихи ҳақида маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Қуръон оятлари Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)га нозил бўлган заҳоти саҳобаларга уни тиловат қилиб берар ва оятнинг жойини айтиб, уни кўчириб қўйиши буюрадилар. Котиблар оятни хурмо пўстлоғи, япалоқ тош ёки тахталарга, тери ва ҳайвонларнинг курак суякларига кўчириб олардилар. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) ҳузурларида Қуръондан нозил бўлган оятларни эшитган саҳобалар дарҳол уни ёдлаб, бошқаларга ҳам етказар, ёдда сақлаб қолиш учун такрор-такрор ўқиб ҳам юрадилар.

Ҳоким “Мустадрак” китобида Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу)дан бундай ривоят қиласи: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида ваҳийни кўчириб туардим. Кўчириб бўлганимдан сўнг: “Ўқи!” дер эдилар, мен ўқиб берардим. Агар бирор жойи қолиб кетган бўлса, у зот айтардилар».

Баро ибн Озиб (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «**Ла яставил-қоъидуна...**» ояти нозил бўлган пайтда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) менга: “Зайд-

ни чақир, лавх, қалам ва курак суюгини олиб келсин”, дедилар.

Шундан сүнг Зайд (розияллоху анху)га кўчиришни буюриб: «**Ла яставил қоъидуна...**» дея қироат қилдилар (*Имом Бухорий*).

Имом Муслим Абу Саиддан қуйидаги ҳадисни ривоят қиласди: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Мендан Куръондан бўлак ҳеч нарсани ёз(қофозга кўчир)манглар”.

Шундай қилиб, Куръоннинг ёд олиниши, қалбларга ўрнашиши, кўчирилиши унинг нозил бўлиши билан бир вақтда кечди, саҳобаларнинг баъзилари Куръонни тўла ёд олган бўлсалар, баъзилари эса бир қанча сураларни ёд билар эдилар. Расулуллоҳ (алайҳиссалом) даврларида Куръонни тўлиқ ёд олган саҳобалардан ўттизтаси санаб ўтилган. Расулуллоҳнинг 44 ваҳий котиблари бўлиб, шундан ўн тўрт нафари машҳур. Улар оятларни навбатма-навбат кўчириб боришган. Булардан ташқари, ҳузурларида ҳозир бўлган бошқа кишилар ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га нозил бўлган оятларни кўчириб олар ва ёдлар эдилар.



**444. Савол:** Илтимос, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ота ва она тарафларидан насаблари ҳақида маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг оталари Абдуллоҳ, оналари Оминадир. Аждодлари Аднонгача бориб етади. Боболарини тартиб билан келтирадиган бўлсақ, қуйидагилар эди: Абдулмутталиб (Шайба), Ҳошим, Абдуманноф, Қусай, Ҳаким (Килоб), Мурра, Каъб, Луай, Ғолиб, Фехр (Қурайш), Молик, Назр, Кинона, Хузайма, Мудрика, Илёс, Низор, Маъд, Аднон. Аднон эса Исмоил (алайҳиссалом)нинг зурриётларидан бўлиб, Кайзар сулоласидан эди.

Оминанинг отаси Ваҳб, боболарининг исмлари эса қўйидаги тартибда келтирилади: Навфал, Абдул Уззо, Зухра, Ҳаким. Ҳаким Зухранинг ҳам, Қусайнинг ҳам отаси эканини эътиборга олсак, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг оталари ва оналарининг насаби Ҳакимга келиб бирлашганини кўрамиз.



**445. Савол:** Маълумки, сафар ойи ҳижрий-қамарий тақвим бўйича йилнинг иккинчи оидир. Одатда бу ой яқинлашиши билан кишилар орасида турли саволлар кўпаяди. Баъзилар сафар ойида сафарга чиқиб бўлмайди, тўй қилиб бўлмайди, деб ирим қилишади. Шу тўтроми?

**Жавоб:** Мусулмонлар ўртасида баъзи ирим-сиirimлар ҳануз давом этаётгани ачинарлидир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

«Бу умматда кутилмаган уч нарса бор. Улар ҳасад, гумон ва иримдир. Улардан қутулиш йўлини васият қиласман: гумон қилсангиз, текширманг; ҳасад қилсангиз, суиқасд қилманг; ирим қилсангиз ишингиизда, йўлингиизда давом этинг».

Баъзи кунлардан, ойлардан, сафарга чиқилган пайтда йўл устида мушук, ит каби баъзи ҳайвонларнинг учрашидан, қарға ва бойўғлиниг товушларидан ҳамда баъзи бир рақамлардан ирим қилиш, шу сабабли кўп муҳим ишларни ёки ҳаракатларни кечикириш дуруст эмас. Сафар ойидан ирим қилиш ҳам хатодир. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак ҳадисларида:

«Касалликнинг юқиши, ирим, руҳни бойқушга ўтиши, сафар ойидан шумланиш Исломда йўқ».

Эътиқод юзасидан, бирордан касалликнинг иккинчи бир кишига юқиши йўқ, Аллоҳ таоло хоҳласагина ўтади. Шариати исломияда ирим қилиш йўқ, у эскилиқ қолдиқларидан бўлиб, мусулмонлар орасида тарқалган бир зарарли ақидадир. Вафот этган одамнинг руҳи келиб,

турли жониворлар шаклида чирқиллаб туриши ҳам йўқ. Бойўғлининг дарахтга чиқиб сайрашидан ҳеч кимга зарар йўқ. Чунки одамлар ўйлаганидек, бойўғли сайраганида ёки ин қурганида, дарахт қуриб, ўйлар вайронага айланмайди, аксинча бойўғли қуриган дарахтлар ва вайроналарни қидириб топиб, ўша жойларгагина ин қуради. Чунки унинг емиши бўлмиш сичқон ва каламушлар одатда худди ана шундай хароба жойларда бўлади. Сафар ойидан ҳам ирим қилиш Исломда йўқ.

Баъзи инсонлар “сафар ойи кирди” деб, қилинадиган тўйлар ва яхши ишларни кейинги ойларга кечиктирадилар. Аммо динимиз хайрли ишларни кечиктирмаслигини буюради, дейилган. Сафар ойидаги каби, шанба кунларидан ҳам ирим қилиш одати бор. Буларнинг ҳаммаси шариатимизга зид ишлардир.



#### **446. Савол: Хурматли Муфтий ҳазратлари! Ҳижрий ва милодий саналар ҳақида маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Тарих воқеаларини белгилаш, ўтаётган ҳар бир вақт ҳисобини аниқлаб ёзиш ва кейинги авлодга қолдириш мақсадида йил, ой, кунларнинг ҳисобига, тақвимга қадимдан амал қилиб келинади.

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қиласи:

﴿ وَجَعَلْنَا أَلَيْلَ وَالنَّهَارَ إِيمَانٌ فَمَحَوْنَا إِيمَانَ الْأَلَيْلِ وَجَعَلْنَا إِيمَانَ النَّهَارِ مُبَصِّرَةً لِتَبَتَّعُوا فَضْلًا مِنْ رَبِّكُمْ وَلِتَعْلَمُوا عَدَدَ الْسَّيِّئَاتِ وَالْحُسَابَ وَكُلُّ شَيْءٍ فَصَلَّنَاهُ تَفْصِيلًا ﴾ ۱۲

«Биз кеча ва кундузни (қудратимизни кўрсатиб турадиган) икки белги қилиб қўйдик. Кечанинг белгисини ўчирдик. Кундуз аломатини эса, Раббингиздан фазл (ризқ) исташларингиз учун ҳамда йиллар саногини ва ҳисобини билишингиз

**учун ёруғлик қилиб қўйдик. Барча нарсани батаф- сил баён қилиб қўйганмиз» (Исрo, 12).**

Яъни, тунни зулматдан иборат қилиб зиёсиз, ҳеч нарса кўринмайдиган қилиб қўйдик. Тунда ой ёруғи ёки чироқ бўлмаса, инсон қўзига ҳеч нарса кўринмайди. Агар кун билан тун бўлмаганида сана ҳисоби ҳам бўлмас эди.

Манбаларга кўра, дастлабки тақвим (календар) қадимги Римда пайдо бўлган. То давримизгача ўнга яқин тақвим юзага келган. Уларнинг баъзилари истеъмолдан қолиб кетиб, ўрнига янгилари қабул этилган. Масалан, вақтни белгилашнинг дастлабки тақвимлари турли мамлакат ва халқларда турлича бўлган. Милоддан олдинги ўнинчи асрларда яшаган кишилар йил ҳисобини белгилашда маълум бир воқеа ёки табиий ҳодисаларни асос қилиб олишган.

Машҳур тақвимлардан бири қадимий Хитой календари бўлиб, унинг юзага келиши милоддан олдинги 2397 йилларга тўғри келади. Бу тақвим Хитой, Япония, Корея ва Мўгулистан мамлакатларида кенг қўлланилиб, XVI–XVII асрлардагина янги тақвимга ўтилган.

Қадимги Миср тақвими ҳам жуда узоқ муддат қўлланилган. У милоддан тўрт минг йил илгари бошланган экан.

Милоднинг 552 йилига келиб “Арман календари” пайдо бўлди ва саккиз асрга яқин яшади.

Милодий 1079 йили Умар Хайём (вафоти 1123) жуда такомиллашган янги тақвим ишлаб чиққан.

Ҳижрий-қамарий тақвим эса, жаноби Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан сўнг халифа Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) даврларида вужудга келди. Бу зоти шариф бошқа улуғ саҳобийлар билан маслаҳатлашиб, Ислом тарихи учун янги тақвим тузиш зарурлигини тушунтирганларида барча саҳобийлар бу фикрни бир овоздан маъқуллашган.

Хижрий сана аввалини қайси йил воқеасидан бошлаш түғрисида ҳар бир саҳобий ўз фикрини баён қилган. Баъзилари Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туғилган кунларидан бошлайлик дейишса, бошқалари у зотнинг вафот этган саналаридан бошлашни маъқуллашади.

Ҳазрат Умар (розияллоҳу анху): “Расулуллоҳнинг вафотларидан бошласак, ҳар йил бошланишида у жаноб вафотларининг қайғуси янгиланиб, янги йилни байрам қилиб эмас, мотамсаролик ила кутиб олишга түғри келади” деб, бу фикрни рад этадилар.

Нихоят, ҳаммалари янги ҳижрий санани Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Маккаи мукаррамадан Мадинаи мунавварага қилган ҳижрат кунларидан бошлашга келишишади. Ҳижратларининг кунлари сафар ойига түғри келган бўлса-да, лекин унга тайёргарлик муҳаррам ойидан бошланганини эътиборга олиб, ҳижрий сананинг бошланиши деб шу муборак ой – муҳаррамнинг биринчи қунини белгилашади.

Шундай қилиб, ҳижрий-қамарий санамизнинг биринчи куни – милодий сананинг 622 йил 16 июль жума кунига түғри келади.

Шу тариқа мусулмонлар Рамазон ва Қурбон ҳайити кунларини белгилаш каби масалаларда ҳижрий-қамарий тақвимдан фойдаланишади. Кундалик ҳаётимизда эса милодий, яъни дунё халқларининг кўпи амал қиласидан Григориан календаридан фойдаланамиз.

Милодий сана тарихи Исо (алайҳиссалом) тарихлари билан бевосита алоқадордир.

Қуръони каримнинг йигирма бешдан зиёд ояти каримасида Исо (алайҳиссалом) номлари зикр этилади. Исо (алайҳиссалом) Довуд (алайҳиссалом) зурриётлари Марям бинти Имрондан Аллоҳ таолонинг қурдати билан отасиз дунёга келганлар.



**447. Савол:** Ассалому алайкум, ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Ҳақ йўлдаги тўртта мазҳаб қайси давлатлар ва ҳудудларга кенг тарқалган? Сиздан илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз. Олдиндан катта раҳмат!

**Жавоб:** Суннийликнинг тўрт мазҳаби қўйидаги ҳудудларга тарқалган:

1. Ҳанафия. Бу мазҳабнинг асосчиси Имоми Аъзам, исмлари Нўъмон ибн Собит, кунялари Абу Ҳанифа (80–150 ҳ.с.). Бу мазҳаб – Онадўли, Болқон ярим ороли, Шимолий Кавказ, Қора денгиз бўйлари, Волгабўйи, Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон, Хитойгача бўлган даштлар ва Индонезия оролларигача бўлган ҳудудларда кенг тарқалган.

2. Моликия. Унинг асосчиси Имом Молик ибн Анас (хижрий 95–179). Бу мазҳаб Саудия Арабистони, Миср, Шимолий Африка, Андалусиягача бўлган ҳудудларда тарқалган.

3. Шофиъия. Унинг асосчиси Имом Шофиъий Мұхаммад ибн Идрис (хижрий 150–204). Бу мазҳаб Сурия, Фаластин, Ироқ ва Ҳижозгача бўлган ҳудудларда тарқалган.

4. Ҳанбалия. Унинг асосчиси Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (хижрий 164–241). Бу мазҳаб Ироқ, Хурасон, Сурия, Ҳижозгача бўлган ҳудудларда тарқалган.



**448. Савол:** Илтимос, мазҳаббошимиз Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайх)нинг фазилатларидан айтиб берсангиз.

**Жавоб:** У зот тўғрисида уламоларимиз кўп гапиришган, маноқиблари, фазилатлари хусусида бир қанча китоб ва рисолалар ёзилган. Шунинг учун мавзу бўйича батафсил тўхтаб ўтирасдан бошқа мужтаҳид ва фуқаҳоларга насиб этмаган фазилатларини баён қилишга ҳаракат қиласиз.

Имоми Аъзам (розияллоҳу анҳу) саҳобалар яшаб турган асрда туғилиб, бир неча саҳобалардан сабоқ олганлар. Яъни, ҳижрий сананинг 80-йили таваллуд топганлар. Саҳобалардан бевосита ҳадис ривоят қилиш ҳам фақат Имоми Аъзам (розияллоҳу анҳу)га мұяссар бўлган. Бунга у зотнинг “Муснад” ҳадис тўпламларини мутолаа қилган киши гувоҳ бўлади.

Маълумки, иккинчи ҳижрий асрнинг биринчи ярми тобеинлар даври бўлган. Имоми Аъзам худди шу машҳур тобеинлар ичидан ўзларининг фазлу фазоиллари билан машҳури жаҳон бўлдилар.

Йирик тобеинларнинг аксарияти Имоми Аъзам (раҳматуллоҳ)нинг сўзлари ва фатволарини кейинги авлодга нақл этганлар. Илмда шухрат қозонган тобеинларнинг тўрт минг нафарига шогирд бўлиб, улардан сабоқ олиб, камолга етганлар.

Шогирдлари орасидан мужтаҳид олимлар чиққан.

Куръон оятлари ва ҳадислардан ҳукм чиқариш усулларини, ижтиҳод қоидаларини тузиш биринчи бўлиб у зоти шарифга ато этилди.

Тирикликлари ўзларининг ҳалол касбидан бўлди. Бошқалардан олиш ўрнига, у зот илм ахлига ўз бойликларидан сарф қиласар эдилар.

Дунё матоҳи ва мансабдан парҳез қилган ҳолда турли қийноқлар билан шаҳидлик мартабасини топиш ҳам буюк имомимиз Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)га насиб бўлди.



**449. Савол:** Куръонда зикр қилинган пайғамбарлар кимлар?

**Жавоб:** Аллоҳ таоло Ўзининг чексиз марҳамати ва раҳмати туфайли башариятга пайғамбарлар юборган.

Куръони каримда номлари зикр қилинган пайғамбарлар қуйидагилар:

1. Одам (алайҳиссалом).
2. Идрис (алайҳиссалом).
3. Нуҳ (алайҳиссалом).
4. Ҳуд (алайҳиссалом).
5. Солиҳ (алайҳиссалом).
6. Иброҳим (алайҳиссалом).
7. Лут (алайҳиссалом).
8. Исмоил (алайҳиссалом).
9. Исҳоқ (алайҳиссалом).
10. Яъқуб (алайҳиссалом).
11. Юсуф (алайҳиссалом).
12. Айюб (алайҳиссалом).
13. Шуайб (алайҳиссалом).
14. Мусо (алайҳиссалом).
15. Ҳорун (алайҳиссалом).
16. Юнус (алайҳиссалом).
17. Довуд (алайҳиссалом).
18. Сулаймон (алайҳиссалом).
19. Илёс (алайҳиссалом).
20. Ал-Ясаль (алайҳиссалом).
21. Закариё (алайҳиссалом).
22. Яҳё (алайҳиссалом).
23. Зулкифл (алайҳиссалом).
24. Исо (алайҳиссалом).
25. Мұхаммад (алайҳиссалом).

Саволда айтилгани каби Қуръонда бор-йўғи йигирма беш пайғамбарнинг номи зикр қилинган. Бу дегани фақат йигирма беш пайғамбар ҳақ, дегани эмас. Уларнинг сони қатъий бир адад билан чегараланмайди. Биз барча пайғамбарларга имон келтирамиз.



**450. Савол:** Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) икковлари Мадинага ҳижрат қилаётганларида ғорда мушриклардан

қандай қутулиб қолғанлари ҳақида маълумот берсангиз.

**Жавоб:** Бу ҳақда Куръони каримда:

﴿ إِلَّا نَصْرُوهُ فَقَدْ نَصَرَهُ اللَّهُ إِذْ أَخْرَجَهُ الَّذِينَ كَفَرُوا  
ثُانِيَ أَشْنَى إِذْ هُمَا فِي الْفَكَارِ إِذْ يَقُولُ لِصَاحِبِهِ لَا تَخْرُنْ  
إِنَّ اللَّهَ مَعَنَا فَأَنْزَلَ اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَيْهِ وَأَيْسَدَهُ بِجُنُودِ  
لَمْ تَرَوْهَا وَجَعَكَلَ كَلِمَةَ الَّذِينَ كَفَرُوا أَسْفَلَى  
وَكَلِمَةُ اللَّهِ هُوَ أَعْلَمُ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴾ ٤٠

«Агар сизлар унга (Мұхаммадға) ёрдам қилмасангиз, Аллоҳ (Үзи) унга ёрдам қилган. Қачонки, уни коғирлар икки кишининг бири сифатида (ватанидан) чиқарып юборғанларида, икковлари ғорда туриб, (Мұхаммад) ҳамроҳи (Абу Бакр)га: “Ташвиш чекма! Албатта, Аллоҳ биз билан биргадир!” деган әди. Шунда Аллоҳ унга таскин (хотиржамлик) нозил этди ва сизлар кўрмаган лашкарлар (фаришталар) билан уни қувватлади ҳамда коғир бўлғанларнинг сўзини тубан қилди. Аллоҳнинг сўзи юксакдир. Аллоҳ қудратли ва ҳикматли (Зот)дир» (Тавба, 40).

Макка мушриклари мусулмонларга қаттиқ тазийқ ўтказавергач, жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайхи ва саллам)га Аллоҳ таоло Мадинага ҳижрат қилишга изн берди. Абу Бакр Сиддиқ билан бирга йўлга чиққанларида, уларнинг изига тушган мушриклардан сақланиш учун Маккага яқин жойда – Савр тоғидаги бир ғорга кириб яширинадилар. Душман изқуварлари ғор оғзигача излаб келишади. Лекин Аллоҳнинг марҳамати билан ғор оғзи ўргимчак тўрлари билан ўралиб қолади. Буни кўриб, улар орқага қайтиб кетишади. Абу Бакр Сиддиқ ғор оғзига келиб қолган душманлар Расулуллоҳ (алайҳиссалом)га озор етказишади, деб қаттиқ ҳая-

жонланадилар. Шунда Расулуллоҳ (алайҳиссалом) тасалли бериб, ўша оятни ўқиганлар.

Форда уч кеча – жума, шанба ва якшанба кунлари қолишади. Абу Бакрнинг ўғли Абдуллоҳ (розияллоҳу анхум) форга егулик олиб бориб туради. Абдуллоҳ кечаси улар билан ғорда тунар ва саҳарда йўлга чиқиб тонггача Маккага етиб келар эди. Маккада бўлаётган гап-сўзлар, хабарларни эшитиб, кечқурун яна йўлга чиқар эди. Абу Бакр қулликдан озод қилган Омир ибн Фуҳайра хуфтон маҳали қўйларини Савр тоғи этагига ҳайдаб келиб, уларга сут олиб кирарди ва ўша ерда қоларди. Тонгда қўйларни Абдуллоҳнинг изидан хайдаб, шу йўл билан изларни йўқотар эди.

Курайшликлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни қўлдан чиқариб юборишгач, ҳаммаёқни остин-устин қилиб юборишади. Ҳазрат Али (розияллоҳу анху)ни Каъбага олиб бориб сўроқ қилишади. Ҳеч нарса чиқмагач, Абу Бакр (розияллоҳу анху)нинг уйларига боришади ва эшикни тақиллатишади. Уларнинг олдига Асмо бинти Абу Бакр чиқади. Улар: “Отанг қани?”, деб сўрашади. Асмо: “Отамнинг қаердалигини билмайман”, деб жавоб беради. Шунда Абу Жаҳл Асмонинг юзига тарсаки туширади. Тарсаки зарбидан зираклари тушиб кетади.

Курайшликлар уларни топиш учун барча чораларни кўришди. Маккадан чиқувчи ҳар йўналишга одам юборишди. Уларни ўлик ёки тирик ҳолда топганларга юзта тuya мукофот ваъда қилишди. Отликлар уларни барча водийлар, тоғлар ва даралардан қидиришди. Ҳатто улар яширинган Савр ғори оғзига ҳам келишди. Бироқ Аллоҳнинг қудрати чексиз, тополмай, қайтиб кетишиди.

Имом Бухорий Анас ибн Моликдан, у киши Абу Бакр (розияллоҳу анху)дан ривоят қиласидилар: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан ғорда эдим. Бошимни кўтариб, қадам товушларини эшитдим ва:

“Ё Расулуллох, пастга қарашса, бизни кўриб қолишиади”, дедим. Расулуллоҳ: “Кўрқма, эй Абу Бакр! Аллоҳ биз билан биргадир”, дедилар. Бошқа бир ривоятда: “Учинчи ҳамроҳлари Аллоҳ бўлган икки кишига нима ҳам қила олишарди!” деганлар».



**451. Савол:** Бир эҳсон дастурхонида имом домла чўпон ва бўри воқеасини айтиб берди. Домла айтган ушбу воқеа ҳақиқатан ҳам бўлганми?

**Жавоб:** Чўпон ва бўри воқеаси Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг мўъжизаларидан биридир.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинади: «Бир бўри чўпоннинг олдига келди ва унинг қўйларидан бирини олиб қочди. Чўпон бўрининг орқасидан етиб олиб, қўйини тортиб олди. Шунда йиртқич жонивор (яъни, бўри) бир тепаликка чиқиб думини оёқлари орасига қисиб чўнқайиб ўтирди ва: “Сен Аллоҳ таоло берган ризқни мендан тортиб олдинг”, деди чўпонга қараб. “Аллоҳга қасам, мен бўрининг бундай гапирганини ҳеч эшитмаган эдим!” деб ҳайратланди чўпон. “Бундан ҳам ажабланарлироқ нарса бор”, дея сўзлашда давом этди бўри: “Икки (вулқон ўчганидан кейин ҳосил бўлган) тошлоқ ер ўртасидаги хурмозорда бир одам сизларга бўлиб ўтган ва сизлардан кейин бўладиган ишлар ҳақида хабар бермоқда!” Ҳалиги чўпон яҳудий эди. У Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, Исломни қабул қилди ва бўри билан бўлган воқеани айтиб берди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни тасдиқладилар ва: “Бу Киёмат олдидан бўладиган аломатларнинг биридир”, дедилар. Бирор (уйидан) чиқиб кетади. Қайтиб келса, у кетганидан сўнг оиласининг нима билан машғул бўлганини ҳатто оёқ кийимлари ва қамчиси сўзлаб беришига яқин қолади”, дедилар» (*Имом Аҳмад*).

Бу ва бунга ўхшаш гаройиб ҳодисалар Расулуллоҳ (алайхиссалом)нинг улуғ мўъжизалари бўлгани учун барчамиз сўзсиз уларга имон келтиришимиз керак.



**452. Савол: Исломда инсон ҳақлари, эркинлиги юқори дараҷада ҳимоя қилинади. Шундай экан, нега Исломнинг илк даврида қулчиликка рухсат берилган?**

**Жавоб:** Ер юзига Ислом дини келган пайтда қулдорлик бутун дунё бўйлаб кенг ёйилган эди. Инсонларнинг бир-бирларини қул қилиб сотиши, ишлатиши ва бошқа мақсадларда фойдаланиши оддий ҳол ҳисобланарди. Ана шундай пайтда Ислом қулдорликка қарши биринчи бўлиб кураш бошлади. Барча инсонлар тенг экани, ҳаммалари бир ота ва бир онадан тарқалгани, қулдорларга қуллар ҳам ўзларига ўхшаган инсонлар, биродарлари экани баён этилди.

И мом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: “Қулларингиз биродарларингиздир. Аллоҳ сизни уларга эга қилиб қўйгандир. Агар хоҳласа, уларни сизга эга қилиб қўяр эди. Уларга ўзингиз еган таомдан беринг, ўзингиз кийган кийимдан кийдиринг”, дейилади.

Мусулмонлар қулларига ҳам ўзлари ейдиган овқатдан егизиб, ўзлари киядиган кийимидан кийгизадиган бўлишди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Ким бир қул озод қиласа, Аллоҳ ўша қулнинг ҳар бир аъзоси эвазига унинг ҳам бир аъзосини дўзахдан озод қиласди”, деб марҳамат қиласидилар (*И мом Муслим*). Мусулмонлар ажру савоблардан умидвор бўлган ҳолда, барчалари бу тарғиботга амал қилиб, қул озод эта бошлашади. Яна шариатга кўра, қул билан хожа ўзаро келишган маълум маблағ эвазига қуллар озод бўла бошлайди. Хожасидан фарзанд кўрган чўри аёл ўз-ўзидан озодликка чиқадиган бўлди. Шунингдек, қулдорлар орасида “Ўлимимдан кейин озодсан”, деган

аҳд ҳам жорий қилинди. Қариндошига қул бўлиб қолган одам ҳеч шартсиз озод бўлишига ҳукм қилинди. Ҳур инсонни қул қилиб сотишдан қайтарилди. Натижада кўплаб қуллар барча қатори озод инсонлар сафига қўшилдилар. Қулдорлик ва қулчилик йиллар ўтиб барҳам топди, бутунлай тугатилди.



**453. Савол:** Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га улул азм пайғамбарлар сабр қилғанлариdek сабр этишни буюрган. Пайғамбарлардан кимлар улул азм ҳисобланишади?

**Жавоб:** Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿فَاصْبِرْ كَمَا صَبَرَ أُولُو الْعَزْمِ مِنَ الرُّسُلِ وَلَا تَسْتَعِذْ لَهُمْ﴾

«(Эй Мұхаммад!) Сиз ҳам улул азм пайғамбарлар сабр қилғанлариdek сабр қилинг ва уларга (тушадиган азобни) қистаманг!» (Аҳқоф, 35). Пайғамбарлардан кимлар улул азм экани борасида турли фикрлар бор. Баъзилар Аҳзоб сурасининг 7-оятида зикр этилган пайғамбарлар улул азм пайғамбарлардир, дейишган.

﴿وَإِذْ أَخَذْنَا مِنَ النَّبِيِّنَ مِثْقَلَهُمْ وَمِنَكَ وَمِنْ نُوحٍ وَإِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى وَعِيسَى أَبْنِ مَرْيَمٍ وَأَخَذْنَا مِنْهُمْ مِثْقَلًا غَلِظًا﴾



«Эсланг, Биз (барча) пайғамбарлардан ва Сиздан, Нуҳдан, Иброҳим, Мусо, Исо ибн Марямдан аҳд олгандик. Улардан олган аҳдимиз қатъий эди». Баъзилар зикр этилган оятда номлари келган пайғамбарларга Одам (алайхиссалом)ни ҳам қўшиб, улул азм пайғамбарлар олти нафар дейишган ва шу тўғридир. Демак, Одам, Нуҳ, Иброҳим, Мусо, Исо, Мұхаммад (алайхимуссалом) улул азм пайғамбарлардир.



**454. Савол:** Саҳобалардан бири Раҳмоннинг Арши қимирилашига сабабчи бўлган дейишади. Аршнинг қимирилаши қандай таъвил қилинган?

**Жавоб:** Имом Муслим “Саҳих”ларида Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қиласиди. «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Саъд ибн Муознинг тобути олдида туриб: “Бу туфайли Раҳмоннинг Арши қимирилади”, дедилар». Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ҳам шундай ривоят қиласиди.

Ҳарбий айтади: “Бу ҳолат Саъднинг вафот этиши катта мусибат эканига ишорадир. Араблар улуғ нарсанни улуғвор нарсаларга нисбат беришади. Масалан, фалончининг ўлими сабабли ер зулматга чўмди, дейишади”. Аллоҳ билувчиидир.



**455. Савол:** Ёсин сурасининг фазилатлари ҳақида нималар дейилган?

**Жавоб:** Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Куръоннинг қалби Ёсиндир. Ким уни Аллоҳ розилиги ва охират диёрини истаб ўқиса, Аллоҳ таоло гуноҳларини кечиради. Уни ўликларингизга ўқинглар”, деганлар (*Имом Аҳмад, Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ривояти*).

Уламолар бу муборак сурани ўқиш вақти тўғрисида турли хил фикрлар айтишган. Баъзилар, ихтизор, яъни киши жон бериши вақтида ўқиласиди, у сабаб Аллоҳ таоло унинг жон беришини енгиллатади, дейишади. Чунки Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бирор оғир bemor вафот этиши яқинлашганида унинг ҳузурида Ёсин ўқилса, Аллоҳ унга (ўлимни) енгиллаштиради”, деб марҳамат қиласалар.


Баъзилар Ёсин сураси киши вафот этиб ювилганидан кейин ўқиласиди, дейишган. Куръон холисона ўқилиб,

савоби маййитга ҳадя қилинса, иншоаллох, унга манфаати етади.



**456. Савол:** Қуръони каримни Мадина босмасида кўрсатилган қоидаларига қараб ўқийман. Ундан бошқа қироат қоидаларини билмайман. Шундай ўқишида давом этаверсам бўладими?

**Жавоб:** Тажвид илмини ўрганиш фарзи айнdir. Аллоҳ таоло бундай буюради:



«...ва Куръонни “тартил” билан (дона-дона қилиб) тиловат қилинг» (Муззаммил, 4).

Тажвид Куръони каримнинг ҳар бир ҳарфини ўз ўрнидан чиқариш, чўзиш керак бўлган жойда ҳарфларни ўз миқдорида чўзишдир.

Ином Фаззолий “Куръон тиловатининг ҳаки унда тил, ақл ва қалбнинг иштирок этишидир”, деганлар. Яъни, Куръони каримни тажвид қоидаларига амал этиб, ихлос билан тиловат қилиш керак.


Тажвидни билмаган киши бирор ҳарф ёки ҳаракатни бошқасига алмаштириб ўқиб, сўз ва оят маъноларини ўзгартириб юбориши мумкин. Бу катта хато хисобланади. Намозда бўлса, намози бузилади. Шунинг учун тажвид илмини ўрганиш керак.

Тажвид илмини мустақил ўрганиш учун қўлланмалар нашр этилган.



**457. Савол:** Нима учун Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг аёллари мўминларнинг оналари дейилади?

**Жавоб:** Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган:



**«Пайғамбар мўминларга уларнинг ўзларидан меҳрибондир, унинг хотинлари уларнинг она-лариdir» (Аҳзоб, 6).**

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг аёллари, ҳурмат қилиш ва уйланиш ҳаромлиги бора-сида она ҳукмидадирлар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан кейин уларга бирор кишининг уйланиши мумкин эмас. Куръони каримда:

﴿ وَمَا كَانَ لَكُمْ أَنْ تُؤْذِنُوا رَسُولَ اللَّهِ وَلَا أَنْ تَنْكِحُوهُ أَزْوَاجَهُ، مِنْ بَعْدِهِ أَبْدًا إِنَّ ذَلِكُمْ كَانَ عِنْدَ اللَّهِ عَظِيمًا ﴾

**«Сизлар учун Аллоҳнинг пайғамбарига озор бериш ва ундан кейин аёлларига уйланишингиз асло мумкин эмасдир. Чунки бу Аллоҳ наздида улкан (гуноҳ)дир», дейилган (Аҳзоб, 53).**

Уларга қарашиб, улар билан ёлғиз қолиш, уларга мерос бериб, мерос олиш ва уларнинг қизларига уйланиш каби ҳукмларда бегона аёллар кабидирлар. Бегона эркаклар уларга қарашиб ва улар билан ёлғиз қолиши мумкин эмас.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мусулмонларга динда ота каби ҳисобланадилар. Мужоҳид бундай деган: «Ҳар бир пайғамбар умматининг отасидир. Шунинг учун мўминлар aka-укалардир». Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен сизлар учун ота кабидирман”, деганлар.



**458. Савол: Ҳазрат Мусо (алайҳиссалом) даврларида яшаган Фиръавн ким бўлган?**

**Жавоб:** Қадимда Мисрда подшоҳлик қилган ҳар бир ҳукмдор Фиръавн дейилган. Форслар ўз подшоҳларини “кисро”, румликлар “қайсар”, ҳабашлар “нажоший” деб аташган. Мусо (алайҳиссалом)

даврида яшаган Фиръавн ана шундай подшоҳлардан бири бўлган. Масъудий: “Фиръавн” сўзининг араб тилида муқобили йўқ”, деган. Мусо (алайҳиссалом) даврида яшаган Фиръавннинг исми ҳақида аниқ маълумот йўқ. У Ҳаққа итоат қилишдан бўйин товлади. Мусо ва Ҳорун (алайҳимуссалом) чақириқларини қабул қилмади, охироқибат сувга ғарқ бўлди. Аллоҳ таоло ибрат бўлиши учун унинг жасадини қуруқликка чиқарди. Фиръавннинг жасади ҳозир Британия музейида сақланмоқда.



#### **459. Савол: Қуръони карим қачон мусхаф шаклига келтирилган? Қандай тартибланган?**

**Жавоб:** Имом Аҳмад ривоят қиласиди: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Жаброил (алайҳиссалом)га Қуръони каримни бир йилда бир маротаба Рамазон ойида, умрларининг охирида эса икки маротаба хатм қилдилар. У Расулulloҳ (алайҳиссалом) олдиларига келиб: “Мана бу оятни мана бу ўринга, бунисини бу ўринга қўйинг”, деб айтар эди». Расулulloҳ (алайҳиссалом) ва баъзи саҳобалар нозил бўлаётган Қуръон оятларини ёдлаб боришарди. Шу билан биргага нозил бўлаётган оятларни котибларига ёзиб боришни буюрадилар. Улар оятларни хурмо пўстлоғига, териларга кўчиришар эди. Мана шу нусхаларнинг барчаси Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида тўпланди. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) даврларида тартибланди ва мўминлар онаси Ҳафса бинти Умар (розияллоҳу анҳо)нинг уйида сақланди. Усмон (розияллоҳу анҳу) шу нусхадан бир неча нусха кўчиририб, турли шаҳарларга жўнатганлар.

Қуръони карим оятларининг тартиби тавқифийdir, яъни оятларни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Жаброил (алайҳиссалом)нинг кўрсатмалариға биноан ўз ўрнига қўйганлар. Уламолардан бирорталари бу борада ихтилоф қилмаган. Усмон ибн Абул Ос

(розияллоҳу анҳу)дан Имом Аҳмад ривоят қилади. У зот айтадилар: «Мен Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларида эдим. Шунда кўзларини тик қаратиб: “Менга Жаброил келиб, мана бу оятни бу сура (Наҳл)нинг мана бу жойи (99-оят)га қўйишимни буюрди”, дедилар».

Жумҳур уламолар сураларнинг тартиби ҳам тавқифий дейишган.

Байҳақий бундай дейди: “Куръон сура ва оятлари Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида шундай тартибланган эди. Фақат Бароат сурасининг ўрни аниқ эмасди”. У охирги тушган сура бўлгани учун Расулуллоҳ (алайҳиссалом) унинг ўрнини айтмаган эдилар. Ҳазрат Усмон Анфол ва Бароат суралари мазмуни бир-бирига яқин бўлгани учун уни Анфол сурасидан сўнг қўйган.



#### **460. Савол: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг болалик пайтларида кўкраклари ёрилишининг ҳикмати нима?**

**Жавоб:** “Саҳиҳи Бухорий”, “Саҳиҳи Муслим” ва бошқа китобларда келтирилишича, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Исро ва Меърож воқеалари ҳақида хабар бериб, фаришталар у зотнинг муборак кўксини ёрганларини, қалбларини ювиб, уни нур ва ҳикматга тўлдиришганини айтганлар. Бошқа бир ривоятда эса, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) болалик пайтлари, Саъд қабиласига мансуб Ҳалима исмли аёлнинг қарамоғида юрган чоғларида фаришта келиб, кўксиларини ёрганини ва ичларидан бир қора нарсани олиб ташлаганини, фаришта бу нарса шайтоннинг насибасидир, деганини айтганлар. Ушбу воқеа ишончли йўллар билан собит бўлиб, унинг ривояти мутавотир даражасига етган. Бу воқеанинг ҳикмати Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-

ни шайтоннинг васвасасидан, йўлдан уришидан омон сақлаш, у зотдан шайтонни бутунлай узоқ қилишдир.



**461. Савол:** Жаннатнинг бир неча номлари хусусида эшитганман. Сиздан илтимос, жаннатнинг номлари ҳақида тушунча берсангиз.

**Жавоб:** Уламолар Қуръони карим оятларига асосланиб, жаннатнинг саккизта номи (даражалари) бор дейишади:

1. Фирдавс жаннати. «Албатта, имон келтирган ва эзгу ишларни қилган зотлар учун Фирдавс боғлари манзил бўлур» (*Каҳф*, 107).

2. Адн жаннати. «Аллоҳ мўминлар ва мўминаларга остидан анҳорлар оқиб турадиган, мангу яшайдиган Адн жаннат (боғ)ларидаги пок масканларни ваъда қилди. Аллоҳнинг ризоси эса, (ҳаммасидан) каттароқдир. Ана шу(лар) улкан ютуқдир» (*Тавба*, 72).

3. Маъво жаннати. «Қасамки, (Муҳаммад Жаброилни) иккинчи бор кўрди. (Жаннат) чеккасидаги Нилуфар олдида. Маъво жаннати ҳам ўша (Нилуфар)нинг олдидадир» (*Нажм*, 13–15).

4. Наъим жаннати. «Яна мени Наъим жаннатининг ворисларидан қилгин!» (*Шуаро*, 85).

5. Хулд жаннати. «(Эй Муҳаммад, уларга) айтинг: “Шу (дўзах) яхшироқми ёки тақводорларга ваъда қилинган мангуллик (Хулд) жаннатими?!” Улар учун (бу) мукофот ва натижа бўлур эди» (*Фурқон*, 15).

6. Қарор жаннати. «Эй қавмим, бу дунё ҳаёти факт бир (арзимас) матодир. Албатта, охиратгина (мангу) барқарорлик диёридир» (*Фоғир*, 39).

7. Дорус Салом. «Улар учун Парвардигорлари ҳузурида тинчлик диёри (жаннат) бордир. Килган (солих) амаллари сабабли, У уларнинг дўстидир» (*Анъом*, 127).

8. Дорул Муқома. «У Ўз фазли билан бизларни мангу турадиган диёрга туширдики, бу жойда бизларга на мاشаққат етар ва на чарчоқ етар» (*Фотир*, 35).



**462. Савол:** Отамиз Одам (алайхиссалом), онамиз Ҳавво бўлса, бугунги кунда ер юзида яшаётган етти миллиарддан ошик инсон нега ҳар хил тилларда гаплашади?

**Жавоб:** Саволингизнинг жавобини ушбу ояти карималардан топасиз: «Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишларингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик...» (*Хујурот*, 13).

«Унинг борлиги ва ягоналиги, далилларидан (яна бири) – осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизни хилма-хиллигидир. Албатта, бунда барча олимлар учун аломатлар бордир» (*Рум*, 22).

## **МУНДАРИЖА:**

*Сүзбоши ўрнида* ..... 3

### **Сўраган эдингиз I**

<i>Ақида масалалари</i> .....	9
<i>Таҳорат ва намоз масалалари</i> .....	23
<i>Закот, рўза, ҳаж ва умра масалалари</i> .....	43
<i>Турли ижтимоий долзарб масалалар</i> .....	51
<i>Никоҳ ва оила масалалари</i> .....	87
<i>Ислом тарихига доир масалалар</i> .....	109
<i>Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу)</i> .....	112
<i>Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу)</i> .....	113
<i>Ҳазрат Усмон (розияллоҳу анҳу)</i> .....	114
<i>Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)</i> .....	115
<i>Ҳазрат Талҳа ибн Убайдуллоҳ</i> (розияллоҳу анҳу).....	117
<i>Ҳазрат Зубайр ибн Аввом (розияллоҳу анҳу)</i> .....	118
<i>Ҳазрат Абдурраҳмон ибн Авф</i> (розияллоҳу анҳу).....	119
<i>Ҳазрат Саъд ибн Абу Ваққос</i> (розияллоҳу анҳу).....	120
<i>Ҳазрат Абу Убайда ибн Жарроҳ</i> (розияллоҳу анҳу).....	120
<i>Ҳазрат Саъид ибн Зайд (розияллоҳу анҳу)</i> .....	121

### **Сўраган эдингиз II**

<i>Ақида масалалари</i> .....	131
<i>Таҳорат ва намоз масалалари</i> .....	165
<i>Закот, рўза, ҳаж ва умра масалалари</i> .....	207
<i>Турли ижтимоий долзарб масалалар</i> .....	231
<i>Никоҳ ва оила масалалари</i> .....	271
<i>Ислом тарихига доир масалалар</i> .....	311

*Қайдлар* учун

*Қайдлар үчүн*

*Диний-маърифий нашр*

Усмонхон АЛИМОВ

## **СЎРАГАН ЭДИНГИЗ**

**I-II**

*Муҳаррирлар:* Муҳаммад Шариф ЖУМАН,  
Нўймон АБДУЛМАЖИД,  
Абдувоҳид ЎРОЗОВ,  
Толибжон НИЗОМОВ,  
Жамшид ШОДИЕВ

*Бадиий муҳаррир* Элнур НИЁЗ ўғли

*Саҳифаловчилар:* Толибжон ҚОДИРОВ,  
Наргиза МИРЗАЛИЕВА

*Мусахҳиха* Зебо ОМОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АI № 146. 2009. 14. 08.

Босишга 2019 йил 22 майда рухсат этилди. Офсет қофози. Қофоз бичими  
60 x 90  $\frac{1}{16}$ . Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма усули.  
Ҳисоб-нашириёт т.: 24. Шартли б.т.: 24 Адади: 5000 нусха.  
\_\_\_\_\_ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.  
Нашриёт манзили: 100069, Тошкент шаҳар  
Зарқайнар 18-берккӯча 47а-үй.  
Электрон почта: [m-nashr@mail.ru](mailto:m-nashr@mail.ru).  
Тел: (0-371) 227-34-30

«Sano-Standart» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,  
Широқ кўчаси, 100-үй.